

# ТУРКИСТОН

## МУХТОРИЯТИ ТАРИХИ

7-нчи ўқув йили 1975 йили 1-кўрсаткичи

تاریخ تاجیکستان



اعلان

Ташкил қилувчи: Ўзбекистон Республикаси тарих ва маданият қўشма қўмитаси  
Ўзбекистон Республикаси тарих ва маданият қўшма қўмитаси  
Ўзбекистон Республикаси тарих ва маданият қўшма қўмитаси

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТАРИХИНИНГ XX АСРДАГИ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ҚАҲРАМОН РАЖАБОВ

# ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ТАРИХИ

Тўлдирилган ва қайта ишланган  
иккинчи наشري



“ФАН” нашриёти  
Тошкент – 2023

УДК: 94(575.1)

ББК: 63.3(5Ў)

P 17

*Масъул муҳаррир*

Азамат Зиё – тарих фаълари доктори, профессор

*Тақризчилар:*

Сандакбар Аъзамхўжаев – тарих фаълари доктори, профессор  
(Ўзбекистон)

Хазретали Турсун – тарих фаълари доктори, профессор (Қозоғистон)

Мазкур монографияда Туркистон Мухторияти тарихи масалалари: минтака тараққийпарварларининг мухториятчилик харақати, 1917 йилда ташкил топган миллий сўёсий жамиятлар ва ташкилотлар (“Шўроийн Исломиа”, “Уламо” жамияти, “Турон”, Турк Адами Марказият Федералистлар фиркаси ва б.) ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукумати (1917 йил 27 ноябрь – 1918 йил 22 февраль) фаолияти, мухторият вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзоларининг ҳаёти ва тақдири ёритилган. Муаллиф кўп йиллик илмий излавишлари натижасида тарихимизда ҳозиргача деярли ўрганилмаган мавзу – мухторият ҳукумати ва дастлабки парламент аъзоларининг ҳаёти ва фаолиятини синчковлик билан тадқиқ этган. Асар архив ҳужжатлари, ўша давр матбуоти материаллари, замондошларининг хотиралари ҳамда тарихий адабиётларининг таҳлили асосида яратилган.

Китоб Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолияти ҳамда Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

*Мазкур монография Ўзбекистон ФА Тарих институти Илмий кенгашининг 2023 йил 30 мартдаги №3-қарори баённомасига асосан нашр этилди.*

# МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ .....7

## I БОБ. ТУРКИСТОНДА МУХТОРИЯТЧИЛИК ҲАРАКАТИ (1917 йил февраль - ноябрь)

1.1. Туркистонга Россия Февраль инқилобининг таъсири.....	13
1.2. “Шўройи Исломия” жамияти ва бошқа миллий снёсий ташкилотлар фаолияти.....	18
1.3. Мухториятчилик ҳаракати ёки Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Краймуссовет) фаолияти .....	32
1.4. “Шўройи Уламо” ёки “Уламо” жамияти тарихига бир назар .....	36
1.5. “Турон” жамияти ва Турк Адами Марказият (Федералистлар) фирқасининг тузилиши.....	47
1.6. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети (Турккомитет) ишлари .....	69
1.7. Бутунтуркистон ўлка мусулмонлари курултойлари ва уларнинг аҳамияти .....	74
1.8. Октябрь тўнтариши ҳамда большевикларнинг Туркистонда ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаши ....	82

## II БОБ. ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ҲУКУМАТИ ФАОЛИЯТИ (1917 йил 27 ноябрь – 1918 йил 22 февраль)

2.1. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташкил топиши .....	95
--	----

2.2. Туркистон Миллат Мажлиси ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукумати таркиби .....	102
2.3. Мухторият ҳукуматига Туркистон жамоатчилигининг муносабати .....	107
2.4. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг фаолияти... ..	122
2.5. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг совет хокимияти томонидан тор-мор этилиши ҳамда Кўкондаги қирғинлар .....	127
2.6. Мухториятнинг тарихий сабоклари .....	145

### **III БОБ. МУХТОРИЯТ ҲУКУМАТИ ВАЗИРЛАРИ ҲАМДА МИЛЛИЙ МАЖЛИС АЪЗОЛАРИ ҲАЁТИ ВА ТАҚДИРИ**

<b>3.1. Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирлари ҳаёти .....</b>	<b>149</b>
<i>Муҳаммадҷон Тинишбоев .....</i>	<i>149</i>
<i>Ислам Султон Шоаҳмедов .....</i>	<i>151</i>
<i>Мустафо Чўқай .....</i>	<i>154</i>
<i>Убайдулла Ҳўжаев .....</i>	<i>162</i>
<i>Ҳидоятбек Юрали Агаев .....</i>	<i>164</i>
<i>Обидҷон Маҳмудов .....</i>	<i>165</i>
<i>Абдураҳмонбек Ўразаев .....</i>	<i>167</i>
<i>Саламон Герцфельд .....</i>	<i>170</i>
<i>Носирхон Тура .....</i>	<i>171</i>
<i>Саидносир Миржалилов .....</i>	<i>175</i>
<i>Миродил Мирзааҳмедов .....</i>	<i>176</i>
<i>Кичик Эргаш .....</i>	<i>177</i>
<i>Мағди Чанишев .....</i>	<i>179</i>
<i>Рафаэль Потеляхов .....</i>	<i>180</i>
<i>Яқуб Вадьяев .....</i>	<i>181</i>
<i>Сион Вадьяев .....</i>	<i>182</i>

Туркистон Мухторияти ҳукумати ва шоир Завқий...	184
<b>3.2. Туркистон Миллий Мажлиси аъзолари</b>	
<b>фаолняти</b> .....	188
Убайдулла Хўжаев .....	193
Мустафо Чўкай.....	193
Тошпўлатбек Норбўтабеков .....	193
Садриддинхон Шарифхўжаев.....	195
Кўнғирхўжа Ҳожинов.....	197
Исматулла Убайдуллин.....	199
Саидносир Миржалилов .....	199
Шерали Лапин.....	199
Саид Жаъфарбой Саидов.....	201
Ислом Султон Шоаҳмедов .....	201
Абдураҳмонбек Ўразаев .....	202
Ҳидоятбек Юрали Агаев .....	202
Носирхон Тўра .....	202
Миродил Мирзааҳмедов.....	202
Тошхўжа Ашурхўжаев.....	202
Абдулқодир Кушбеғиев .....	203
Обиджон Маҳмудов .....	205
Жамшидбой Қорабеков .....	205
Соломон Абрамович Герцфельд .....	205
Абдусамад Адбусалимов .....	205
Убайдулла Дербисалин.....	205
Муса Акчурин.....	206
Мустафо Мансуров .....	207
Маҳмудхўжа Бехбудий .....	208
Иброҳим Далшин .....	210
Муҳаммадҷон Тинишбоев .....	210
Халил Ширинский .....	210
Толибжон Мусабоев.....	210
Камол Раҳмонбердиев [Камол Қози].....	211

Олимхонтўра Шокирхонтўраев .....	213
Собиржон Юсупов .....	215
Одилжон Умаров .....	217
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>218</b>
<b>Фойдаланилган манба ва</b>	
<b>адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>227</b>
<b>Илова.....</b>	<b>242</b>

*Туркистонда мухторият учун курашган тараққий-  
нараварларнинг порлоқ хотирасига бағишланади.*

**Муаллиф**

## СЎЗБОШИ

Ўзбекистонда сўнги 30 йилдан ортиқ вақт ичида Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тарихи ҳамда мухториятчилик, жадидчилик ва истиқлолчилик ҳаракатлари ҳақида кўплаб тарихий тадқиқотлар яратилди. Бу тадқиқотларда 1917 йили Туркистонда юз берган муҳим сиёсий ўзгаришлар, ўлка халқларининг мухторият учун кураши, Россияда юз берган Февраль инқилоби ва Октябрь тўнтаришининг минтақа халқлари ҳаётига таъсири ва унинг оқибатлари, Туркистондаги миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар фаолияти, Тошкентда большевиклар ва сўл эсерлар томонидан совет ҳокимиятининг мажбуран ўрнатилиши, Қўқон шаҳрида ўтказилган Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулудда IV қурултойида Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташкил қилиниши, бу ҳукуматнинг худди Париж Коммунаси сингари 72 кунлик фаолияти, қизил гвардиячи отрядлар ва дашноқ дружиналари томонидан Қўқоннинг конга ботирилиши ҳамда мухторият ҳукуматининг зўравонлик билан тугатилиши, совет режими ва қизил армияга қарши аввал Фарғона водийсида, сўнгра бутун Туркистон минтақасида кўтарилган умумхалқ миллий озодлик қуроли кураши – истиқлолчилик ҳаракати тарихи батафсил тадқиқ этилди.

Германияда муҳожирликда яшаган наманганлик ватандошимиз Боймирза Ҳайит (1917-2006) ўзининг 1950 йили Мунстер университетида химоя қилган докторлик



диссертациясида Қўкон Мухторияти (Туркистон Мухторияти) ва Алаш Орда ҳукумати фаолиятини илк марта ёритган. У ўзининг бошқа асарларида<sup>1</sup> ҳам бу мавзуга тўхтаб ўтади.

Ўзбекистонда тарихчи олимлардан Раъно Ражапова, Равшан Абдуллаев, Марат Ҳасанов Туркистон Мухторияти ҳамда 1917 йили Туркистондаги миллий сиёсий партиялар фаолияти ҳақида ҳали совет режими мавжуд бўлган давр – XX аср 80-йиллари охирларида дастлабки мақолаларни эълон қилишди. Хусусан, профессор Саидакбар Аъзамхўжаевнинг<sup>2</sup> докторлик диссертацияси ҳамда ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган махсус монографияси Туркистон Мухторияти ҳукуматининг фаолиятига бағишланди.

1999 йил 16-18 октябрда Тошкент шаҳрида “Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, таракқиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик)”<sup>3</sup> мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Ўзбекистон ФА Тарих институтида 2000 йилда А.Мингнароров миллий матбуотда Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатининг ёритилиши мавзусида, 2010 йилда С.Мадьярова Туркистон Мухторияти тарихшунослиги мавзусида

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Доктор Боймирза Ҳайит*. “Босмачилар”: Туркистон миллий кураши тарихи (1917–1934). Таржимонлар: Р.Шамсутдинов, Ш.Болтабоев. – Тошкент: Akademnashr, 2023. – 376 бет.

<sup>2</sup> Қаранг: *Аъзамхўжаев С.С.* Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917–1918 гг.): Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1996; *Аъзамхўжаев С.* Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: “Маънавият”, 2000; *Аъзамхўжаев С.* История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). – Ташкент: Изд. Тошкент ислом университети, 2006.

<sup>3</sup> Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, таракқиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари (1999 йил 16-18 сентябрь, Тошкент). - Тошкент: “Маънавият”, 2001

номзодлик диссертацияларини<sup>4</sup> ҳимоя қилди. Шунингдек, ушбу сатрлар муаллифи 2017-2018 йилларда Қозоғистоннинг Туркистон, Чимкент, Алмати, Астана, Тароз, Қизилўрда, Толдиқўрғон, Ўрол шаҳарлари ҳамда Тошкентда ўтказилган турли халқаро конференцияларда Туркистон Мухторияти ҳукумати ва Алаш Ўрда ҳукумати аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маърузалар қилди.

2017 йил 12 октябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ҳамда “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди ўзаро ҳамкорликда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинганлигининг 100 йиллигига бағишланган “Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли”<sup>5</sup> мавзунда республика илмий-амалий анжумани ўтказилган эди. Ушбу анжуманда камина “Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирларининг фаолияти ва кейинги тақдири” номли маъруза қилишга муяссар бўлди.

2022 йилда “O‘zbekiston tarixi” jurnalining махсус сони Туркистон Мухторияти ҳукумати тарихига бағишланди. Журналда профессор *Азамат Зиё*нинг “*Миллий матбуот Туркистон Мухторияти ҳақида*”<sup>6</sup> номли йирик мақоласи эълон қилиниб, унда 1917–1918 йилларда миллий матбуотда мухториятчилик ҳаракати ҳақида эълон қилинган мақолалар жорий имлода қайта

<sup>4</sup> *Мингнароев А.Т.* Вопросы национально-освободительного движения в национальной периодике (февраль 1917 – середина 1918 гг.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2000; *Мадьярова С.Н.* Историография Туркестанской автономии (1917–2008 гг.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2010.

<sup>5</sup> Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017.

<sup>6</sup> *Азамат Зиё.* Миллий матбуот Туркистон Мухторияти ҳақида // “O‘zbekiston tarixi” jurnali (Тошкент). 2022. №4. 154-245-бетлар.

чоп этилди. Шунингдек, яқинда Туркистон Мухторияти тарихига онд архив хужжатлари<sup>7</sup> ҳам эълон қилинди.

Бундан ташқари 2023 йил 17 майда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қатагон курбонлари хотираси давлат музейи ва Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ўзаро ҳамкорликда ўтказган *“Янги Ўзбекистон тарихишунослигида Туркистон Мухторияти тарихининг ўрганилиши: янгича ёндашув ва тадқиқотлар”* мавзундаги республика илмий-амалий конференциясида ушбу сатрлар муаллифи ҳам катнашиб, *“Туркистон Мухторияти ҳукуматининг совет ҳокимияти томонидан тор-мор этилиши”* номли маъруза қилди.

Бироқ ҳозиргача Ватан ва хорижий тарихшуносликда Туркистон Мухторияти ҳукумати ҳамда Миллий Мажлис аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг ўзгариш қисмати ёритилган махсус тадқиқот яратилган эмас эди. Бу ҳолат қанчалик таажжубланарли бўлмасин, бироқ ҳақиқий аҳвол ана шундай бўлган.

Тарихимиздаги ушбу кемтикни тўлдириш учун бу сатрлар муаллифи томонидан 2017 йил августда мазкур китобнинг асоси бўлиб хизмат қилган дастлабки қисми ёзилган эди. Ўша пайтда мен бу тарихий рисола Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил топганлигининг 100 йиллигига атаб нашр қилмоқчи бўлдим. Бироқ Ўзбекистонда 2017 йили ва ундан кейин ҳам Туркистон Мухторияти ҳукумати ва XX аср бошларида Туркистонда кечган бошқа йирик сиёсий ҳодисаларга муносабат мужмал ва мавҳум бўлганлиги натижасида бир қатор нашриётлар китоб қўлёзмасини чоп этишни хоҳламади. Мухторият-

---

<sup>7</sup> История Туркестанской автономии в архивных документах (по материалам Ферганского областного государственного архива). Составитель, предисловие, комментарии и примечания Р.Арслонзода. – Фергана: Classic, 2022.

нинг юз йиллик тўйини биров билиб, биров билмай индамасдан 2017-2018 йилларда ўтказиб юбордик...

2021 йил март ойида ушбу сатрлар муаллифининг “Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири”<sup>8</sup> номли монографияси атиги 250 нусха босилиб чиқди. Бу китобча тез орада Ўзбекистон ва қўшни давлатларда катта акс-садо берди, натижада унинг тўлдирилган ва қайта ишланган вариантини тайёрлаш имконияти тугилди. Бу орада Тарих институти директори ва “O‘zbekiston tarixi” jurnali<sup>9</sup>нинг бош муҳаррири профессор Азамат Зиёнинг ташаббуси билан каминанинг “Туркистон Мухторияти тарихи”<sup>9</sup> йирик мақоласи 2023 йил баҳорида журналда босилди. Журналнинг ўша сонидан яна бош муҳаррирининг 1917–1918 йиллари миллий матбуотда Туркистон Мухторияти ҳақида билдирилган фикрлар ҳақидаги мақоласи<sup>10</sup> ҳам эълон қилинди.

2023 йил 22 февралда Туркистон Мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан ағдариб ташланганлигига роппа-роса 105 йил тўлди! Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносидан янги ҳисоб билан 1918 йил 22 февралда (эски ҳисоб билан 9 февралда) большевиклар томонидан тайёрланган “тинчлик шартномаси” имзоланган эди. Биз 100 йилдан ортиқ вақт давомида Туркистон халқларининг мухторияти учун (мустақиллик учун эмас!) курашган мухториятчилар ва тараққийпарварлар фаолиятини, хусусан, Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирлари ҳамда Туркистон Миллий Мажлиси аъзоларининг

<sup>8</sup> Қаранг: Қ. Ражабов. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Bodomzorg invest, 2021. – 92 бет.

<sup>9</sup> Қаранг: Қ. Ражабов. Туркистон Мухторияти тарихи // “O‘zbekiston tarixi” jurnali (Тошкент). 2022. №4. 60-153-бетлар.

<sup>10</sup> Азамат Зиё. Миллий матбуот Туркистон Мухторияти ҳақида // “O‘zbekiston tarixi” jurnali (Тошкент). 2022. №4. 154-245-бетлар.

фожнали ўлими билан якунланган аянчли тақдир ва қисматни деярли ўрганмадик.

“*Туркистон Мухторияти тарихи*” номли ушбу монография уч бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда Туркистонда 1917 йил февраль-ноябрь ойларида мухториятчилик ҳаракатининг тадрижий ривожланиши ва тараққийпарварлар фаолияти, иккинчи бобда Туркистон Мухторияти ҳукуматининг 1917 йил 27 ноябрь – 1918 йил 22 февралдаги қисқа ва ёрқин фаолияти, учинчи бобда эса мухторият ҳукумати вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири ёритилади.

*Тошкент шаҳри. 2023 йил 23 май.*

# І БОБ. ТУРКИСТОНДА МУХТОРИЯТЧИЛИК ХАРАКАТИ (1917 йил февраль-ноябрь)

## 1.1. Туркистонга Россия Февраль инқилобининг таъсири

XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг асосий қисми мустамлака сифатида Россия империяси таркибида бўлган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги эса ўз худудининг муайян қисмини бой берган ҳолда рус давлатига қарам эдилар<sup>11</sup>.

Маркази Тошкент шаҳри бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги XX аср бошларида Россияда юз берган муҳим ижтимоий, сиёсий ва ҳарбий воқеалар гирдобига тортилиши табиий эди. 1914 йил ёзида бошланган Биринчи жаҳон урушида Россия империясининг Антанта давлатлари билан биргаликда Германия ва Австрия-Венгрия империясига қарши кураши ва шарқий фронтдаги муваффақиятсизликлар фронтдан анча узок бўлган Туркистон ўлкасига ҳам катта таъсир кўрсатди. 1916 йил ёзи ва кузида Туркистонда мардикорчиликка қарши кўтарилган халқ кўзғолони бутун минтақани камраб олди<sup>12</sup>. Россия империясига қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракати мағлубиятга учраган бўлса ҳам у туркистонликлар қалбида зулмга қарши нафратни кучайтирди ҳамда эрк ва озодликка қарши янги курашларга даъват этди.

<sup>11</sup> Бу ҳақда қаранг: *Ражабов Қ.* Туркистон Мухторияти тарихи // “O‘zbekiston tarixi” jurnali (Тошкент). 2022. №4. – Б. 60-153.

<sup>12</sup> Қаранг: *Зиёев Х.* Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш Тошкент: Шарқ, 1998. – 480 бет, *Ҳана муҳлиф.* Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. Тошкент: Шарқ, 2001. – 448 бет ва б.

1917 йил 28 февраль кунни эрта саҳарда Россия императори Николай II (1868–1918) ҳарбий қароргоҳи бўлган Могилёвдан пойтахт Петроградга жўнаб кетди. Бу кунларда Петроград шаҳрида инқилобий жараёнлар авж олган, юз минглаб ишчилар мавжуд ҳокимиятга қарши норозилик намойишлари ва митингларда қатнашмоқда эди. 27 февралда амалда Петроградда подшо ҳокимиятни мавжуд бўлмаган. 1 мартга ўтар кечаси Петроград яқинидаги Малая Вишера станциясига етиб келган подшо поездни пойтахтга кира олмай, ўша кунни кечкурун Шимолӣ фронт штаби жойлашган Псков шаҳрига етиб келди. 1 март кунни Давлат Думасининг муваққат комитети томонидан Муваққат ҳукумат ташкил қилинди. Князь Г.Е. Львов<sup>13</sup> бошчилигидаги Муваққат ҳукумат 2 мартдан бошлаб Россияда ҳокимиятни бошқаришга киришди. Петрограддан А.И. Гучков ва В.В. Шульгин император билан музокаралар олиб бориш учун бу ерга етиб келди. Россияда қон тўкилишини хоҳламаган Николай II ҳокимиятдан кетишга қарор қилди. Россия императори Николай II 1917 йил 2 март соат 23:40да ўз ихтиёри билан укаси Михаил фойдасига тахтдан воз кечганлиги ҳақидаги манифестга имзо қўйди<sup>14</sup>. Михаил ҳам Таъсис мажлиси ўз қарорини қабул қилмагунча тахтдан воз кечди. Шу тариқа, рус давлатини 300 йилдан ортиқ бошқариб келган романовлар сулоласининг<sup>15</sup>

<sup>13</sup> *Георгий Евгеньевич Львов* (1861–1925) – рус сиёсатчиси ва давлат арбоби. Россия Муваққат ҳукумати биринчи Бош вазир (1917 йил март-июль).

<sup>14</sup> История России. С древнейших времен до наших дней. Под редакцией А.Н. Сахарова. – Москва: Проспект, 2014. – С. 587-580.

<sup>15</sup> *Романовлар сулоласи* – Россияни 1613–1917 йилларда бошқарган подшолар (1721 йилдан императорлар) сулоласи. Романовлардан чиққан биринчи подшо: Михаил Федорович; биринчи император: Пётр I; сўнги император: Николай II (ҳукмронлик даври. 1894–1917). Туркистон Россия императори Александр II (ҳукмронлик даври. 1855–1881) даврида босиб олишган эди.

хокимияти тугаб, Россияда минг йил кечган тож-тахт ҳукмронлигига чек қўйилади.

Хуллас, Россияда деярли қон тўкилмасдан Февраль инқилоби ғалаба қозонди. Россияда икки ҳокимиятчилик вужудга келди. Муваққат ҳукумат ҳамда ишчи, солдат ва крестьян депутатлари Советлари сиёсий жараёнларни бошқариш учун ўзаро кураш олиб бордилар. 1917 йил 1 сентябрда Россия республика деб эълон қилинди<sup>16</sup>. Кейинчалик большевиклар зўравонлик билан Россияда ҳокимиятни эгаллаб олишди.

Петроградда бошланган кескин сиёсий ўзгаришлар унинг мустамлакаси бўлган Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузила бошланди. Афсуски, бу ердаги солдат ва ишчилар тинч аҳоли ўртасида хотиржам ва тинчликни сақлаб қолишдан манфаатдор эмас эди. Февраль инқилобидан кейин Туркистонда юзага келган ушбу вазиятни Марказдан бу ерга юборилган большевиклар партияси раҳбарларидан бири Георгий Сафаров<sup>17</sup> (1891–1942) қуйидагича кўрсатади: “Бу ердаги солдат ва ишчилар оммасига рус мустамлакаси ҳукмронлигидан ички осойишталик, фуқаролар тинчлиги” ва “миллий бирлик”ни сақлашнинг ҳеч қандай маъноси йўқ эди. Ўзини “демобилизация қилган” ва кейинчалик “қизил гвардиячи”ларга айланган солдатлар мусулмонларнинг юқори қатлам-

<sup>16</sup> Ратьковский И.С., Ходяков М.В. История советской России. – Санкт-Петербург: Лань, 2001. – С. 26.

<sup>17</sup> Георгий Сафаров (1891–1942) – рус инқилобчиларидан бири, совет давлати ва коммунистик партия арбоби. У 1919 йил ноябрда Туркистонга келиб, Туркистон АССР ва БХСРни советлаштириш жараёнида гайрат кўрсатган. 1920 йил ёзида РКП(б) МК Туркистон бюроси аъзоси ва раис ўринбосари. БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаевнинг қатъий талаби билан 1921 йил бошларида Бухородан Москвага чақириб олинган. Кейинчалик совет давлати томонидан қатагон қилинган.



ларин, уламо ва бойларин билан “алоқани йўқотмаслик” канилтилган мустамлакачин маъмурият томонидан ўзига ваъда қилинган кулай турмуш шароитини маҳаллий аҳолинини талаш эвазига қўлга киритди. Рус келгиндиларини тўғрисида ҳатто гапирмаса ҳам бўлади: Февраль инкилобидан бошлаб улар кишлок ва овулларга худди ўз ҳамёнлариндек хўжайинлик қила бошладилар. Агар “солдат истеъмолчин коммунизмин” тўғрисида гапириш мумкин бўлса, бу айнан шу ерда, чоризм мустамлакасинда юз берган эди”<sup>18</sup>.

Россияда подшо (самодержавие) ҳокимиятининг ағдарилганлигини тўғрисидагини дастлабки хабар – “жанг билан қўлга киритилган ғалаба ҳақидагини биринчини телеграммалар”<sup>19</sup> 1917 йил март ойини бошларинда Тошкентдан ташқарини Туркистоннинг бошқа шаҳарларига ҳам телеграф орқали тезлик билан тарқала бошладини. Бу воқеа Туркистондагини жамоатчиликни ҳам кучли даражада тўлқинлантириб юборди, ҳатто бу инкилобий ходисаларга у қадар қизиқмаган маҳаллий аҳолининг бир қисмин, хусусан, Тошкентдагини эски шаҳар аҳолисини ўртасинда ҳам бўлаётган воқеалар катта қизиқиш уйғотди. Кўплаб жойларда бир неча минг кишини қатнашган митинг ва намойишлар бўлиб ўтди.

Петроградда бўлган воқеалар, янги ҳокимият тузилмаларини барпо этиш, Муваққат ҳукуматнинг дастлабки қонун актларини Россияда кўп асрлик мустабид ҳокимиятнинг ҳукмронлигини асосларига дарз кетаётганлигини ҳамда демократия томон дастлабки қадамлар ташланаётганлигини бутун дунёга маълум қилди.

<sup>18</sup> Сафиров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). Москва: Госиздат. 1921. – С. 67.

<sup>19</sup> Қараг: Ражабов К. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзоларини ҳаёти ва тақдирини. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021. – Б. 88-89.

Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги, империя худудида яшовчи турли халқлар, синфлар, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар Февраль инқилобини баланд рух билан қабул қилдилар ва уни қўллаб-қувватладилар. Ғалаба шавқ-завқи, озодлик, тенглик ва мустақиллик шиорлари жамоатчилик кайфиятини кўтариб юборди, халқларнинг орзу-умидларини тиклади, уларнинг онгини оширди. Ўз турмушини демократик асосда қайта қуриш, ўз давлатини идора қилишда бевосита қатнашиш истаги уларнинг ижтимоий ижодкорлигини фаоллаштириб юборди<sup>20</sup>.

1917 йил баҳори Туркистон ўлкасининг мусулмон аҳолисини сиёсий жиҳатдан уйғотишда, авж олаётган демократик жараёнларга бошчилик қилиш муддаоси бўлган янги кучларнинг сиёсий майдонга чиқишида бурилиш нуқтаси бўлди. Жаҳидлар вужудга келаётган миллий демократик кучларнинг ўзаги бўлишди, улар бу вазифани бажаришга ўзларининг илгариги фаолияти давомида жиддий тайёргарлик кўрган эдилар. Улар ўлка туб халқларининг тараққиёти ва мустақиллиги тўғрисидаги ўз ғояларини Туркистондаги демократик инқилоб билан боғлаб, ўзлари эълон қилган тамойилларни амалга оширишга фаол киришдилар. Авж олиб бораётган демократик жараёнларда туб халқлар сиёсий манфаатларининг устуворлигини ҳимоя қилиш улар фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берди. Бу ҳол маҳаллий ҳокимият тузилмаларини шакллантириш чоғида анча тўлиқ намоён бўлди.

---

<sup>20</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б 22.

## 1.2. “Шўройи Ислония” жамияти ва бошқа миллий сиёсий ташкилотлар фаолляти

Туркистон ўлкасининг мусулмон аҳолиси ҳам фаол сиёсий кураш жабҳасига тортилди. 1917 йилнинг март – апрель ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилдиш даври бўлди. Туркистонда вужудга келаётган миллий демократик кучларнинг етакчиси тараккийпарварлар, яъни жадидлар бўлиб қолди. Улар ўзларининг аввалги бутун фаолляти билан шу вазифага тайёрланган эдилар. Жадидлар Февраль демократик инкилобига, шу инкилоб эълон қилган тамойилларга қатта умидлар боғлаб, унинг ғоялари ва шiorларини амалга оширишга фаоллик билан киришдилар. Шу даврда улар халқ онги-шуурида жипслашиш, миллий бирликни мустаҳкамлаш эҳтиёжини уйғотиш бобинда муҳим қадамлар қўйишга муваффақ бўлдилар.

Муаммога шу жиҳатдан ёндашганда Туркистон тараккийпарварларининг ижтимоий-сиёсий жамияти ёки ташкилоти бўлган «Шўройи Ислония» (“Ислон кенгаши”) жуда муҳим ўрин тутган. «Шўройи Ислония» 1917 йил 14 мартда Тошкент шаҳрида тузилди. Ташкилотга “Турон” жамияти томонидан чақирилган мажлисга асос солинди. Ташкилотга дастлаб Абдулвоҳидқори Абдурауфқори ўғли<sup>21</sup>, кейинчалик

<sup>21</sup> *Абдулвоҳидқори Абдурауфқори ўғли* (1856–1938) – Туркистондаги таниқли олим, йирик жамоат ва дин арбоби. Тошкент шаҳрида туғилган.

Тошкентдаги Кесаққўргон ҳамда Бухородаги Эрназарбий мадрасаларида билим олган. Она тилидан ташқари араб, форс, турк ва рус тилларини яхши билган. 1907 йил январ ойида Тошкент шаҳридан Россия II Давлат думасига депутат қилиб сайланган. Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатига қарши чиққани учун 1909 йили қамоққа олинган ҳамда Россиянинг Тула губерниясига беш йилга сургун қилинган. 1913 йил апрелда сургундан қайтиб, Тошкентдаги Абдумавлонбой масжидида имомлик қилган. 1917 йил Феврал инкилобидан кейин Абдулвоҳид-

Убайдулла Хўжаев ранс қилиб сайланган. Ташкилот фаолиятида Мунавварқори Абдурашидхонов<sup>22</sup>, Садрид-

қори тараққийпарварлар ва жадидлар билан ҳамкорлик қилган. “Шўроён Исломия” жамиятининг асосчиларидан бири ва раиси. Тошкент диния нazorати раиси (1919). Хоразм ва Бухородаги инқилобий воқеаларга жалб қилинган (1920–1921). Туркистон АССР Олий суди ҳайъати аъзоси (1921–1922). “Маҳкамафин шаръия” идораси раиси (1922–1923).

Ҳижознинг Макка шаҳрида бўлган бутун дунё мусулмонлари қурултоғида совет мусулмонлари ҳайъати таркибида қапнашган (1926). Совет режими томонидан бир неча марта қамоққа олинган. Дастлаб Қозоғистон АССРга чақириб олиниб, бу ерда олти ой қамоқхонада сақланади (1933). Тошкентга қайтгач, фақат тоат-ибодат билан шугулланади ҳамда Ширинқудук маҳалла масжидида имомлик қилади. “Мусулмон руҳонийлари ниси” айблови билан 1937 йил 9 августда Тошкентда яна қамоққа олинади. Оғир кийноқлар ҳамда уч ўғли: Босит, Бонс (у Олтой сифатида машҳур бўлган) ва Мақсуд Қориевнинг қамоққа олиниши билан руҳан қаттиқ азоб чеккан Абдулвоҳидқори 1938 йил 12 январда 82 ёшида Тошкент қамоқхонасида жон берган.

“Возик ат-тажвид” китоби илк бор 1903 йили ва сўнг бир неча марта Тошкентда нашр қилинган.

<sup>22</sup> *Мунавварқори Абдурашидхонов* (1878 – 1931) – Туркистон жадидчилик ҳаракатининг ёркин намояндаси, табиқли жамоат ва маориф арбоби.

Тошкентдаги Дархон маҳалласида мударрис оиласида тутилган. Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган (1885 – 1890). Бироқ оилавий шароит тўғрисида ушунга тўғри Тошкентга қайтиб, имомлик ва муаллимлик билан шугулланган, шунингдек, Эшонқули долҳоқ мадрасасида таҳсилни давом эттирган. 1901 йили Тошкентда усули жадид мактабини очиб, ўзи муаллимлик қилган. Жадид мактаблари учун кўплаб дареликлар ва бошқа китоблар ёзган 1906–1908 йиллари чоп этилган “Хурийд”, “Шуҳрат”, “Тараққий”, “Тужжор”, “Осиё” газеталарида фаол қапнашган. Сўнгра “Садоён Туркистон” (1914 – 1915) газетаси масъул муҳаррир ўринбосари, “Ал-Ислоҳ” (1915 – 1917) журнали муҳаррири, “Нажот” ва “Кенгаш” газеталарида (1917) масъул муҳаррир. Мунавварқори Абдурашидхонов мактабчилик ва пошвичиликдан ташқари, Туркистондаги турли жамият ва уюшмалар ташкилотчиси ҳам бўлган. “Турон” уюшмаси ва “Турон” театри асосчиларидан бири (1917). “Туркистон кутубхонаси”, “Умид”, “Мактаб” (1914), “Кўмак” (1921) жамиятлари асосчиси. “Шўроён Исломия” жамиятини тузишда ҳам фаол қапнашган ва раис ўринбосари бўлган (1917 йил март). Тошкент шаҳар думаси аъзоси (1917). Мухториятчилик ҳаракатининг йирик намояндаси ўларок Туркистон Мухториятини қаттиқ қўллаб-қувватлашда, негадир ҳукумат фаолиятига жалб қилинмаган.

Туркистонда большевиклар томонидан зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилгач, Мунавварқори Абдурашидхонов маориф жабҳасида ўз фаолиятини давом эттирган. Тошкент Эски шаҳар маориф мудирини,

динхон Шарифхўжаев, Махмудхўжа Бехбудий,  
Мустафо Чўкай, Аҳмад Заки Валидий<sup>23</sup>, Ислон Султон

Туркистон АССР Маориф халқ комисарлигида Турк бўлими мудирин ва иш юритувчисин, Туркистон халқ доринфунузин асосчисин ва биринчи ректорин (1918–1919). Бокуда ўтган Шарқ халқларин қурултойин қатнашчисин, Шарқ халқларин ҳамкорлигини ва тарғибот кенгаши аъзосин (1920 йил сентябр). БХСР Маориф халқ нозирлигида Вақф бўлими бошлигини (1920–1921). Бухорода “Миллий иттиҳод” (1919–1925) ташкилотин фаолиятинин янгила асосда йўлга қўйган (бу ташкилот Мунавварқорин Абдурашидхонов ва Садриддинхон Шарифхўжаев томонидан 1919 йили Тошкентда тузилган эди). Мунавварқорин Абдурашидхонов Тошкентта чакриб олининб, “Ориф Каримий ва Садриддинхон иши” бўйича 1921 йил 30 мартда чекистлар томонидан қамоққа олинган. Бирок саккиз ойдан сўнг болшевиклар унинг “туноҳидан ўтиб”, 3 декабрда қамоқдан озод этилган.

Мунавварқорин “Нашир маориф” жамиятин асосчисин ва раис ўринбосарин (1923) Навоий мактабин, Наримонов номидаги педагогика техникумин, Аёллар маориф институтинда муаллимлик қилган (1923–1925). “Ўзбекча тил сабоқлигини” дарслигин халқсозлигини (1925–1926). Ўзбекистон осорин-атиқаларини ва маданиятинин сақлаш қўмитасининг Самарқанд музейин ходимин, шу қўмитанин Тошкент – Фарғона бўлими масъул котибин (1927–1928). Мунавварқорин Абдурашидхонов ва сафдошларин (дастлаб 38 кишин, сўнгра улар 87 кишига етган) “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзосин сифатида Ўзбекистон ССР ИТУ томонидан 1929 йил 6 ноябрда Тошкентда қамоққа олининб, Москвадаги Бутирка қамоқхонасинга ташланганлар. 1931 йил 23 апрелда Москвада бўлиб ўтган ёпиқ суд мажлисинда Мунавварқорин Абдурашидхонов ва унинг 14 сафдошини отувга, қолган 70 кишин эса узоқ муддатли қамоқ жазосинга ҳукм қилинганлар. Ўлим жазосин ўша кунин Москвада ижро этилган.

Мунавварқорин Абдурашидхонов “Буюк хизматларин учун” ордени билан тақдирланган (2003).

<sup>23</sup> *Аҳмад Заки Валидий, Аҳмад Заки Валидий Тузон* (1890–1970) – Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг етакчилариндан бирин, давлат ва сиёсат арбобин, йирик шарқшунос ва туркшунос олим, фалсафа докторин (1935), профессор.

1890 йил 10 (22) декабрда Россия империясининг Уфа губерниясинда Кузянўва овулида тутилган. Бошқирларининг суқли-қойлини урутига мансуб бўлган. Қозон шаҳриндаги Қосимия мадрасасинда таҳсил олган (1908–1912), шу ерда туркий халқлар тарихини ва адабиетиндан дарс берган (1910–1913). 1912 йили Қозонда чиққан “Турк ва татар тарихини” китобин билан машҳур бўлган. Қозон университетини Тарих, археология ва этнография жамиятин йўлланмасин билан Бухоро амирлигинда (1914) илмий излавишлар олиб борган. Туркистонда Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқорин Абдурашидхонов, Чўлпон, Мустафо Чўкай, Назир Тўрақулов ва бошқа арбоблар билан танишиб, ҳамкорлик қилган. Петроградда Давлат думасини мусулмон фракциясин аъзосин (1917). Социал-инқилобчилар (эсерлар) партиясин аъзосин (1917).

Шоаҳмедов, Каттахўжа Бобохўжа ўгли, Тошпўлатбек

Заки Валидий 1917 йил апрелда Тошкентга келиб, Туркистон мишқақсидаги снесьий жараёнларда фаол қатнашади. Бутунтуркистон мусулмонлари I қурултойида (1917 йил 16–23 апрел) тузилган Туркистон ўлкаси мусулмонлар Марказий Шўроси бош котиби, унинг набири “Кенгаш” газетаси муҳаррири. Туркистондаги мухториятчилик ҳаракатида туркий халқларнинг бирлиги ва мустақиллигини изчил ҳимоя қилади. Тошкент шаҳар думаси депутаты (1917). У 1917 йил октябрда Оренбургга қайтиб, Бошқирдистон Мухторияти ва миллий ҳаракати раҳбарларидан бирига айлангани маълум. Бошқирдистон ҳукумати бошлиги ва ҳарбий нозири (1917 йил декабр – 1919 йил март). Сўнгра бир муддат совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилган (1919–1920).

Заки Валидий 1920 йил ёзида болшевиклар билан алоқани узиб, Боку ва Қорақум орқали Хоразм ва Бухорога келади. 1920 йил сентябрда совет давлати раҳбарлари В.Ленин, И.Сталин, Л.Троцкий, А.Риков номига мактуб ёзиб, болшевикларнинг мустамлакачилик снєсағи ва улуглашатилик шовинизмининг очиб ташлаётгани ўзининг ёзишича, у Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига снєсий раҳбарлик қилувчи марказ тузиш максалдида БХСР ҳукумати бошлиғи Фағдулла Хўжаев ва бошқалар билан музокаралар ўтказган. 1921 йил августда Бухорода Ўрта Осиё (Заки Валидий “Хотиралари”да шундай аташган) миллий мусулмон жамиятлари иттифоқи (оралаб кўп ўтмай у Туркистон Миллий Бирлиги номини олди) ташкилоти тузилиб, Заки Валидий унга раис қилиб сайланади. У Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг гоъвий жамлашуви учун курашган, кўрбошилар гуруҳларига махсус снєсий вакиллар жўнатиб, Бухоро ва Самарқандда қизил аскарларга қарши жангларда қатнашган. 1923 йил февралда Туркистондан чет элга чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Заки Валидий муҳожирликда Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Европа мамлакатларида яшаб, асосан илмий фаолият билан шуғулланади. Вена университетини тугатиб, Ибн Фадлан саёҳатномаси бўйича докторлик дисертациясини ҳимоя қилади. Истанбул, Бонн, Геттинген университетларида туркий халқлар тарихидан дарс беради. Унинг 400 дан ортиқ илмий ишлари 11 тилда чоп этилган. Бир муддат Германияда яшаган Заки Валидий 1925 йил июнда Туркия фуқаролигини олиб, 1938 йили Валидий фамилиясини Тўғонга алмаштиради. 1944 йил май ойида Анқара ва Истанбулда коммунистларга қарши намойишлардан сўнг совет давлатининг тазйиқи билан Туркия ҳукумати томонидан қамоққа олиниб, унга “таштуркчи ва турончилар ташкилотини тузганлик” айби қўйилади ҳамда 10 йил қамоққа ҳукм қилинади. Бироқ у 17 ойлик қамоқдан сўнг озод қилинган.

Заки Валидий 1948–1970 йиллари Истанбул университетида дарс берган. 1951 йил июлда Истанбулда унинг раислигида шарқшуносларнинг халқаро XXI йиғилиши ўтказилади. Ислом тадқиқотлари институти асосчиси ва бошлиғи (1953). Манчестер университети фахрий доктори (1967). “Umumiy turk tarixiga kirish” (Istanbul. 1946), “Bugunki Turkili (Turkistan) ve yakin Tarihi” (Istanbul. 1942–1947) китоблари айниқса машҳурдир. У Абу

Норбўтабеков<sup>24</sup> каби маърифатпарварлар фаол қатнашган<sup>25</sup>.

Аввал ҳам ёзиб ўтилганидек, “Шўройи Исломия” ташкилоти ташаббуси билан 1917 йил апрелда Бутун-туркистон мусулмонларининг биринчи курултойи ўтказилди. Курултойда қабул қилинган ташкилот дастурида ўлка мусулмонлари орасида ислохотлар ўтказиш ғояларини тарқатиш, минтақадаги барча мусулмонларни

Рафъон Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий, Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борган. “Natiralar” (Istanbul, 1969) китобида Туркистон халқларининг 1917–1935 йиллари совет давлатига қарши олиб борган мустақиллик ва озодлик учун курашгани тасвирлаб берган. Аҳмад Заки Валидий Тўғон 1970 йил 26 июлда 80 ёшида Истанбулда вафот этган ва шу ердаги Каражааҳмад (Karasahmet) мазорига кўмилган.

<sup>24</sup> Тошўлатбек Норбўтабеков (1898–1935) – шёнас ва жамоат арбоби. Туркистондаги миллий коммунистларнинг ташкили намоянчаси.

Тошкент шаҳрида уламо оиласида туғилган. Мадраса таълимини олгач, аввал рус-тузем мактабларида, сўنгра Россия марказидаги олий ўқув юртида ўқиган. Тошкентдаги тараққийпарварлар ҳаракатида фаол қатнашган. Бутунтуркистон мусулмонларининг Кўкон шаҳрида бўлиб ўтган фавкулда IV курултойида Туркистон Миллий мажлиси аъзоллигига сайланган. Туркистон Мухторияти ҳукумати тугатилгач, Тошўлатбек Норбўтабеков совет ҳокимияти идораларида турли лавозимларда фаолият кўрсатган.

1920 йил 1-7 сентябрда Боку шаҳрида ўтказилган Шарқ халқлари курултойи қатнашчиси бўлган Тошўлатбек Норбўтабеков ўз чиқишида совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатини шундай фони этгани: *“Биз озодлик, тинчлик ва биродарлик ширлари фақат қозғоғда эмас, балки ҳаётда ҳам амалга ошишини талаб қиламиз... Мусулмон дунёсининг бошқи қисмларида Туркистонда бўлган ҳодисалар қайтарилмагани учун мен ўзимизнинг ҳокимиятини оғоҳлантириб қўймоқчимман. Биз уч йил ичида олиб борган сиёсатни, ундаги хатотикларни биламиз ва шундай деймиз: “Ўз ичларингиздаги аксинчиқлобчиларни йўқ қилинг, миллий келишмовчилик уруғини сочаётган келгинди унсурларни йўқ қилинг, коммунизм ниқоби остида ишлаётган замонавий мустамлакачиларни йўқ қилинг”.*

Тошўлатбек Норбўтабеков бутун умри давомида совет режими томонидан таъқиб ва таъйиб остида яшашига мажбур бўлади. У олмавий қатагонлар авж олган XX аср 30-йиллари ўрталарида Ўзбекистон ССР НКВД томонидан қамоққа олиниб, 1935 йили отиб ташланади.

<sup>25</sup> Аъзамқўжиев С., Ражабов Қ. “Шўройи Исломия” // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жид. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. 136-бет.

ягона фикр ва маслак асосида бирлаштириб, Туркистонга мухторият макомини бериш учун кураш вазифаси қўйилган. 1917 йил апрель ойидаёқ ташкилотнинг Самарканд, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон, Скобелев (Фарғона), Марв, Туркистон, Окмачит, Ўш ва бошқа шаҳарларда шуъбалари тузилган. Ташкилот “Шўрон ислом” номли газета ҳам чиқарган<sup>26</sup>.

“Шўройи Исломия” ташкилотининг 15 кишидан иборат бошқарув таркибига (у 14 мартда бўлган ташкилотнинг биринчи мажлисида тузилган эди) Абдулвоҳидқори Абдурауфқори ўғли (раис), Мунавварқори Абдурашидхон ўғли (раис ўринбосари), Каттахўжа Бобохўжа ўғли (саркотиб), Каримқори Кучукбой ўғли (муовин), Мулла Зиёохунд Йўлдошхўжа ўғли (хазинадор), Абдулсамикори Ҳидоятбой ўғли<sup>27</sup> (муовин), Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли (Убайдулла Хўжаев) ва бошқалар кирган<sup>28</sup>. “Шўройи Исломия” ташкилоти ва унинг бошқарув таркиби жамият сафида мусулмон бирлиги ғоялари билан бирлашган турли дунёқарашдаги вакиллар борлигидан далолат беради. Аммо Туркистондаги тараккийпарварлик ҳаракатининг Мунавварқори, Убайдулла Хўжаев, Абдулла Авлоний<sup>29</sup> сингари таникли

<sup>26</sup> *Ақбоева З.Ж.* Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси фаолияти (1919-1920 й ) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс автореферати. – Тошкент, 2020. 13-бет.

<sup>27</sup> *Абдулсамикори (Самикқори) Ҳидоятбой ўғли* – Туркистон тараккийпарварларидан, “Шўройи Исломия” ташкилотчиларидан бири, жамият раиси ўринбосари, Мунавварқори Абдурашидхоннинг яқин дўсти; кейинчалик Туркистондаги истиқлолчилар сафига бориб қўпилади. Уни тошкентлик бошқа уламо Самеқори Зиёбоев билан чалкаштириб юбормаслик лозим

<sup>28</sup> “Нажот” (Тошкент), 1917 йил 9 апрель; “Улуг Туркистон” (Тошкент), 1917 йил 25 апрель.

<sup>29</sup> *Абдулла Авлоний* (1878–1934) – Туркистон тараккийпарварларидан, шоир ва публицист, давлат ва жамоат арбоби.

Тошкент шаҳрида туғилган. “Тараккий”, “Шухрат”, “Осиё” газеталарини чиқаришда қатнашган (1906–1908). У 1909 йили “Жамияти хайрия”



раҳбарлари “Шўройи Исломия”нинг фаол кучи, унинг ядроси бўлишган. Ташкилот фаолияти ва дастурий ҳужжатларига уларнинг таъсири кучли бўлган<sup>30</sup>.

“Шўройи Исломия” ташкилотининг Низомига мувофиқ Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида ташкилотни тузиш зарур, деб ҳисобланган. Ҳужжатда улар “Тошкент Шўройи Исломия”сининг кичик бўлимлари деб аталган. Низомга асосан “Тошкент Шўройи Исломия” ташкилоти марказ ҳисобланиб, унинг қарори бўлимлар учун мажбурий бўлган<sup>31</sup>.

“Шўройи Исломия” жамияти Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Скобелов (ҳозирги Фарғона), Андижон, Марғилон, Наманган каби Туркистон минтақасининг йирик шаҳарларидан ташқари асосан ўзбеклар яшайдиган Туркистон, Авлиёота, Оқмасжид, Чимкент, Жалолобод, Ўзган, Ўш, Мари ва бошқа шаҳарларда ҳам ташкил қилинган.

1917 йил 3 апрелда Туркистон шаҳрида ўтказилган митингга 4000 нафардан ортиқ киши қатнашган. Бу ерда “Шўройи Исломия” шуъбасини очиш учун Тошкентга вакил юборилди. Шуъбанинг 5 апрелдаги мажлисида эса унинг донмий раиси қилиб Мулла Абдулжаббор сайланди<sup>32</sup>.

---

ташкилотини тузиб, етим болаларни ўқитган. Жадид мактаблари учун кўплаб дарсликлар ёзган. “Турон” газетасини чиқарган (1917). Туркистон АССРнинг Афғонистондаги сиёсий вакили ва консули (1919–1920). Тошкент ҳарбий мактаби ўқитувчиси (1924–1929), Ўрта Осиё университети профессори (1930–1934). Шеърлар ва публицистик мақолалар ҳам ёзган. Муолажа амалиёти пайтида 56 ёшида 1934 йил 24 августда Тошкентда шубҳали тарзда вафот этган.

<sup>30</sup> Қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917–1991 й.). Иккинчи китоб. Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М. Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. 28-29-бетлар.

<sup>31</sup> Минггаров А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий матбуотда ёритилиши (1917–1918 й.). –Тошкент: “Истиқлол нури”, 2013. 62-63-бетлар.

<sup>32</sup> Туркистон // “Нажот” (Тошкент). 1917 йил 17 апрел.

7 апрелда эса Окмасжид (ҳозирги Қизилўрда) шаҳридаги Мулла Насрпддин Ҳайитбоев масжидида қуйидаги 4 масала юзасидан қарорлар қабул қилинган: 1. “Шўройи Исломия” номли жамиятнинг шуъбасини очмоқ. 2. Окмасжиддаги шуъбага ўзбек, татар, қозоқ ва бошқа миллат вакилларида 5 нафар аъзо сайламоқ. 3. Жамиятни моддий жиҳатдан таъминламоқ. 4. Тошкент “Шўройи Исломия” жамиятига Мулла Шохнаҳмад Валий ва Ҳусайн Иброҳим афандиларни вакил қилиб сайламоқ<sup>33</sup>.

“Шўройи Исломия”нинг 8 апрелда бўлиб ўтган олтинчи мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, Ўш, Андижон, Скобелев, Туркистон, Мари шаҳарларида “Шўройи Исломия”нинг кичик бўлимлари тузилганлиги ҳақида хабар олинган. Ана шу кичик бўлимлар номига “Шўройи Исломия”нинг Муваққат низоми ва бошқа ҳужжатларини юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган<sup>34</sup>. Апрель ойида маҳаллий жадидларнинг ташаббуси билан Наманган, Самарқанд, Кўқон ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида ҳам “Шўройи Исломия” ташкилотлари ташкил қилинди.

Бундан ташқари жамиятнинг 9 апрелда бўлган мажлисида Россияда ҳам бир қатор шуъбалар очмоққа келишилган ва мазкур вазифани бажариш аъзоларидан икки кишига топширилади. Кейинги маълумотларга қараганда, Россиянинг Қозон, Боку, Оренбург, Нижний Новгород, Петроград ва Москва шаҳарларида “Шўройи Исломия” вакиллари бориб, жамият шуъбаларини ташкил қилган.

Ўша кунги мажлисда жамиятнинг саркотиби Каттахўжа Бобохўжа ўғли “Шўройи Исломия”нинг

<sup>33</sup> Оқ Масжид // “Нажот”. 1917 йил 17 апрел.

<sup>34</sup> “Нажот”, 1917 йил 21 апрел.

Туркистон ижроия комитети дастури катнашчилар диққатига ҳавола қилинган. “Нажот” газетасида ёзилишча, кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилган:

1. Уруш тўғрисида.
2. Муваққат ҳукуматга муносабат.
3. Келажакда тузиладиган Россия бошқаруви тизими тўғрисида.
4. Туркистон халқларига янги ҳукуматнинг дастурини тушунтириш.
5. Муваққат халқ идорасининг тартиби.
6. Эски ҳукумат маъмурларини ишга жойлаш.
7. Туркистон шаҳар Думаларига сайлов тартиби ва янги Дума идорасининг тартиби ва тақсими.
8. Таъсис Мажлисига халқни тайёрламоқ.
9. Озиқ-овқат масаласи.
10. Туркистонда сув масаласи.
11. Туркистонда ер масаласи.
12. Ижроия комитетнинг солдат, ишчи Советларига алоқаси масалалари<sup>35</sup>.

“Шўройи Исломия”нинг 10 апрел кундаги мажлисида Бутунтуркистон мусулмонларининг таъсис курултойи дастурини тузиш масаласи муҳокама қилиниб, лойиҳани тайёрлаш жамиятнинг воҳа ва шаҳар раҳбарларига топширилган. Диний ишлар бўйича лойиҳа тайёрлаш Абдулвоҳид Қори, Мулла Сами, Муҳаммадхон ва Пирмуҳаммадхон зиммасига тушган. Миллий ишлар ҳақидаги лойиҳа ҳам муҳокама қилинган. 13 апрелдаги мажлисда эса курултойга тайёргарлик кўрилиб, унга “Шўройи Исломия” жамияти томонидан вакиллар сайланган<sup>36</sup>.

---

<sup>35</sup> Умумий мажлис // “Нажот”, 1917 йил 10 апрель.

<sup>36</sup> Шўройи Исломиёнинг қарор ва хизматлари // “Нажот”, 1917 йил 21 апрель.

Бутунтуркистон мусулмонларининг Тошкент шаҳрида 1917 йил 16-23 апрелда ўтказилган I курултойида “Шўройи Исломия” жамиятининг тўрт қисмли дастурни қабул қилинди: 1) “Шўройи Исломия”нинг мақсади; 2) аъзолари; 3) “Шўройи Исломия”нинг молияси; 4) “Шўройи Исломия”нинг хизмат ва вазифалари. Биринчи қисм 4 моддадан иборат бўлиб, унда Туркистон мусулмонлари орасида кенг ислохотларни амалга ошириб, Туркистондаги барча мусулмонларни янги бир партия атрофига бирлаштириш асосий мақсад қилиб кўрсатилган. Иккинчи қисм 8 моддадан иборат бўлиб, унда жамият аъзолари умумхалқ йиғини тарафидан кўпчилик овоз билан сайланган турли оқимлар бирлашмалари вакилларида иборат бўлиши келтирилади. Учинчи қисмда (2 моддадан иборат), Марказий “Шўройи Исломия” жамиятини моддий жихатдан таъминлаш тўғрисида қоидалар қайд этилган. Тўртинчи қисм 16 моддадан иборат бўлиб, бу бўлимда “Шўройи Исломия” жамиятининг келажакдаги вазифалари кўрсатилган<sup>37</sup>.

Хуллас, “Шўройи Исломия” жамиятининг ташкил қилиниши Туркистоннинг сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу нарса ўлкада сиёсий кучларни жойлаштиришга, ҳокимият тузилмалари барпо этишга жиддий тузатишлар киритди. “Шўройи Исломия” ташкилотининг халқ оммаси ўртасидаги таъсири кучайиб борди. Шунинг учун ҳам тарихий тадқиқотларда тўғри таъкидланганидек, Туркистонда Марказга ўхшаб қўш ҳокимиятчилик эмас, балки сиёсий майдонда қуйидаги учта ҳокимият юзага келтирилган эди:

– Туркистон ўлка Советлари, улар инқилобий демократиянинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи европалик

<sup>37</sup> Умумтуркистон мусулмонларининг курултойи // “Нажот”, 1917 йил 21 апрель.

ишчи ва солдатларнинг органлари бўлиб, жамиятга таъсир ўтказиш учун реал кучга эга эди. Шу билан ҳам улар Муваққат ҳукумат давлат муассасалари устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлишга даъво қилардилар;

– ижроия комитетлари (қўмиталари), Советларга нисбатан аҳолининг анча кенг ижтимоий миллий гуруҳлари намояндалари бўлиб, улар таркибига турли партиялар: меньшевиклар, эсерлар, советлар, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, миллий ташкилотлар ўз вакилларини делегат қилиб юборган эдилар, улар барча демократик ташкилотларни бирлаштирувчилар сифатида иш кўрдилар ва жойларда Муваққат ҳукумат органлари ролини ўйнашга ҳаракат қилдилар;

– “Шўройи Ислония” жамияти, бу ташкилот ташкилий жиҳатдан таркиб топиш пайтидаёқ мусулмон аҳолининг ваколатли органлари сифатида дарҳол расмийлашиб, шу аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этди ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган<sup>38</sup>.

Туркистонда ана шу учта сиёсий кучнинг дастурий ҳужжатлари ва тактик кўрсатмалари ҳамда йўл-йўриқлари 1917 йилнинг апрелида ўтказилган ўлка съездларида тўла-тўқис намоён бўлди. Биринчи жаҳон уруши ва Муваққат ҳукуматга муносабат тўғрисидаги, Таъсис Мажлисига тайёргарлик, Россияни идора қилишнинг келгусидаги шакллари ҳақидаги масалалар, Туркистон ўлкасини идора қилиш, озиқ-овқат масалалари ва бошқа масалалар барча съездлар ишининг диққат марказида турди. Аммо бу масалаларни амалга ошириш усуллари ва улар юзасидан қабул қилинган қарорларда шу съездларни чақирган ва уни бошқарган ташкилотлар-

<sup>38</sup> Қаранг ва таққосланг: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 24-25; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет муштамлақачлиги даврида. 26-бет.

нинг ўзига хос хусусиятлари ўз изини қолдирганини ҳам алоҳида урғулаган бўлардик.

Биринчи бўлиб ишчи ва солдат депутатлари Советларининг Туркистон ўлка I съезди иш бошлади. Съезд 1917 йил 7–15 апрелда Тошкентда бўлиб ўтди<sup>39</sup>. Унда 263 нафар делегат қатнашди. Уларнинг ҳаммаси европалик миллатга мансуб вакиллардан иборат эди. Солдат комитетларидан делегат бўлиб қатнашган Собиржон Юсупов<sup>40</sup> съездга туб аҳоли вакиллари таклиф этилмаганидан афсусланиб, ҳокимиятни бўлиш ҳақидаги таклифга қарши чиқди ва қандай шаклда бўлмасин, барибир, руслар ва мусулмонлар назорати остида Туркистонда ягона ҳокимият тузишни таклиф қилди.

Шунга қарамай, съезд Россияда кучли марказий идораси бўлган демократик республика тузиш зарурлигини ёқлаб чиқди. Туркистон халқлари учун муҳим бўлган ўлка мухторияти, миллий тенгсизликни тугатиш каби масалаларга съезд ўз муносабатини билдирмай, буларни ҳал қилишни Таъсис Мажлисига қолдиради.

Мазкур масалалар 1917 йил 9–16 апрелда Тошкентда ўтган Туркистон ўлкаси ижроия кўмиталари съездининг ҳам диққат марказида бўлди. Съездда иштирок этган 171 нафар делегатларнинг 99 нафари европалик ва 72 нафари маҳаллий аҳолидан сайланган вакиллар эди<sup>41</sup>.

Россияда давлатчиликнинг келгусидаги шакли тўғрисидаги масалалар қизғин муҳокама қилинганлиги кўплаб фикр ва нуқтаи назарларни вужудга келтирди.

<sup>39</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, 17-фонд, 1-рўйхат, 399-иш, 187-варақ; Тошкент шаҳар марказий давлат архиви, 10-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 2-9-варақлар.

<sup>40</sup> *Собиржон Юсупов* (1881-1931) – Бухоро ва Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан бири, сиёсат ва давлат арбоби.

<sup>41</sup> Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. – Ташкент, 1917. – С.17.

Россиядаги барча халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берувчи шакл сифатида илгари сурилган федератив республика тузуми гоёси унинг тарафдорлари томонидан ҳам, шунингдек, мухлифлари томонидан ҳам турлича қабул қилинди.

Съездда Россия учун марказлашган республиканинг яроқсиз эканлигига қарши кескин фикрлар билдирилди. Федератив тузум тарафдорларининг бир қисми шу билан мухторият бериш тўғрисидаги масалани халқларнинг маданий ва сийёсий ривожланиш даражасини белгилаш билан боғлади, шу муносабат билан Туркистон халқларига “мухториятдан фойдаланиш имконияти кейинчалик берилиши лозимлиги” тан олинди; шу тузум тарафдорларининг иккинчи бир гуруҳи мухторият миллий эмас, балки ҳудудий мухторият бўлиши лозим, деб ҳисоблади.

Умуман, федератив тузум ҳақидаги фикрларнинг мазмуни қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси асл моҳияти билан Туркистон ўлкасининг кўп миллионли туб аҳолиси манфаатларига менсимай қарашдан, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига беписандлик билан муносабатда бўлишидан иборат эди. Мазкур съездда сўзга чиққан миллий тараккийпарварларнинг айрим раҳбарлари бунини алам билан таъкидлашди. Масалан, Махмудхўжа Бехбудий ўз нутқида туркистонликларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, энг қадимий тарих ва маданият соҳибин бўлган халқнинг (бу халқнинг ютуқлари бутун инсониятнинг маданий хазинасига кирган), дунёга таниқли олимлар, ислом қонуншуносларини берган ҳамда улуғвор меъморий обидалар яратган, ўз турмуш тарзи, юксак дехқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик маданиятига эга бўлган ана шу халқлар тўғрисида фахр билан гапириб, халқнинг ҳозирги аҳволи учун, унинг жаҳолатпарастлиги

ва нодонлиги учун бутун айбни ҳақли равишда Россия империяси зиммасига юкладди<sup>42</sup>.

Съездда муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорда “озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, баъзи ҳолларда тўла федеративлик бериш йўли билан давлатнинг айрим вполятларига кенг мухторият бериш принциплари асосида Россияда демократик республика ўрнатиш бирмунча мувофиқ” эканлиги тан олинди<sup>43</sup>. Хуллас, мазкур съезд ҳам бу масала юзасидан ўзининг ноаниқ ва бетайин қарорида миллий мухториятдан кўра кўпроқ худудий мухториятни ёклаб фикр билдирди.

Бу даврда Туркистон ўлкасида “Шўройи Исломия” ташкилотидан бошқа яна кўплаб миллий сиёсий уюшмалар, жамиятлар ва сиёсий фирқалар фаолият кўрсатган. Улар орасида “Турон” жамияти ва Турк Адами Марказияти фирқасининг фаолияти катта таҳсинга сазовордир<sup>44</sup>.

Бу ўринда аввалдан шуни қайд этиб ўтиш керакки, Октябрь тўнтаришидан сўнг 1917 йил 10 ноябрда “Шўройи Исломия” ўз қароргоҳини Тошкентдан Қўқонга кўчиришга мажбур бўлган. Чунки Тошкентда янги ўрнатилган совет режими ва большевик комиссарлари миллий кучларга қарши ўз ҳукмронлигини дастлабки кунларидан бошлаб шафқатсиз курашга киришган. Бу тазйикларга қарамасдан “Шўройи Исломия” жамияти аъзолари Қўқонда Туркистон Мухторияти ҳукуматини тузишда фаоллик кўрсатишган. Мухторият ҳукуматини

<sup>42</sup> Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. – С. 8.

<sup>43</sup> Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. – С. 9.

<sup>44</sup> *Р.Абдуллаев*. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 года. – Ташкент: “Navro’z”, 2014. – С. 140.



большевиклар ағдаргач (1918 йил февраль), тирик колган “Шўройи Исломия” аъзолари таъкибга учраган. Бирок “Шўройи Исломия” ташкилоти 1918 йил баҳориди совет режими томонидан тақиқланса ҳам, унинг Носирхон Тўра, Садриддинхон Шарифхўжаев, Миродил Мирза-аҳмедов ва бошка фаоллари Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати сафларига қўшилиб, қизил армияга қарши курашган кўрбошларнинг ғоявий мафкурачилари сифатида фаолият кўрсатганлар<sup>45</sup>.

### 1.3. Мухториятчилик ҳаракати ёки Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси фаолияти

1917 йил март ойидан Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун ҳаракат бошланиб кетган эди. Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўлка мухторияти фаолиятини ташкил этиш асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиндилар ва тараккийпарварлар орасида, ҳатто оддий одамлар ўртасида ҳам анча оммалашган бўлиб, барчанинг тилида фақат мухторият сўзи янграган<sup>46</sup>.

“*Мухторият*” атамаси арабча сўз бўлиб, ўзбекчада у ихтиёри ўзида маъносини англатади. Мухторият сўзи русча “автономия” сўзи билан бир хил маънода қўлланилмаслиги керак. “Ўзбек тили изоҳли луғати”да мухторият сўзига қўйидагича таъриф берилади: “*Конституциявий ҳуқуқда бирон-бир ҳудуднинг унга конституция*

<sup>45</sup> Қарағ. Қ.Ражабов. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати (1918-1935 йиллар) ўзбек давлатчилиги тарихида // “O‘zbekiston tarixi” jurnali. 2021. №3. 20-55-бетлар.

<sup>46</sup> Бу ҳақда қарағ: Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Bodomzor invest, 2021. – 92 бет.

*йўл қўйган чегираларида давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириш ҳуқуқи*<sup>47</sup>. Мухторият марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтишнинг муайян даражасини билдиради, ammo бу федератив давлатдагига нисбатан камроқ даражада бўлади. XX аср бошларида Туркистон жадидлари мухториятчилик ҳаракатига мустақил давлат тузиш йўлидаги алоҳида босқич сифатида қараганлар ва бу йўлда курашганлар.

“Шўроини Исломия” ташкилотининг ташаббуси билан 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг I қурултойи чакирилди. Анжуман иштирокчилари бир қанча масалалар қаторида Туркистон ўлкасининг давлат макоми масаласини ҳам муҳокама қилдилар. Қурултойда Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (архив ҳужжатлари ва даврий матбуот материалларида Краймуссовет) тузилди. Унинг таркибига ўша даврнинг машҳур сиёсий арбоблари Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўкай<sup>48</sup>, Аҳмад Заки Валидий, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Носирхон Тўра<sup>49</sup>, Ислам Шоаҳмедов<sup>50</sup>, Муҳаммаджон Тинишбоев<sup>51</sup> ва бошқалар кирдилар. Туркистон мусул-

<sup>47</sup> Мухторият // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Иккинчи жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ Давлат нашриёти, 2006. – Б. 657.

<sup>48</sup> *Мустафо Чўкай* (1890–1941) – тапикли давлат ва жамоат арбоби, Туркистон халқлари мустақиллиги учун изчил курашчи. Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазири ҳамда тапқи ишлар вазири

<sup>49</sup> *Носирхон Тўра Саид Камолхонтўра ўғли* (1873–1931) – Фарғона водийсидаги йирик уламолардан бири, Туркистон Мухторияти маориф вазири, Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг гоявий раҳнамоларидан бири.

<sup>50</sup> *Ислам Султон Шоаҳмедов* (1882–1922) – тапикли жамоат ва сиёсат арбоби. Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазири ўринбосари ҳамда молия вазири

<sup>51</sup> *Муҳаммаджон Тинишбоев [Муҳамеджан Тинишпаев]* (1879–1959) – давлат ва жамоат арбоби, тарихчи олим. Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазири ҳамда ички ишлар вазири.

монлари Марказий Шўросига Мустафо Чўкай раис, Аҳмад Заки Валидий ва Убайдулла Хўжаевлар котиб қилиб сайланди. Шунингдек, Мунавварқори ва Садриддинхон Шарифхўжа бошчилигида Тошкент кўмитаси ҳамда Бехбудий раҳбарлигида Самарқанд ва Носирхон Тўра етакчилигида Фарғона бўлимлари тузилди. Бу ҳолат миллий ташкилотларни жиқслаштириш билан бирга миллий озодлик ҳаракатини изга солиб, ташкилий жиҳатдан марказлаштирар эди<sup>52</sup>. Миллий Марказнинг органи сифатида “Нажот” ва “Кенгаш” газеталари чиқа бошлаган<sup>53</sup>.

Миллий Марказнинг 1917 йил 12 июнда бўлиб ўтган йиғилишида барча жамоат ва уюшмаларнинг ўлка мусулмонларининг Марказий Шўросига бўйсунishi ҳақида Низом қабул қилинди. Бу пайтда Туркистон тараккий-парварлари худудий мухторият учун сиёсий вазият пишиб етилганини англаб етдилар.

Ўша пайтда Туркистондаги сиёсий воқеаларнинг марказида турган таникли бошқирд тараккийпарвари *Аҳмад Заки Валидий* кейинчалик Тошкентдаги ушбу ҳолатни ўз хотираларида қуйидагича изохлаган эди: *“Мен ўша кунларда Тошкент эсер фирқаси га ёзилдим. Бу курашларда унинг ҳам фойдаси тегди. Мустафо Чўкай ўзги Сирдарё вилоят идорасининг Зироат бўлимида кадетлар ёрдами билан лавозим эгаллади. У кадетларга мойил эди. Ҳолбуки, қозоқлардан Санжар Исфандиёров социал демократларга ва адвокат Шерали Латин монархистлар уюшмасига дохил эдилар. Бундай рус фирқаларига кирмоқ кўп фойда бермаслигини ҳисобга олиб,*

<sup>52</sup> Аҳмедов С., Ражабов К. Жадидчилик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 3. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат китоби нашриёти, 2002. – Б. 519-523.

<sup>53</sup> К.Ражабов. Ўзбекистон ССРда совет режимининг катагон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917–1991 й.). – Тошкент: Фаи, 2022. 8-9-бетлар.

мусулмонларни бирлаштириши мақсадида Туркистон миллий партиясини ташкил этиши масаласида беш-олти кишилик ишчиликлар ўтказдик. 16 апрелда Туркистон мусулмонлари конгрессида Туркистон миллий шўроси тўзилди. Ўша кушларда кадет Львов ҳукумати томонидан ташкил этилган “Туркистон муваққат идораси” қўмитаси аъзолари Тошкентга келганди. Гуруҳ раҳбари кадет Н.Щченкин эди. Бу зот Мусулмон конгресси очилишини табрик этди. Конгрессга аъзолардан навбатма-навбат раислик қилдик. Давлат идораси ва идора ташкил қилиши масалаларида ҳисобот берувчи мен эдим. Федерация ҳақидаги зояларни атрофлича, тарихий далиллар билан исботладим.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва қозоқлардан муҳандис Муҳаммаджон Тинишбоев ҳам бу зояни ҳимоя қилди. Ундан кейин Садр Мақсудий сўз олиб, федерация зоясига қарши сўзлади. Унинг ҳукумат аъзоси сифатидаги чиқишлари залдагиларга ёқмади. Эсерлардан меҳмон бўлиб келган, тўғрироғи, мен тақлиф этган Вадим Чайкин эса федерация зоясини ҳимоя қилди. Ниҳоят, қаттиқ тортишувлардан кейин у қабул қилинди”<sup>54</sup>.

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасининг сиёсий ҳаёти тобора тезкор суръатларга эга бўла борди. Бунда мусулмон ташкилот ва ҳаракатларининг таъсири кундан-кунга кучая борди. Улар, хусусан, подшо Россиясининг энг чидаб бўлмайдиган бошқарув идораларини бутунлай тугатишда сезиларли ҳисса қўшдилар. Бироқ Туркистон ўлка генерал-губернатори Куропаткин жойларга катъий буйрук жўнатган эди: “Муваққат ҳукумат фармойишларига тўлиқ бўйсунуш ва мутлақо тартибни сақлаш керак...”<sup>55</sup>.

<sup>54</sup> Аҳмад Заки Валидий Тўгон. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи. Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи: М.Абдурахмонов. – Тошкент: Истиклол нури, 2014. 142-143-бетлар.

<sup>55</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, И-2-фонд, 1-рўйхат, 1176-иш, 3-варақ.

Хулоса қилиб айтганда, Россия Муваққат ҳукумати собиқ империядаги мазлум халқларнинг эзгу ниятларини амалга оширмади. У Россия таркибидаги халқларга мустақилликни раво кўрмади. Муваққат ҳукумат халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш гоёсига бутунлай қарши чиқди. Марказда империяча фикрлаш мафқураси ва давлат шовинистик сиёсати 1917 йил баҳори ва ёзида ҳам ҳукмронлик қилди. Дастлаб Муваққат ҳукуматга ишонган Туркистон зиёлиларининг бир қисми кейинчалик ўз хатоларини тушуниб етишди.

#### 1.4. “Шўройи Уламо” ёки “Уламо жамияти” тарихига бир назар

Туркистон тараккий парварлари ва уламолари бирлашган “Шўройи Исломия” жамиятида минтақанинг кейинги бошқарув идора усули ҳамда жамиятда ислом динининг ўрни масаласида бўлган қизғин тортиншув ва баҳслардан кейин бир гуруҳ уламолар ундан чиқиб, 1917 йил июнда “Шўройи Уламо” ёки “Уламо жамияти”ни тузган эдилар.

“Уламо жамияти”нинг қабул қилинган дастури ва низомига кўра, ички сиёсий тузилмада шариат қонунларига қатъий риоя қилиш, миллий-диний кадриятларни юксалтиришга даъват этилган ва мадрасаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш айtilган. Бироқ дастурда манший турмуш ва аёллар масаласида эскича қарашлар устунлик қилган<sup>56</sup>.

“Уламо жамияти”нинг Тошкент, Кўкон, Самарқанд шаҳарларидаги бўлимлари жуда фаол иш олиб

<sup>56</sup> С.Аъзамжӯжаев, Қ.Ражабов. “Шўройи Уламо” // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жид. Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2005. 136-бет.

борганлар. Тошкент бўлимига зиддиятли фикрлари билан уламолардан кўра кўпроқ рус монархчилари<sup>57</sup> ва большевикларига яқин бўлган қозоқ Шерали Лапин<sup>58</sup> раҳбарлик қилган. Жамиятнинг энг йирик Кўкон бўлимига эса, Мулла Муҳиддинхон Мулла Улуғхон Тўраев раис бўлган.

“Шўройи Уламо”нинг Тошкент жамияти таркибига асосан тошкентлик уламолар Абдумаликхожи Абдунаби ўғли<sup>59</sup>, Мулла Тошпўлатқори (Мулла Тошқори; Тошмуҳаммад Қори Орифшоев)<sup>60</sup>, Абдулқодирхўжа,

<sup>57</sup> *Монархчилар* – монархияни давлат тузумининг ягона ва энг маъқул шакли деб ҳисобловчи сиёсий йўналиш тарафдорлари; 1905 йил октябрда Россия империясида “Союз русского народа” монархчи партияси ташкил топган бўлиб, мазкур сиёсий кучнинг муддаси рус императори ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустақамлаш бўлган.

<sup>58</sup> *Шерали Лапин* (1868–1919) – Туркистондаги жамоат ва сиёсат арбоби. “Шўройи Уламо” ташкилоти раҳбарларидан бири. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

<sup>59</sup> *Абдумаликхожи Абдунаби ўғли* – Тошкент “Уламо жамияти” раҳбарларидан бири, жамиятнинг “Ал-Изоҳ” журналининг 1917–1918 йиллардаги муҳаррири.

<sup>60</sup> *Мулла Тошпўлатқори* (1868–1939) – Туркистоннинг йирик уламоларидан бири.

Тошкент шаҳридаги Қоратош маҳалласида давлатманд Орифшо оиласида тугилган. Эски мактаб ва мадрасада таҳсил олган Тошкент “Уламо жамияти”нинг наشري бўлган “Ал-Изоҳ” журналида “Тошқори”, “Тошпўлатқори” имзолари билан мақолалар ёзган. “Уламо жамияти” 1918 йил эзида совет ҳокимияти томонидан тарқатиб юборилган бўлса ҳам Тошмуҳаммадқори жамиятнинг фаолиятини яширин тарзда 1924 йилгача бошқарган. Бу даврда Қоратош маҳалла масжидида имомлик қилган. 1938 йил 11 февралда 70 ёшида Тошкентда қамоққа олинган.

1939 йил 21 октябрда 15 йил муддатга қамоқ жазосига, яна 5 йил сургунда бўлишга ҳамда мол-мулкани мусодара қилишга ҳукм қилинган ва шу йили қамоқда ўлган.

Мулла Тошқори, Мулла Абдулвоҳидқори Абдурауфқориев (1856–1938), Мулла Бердиер Алимов (1872 – 1939), Аҳмадхўжа Эшон Мўминхўжаев (1868–1939), Умар Икромов, Мулла Абдулқодир Комилхўжаев, Тилла Тўра Қосим Тўраев (1881–1939), Тўхтамурод Муҳамедов, Акбархон Ҳожи Мухитдинов, Комилбек Норбеков (1880–1939), Тўхтамурод Султонов, Саъид Алихўжаев (Жамолхўжа Саид Алиев), Усмон Содиков, Хуснутдинхон Шамсутдинов, Абдулла Қори Йўлдошев, Мулла Али Шермухамедов каби 16 машҳур уламо Тошкент, Кўкон, Бухоро ва бошқа шаҳарларда 1936 – 1938 йиллари қамоққа олинганлар.

Мулла Саидмаксудхон Махдум, Мулла Муҳаммадхўжа, Мулла Пирмуҳаммад Аълам ва бошқалар кирганлар<sup>61</sup>. Бирок уламочиларнинг “жилови” тез орада Шерали Лапин ва унинг ғоявий тарафдорлари бўлган озчилик гуруҳ кўлига ўтади. Улар жамиятда камчиликни ташкил қилган бўлсалар-да кейинчалик уламоларни ҳалокатга томон етаклаганлар.

Қўқонда ташкил этилган “Уламо жамияти”нинг низоми шўройи уламочилар ўз олдларига қўйган вазифалари ҳақида аниқ тасаввур беради. Чунончи:

1. Мусулмонларнинг ягона ташкилотга бирлаштириш учун мутараққий-маърифий асосларда миллий-диний тафаккурни оммалаштириш ва сиёсий ҳаракатни шакллантириш;

2. Миллатлар ҳамда мусулмонларнинг ахлоқий асосларини вақтли нашрлар ҳамда диний босма нашр йўли билан муҳофаза қилиш;

3. Мусулмон фуқаролар орасида диний заминда юзага келиши мумкин бўлган ҳар хил шикоят ва англашилмовчиликларни ҳал этиш ва тушунтириш;

---

Қамокқа олинганлар сафига бошида 15 киши – Аҳмадхўжа Ойхўжаев, Мир Аҳмадқори Иноятов, Алимбек Иброҳимбеков, Мирза Раҳим Қамбаров, Алоуддин Қалон Хўжаев, Исоқ Қори Қосимов, Мулла Эрназар Карвонбоев, Одил Назиров, Жамолхўжа Расулов, Миёнбузрук Солиҳов, Кашшоф Таржионов, Саъид Афанди Фазлутдинов, Маҳкамбой Хўжамберганиев, Усмонхўжа Шоюсуфхўжаев, Шораҳимқори, сўнгра яна кўпгаб бошқа таниқли уламолар – Солиҳқори Тошмуҳамедов (1879–1937), Набирахўжа Собирхўжаев (1879–1937), Саъидқабарқожи Бобохўжаев (1876–1937), Зиёвуддин Бобоқонов (Эшонбобоев) (1908–1982) қўшилганлар.

Совет режими томонидан қамокқа олинган ислом уламолари ва диний хизматчиларнинг аксарияти 70–80 ёшлар атрофидаги кекса одамлар бўлганлар. Уларнинг кўпчилиги қамокхонада инсон боласи чидай олмай-диган турли хўрликлар ва қийноқлар оқибатида жон берганлар.

Хуллас, Тошкентда 1936–1939 йиллари “Мусулмон руҳонийлари” иши бўйича 49 киши тергов қилиниб, 1939 йил 7 июнда улардан 20 нафари жазбий жавобгарликка тортилганлар (қаранг. Қ. Ражабов. Ўзбекистон ССРда совет режимидаги қатагон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917–1991). Тошкент: Фан, 2022. 215–217-бетлар).

<sup>61</sup> “Ал-Изоҳ” журнали, 1917 йил 19 июл.

4. Мадрасаларни иқтисодий кўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш, муаллим ва толибларни муҳофаза қилиш, уларнинг тараққий этиши ҳақида гамхўрлик кўрсатиш ва мухтожларга ёрдам бериш;

5. Илмий-маърифий фаолиятда ўзини кўрсатган муносиб кишилардан муаллимлар танлаш ва тайёрлаш керак<sup>62</sup>.

“Уламо жамияти” аъзолари ўртасидаги мутаассиблик маданият ва манший ҳаёт масалаларида ўзини яққол кўрсатади. “Ал-Изоҳ” журнали тараққийпарвар Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғлининг<sup>63</sup> “Турон” газетасида эълон қилинган “Тарихий икки воқеа” мақоласини қаттиқ танқид қилган. Мирмуҳсин мақоласида аёллар учун мактаблар очиш, уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш масалалари кўтарилган бўлиб, уламочилар бу қарашлари учун муаллифни “худосизлик ва кофирлик” да айблайди. Себзор даҳаси қозиси Ғуломхон ва Тошкентдаги айрим уламоларнинг фатвоси билан жадидлар вакили бўлган

<sup>62</sup> С. Аъзамхўжаев Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. 90-бет.

<sup>63</sup> Мирмуҳсин Шермуҳамедов (1895–1929) – Туркистон тараққийпарварларидан бири Ўзбек матбуоти асосчиларидан, журналист ва ёзувчи

Тошкентда туғилган. Бекларбеги мадрасасида таҳсил олган. Уфадаги Олия мадрасасида ҳам ўқиган (1916–1917) У 1913 йилдан матбуотда фаол қатнашган. “Бефарзанд Очилдибой” романи муаллифи (1914). Тошкентда уламочилар томонидан ўлимга ҳукм қилинган Мирмуҳсин 1917 йили қамокдан қочиб, Уфага боради. 1920 йилнинг бошларида Тошкентга қайтиб, “Ишгирикшон”, “Қизил Байроқ”, “Туркистон” ва бошқа совет газеталарида фаолият кўрсатади. Шеърлар ва ҳикоялар ҳам ёзган. Мирмуҳсин таҳаллуסי билан ижод қилган.

Октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларидан большевикларга шпонган М.Шермуҳамедов тез орада алданганлигини билиб, мақолалардаги қувонч ва кўтаришқилик ўриши тушқушлик ва умидсизлик эгаллайди У Тошкентда 34 ёшида 1929 йил 4 августда фожияли ҳалок бўлган.

М.Шермуҳамедовнинг акаси. Мирмулла Шермуҳамедов машҳур театр ташкидчиси ва журналист, укаси Мирмуслим Шермуҳамедов (1900–1938) ташкили партия ходими бўлган. Ака-укалар совет давлати томонидан қатагон қилинган.



Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли сазойи қиллинадн ҳамда ўлим жазосига ҳукм қиллинадн. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон кўмитаси ўлим жазосини 18 ой қамок жазоси билан алмаштирадн.

Бундан ташқари, “Ал-Изоҳ” журнали Туркистон ўлка мусулмонлар Марказий шўроси теварагида жипслашган тараккийпарварлар фаолиятини қоралаб, уларни ислом динига хиёнат қилишда айблайдн. Жадид-қадим низолари бу пайтда Бухородан ташқари Тошкент ва Фарғонада ҳам авж оладн.

1917 йил давомида Тошкент ва Қўқон уламолари жамиятга раҳбарлик қилиш учун ўзаро рақобат қилганлар. Бу ҳолат, хусусан, шаҳар думаларига сайлов жараёнида яққол намоён бўлади. Сайлов рўйхатида учинчи ўринда турган “Уламо жамияти” Тошкент шаҳар думасига бўлган сайловларда ғолиб чиққан. Улар белгиланган 112 ўридан 62, “Шўройи Исломия” 11 (улар “Мусулмон Иттифоқи” номи билан рўйхатда ўнинчи ўринда турганлар), социал-демократлар бешинчи ўринни олган эдилар. Мазкур сайловларда миллий вакиллар 74, европалликлар 38 овозга эга бўлганлар<sup>64</sup>.

Тошкентдаги “Уламо жамияти” 1917 йил сентябрда бўлиб ўтиши мўлжалланган Бутунтуркистон мусулмонларининг II курултойини ўтказишга тўсқинлик қилган ҳамда кўплаб тараккийпарвар ёшларни жадидлар сафидан ажратиб, ўзлари томонга оғдирнш учун ҳаракат қилганлари маълум. Бундай қадимчи уламолар махсус одамлар орқали бошқа шаҳарларга мактублар юбориб, вакилларни бу курултойга келмаслик учун ташвиқот қилганлар<sup>65</sup>. Улар ҳатто бу тадбирни “динсизлар йиғи-

<sup>64</sup> “Кенгаш” газетаси. 1917 йил 6 август, Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – С. 44.

<sup>65</sup> “Кенгаш” газетаси. 1917 йил 6 август.

лиши” деб аташгача борганлар. Тошкент уламочили-  
ридан Шерали Лапин билан Сиддикхўжа халқ орасида  
юриб, тараккийпарварларга қарши турли бўхтонлар  
таркатганлар. Бироқ Тошкентнинг ўзида ҳам, бошқа  
йирик шаҳарларда ҳам аҳолининг катта қисми уламо-  
чилар изидан бормаган. Ҳамма жойда намоёншлар  
уюштирилиб, “Уламо жамияти”нинг нотўғри қарашла-  
рига зарба берилган.

Бутунтуркистон мусулмонларининг II курултойи-  
нинг ўзида эса бу ҳолат кўйндагича баҳоланган: “Уламо-  
чиларнинг бу шундан бутун Туркистон, қолаверса, Россия  
ва Қофқоз мусулмонлари ҳам қаттиқ ранжидилар”<sup>66</sup>.

“Уламо жамияти” томонидан 1917 йил июн –  
1918 йил май ойларида Абдумалик Ҳожи Абду-  
набиев муҳаррирлигида “Ал-Изоҳ”<sup>67</sup>, 1915–1918  
йиллари Абдурахмон Сайёх<sup>68</sup> муҳаррирлигида

<sup>66</sup> Туркистон мусулмонларининг иккинчи курултойи // “Улуғ Турки-  
стон” газетаси. 1917 йил 25 апрел.

<sup>67</sup> “Ал-Изоҳ” журнали – Тошкентда “Уламо жамияти” томонидан чоп  
этилган ҳафталик журнал.

Унда диний, адабий, илмий ва сиёсий мақолалар босилган. Биринчи  
сони 1917 йил 19 июнда, охириги сони 1918 йил майда чиққан. Муҳаррири:  
Абдумаликхожи Абдунабиев. Исломда бидъат ва хурофотга қарши турнишга  
ингишган. Журналда Мулла Муҳаммадазим Рўзимухаммад ўғли, Мулла  
Ҳамидхўжа, Саъид Мақсудхон, Мулла Тошгўлатқори (Мулла Тошқори  
Орифшоев), Мулла Пирмухаммад ўғли, Саъидахмад Васлий, Мулла Мирзо  
Охунжон маҳсум, Мулла Турсунмухаммад Олим Туркистоний ва бошқалар  
фаол қатнашганлар. Большевиклар 1918 йил майда Туркистонда чиқаётган  
бошқа миллий газета ва журналлар қаторида “Ал-Изоҳ” журналини ҳам  
ёпганлар.

Туркистон АССР ХКС томонидан 1918 йил майда “Ал-Изоҳ” журна-  
лини ёпиш ҳақида чиқарилган қарорда шундай дейилади: “Мусулмонча  
“Ал-Изоҳ” журнали аҳолининг бир қисмини бошқасига қарши қўйган  
мақолаларни чоп этгани учун ёпилади. Нашр этилган ва савдода бўлган  
журнал сонлари дарҳол мусодара этилсин ва Миллий ишлар бўйича халқ  
комиссарлигига топширилсин”.

<sup>68</sup> Абдурахмон Сайёх, Абдурахмон Сайёх Содиқов (1879–1920) –  
таниқли шоир ва муҳаррир.

“Ал-Ислоҳ”<sup>69</sup> журналлари нашр этилган. Уларда давр-

Тошкент шаҳрида Хожини Муҳаммад Содик ошмасида туғилган. Ун  
 ешида ота-онаси ва ака-укалари билан Хаж сафарига отлашиб, Маккаини  
 мукаррамани зиёрат қилган ҳамда онаси билан ўша ерда яшаб қолган.  
 Улар вафот этгач, ота юртва қайтиш учун ҳаракат қилган. Шу аснода ХХ  
 аср бошларида Хиндистоннинг Ражпур шаҳрига келиб, мадрасада тахени  
 олган. 1906 йили пажорат ишлари билан Хинтоёга саёҳат қилади. Россия  
 – Япония уруши туфайли япон ҳукумати уни Муқден шаҳрида қамокқа  
 олиб, Порт Артурдаги қамокхонада сақлайди. Кейинчалик қамокдан чиқиб,  
 Хункуин ва Кокунга орқали Бумбейга келади. Бу ерда Россия ваколатхонаси  
 вакили М. Андреев билан танишиб, таржимон сифатида ишга олинади. Араб,  
 форс, турк, хинтоё ва рус тилларини яхши билган. М. Андреевнинг ёрдами  
 билан 1908 йили Тошкентга қайтиб, Туркистон округи ҳарбий штабида  
 таржимон вазифасида ишлайди. Бу орада Туркия ва Францияга сафар  
 қилади. Шу даврда Тошкент жадиидларидан Мунавварқори Абдурашидхонов,  
 Абдусамеқори Зиебов, Абдулла Авионий, Убайдулла Хўжаев ва бонқалар  
 билан танишиб, тараққийпарварлар билан алоқа боғлайди. 1915–1917  
 йиллари Тошкентда чиқадиган “Ал-Ислоҳ” журналининг расмий нашри ва  
 муҳаррири бўлган. Кўп давлатларга саёҳат қилгани биле, Сайёҳ таҳаллуслини  
 олган. “Мислий Иттиҳод” ташкилоти ташкириети билан 1920 йили Фарғона  
 водийсидаги қўрқончилар ихтирига юборилган. Қўқонда совет ҳокимияти  
 томонидан ўтган қишлар томонидан ўлдирилган.

Ғазалпар таҳаллусли билан шеърлар ёзган. Унинг араб ва форс  
 тилларида тайёрлаган лугатлари, турли саёҳатномалари ва ахлоқ ҳақидаги  
 рисоласи (жами 19 та асари) бор.

<sup>69</sup> “Ал-Ислоҳ” журнали – туркистонлик жадиидлар ва уламолар журнали.

1915–1918 йиллари Тошкентда тошбосмада нашр қилинган. Журнали  
 ning биринчи сони Абдурахмон Сайёҳ Содиков ва Мунавварқори Абдура  
 шидхонов ташаббуси билан Тошкентда 1915 йил 14 январда чоп этилган.  
 Унинг сўнги 77-сони 1918 йил 15 мартда чиққан. Журналга 1915–1917  
 йиллари Абдурахмон Сайёҳ, 1918 йили Аскархон Пахлавонозда муҳар  
 рирлик қилганлар. Журналининг асосий ташкилотчиси ва гоҳийи меъмори  
 аснода Мунавварқори Абдурашидхонов бўлган. Журналдаги фаолияти  
 учун уни рус махфий сиссий полисиеси – Туркистон туман муҳофаза  
 бўлими (охранка) бошлиғи полковник Волков Туркистон ўлкасидан сургун  
 қилдирмакчи бўлган. Бироқ Мунавварқори Абдурашидхоновнинг Тошкент  
 аҳолиси ўртасида нуфузи кучти бўлгани учун Россия империяси маъму  
 рияти бу қалтис ишдан ўзини тияди.

(Охранка 1907 йил ноябрда Тошкентда ташкил қилинган бўлиб, у  
 Туркистондаги жаид тараққийпарварлари ва уламоларини доимо таъкиб  
 остида тутиб турган. 1917 йил декабрда бу ташкилот ўз ўрнини боль  
 шевникларнинг ВЧК (Бутироссия фавқулодда комиссияси), яъни чека ва  
 чекистларга бўшатиб берган).

нинг долзарб муаммолари – диний, ахлоқий, илмий, иктисодий, ижтимоий масалалар ёритиб борилган. Хусусан, “Ал-Ислох” журналида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ислохотчилик ғоялари, ислом маърифатининг асосий жиҳатлари кўрсатилган<sup>70</sup>.

1917 йил 17–20 сентябрда “Уламо жамияти” ташаббуси билан Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг III курултойи ўтказилиб, Туркистоннинг барча вилоятларидан, шунингдек, Оренбург генерал-губернаторлигига қарашли Ўрол<sup>71</sup> ва

Журналда ўз даврининг йирик уламолари Лутфулла Фахриддинов, Мубашширхон Махдум, Абдурахмон Сайёҳ, Садриддинхон Махдум (Садриддинхон Шарифхўжаев), Холмуҳаммад Тўрақули, Муҳаммад Ализода Тошкандий, Саъидахмад Васлий, Муҳаммад Сафо Махдум, Олимхон Шокирхўжа ўғли (Олимхонгўра Шокирхонгўрасев), Иброҳим Тоҳирий, Ануралн Зоҳирий мақолалар билан фаол қатнашганлар. “Ал-Ислох” журнали ўз номига мувофиқ бўлиб, у ислом дини ҳамда шариатни ислох қилишга чақирган. Туркистонда большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши журнал мундарижасини ҳам ўзгартиради. 1918 йилги 5 та сонда исломга зид бобийлик ва баҳойийлик мазҳабларини (иниқийнинг айланган оқимлари) тарғиб этувчи кўплаб мақолалар босилган. Бу пайтдаги журнал муҳаррири Паҳлавонзода ва айрим тараққийпарварлар шу оқимлар тарафдори бўлганлар. Бу мақолалар журналнинг 1918 йили мусулмонлар ўрғасида нуфузи тушиб кетишига олиб келган.

“Ал-Ислох” журнали 1918 йил 15 мартда моддий қийинчиликлар туфайли чиқмай қолади. Совет ҳокимияти 1918 йил май ойида барча миллий нашрларни таъқиқлагандан кейин журнал ҳам ўз фаолиятини тўхтатган (қarang: *Агзамходжаев С., Улуғбекова З.* “Ал-Ислох” журнали - Туркистондаги ислохотчилик ҳаракатини ўрганиш бўйича тарихий манба (1915-1918 й.). Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” наприёт матбаа бирлашмаси, 2021. 44–50-бетлар).

<sup>70</sup> Қarang: *Агзамходжаев С., Улуғбекова З.* “Ал-Ислох” журнали - Туркистондаги ислохотчилик ҳаракатини ўрганиш бўйича тарихий манба (1915–1918).

<sup>71</sup> Ўрол – Россия империясининг Оренбург генерал-губернаторлигига қарашли вилоят, маркази – Ўрол (Уральск) шаҳри, ҳозирда Қозоғистон Республикасидаги Ғарбий Қозоғистон вилоятининг маркази.

Ўрол дарёси соҳилида жойлашган Ўрол шаҳри дастлаб Ёйиқ деб аталган, дарё ҳам шундай номлаган. Россия империясига қарши 1773–1775 йиллари кўтарилган Емельян Пугачев кўзголонининг маркази шу

Тўрғай<sup>72</sup> вилоятларидан келган жами 500 вакил иштирок этади. Қурултой тўрт кун давом этиб, унда Туркистон ўлка мусулмонлари шўросининг ташаббуси билан сиёсий масалалар қаторида иқтисодийлари ҳам кўрилган<sup>73</sup>. Миллий матбуотда ёзилганидек, бу қурултой аслида уламочилар қурултойи бўлганди<sup>74</sup>.

Қурултойнинг сўнгги кунда Бутунтуркистон мусулмонларига бошчилик қиладиган бир сиёсий фирқа ташкил қилиб, бутун мусулмонларни ислом дини орқали бирлаштирадиган партияга “Иттифоқи Муслимин” номи берилади. Ҳатто қурултой ишида “Шўройи Исломия” ва “Турон” жамиятларини тугатиб, уларнинг ўрнига “Уламо” партиясининг фаолиятига кенг йўл очишга қарор ҳам қилинади<sup>75</sup>.

Тошкент шаҳрида зўравонлик йўли билан совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин орадан кўп ўтмай, 1917 йил 15 ноябрда “Уламо жамияти” Туркистон мусулмонларининг навбатдаги қурултойини ўтказадилар. Миллий матбуот бу анжуманни “Туркистон мусулмонларининг қурултойи” ва “Уламо қурултойи”<sup>76</sup> каби турли номлар билан атайдн. Анжуманда Мустафо Чўқай мусулмонлар ташкилоти ва большевиклар ҳукумати устидан назорат қилиб турадиган кучли бир идора тузилиши кераклигини таъкидлайди.

---

ерда бўлган. Кўзғолон бостирилгач, шаҳарнинг туркча Ёйиқ номи 1775 йил русча Уральск номига алмаштирилган. Дарёнинг номи ҳам русча Урал деб номланган. Асосан қозоклар ва татарлар яшаганлар.

<sup>72</sup> *Тўрғай* – Россия империясининг Оренбург генерал-губернаторлигига қарашли вилоят, маркази – Тўрғай шаҳри. ҳозирда Қозоғистоннинг Ақтуба ва Қўстанай вилоятлари ҳудудига тўғри келади.

<sup>73</sup> *Мингноров А.* Туркистондаги иқтисодий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши (1917–1918 йиллар). 88–89-бетлар.

<sup>74</sup> Тошкент Уламо съезди ва қарорлари // “Улуғ Туркистон”. 1917 йил 30 сентябр.

<sup>75</sup> Тошкент Уламо съезди ва қарорлари // “Улуғ Туркистон”. 1917 йил 30 сентябр.

<sup>76</sup> “Улуғ Туркистон” газетаси. 1917 йил 16, 18 ноябрь.

“Шўройи Исломия”нинг Марғилон бўлими раиси Миродил Мпрзааҳмедов ҳам бу фикрга қўшилиб, “агар “Уламо” курултойи большевикларга қўшиладиган бўлса, унда бизни бу ерда йўқ деб ҳисоблашингиз мумкин”, дейди. Аммо “Уламо жамияти”ни аскар, ишчи ва деҳқонлар шўролари курултойи билан бирлаштириш учун беш кишидан иборат махсус ҳайъат тузилади. Унинг таркибига Шерали Лапин, Саъидмухтор Махдум, Собиржон Юсупов, Аскарбеков ва Жалол Афанди кири-тилади<sup>77</sup>.

Марғилон шаҳридан келган Миродил шу кунларда, яъни 1917 йил 15 ноябрда Тошкентда Туркистон Советлари ва большевикларнинг III ўлка курултойи очилганини айтиб, “Уламо жамияти”ни большевиклар билан қўшилиб кетмасликка яна бир бор чақиради. Аммо Шерали Лапин бунга эътибор бермай, Тошкент “Уламо жамияти” советлар (шўролар) ва большевиклар билан ўзаро иттифокқа кириши лозимлигини айтади. Унинг бу фикри ўша кунларда “Уламо (Тошкент) ташкилотидан Рус социалистларига”<sup>78</sup> деб номлаган кўрсатмасида яққол кўзга ташланади. Шерали Лапин бошчилигидаги “Уламо” жамиятининг бир қисми большевиклар билан иттифокқа киришни лозим топганининг сабабини унинг аввалдан Россия марказида фаолият кўрсатган монархиячилар ва большевиклар билан яқин алоқада бўлгани, ҳатто Россия империяси ва совет давлатининг махфий идораларига хизмат қилганига оид фараз орқали тушунтирган бўлардик.

Туркистонда ҳар икки жамият ўртасидаги шиддатли ва мурасасиз ғоявий курашни ўша давр воқеаларининг марказида турган *Мустафо Чўқай* кейинчалик шундай

<sup>77</sup> Уламо съезди // “Улуг Туркистон” газетаси. 1917 йил 16 ноябрь.

<sup>78</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, И-39-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 3-10-варақлар.

хотирлайди: “Уламо жамияти” Тошкентда халқ табақасининг кучли нуфузидан фойдаланмоқда эди. Бу вазият “Уламо жамияти”нинг сиёсий хатти-ҳаракатидаги уйғунсизликларини ҳам беркитиб кетмоқда эди. “Уламо жамияти” ва “Шўройи Исломия” ўртасидаги келишмовчилик бизнинг умумий курашимизни заифлаштирмоқда ва шиларимизни чувалаштирмоқда эди. Иккинчи тарафдан, “Уламо жамияти”нинг сиёсий программаси миллий ҳаракатимизнинг очиқ душманларига бизга қарши қурол бермоқда эди”<sup>79</sup>.

Хуллас, 1917 йил ноябрда жадидлар ва уламолар ёки “Шўройи Исломия” ҳамда Тошкент “Уламо жамияти” ўртасида зиддият ва ғоявий кураш ниҳоятда кучайган эди. Уламочиларнинг кўпчилиги Туркистон тақдирини халқ қилнаётган мураккаб бир паллада большевиклар томонига ўтиб кетиб, жадидлар билан келишмаган, кейинчалик жадидларнинг ҳам кўпчилиги совет ҳокимиятини қувватлаган. Бироқ адолат юзасидан айтганда, уламочиларнинг орасида ҳам ҳокимият масаласида ўзаро турли карашлар бор эди. Тошкентлик уламочилардан фарқли равишда Кўкон ва Марғилондаги “Уламо жамияти” аъзолари большевикларга қарши чиққанлар ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукуматини кўллаб-қувватлаганлар.

1918 йилнинг март ойида Кўкон яқинидаги Бачқир қишлоғида “Шўройи Исломия” ва “Уламо жамияти” фаолларининг ташаббуси билан Фарғона водийсидаги кўрбошларнинг илк курултойини ўтказилиб, Туркистондаги истиқлолчиллик ҳаракатининг мақсад ва вазифалари, кураш моҳияти белгилаб олинган<sup>80</sup>. Истиқлолчилар ўртасида ҳам уламочиларнинг таъсири кучли эди.

<sup>79</sup> *Мустафо Чўқай ўғли*. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Тошкент: Фафур Ғулوم номлидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992. 29–30-бетлар.

<sup>80</sup> Қарағи: *Ражабов К.* Туркистон кўрбошлари // “O`zbekiston tarixi” журиали. 2022 йил 1-сон. 8–109 -бетлар.

Тошкент “Уламо жамияти”нинг фаолияти совет ҳокимияти томонидан 1918 йил 13 майда тақиқланган<sup>81</sup>.

### 1.5. “Турон” жамияти ва Турк Адами Марказият (Федералчилар) фиркасининг тузилиши

1917 йил баҳори ва ёзда туркистонликлар орасида турли жамиятлар, сиёсий партиялар ва ташкилотлар тузиш жараёни кучайган эди. Тараккийпарварлар, уламолар, муаллимлар, савдогарлар, хунармандлар ва бошқалар сиёсий куч ўлароқ Туркистон тарихида илк марта тарих сахнасига чиққанлар.

Тошкентда “Шўройи Исломия”, “Уламо жамияти”ларидан ташқари “Турон”, “Иттифоқи Муслимин”, Қўқонда “Ғайрат”,<sup>82</sup> Бухорода Ёш бухороликлар<sup>83</sup>,

<sup>81</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-25-фонд, 1-руйхат, 35-нш, 280-варақ; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Том II. Сборник документов. Ташкент 1972. – С. 265.

<sup>82</sup> “Ғайрат” жамияти – Қўқон тараккийпарварлари томонидан тузилган ташкилот. Унинг ҳузурда “Ғайрат” ширкати матбааси ҳам бўлган. У янги усул мактаблари учун турли дарсликлар ва китоблар, дафтар ва ўқув қуроллари чиқарган. Миллий тилларда босилган журнал ва газеталарни аҳоли ўртасида тарқатиш ва сотиш билан шуғулланган. Қўқоннинг эски шаҳар қисмида жойлашган ширкатнинг китоб дўконида Истанбул, Боку ва Оренбургда чиқарилган китоблар ҳамда газета ва журналлар сотилган. Туркистон район муҳофаза бўлими (чор охранкаси)нинг Фаргона вилоят бўлими “Ғайрат” жамиятини Ёш туркларнинг “Иттиҳод ва тараккий” партияси вакиллари билан алоқалари тўғрисида маълумотлар тўплаган.

“Ғайрат” ширкати матбааси бинноси 1918 йил февралда Туркистон Мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан ўққа тутилган ҳамда Қўқон кирғини вақтида “Шўройи Исломия” бинноси, Муваққат ҳукумат идораси, дорулмуаллимин бинноси, 39 масжид ва 19 мадраса ҳамда бошқа бинолар қаторида ёниб қолга айланган.

<sup>83</sup> Ёш бухороликлар – Бухоро жадидлари ташкил қилган партия (1910 – 1920). Дастлаб “Тарбия атфол” (“Болалар тарбияси”) махфий жамияти номи билан тузилган. Тараккийпарвар зиёлилар, савдогарлар ва шаҳар камбағаллари вакиллари билан иборат бўлиб, амирлик тузуми доирасида демократча ислохотлар ўтказиш, конституциявий монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлоқ ҳокимлигини чеклаб қўйиш тарафдори бўлганлар.



Хоразмда Ёш хивалиқлар<sup>84</sup>, Самарқандда “Иттифоқ”<sup>85</sup> каби ташкилотлар фаолият кўрсата бошлаганлар. Туркистондаги бундай жамият ва ташкилотларнинг

Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунғим), Ҳомидхўжа Меҳрий, Аҳмаджон Абду-самидов (Ҳамдий), Садриддин Айний, Отауллахўжа Пулатов, Усмон Хўжа, Мукамил Бурҳонов, Мулла Жўрабой ва Икром домла Ёш бухороликларнинг илк ташкилотчилари эдилар. Кейинчалик унинг фаолиятида Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаев катта ўрин тутганлар. 1914 йилдан бошлаб Ёш бухороликлар маърифатчиликдан сиёсат соҳасига ўтадилар. Партиянинг кўлаб раҳбарлари қуролли ҳаракатнинг гоявий мафкурачилари ҳисобланадилар. Улар муҳолифатчилар сафида катта ҳажмда гоявий ва ташкилий ишларни олиб борганлар

<sup>84</sup> *Ёш хивалиқлар* – Хива жадидлари ташкил қилган партия (1914–1921). Ўз сафида мислий зиёлилар, ҳунармандлар, деҳқонлар, савдогарлар, уламолар ва ҳонлиқдаги айрим амалдорларни бирлаштирган. Улар хон ҳокимиятини чеklangан ислохотлар ўтказиш, мамлакатда конституциявий монархия ўрнатилуш учун курашганлар. Партияга Полвонниёхожи Юсунов ва Бобоохун Салимов асос солганлар. Унинг кўлаб аъзолари муҳолифатчиларга хайрихоҳлик билан қараганлар, айримлари Жунаидхон кўшини сафида бўлганлар.

<sup>85</sup> *“Иттифоқ”* – Самарқандда ишчилар ва мардикорлар томонидан 1917 йил июнда рус большевикларининг маслаҳати билан тузилган ташкилот (жамият).

Унга мардикорликка бориб келган Э. Миржамолов раис, А. Ширинбоев ва М. Йўлдошев раис ўринбосарлари, Азимбоев хазиначи қилиб сайланганлар. Ташкилот идораси Хожа Юсуф Ҳамадоний масжидида бўлиб, сўнгра Яши Раста масжидига кўчган. Бу ташкилот 1917–1918 йиллар мислий матбуотда кўпинча “Захматқашлар иттифоқи” номи билан тилга олинади. Самарқанд шаҳар думасига 1917 йил 8 сентябрда бўлган сайловда “Шўроий Исломия” 1-рўйхат, “Иттифоқ” ташкилоти 2-рўйхат бўйича номзодларни кўрсатганлар.

Рус большевикларининг таъсири билан “Иттифоқ” аъзолари кейинчалик жадидларга ва уламоларга қарши чиққанлар. Самарқандда совет ҳокимияти 1917 йил 28 ноябрда ўрнатилгач, ташкилот раҳбарлари большевиклар томонига ўтадилар. Ақобир Шомансуров, Ҳожисаме Ҳасанжонов, Сулаймонқул Остонбоев, Туроббек Тўрабеков ва бошқалар большевиклар партиясининг фаол аъзолари бўлганлар.

Шунингдек, 1917 йил 4 апрелда Тошкентда татарлар томонидан “Иттифоқ” жамияти ҳам тузилган. “Иттифоқ” жамиятининг бўлимлари Скобелов, Самарқанд, Андижон шаҳарларида ҳам фаолият кўрсатганлар. Жамият 1917 йил 25 апрелда Тошкентда ярим татарча, ярим ўзбекча “Улуғ Туркистон” газетасини чоп қила бошлаган.

иштимоний ва сиёсий йўналишнинг белгилашда Мунавваркорни Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий, Садриддинхон Шарифхўжаев, Убайдулла Хўжаев, Садриддин Айний<sup>86</sup>, Абдулвоҳид Бурхонов<sup>87</sup>, Фитрат<sup>88</sup>,

<sup>86</sup> *Садриддин Айний [Садриддинхўжа Саидмуродхўжа ўғли] (1878–1954)* – Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси ҳамда Ёш бухороликлар фиркасининг асосчиларидан бири. Ўзбек ва тожик халқларининг атоқли адиби, машҳур олим, давлат ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ССР ФА фахрий академиги (1943), Тожикистон ССР ФА академиги ва биринчи президенти (1951–1954), Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1949), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1949), Филология фаилари доктори (Ленинград, 1948; химоясиз), профессор (1949).

Бухоро амиринининг Гиждувон туманидаги Хожа Соқтаре қишлоғида 1878 йил 15 апрелда туғилган. Бухородаги Мир Араб, Олимхон, Бадалбек, Ҳожн Зоҳид, Кўжаидон мадрасаларида таҳсил олган. Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг шик сарчанмасида турган тараққийпарвар ва миллат ойдини 1917 йилдан Самарқандда, 1951 йилдан Сталинбод (ҳозирги Душанбе) шаҳрида яшаган. Ўзбек ва тожик тилиларида баракали ижод қилган. Сталинбодда 1954 йил 15 июлда вафот этган.

Тожикистон Қаҳрамони (1997). Вафотидаги сўнг Ўзбекистоннинг “Буюк хизматлари учун” (2001) ордени билан мукофотланган.

<sup>87</sup> *Абдулвоҳид Бурхонов (1875–1934)* – Бухородаги жадидчилик ҳаракати ҳамда Ёш бухороликлар фиркасининг асосчиларидан бири

Бухоро шаҳрида 1875 йили туғилган. Мадрасани тугатган. 1908 йил октябрда Бухородаги дастлабки янги усул мактабларидан бирини очади. Мукамил Бурхонов (1884–1937) ва Садриддин Айний билан биргаликда 1908 йилдан “Тарбия атфол” (“Болалар тарбияси”) махфий жамиятини тузишда қатнашган. Жамият бухоролик тараққийпарварлар ўртасида илғор гоьлар ва маърифатпарварликни тартиб этиб, халқнинг сиёсий оштини уйғотиш учун курашди. 1917 йилда у Ёш бухороликлар фиркаси Марказий Қўмитаси раиси бўлди. Бухорода 1920 йили сентябрда республика тузуми ўрнатилгач, у Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф халқ назирн, Соғлиқни сақлаш халқ назирни ва БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари (1920–1923) лавозимларида ишлади. Бухоролик 44 талабани Германияга олиб бориб, 1921 йили Берлиндаги турли ўқув юрғларига жойлаштирди. Тожикистон ССР тузилгач (1929 йил октябрь), Душанбеда фаолият кўрсатди “Тожикистон сурх” газетасида ишлади. Душанбеда 1934 йилда вафот этган.

<sup>88</sup> *Фитрат [Абдурауф Абдурахим ўғли] (1886–1938)* – Туркистон тараққийпарварларининг энг йирик намояндаси. Бухородаги жадидчилик ҳаракати ҳамда Ёш бухороликлар фиркасининг асосчиларидан бири. Машҳур адиб, шоир, драматург ва олим, давлат ва жамоат арбоби. Биринчи ўзбек профессори (1926).

Файзулла Хўжаев (Файзуллахўжа Убайдуллахўжа ўғли)<sup>89</sup>,

Бухоро шаҳрида савдогар оиласида туғилган. Мир Араб мадрасасида таҳсил кўрган 1902–1903 йилларда муқаддас Ҳаж сафарига бўлган. Россиянинг Москва ва Петербург шаҳарларида 1906–1908 йилларда яшаган. Истанбул университетини ўқиган (1909–1913). Ёш турклар характери таъсирида у Истанбулда 1909 йили “Бухоро таълимий маорифи жамияти”ни тuzди. 1909 йилда унинг “Муножир” асари ва “Сайҳа” (“Наъра”) шеърний мажмуаси (форе тилида), 1912 йили “Баёноти сайёҳи хидди” (“Ҳинд сайёҳи баёноти”) китоблари Истанбулда чоп этилган. Фиграт Бухорога қайтгач, жадид мактаблари ташкил қилади. Ёш бухороликлар фирқасига 1915 йилдан бошчилик қилган. Февраль инқилобидан кейин Самарқандга кўчиб бориб, “Хуррият” газетасига муҳаррирлик қилган ва “Тош” журналинини чиқарган.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил тошгач, Фиграт 1921 йил мартда Бухорога қайтади ҳамда 1921–1923 йилларда маориф назари, ташки ишлар назари, Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши раиси, Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ва БХСР Халқ Назирлар Шўраси раисининг ўринбосари каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатган. Бироқ Москванинг талаби билан 1923 йил июнда ўз лавозимдан олиб ташланиб, Бухородан баъдрга қилинган. Москва (1923–1926), Самарқанд ва Тошкентда (1927–1937) яшаб, илмий ва ижодий фаолият билан шуғулланди.

Фиграт 1937 йил 22 июлда совет режими томонидан Тошкентда камокка олиниб, 52 ёшида 1938 йил 4 октябрда Чўпон, Абдулла Қодирий ва бошқалар билан биргаликда Бўзеув соҳисидан жарликда отиб ўлдирилди.

Фиграт ўлимидан сўнг 1957 йил 1 октябрда оқланган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби (1991 йил 25 сентябрь). Ўлимидан сўнг “Мустақиллик” ордени билан тақдирланган.

Фигратнинг 5 жилдлик “Танилган асарлар” китоби Тошкентда нашр қилинган (2000–2010).

<sup>89</sup> *Файзулла Хўжаев [Файзуллахўжа Убайдуллахўжа ўғли; Файзулла Хўжа; Эшонжон] (1896–1938)* – атоқли давлат ва сиёсат арбоби. Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг ташкил намояндаси ва Ёш бухороликлар фирқаси асосчиларидан бири. Бухоро Халқ Совет Республикаси Назирлар Шўраси раиси (1920–1924), Ўзбекистон ССР Марказий Инқилобий Қўмитаси раиси (1924–1925), Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси (1925–1937).

Бухоролик йирик савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжа ўғли хонадонинда 1896 йил 1 июлда туғилган. Бухоро мадрасасида ўқигач, 1907–1912 йиллари Москвада хусусий муаллимлар қўлида таҳсил олган. Бу пайта у савдо ишлари билан Германияда бўлган. Бухорога қайтгач, 1912 йилда Ёш бухороликлар фирқасининг раҳбарларидан бирига айланган. У отасидан мерос қолган катта бойликни Бухорода жадид мактаблари очишга ҳамда Ёш бухороликлар фирқасининг моддий жиҳатдан қувватлашга сарфлаган.

Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли; Усмон Хўжаев)<sup>90</sup>,

Файзулла Хўжаев ва устози Фитрат 1917 йилдан бошлаб фирқанинг сўл қанотига бошчилик қилиб, Бухорода аввал конституцион монархия, сўنгра демократик республика тузиш учун курашган. 1917 йил баҳорда амирлик тuzумида қарши ҳаракатларидаги кейинги ўз сафдонлари билан Бухорони тарк этишга мажбур бўлган. Тошкент ва Москвада 1917-1920 йилларда фаолият кўрсатган. Тошкентда тузишган инкжиобчи Ёш бухороликлар фирқаси Туркистон Марказий бюроси раиси (1920 йил январь).

Бухорода амирлик тuzумини ағдариб ташлаган учун совет ҳокимияти ва большевиклардан ҳарбий ёрдам сўраб катта хатога йўл қўйган. Қизил армия томонидан 1920 йил сентябрда Бухоро амирлиги тугатилгач, янги ташкил қилинган Бухоро Халқ Совет Республикасида Нозирлар Шўроси раиси (1920-1924) ҳамда ташки ишлар нозир (1920-1922), ҳарбий ишлар нозир (1921-1924), ички ишлар нозир (1922), БХСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раиси (1922-1924), Шарқий Бухоро Инкжиобий ҳарбий кенгаши раиси (1923-1924).

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши жараёнида Ўзбекистон ССРни тузиш ва ташкил қилишда катта ишларни бажарган. Ўзбекистон ССР худудини белгилашда ҳам Марказининг шовинистик вакилларига қарши, ҳам айрим тожик ва қozoқ мишлатчи коммунистларига қарши мurosасиз курашган. Ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг бевосита ўтмишидони бўлган Ўзбекистон ССРда 1924-1937 йилларда узлуксиз 13 йил давомида Бош вазир бўлган. Марказ сиёсати ва большевиклар кўрсатмасига бир неча марта қарши чиққан.

Файзулла Хўжаев 1937 йил 9 июлда Москвада қамоққа олиниши ҳамда улкан сагтананинг ноётахти атрофидаги Коммунарка қатлиғоҳида 42 ёшида 1938 йил 15 мартда Акмал Икромов, Владимир Иванов, Николай Бухарин ва бошқалар билан биргаликда отиб ўлдирилди.

Файзулла Хўжаев ўлиmidан сўнг 1965 йил 6 мартда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланган.

БХСРнинг “Қизил Юлдуз” (I даражали) ордени билан тақдирланган (1922).

*Файзулла Хўжаев* ҳақида яна қаранг: *Ражабов Қ.* Файзулла Хўжаев. – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011. – Б. 34-39; *Иноятов С.* Бухорои Шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси. – Бухоро: “Дурдона”, 2022. – Б. 15-23.

<sup>90</sup> *Усмон Хўжа [Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли; Усмонхўжа Пўлатхўжаев; Усмон Хўжаев; Усмон Хўжаўғли] (1878–1968)* – таъкили давлат ва сиёсат арбоби Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва Ёш бухороликлар фирқаси нинг ййрик намояндаларидан бири. Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси биринчи раиси (1921–1922). Файзулла Хўжаевнинг амакиваччаси.

Бухоролик ййрик савдогар ва сармоядор Пўлатхўжа Кароматуллахўжа ўғли хонадонида 1878 йили 23 октябрда тутилган. Дастан Бухоро мадрасасида ўқиган. 1908–1912 йилларда Истанбулда таҳсил олган. Бухорога қайтгач,

Отаулла Хўжаев (Отахўжа Пўлатхўжаевич Хўжаев)<sup>91</sup>,

япни усул мактаблари очган. “Тарбияи атфол” махфий жамиятининг фаол аъзоларидан ҳамда Ёш бухороликлар фирқаси раҳбарларидан бири бўлди. Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топгач, БХСР молча нозир (1920–1921), Давлат назорати нозир (1921), Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси дастлабки раиси (1921 йил август – 1922 йил январь) каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатган. 1922 йил бошларида совет ҳокимияти билан алоқани узиб, Шарқий Бухородан Кобулга келган ҳамда Россияга қарши кураш олиб бориш учун БХСР давлат раҳбари сифатида Афғонистон амири Омонуллахон билан шартнома имзолаган (1922 йил 29 апрель).

Усмон Хўжа муҳожирликда асосан Туркияда (1923 йил сентябрдан), бир муддат Афғонистон (1922–1923), Польша (1939–1945), Покистон (1951–1957) каби давлатларда яшаган. Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотини фаолиятида қатнашган. Истанбул ва Берлинда араб ва лотин илмисинда Туркия туркчасида “Яши Туркистон” журналини (1927–1932) чиқарган. У Анкарада Турк културини институтини ташкил қилишда қатта хизмат қилган. Усмон Хўжа 90 ёшида 1968 йил 28 июлда Истанбулда вафот этган ҳамда шаҳарнинг Осие киемида – Ускудордаги Султонтенпада Ўзбеклар таққаси ёнидаги қабристонда дафн қилинган.

Усмон Хўжанинг ўғли: *Темур Хўжаев* (1947 йил 30 майда Истанбулда туғилган) жадидчилик ва адабиётчилик олим сифатида юртимизда ҳам машҳур. Айни пайтда 76 ёшда бўлган Темур Хўжаевли Бухородаги ота ҳовлисида Туркистондаги жадидчилик тарихи музейини очиш учун Туркия ва Ўзбекистон ўртасида етиб-югурмоқда.

*Усмон Хўжа* ҳақида яна қаранг: *Ражабов Қ., Хайитов Ш.* Усмон Хўжа. – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011. – Б. 25–27.

<sup>91</sup> *Отаулла Хўжаев [Отахўжа Пўлатхўжаевич Хўжаев; Ота Хўжаев; Отауллахўжа; Атоулла Хўжаев]* (1880–1937) – Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёниси, давлат ва жамоат арбоби. Усмон Хўжанинг укаси. Файзулла Хўжаевнинг амакиваччаси.

Бухоро шаҳрида йирик савдогар ва сармоядор Пўлатхўжа Кароматуллахўжа ўғли хонадонинда 1880 йили туғилган. Истанбулга бориб, 1909–1913 йилларда акаси Усмон Хўжа ҳамда Фитрат ва бошқалар билан таҳсил олган. Бухорога қайтгач, акаси Усмон Хўжа сингари “Тарбияи атфол” махфий жамияти ва Ёш бухороликлар фирқаси фаолиятида қатнашган. Бухорода жадид мактабларини очган. Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топгач, Қарши вилояти инқилобий қўмитаси раиси (1920), БХСР ички ишлар нозир (1921), Нозирлар Шўроси раисининг биринчи ўринбосари ва раис вазифасини бажарувчи (1922–1923), ташқи ишлар нозир (1923) каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатди.

1923 йил июнда Москванинг талаби билан Бухородан Фитрат, Мусо Санджонов, Саттор Хўжаев ва бошқалар қаторида бадарға қилинди. 1925 йилдан бошлаб сиёсатдан четлашди. БХСРнинг собиқ раҳбарлари билан биргаликда 1937 йил 19 январда Бухорода қамоққа олиниди ва Тошкент

Абдулқодир Мухитдинов<sup>92</sup>, Полвонниёз Ҳожии Юсупов<sup>93</sup>,

шаҳрида 57 ёшида 1937 йил 25 октябрда отиб ўлдирилди (жами 17 киши).

Отаулла Хўжаев ўлимидан сўнг 1965 йил 2 декабрда оқланди.

Отаулла Хўжаевнинг невараси: Сулаймон Иноятов (1938 йил 12 мартда Бухорода туғилган) тарих фашиари доктори, профессор бўлиб айни пайтда Бухоро давлат унiversитетинда фаолият кўрсатмоқда.

Отаулла Хўжаев ҳақида яна қаранг: Ражабов Қ. Ўзбекистон ССРда совет режимиининг қатагон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917–1991 й.). – Б. 225–226; Иноятов С. Бухорон Шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси. – Бухоро: “Дурдона”, 2022. – Б. 116–129.

<sup>92</sup> Абдулқодир Мухитдинов (1892–1934) – Бухородаги жадидчилик ҳаракати ҳамда Ёш бухороликлар фирқаси нинг асосчиларидан бири, давлат ва сиёсат арбоби.

Бухоро шаҳрида йирик савдогар Мирзо Мухиддин Мансуров хонадонинда туғилган. Бонвивантич таълимни Бухорода олгач, Истанбул мадрасасида ўқиган. Унинг ilk мақоалари Оренбургдаги “Вақт” газетасида чиққан (1910). Бухорога қайтгач, жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. 1917 йил апрелда Бухорода бўлган намоийнидан кейин Самарқанд, Тошкент, Москвада муҳожаирликда яшаган.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкиш топгач, Бутунбухоро Марказий Ичкилобий Кўмитаси раиси (1920–1921). БХСР иқтисодиёт нозирини (1921). БХСРнинг дастлабки конституциясини ишлаб чиқишида фаол қатнашган (1921). Бухорода ер-сув ислоҳоти ўтказилишининг ташкилотчиларидан бири. БХСР иқтисодиёт [савдо ва саноат] нозирини (1921–1923), Бухоро Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши раиси ва Бухоро Иқтисодий Кенгаши раиси (1923–1924), БХСР Нозирлар Шўроси раисининг иккинчи муовинини (1923–1924).

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегаралайиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР ташкиш топгач, Тожикистон Ичкилобий кўмитаси раиси ўринбосари (1925–1926), Тожикистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1926–1929). Тожикистон ССР тузилгач, Самарқанд ва Тошкентга қайтиб, Ўзбекистон ССР Таъминот халқ комиссарлигинда ишлаган. А.Мухитдинов 1933 йил 21 августда совет режими томонидан камокқа олиниб, унга “буржуа миллатчиси” деган сохта айб қўйилган ҳамда 42 ёшида 1934 йил 1 июнда отиб ўлдирилган.

БХСРнинг Қизил Байроқ ордани ва Қизил Юлдуз (I даражали) ордени билан тақдирланган.

Абдулқодир Мухитдинов вафотидан сўнг 1958 йил 25 январда оқланган.

<sup>93</sup> Полвонниёз Ҳожии Юсупов [Полёз Ҳожии] (1861–1936) – Хоразмда жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси ва Ёш хиваликлар фирқаси асосчиси. Давлат ва жамоат арбоби.

Хива шаҳрида туғилган. Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. Хива хони Асфандиёрхоннинг жадидларга қарши сиёсати натижасида 1917 йил охиридан бошлаб икки йил давомида Тошкентда яшаган.

Бобоохун Салимов<sup>94</sup>, Аҳмад Заки Валидий, Мустафо Чўкай, Абдулла Авлоний, Абдулвоҳидқори Абдурауфқориев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Обиджон Маҳмудов, Шерали Лапин ва бошқалар ғайрат қилгандар<sup>95</sup>.

Большевиклар таъсиридаги Ёш хиваликлар инқилобий кўмитаси ранен (1918). Туркистон АССР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигида туркман пушбаси бошлиғи (1919). Хива холиғи ағдарилгач (1921 йил 1 февраль), япни ташкил қилинган Хоразм Халқ Совет Республикаси Нозирлар Шўрасининг биринчи ранен (1920 йил 27 апрель – 1921 йил 6 март). П.Юсунов ХХСР ҳукумати раҳбари сифатида мустақил сиёсат юритган ва Хоразмда демократик ислохотларни қарор топтириш учун ҳаракат қилган. Бироқ Туркистон фронти ва Туркистон комиссияси унинг бу сиёсатиға қарши чиққан. Қизил аскарлар томонидан 1921 йил мартда П.Юсунов ҳукумати ағдариб ташлангач, у зўрга қочиб ушурган. Кейинчалик большевиклар томонидан авф этилган ва ХХСРда турли лавозимларда ишлаган. “Ёш хиваликлар тарихи” номли хотиралар китобини ёзган.

Полвоқиниёз Ҳожий Юсунов 1936 йил 14 майда Хива шаҳрида вафот этган.

<sup>94</sup> *Бобоохун Салимов [Абулхаммад Бобоохун Салимоҳун ўғли] (1874-1929)* – Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, машҳур уламо, давлат ва жамоат арбоби.

Хива холиғининг Турлан туманида 1874 йили уламо оиласида туғилган. Хивадаги Олдоқулихон мадрасасини тугатган. Араб, форс, турк, рус ва бошқа тилларни яхши билган. Асфандиёрхон ҳукмронлиғи даврида отаеи Салимоҳуннинг ўрниға шайхулислом лавозимида фаолият кўрсатган (1910–1917). Ёш хиваликлар фирқасини қўлаб-қувватлаган. Асфандиёрхон зулмиға қарши 1916 йилда кўтарилган Хива қўғолонининг ташкилотчиларидан бири. Асфандиёрхон ҳузурда мамлакатни бошқариш учун тузилган Мажлис [Идоран маирутия] ранен (1917 йил 8 апрель – 17 май). У 1918–1919 йилларда Амударё бўлимининг маъмурий маркази Тўртқўлда яшаб, хонлик тузумиға муҳолифатда бўлган. Мулла Жуманиёз Султонмуродов бошчилиқ қилган Ёш хиваликлар инқилобий кўмитасида фаол қатнашган.

Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил топгач, дастлабки адлия нозирини (1920–1921, 1924) ва нозир муовинини (1923–1924). РСФСР билан шартнома тузиш учун Москваға юборилган Хоразм хайъати раҳбари (1920 йил июль–сентябрь). ХХСРнинг Афғонистондаги бош консулунини (1921–1922). Шарият асосларини чуқур билган Бобоохун 1924 йил апрелда Хоразм уламоларини I қурултойининг чакрилиши ва ўтказилишида ташаббускорлик қилган. Хоразмда халқ маорифини ривожлаштиришида Бекжон Раҳмонов билан биргалликда капта ишларни амалға оширган. У дастлабки “Алифбе” ва “Ўқиб китоби”нинг муаллифини. 1925 йилдан бошлаб давлат ва жамоат ишларидан четлаштирилган.

Бобоохун Салимов 1929 йил 10 майда Хивадаги ўз ховлисида совет чеккистлари томонидан 55 ёшида фожиаи ўлдирилган.

<sup>95</sup> Қаранг: Аҳмедов С., Ражабов Қ. Жадидчилик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жид. Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриети, 2002. 519–523-бетлар.

Худди шу пайтда “Турон” ташкилотининг фаолияти янги босқичга кўтарилади. Аввал ташкил топган “Турон” гуруҳи ва “Турон” театр гуруҳи негизда 1917 йил апрел ойида “Турон” жамияти ташкил қилинади<sup>96</sup>. Унинг фаолиятида туркистонлик ва қоғқозлик тараккийпарварлар Муҳаммадамин Афандизода<sup>97</sup>, Низомиддин Хўжаев<sup>98</sup>, Убайдулла Хўжаев, Абдулмутолиб

<sup>96</sup> Мамлакат идорасида ашманнинг ва Туркистон // “Улуғ Туркистон” газетаси. 1917 йил 25 апрел.

<sup>97</sup> *Муҳаммадамин Афандизода* – Боқудан 1917 йил май ойида аввал Қўқон ва сўнгра Тошкентга келиб фаолият юритган тараккийпарвар; аввал “Мусовот”, сўнгра Турк Адами Марказият (Федералистлар) фиркасининг раҳбарларидан бири бўлган.

1917 йили Тошкентда напир этилган “Турон” газетаси муҳаррирларидан бири. Мунавварқори ва Обиджон Маҳмудов билан ҳамкорликда фаолият кўрсатган. Мунавварқори тапаббуси билан 1918 йил майда ташкил топган Тошкентдаги Халқ дорулфунунида дарс берган. “Шўроин Исломия” жамиятининг маориф шўъбасини бошқарган. Озар қардошимиз Муҳаммадамин Афандизоданинг кейинги тақдирини намоянум.

<sup>98</sup> *Низомиддин Хўжаев* (1885–1942) – сиёсат ва жамоат арбоби.

Тошкент Эски шаҳарида туғилган. Рус-тузем мактабида ўқиган. “Турон” жамияти асосчиларидан бири. Феврал инқилобидан сўнг Тошкент Эски шаҳар хунармадилар уюшмаси раҳбари, озик-овқат кўмитаси аъзоси. Туркистон Мухториятини қувватлаб, 1917 йил декабрда Тошкентда ўтказилган намоёнишининг ташкилотчиларидан бири.

Кейинчалик большевикларга яқинлашиб, ўзбеклар орасида биригчи бўлиб коммунистик партия сафига киради (1918 йил баҳори). Тошкент Эски шаҳар шўроси ижроия кўмитаси раиси, Эски шаҳар партия кўмитаси котиби (1918–1919). Фарғона вилояти инқилобий кўмитаси раиси, Туркистон АССР МИК раиси ўринбосари (1919–1920) Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси ишида фаол қатнашган. 1924 йил мартда Хоразм халқ шўролар жумҳуриятига масъул лавозимга жўнатишган.

Ўзбекистон ССР тузилгач, турли расмий вазифаларда ишлаган. Ўзбекистон тарихий ёдгорликлари ва маданиятини сақлаш кўмитаси раиси (1932–1933) Партия сафларида 1934 йили ўтказилган “тозалашлар”дан кейин ижтимоий-сиёсий фаолиятдан четлаштирилган.

Низомиддин Хўжаев совет режими томонидан 1936 йил 15 мартда қамокқа олинган ва уч йилга сургун қилинган. Сургундалик пайтида 1938 йил 27 октябрда яна қамокқа олиниб, 1939 йил 26 майда тўрт йилга ҳукм қилинган. 1942 йил 5 апрелда Россиянинг Киров вилояти Халтуринск шаҳридаги 7-меҳнат тузатиш жамлоғида ўлган.



Орифжонов, Абдулла Авлоний, Исронлжон Иброҳимжон ўғли, Абулқосим Аминзода, Муҳаммадхон (Муҳаммаджонқори) Пошшоҳўжаев<sup>99</sup>, Мусихон Мирзожонов фаол катнашганлар<sup>100</sup>.

“Турон” жамияти ишида айниқса Низомиддин Хўжаев ва Абдулла Авлоний катта мавқега эга бўлганлар. Жамият фаолиятини янада жадаллаштиришда Бокудаги “Мусовот” партиясининг Туркистонга келган вакиллариинг ўрни ҳам катта бўлгани ҳақида “Турон” газетасида маълумотлар келтирилади<sup>101</sup>.

Миллий матбуот хабарларига таяниб тарихчи олим А.Мингноровнинг ёзишига караганда<sup>102</sup>, Тошкент аҳолиси томонидан уюша бошлаган ёш ва ўқимлишли

<sup>99</sup> Муҳаммадхон (Муҳаммаджонқори) Пошшоҳўжаев (1885–1937) – Туркистон тараккийларварларидан бири, шпакнинос агроном.

Тошкент шаҳридаги Занжирли маҳалласида дехкон Муҳиддин Пошшоҳўжа оиласида туғилган Рус-тузем мактаби ва мадрасада таҳсил олган. 1909 йилдан бошлаб Мунавварқори Абдурашидхон бончисиингдаги Тошкент оидиқлари сафинга қўйилган ҳамда “Жамияти илмодия” (1909) хайрия жамиятини ташкил қилишда фаоллик кўрсатган. “Турон” ва “Саноийи нафиса иттифоқи” (1913–1916) театр гуруҳлариининг муассисларииндан бири ва актери, “Ишриет” (1912) ва “Мактаб” (1916) кутубхонаси ноширларииндан бири. “Шўроийи Исломия” (1917) жамиятида ҳам фаол қатнашган.

Большевиклар партиясига киргач, Тошкент Эски шаҳар партия қўмитаси раиси (1918–1919), Эски Маргилон ревкомни раиси (1919–1920), Тошкент шаҳар мусулмонлари орасида кизил армияга сафарбарлик комиссияси раиси (1921), Садриддинхон Шарифхўжаев ва Ориф Каримий иши бўйича 1921 йили икки ой давомида Тошкентда қамокда ўтирган. Кейинчалик шпакчилик соҳасида фаолият кўрсатган Ўрта Осиё шпакчилик институтининг Жарариқдаги тажриба маркази мудири, Тошкент шпакчилик корхонаси бошлиғи (1925–1928), Ўзбекистон ССР шпакчилик идораси тафтишчиси (1923–1937).

1937 йил 31 августда Тошкентда НКВД томонидан қамокқа олиниб, ўша йили 14 октябрда оғиб ўлдирилган.

<sup>100</sup> “Удуғ Туркистон” газетаси. 1917 йил 30 июн.

<sup>101</sup> Турк Адами Марказияти фирқасининг мажлиси // “Турон” газетаси. 1917 йил 10 сентябр.

<sup>102</sup> Мингноров А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларининг миллий матбуотда ёритилиши (1917–1918 й.). 63 – 64-бетлар.

зпелилар томонидан “Турон” гуруҳи тузилган<sup>103</sup>. “Турон” жамиятига эса, “Шўройи Ислония” жамиятидан кейин 1917 йил апрелда асос солинган эди<sup>104</sup>. “Турон” жамияти томонидан Тошкентда 1917 йили “Турон” газетаси ҳам нашр этилган<sup>105</sup>.



*Avloniy* Айвоний



Файзулла Хўжаев



Усмон Хўжа

Аслини олганда, Туркистон жадидлари 1913 йил Тошкент шаҳрида ташкил қилган дастлабки театр гуруҳи “Турон” деб номланган эди. Унинг бадний раҳбари Абдулла Авлоний, маънавий ва моддий хомийси Мунавварқори Абдурашидхонов ва Тошкентнинг бошқа мўътабар кишилари бўлганлар. Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъламов<sup>106</sup>,

<sup>103</sup> Мамлакат идорасида алмашинув ва Туркистон // “Улуг Туркистон” газетаси. 1917 йил 25 апрел.

<sup>104</sup> Учредительные собрания ва Туркистон мусулмонлари // “Улуг Туркистон” газетаси. 1917 йил 21 октябр.

<sup>105</sup> “Турон” газетасига Абдулла Авлоний, Низомиддин Хўжаев ва Муҳаммадамин Афандизода муҳаррирлик қилганлар.

<sup>106</sup> Бадриддин Аъламов – тошкентлик миллий оидилардан бири ва актёр. “Турон” театр гуруҳини тузишда фаолилик кўрсатган. 1918–1921 йиллари Маннон Уйгур ва Гулом Зафарий бошчилигида Аброр Хидоятлов, Фатхулла Умаров, Карим Ёқубов, Махсума Қориева, Босит Қориев сингари еш санъаткорларни тарбиялаган.

Шокиржон Раҳимий<sup>107</sup>, Муҳаммадхон Пошшоҳўжаев [Муҳаммаджонқори Пошшоҳўжаев], Фузаил Жонбоев, Ҳасанқори, Самеқори Зиёбоев<sup>108</sup>, Қудратилла Юнусий<sup>109</sup>, 1916 йилдан эса Маннон Уйгур, Ғулом Зафарий, Сулаймон Хўжаев<sup>110</sup> каби актёрлар гуруҳ-

<sup>107</sup> *Шокиржон Раҳимий* (1898–1938) – Туркистон тараққийпарварларидан бири, маориф ходими.

Тошкент шаҳрида туғилган. Мадраса, усули жадид мактаби ва рус-тузем мактабида ўқиган (1903–1909). Раҳимия мактабида ўқитувчилик қилган. “Турон” театр гуруҳи фаолиятида қатнашши билан биргалликда Мунавварқори Абдурашидхоновга 1918 йили Тошкентда Туркистон халқ университети танкии кўрсатида ёрдам берган “Ингириконион” (“Қатнашпион”) газетаси (1918 йил июн) ва “Нашири маориф” (1923) жамияти танкии кўрсатида фаоллик кўрсатган. Жадид мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзган. Абдурауф Фитрат ва Қасом Рамазон билан ҳамкорликда “Она тили” (1918) дарслигини чиқарган. Тошкент Эски шаҳар ва Тошкент вилояти халқ маорифи бўлимида мудири (1918–1924). Москвада ўзбек етишлари учун ташкил этилган Бухоро Маориф уйи ва ишчилар факултети мудири (1924). 1931 йили Тошкентга қайтиб, маориф тизимида ишлаган.

1937 йил 5 августда қамокқа олиниб, совет режими томонидан “халқ душмани” сифатида 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган.

<sup>108</sup> *Фузаил Жонбоев, Ҳасанқори, Самеқори Зиёбоев* – “Турон” театр гуруҳининг 24 кишидан иборат асосий ижрочи кучларининг етакчилари бўлган актёрлар. Улар Абдулла Авлоний ва Нигомиддин Хўжаев бошичилигида 1913–1917 йиллари “Турон”да кўйилган спектаклларда ўйнаганлар.

<sup>109</sup> *Қудратилла Юнусий* (1896–1938) – Туркистон маърифатпарварларидан бири.

Эски усулдаги мактаб, мадраса, рус-тузем мактабида ўқиган. 1909 йилдан “Жамияти имодия” аъзоси. Тошкентда тузилган “Турон” гуруҳи ва жамияти аъзоси (1915–1919). Бухорода инқилобий трибуналда терговчи (1921). Тошкентдаги “Тоштрам” депосида директор ўринбосари (1923), Янгийўл тумани райвижроқум раиси ўринбосари (1926–1928), “Ўзбексавдо” бошқаруви раисининг ўринбосари (1928–1930). У ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан 1931 йили Москвага ўқитишга юборилган. Бутуниттифок яши алифбо кўрсаткичида ходим (1931–1934), СССР МИК Илмий кенгашининг Бутуниттифок китоб палатасида катта библиограф (1935 – 1937). Москвада 1937 йил 25 октябрда қамокқа олиниб, 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган.

<sup>110</sup> *Сулаймон Хўжаев* (1892–1938) – ўзбек миллий киносининг асосчиларидан бири.

Тошкентдаги Камолон маҳалласида дехқон Умархўжа Сулаймонхўжа ўғли ва Офтоб ойим хонадонидида туғилган. Отасидан уч ёшида етим қолгач,

нинг асосий кучлари саналганлар. “Турон” жамияти ва “Турон” театрининг моддий жиҳатдан Тошкентнинг маърифатли бойлари ака-ука Комилбек Норбеков<sup>111</sup>

оиласи ва бобоси Тошхўжа қўлида тарбияланган. Дунёқарани шакллантиришда мударрис тоғалари Нажмиддинхўжа ва Эшонхўжа, шоир ва таржимон Салоҳиддинхўжа Тошкандий муҳим ўрнни тутадди. Қўқалдош мадрасасида тахши олган. «Турон» театр труппасида катташган (1914–1916). Совет ҳокимияти ўрнатилгач, янги ҳукумат идораларида ишлаган. Похвир вилоят инқилобий кўмитаси ва Мурғоб инқилобий кўмитаси аъзоси (1927–1929). Тошкент кинофабрикасида сценарий ёзувчиси ва режиссёр. «Равог кашкирлари», «Чодра», «Сўнгги бек», «Авлон кизи», «Тошлар исёни» фильмларида роль ўйнаган. Фиграт ва Гўзи Юнус билан ҳамкорлик қилган. 1916 йилдаги Жигзах қўзғолони ҳақида «Тонг олдида» фильмининг суратга олган. 1930 йил 4 декабрда қамокқа олинган ва 6 йил муддатга ҳукм қилинган. Ҳукмин Сазлаг (Ўрта Осиё лагери)нинг Малик қамокхонасида ўтказган. 1938 йил 5 июлда қайта суд қилиниб, отиб ўлдирилган.

Сулаймон Хўжаевнинг ўғли: *Ҳамид Сулаймонов* (1910–1979) адабиётшунос олим, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби бўлса ҳам, XX асрнинг 50-йиллари бошларида қатағонга учраб, қамокда ўтириб чиққан.

Сулаймон Хўжаевнинг невараси: *Рустам Ҳамидович Сулаймонов* (1939 йили Тошкентда тутилган) – машҳур археолог ва тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби бўлиб, у айни пайтда Ўзбекистон мивлий университети ҳамда Тарих институти профессори сифатида фаолият кўрсатмоқда.

<sup>111</sup> *Комилбек Норбеков* (1880–1943) – Тошкентнинг йирик бойларидан бири.

Муҳаммадаминбой Норбек ўгли оиласида тутилган. Эски усулдаги мактаб, мадраса ва рус-тузем мактабида ўқиган. Укаси Каримбек билан бирга чарм ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Австрия ва Германия фирмалари билан ҳамкорликда қўн ва чарм савдосини ўрнатган. Тараққийпарвар дўстлари Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев, Низомиддин Хўжаев ва бошқалар билан бирга 1909 йили Тошкентда “Жамияти имдодия” хайрия жамиятини тузганлар. 1909–1911 йиллари 35 ўқувчига мўлжалланган усули жаҳид мактабининг қуриб берган ҳамда муаллимларга маош тўлаган.

Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилгач, Туркистон АССР Маориф ва савдо халқ комиссарликларида бўлим мудирини бўлиб ишлаган. 1921–1930 йиллари Тошкент ва Қўқонда савдо ишлари билан шугулланган. Бу пайтда “Миллий Иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. 1930 йил 7 октябрда ака-ука Комилбек ва Каримбек Норбековлар совет давлати томонидан қамокқа олинганлар ҳамда 3 йил муддатга сургун қилинганлар. Сургундан чиқиб, аввал Тошкентга келиб, сўнгга Олмаота

ва Каримбек Норбеков<sup>112</sup> кўллаб-қувватлаб турганлар. “Турон” гуруҳи Тошкентнинг эски ва янги шаҳар қисмларида ўзининг кишлик ва ёзлик биносига эга театр жамоаси даражасига кўтарилган. Чорсудаги гуруҳ жойлашган бинода 1913 йили махсус кутубхонага ҳам асос солинади ва 1918 йилдан мустақил оммавий кутубхонага айланади. 1919 йилдан эса, “Турон” кутубхонаси ўларок Туркистон зиёлилар орасида машхур бўлган.

“Турон” театр гуруҳи ўз фаолиятини 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги “Коллизей” театри биносида 2000 томошабин хузурда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” спектакли билан бошлаган. Октябр тўнтариншдан сўнг 1918 йили “Турон” театр труппаси совет ҳукумати ихтиёрига олинади ва унга давлат театри мақоми берилади. Театрнинг бадиий раҳбари ва режиссёри этиб Маннон Уйғур<sup>113</sup> тайинланади. Хуллас, Ўзбек

---

орқали Ёркентга жўнаб кетганлар. Бироқ у яна Тошкентга қайтгач, НКВД ходимлари томонидан қамоққа олиниб, 1935 йил 14 сентябрда Тошкент шаҳар халқ суди томонидан 2 йилга озодликдан маҳрум этилган. Тошкентдаги мусулмон уламолари иши жараёнида 1939 йили такрор қамоққа олиниб, қатагон этилган. Баъзи фикрларга қараганда, у қамоқдан 1943 йили уйига қайтган ва орадан кўп ўтмай Тошкентда вафот этган.

<sup>112</sup> *Каримбек Норбеков* (1888–1969) – Тошкентнинг маърифатли бойларидан бири.

Муҳаммадаминбой Норбек ўгли оиласида туғилган, Комилбек Норбековнинг укаси Ақаси билан бирга эски усулдаги мактаб, мадраса ва рус-тузем мактабида ўқиган. Савдо-сотик ишларини биргаликда юритганлар. “Жамияти имдодия” ташкилоти ва “Турон” театрини кўллаб-қувватлаб турган. Совет ҳокимияти ўрнатилгач ҳам, билим истаган ёшларни моддий жиҳатдан таъминлаган. 1924–1929 йиллари тижорат ва деҳқончилик билан шўғулланган. 1930 йили қамоққа олиниб, 3 йилга сургун қилинган. Жазо муддапни ўтагач, ақаси билан Шаркий Туркистон томонга ўтиб кетган. 1957 йили Тошкентга қайтган ва шу ерда 1969 йили вафот этган.

<sup>113</sup> *Маннон Уйғур* [Абдуллажон Маждидов; тахаллуси Уйғур] (1897–1955) – Ўзбекистон халқ артисти (1932). Режиссёр, актёр, драматург. 1916 йили “Турон” труппасида актёр сифатида иш бошлаган, 1919 йили трупп-

миллий академик драма театрининг тамал тоши 1913 йилда “Турон” театр труппаси томонидан қўйилган эди.

“Улуг Туркистон” газетасида ёзилишича, “Турон” жамиятининг 1917 йил 14 июлдаги навбатдаги умумий йиғилишини Низомиддин Хўжаев очган ва “Турон” жамиятини ислоҳ қилишни таклиф қилган. Жамиятга раис этиб бир овоздан Муҳаммадамин Афандизода, шунингдек Низомиддин Хўжаев унга ўринбосарликка, Абдулла Авлоний, Муҳаммадхон Пошоҳўжаев, Саъдуллахўжа Турсунхўжа ўғли<sup>114</sup>, Исроилжон Иброҳимжон

пани қайта таъкивл қилган. Ўлимидан сўнг “Буёқ хизматлари учун” ордени билан мукофотланган (2001).

<sup>114</sup> Саъдуллахўжа Турсунхўжаев (1891–1938) – Туркистон тараққийпарварларидан бири, давлат ва жамоат арбоби.

Тошкент шаҳрида савдогар Турсунхўжа Муҳаммадхўжаев оиласида туғилган. Рус-тузем мактабида ўқиган (1898–1901). “Тараққийпарвар” ташкилотининг аъзоси сифатида Туркистондаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган (1908–1917). Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Низомиддин Хўжаев ва бошқалар билан биргаликда “Турон” жамиятида фаол қатнашган. Октябр тўнтаришидан сўнг аввал сўл эсерлар, сўнгра большевиклар сафига кирган илк миллий коммунистлардан бири эди.

Туркистон ўлкаси Озиқ-овқат халқ комиссарлигининг Москвадаги вакили (1917–1918), Тошкент Эски шаҳар шўроси ижроия кўмитаси раиси ўринбосари (1918), Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918–1919), Миллий ишлар халқ комиссари, Ташки ишлар халқ комиссари (1919), Туркистон Компартияси МК котиби, айни пайтда Бухоро Компартияси МК масъул котиби (1920–1921). БХСРнинг Савдо ва саноат халқ ноziри (1921), Туркистон АССР Халқ хўжалиги марказий кенгаши раиси ўринбосари (1921–1922), Помир вилояти инкилобий кўмитаси раиси (1922–1923), ХХСР Ижтимоий таъминот, савдо ва саноат халқ ноziри (1923–1924), ХССР Нозирлар Шўроси раиси ўринбосари, Давлат режа комиссияси раиси, ХССР Марказий ижроия кўмитаси раиси (1924), Хоразм вилояти инкилобий кўмитаси раиси (1924–1925).

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгач, СССР Меҳнат ва мудофаа кенгашининг Ўзбекистон ССР бўйича вакили (1925–1926), Ўрта Осиё сув хўжалиги қурилиши ташкилоти бошлиғи (1927), СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё бўйича вакили (1928–1934), Қозогистон ССР Сув хўжалиги Бош бошқармасининг бошлиғи (1935–1937).

Ўғли, Абулқосим Аминзода, Мулла Орифжон Мулла Салимжон ўғли, Салоҳиддин Муҳаммадхожи ўғли, Абдулмутолиб Орифжонов идора аъзолигига<sup>115</sup>, Лазиз Азиззода<sup>116</sup>, Абдугани Мусахон Миразимов, Сайдулла

“Миллий Иттиҳод” ташкилоти Марказий кўмагаси аъзоси сифатида БХСРда қағда ташкилотчилик ишларини олиб борган (1920–1921). Россия империяси ва совет давлатига қарши фаолияти учун у бир неча марта қамокқа олинган (1911, 1922, 1937). СССР Олий суди ҳарбий ҳайъатида 1938 йил 4 октябрда Тошкентда бўлган мажлисда олишга ҳукм қилинган ва ўша кунини олиб ўлдирилган.

Саидлиахўжа Турсунхўжаевнинг ўғли *Зиқрилла Турсунхўжаев* (1912 – ?) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), кишилик ҳўжалик фаиллари доктори, профессор, кизи *Мушира Турсунхўжаева* (1921–1976) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), тиббиёт фаиллари доктори, профессор.

<sup>115</sup> “Турон” газетаси. 1917 йил 6 сентябр.

<sup>116</sup> *Лазиз Азиззода* (1889–1987) – маърифатпарвар арбоб.

Тошкент шаҳрида деҳқон ва саҳхоф оиласида туғилган. Эски мактаб ва мадрасани тугатган. “Турон” газетаси масъул муҳаррири (1917). Тошкент Эски шаҳар ва Янги шаҳар фирка кўмагасида ишлаган (1918–1920). Бухоро давлат нашриёти ва “Бухоро ахбори” газетасида фаолият кўрсатган (1920–1922). Қисқа муддат қамокда сақлангач (1922 йил июл–1923 йил январ), Москвада ўзбек тилида чиқадиган “Учқун” журналини таҳририят аъзоси (1923–1924).

1924 йили Бирланган давлат сиёсий бонқармаси (ОГПУ) чеклови бекор қилингач, Тошкентга қайтиб, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комисарлиги қоншдаги Академмарказда илмий ходим (1925 – 1926) бўлиб ишлаган. Москвадаги Шарқ меҳнатқашлари коммунистик университетини ўқитувчиси (1926–1927).

1927 йил апрел ойида Москвада ОГПУ томонидан қамокқа олиниб, Россиянинг Новосибирск вилояти Баевский туманидаги Ново Чумак кишилогига уч йил муддатга сургун қилинади. 1930 йили озодликка чиқарилгач, орадан кўн ўтмай Мунавварқори Абдурашидхонов иши бўйича яна қамокқа олинади (1930 йил 3 апрел) ҳамда ўн йил муддатга концлагерга ҳукм қилинади. Жазони Магаданга ўтайди. Бу иш бўйича қамокқа олиниб ҳукм қилинган 85 кишидан ёлғиз ўзи тирик қолиб, 1947 йили озодликка чиқади ҳамда Тошкентга қайтгади. Бирок унга ўз шаҳрида яшашга рухсат берилмагач, икки йил давомида Фрунзе (ҳозирги Бишкек) ва Ўш шаҳарларида истикомат қилади. Тошкентга қайтгач, 1949 йил 22 апрелда НКВД томонидан қайта қамокқа олиниб, сургун қилинади. 1957 йили сургундан қайтгач, “Турон” кутубхонаси ҳамда Ўзбекистон ССР Шарқшунослик

Саъидахмадхожи ўғли, Абдулмажидхон, Салоҳиддин Муфтийзода<sup>117</sup> ва Ҳамидхожи ноибликка, Абдулҳамид Акбаров саркотибликка сайланганлар”<sup>118</sup>.

Хуллас, Туркистон тараққийпарварлари 1917 йил март–июл ойлари ўртасида кўплаб миллий жамиятлар ва снёсий ташкилотлар тузиб, пишиб етилган ва ечимини кутаётган снёсий масалаларга ўз муносабатларини белгилаб олганлар. Ниҳоят, улар Туркистонда худудий мухторият учун снёсий вазият ва кураш ҳал қилувчи паллага кирганини англаб етганлар.

Бутунроссия мусулмонларининг 1917 йил 1–11 май кунлари Москвада ўтган I курултойи берган туртки натижасида мухторият масаласи янада жиддий-

ишпути, сўнгра Ёил ва адабиёт институтида илмий ходим сифатида фаолият кўрсатди.

Лазиз Азиззода Тошкент шаҳрида 1987 йил 4 ноябрда 99 ёшида вафот этган.

<sup>117</sup> Салоҳиддин Муфтийзода (1886 – ?) – Туркистон тараққийпарварларидан бири.

Тошкент шаҳрида уламо ва танобчи Абдумўмин муфти оиласида тутилган. Мадраса ва рус-тузем мактабида ўқиган. “Турон” уюшмасига аъзо бўлиб, Россия империясининг мустамлакачилиги сиёсатига қарши курашган. Россияда мардикорчиликда бўлиб, юртига қайтгач, “Уламо жамияти”да фаолият олиб борган. Туркистон Мухторияти ҳукумати идорасида ишлаган (1917–1918). Мухторият большевиклар томонидан бостирилгач, ўз ихтиёри билан Сибирга кетган. 1919 йили Тошкентга қайтиб, большевиклар фиркасига кирган. “Туркистон” газетасида ўткир мақолалар эълон қилган (1922–1924). Тошкент Эски шаҳар халқ маорифи бўлими мудири, Ички ишлар халқ комиссарлигида котиб (1925). Ўзбекистон кинофабрикасида таржимон (1930–1932).

1932 йил 25 ноябрда совет режими томонидан қамокка олиниб, 1933 йил 4 майда 10 йилга меҳнат тузатиш жамлоғига ҳукм қилинган. Жазо муддатини Қарагандада ўтаган. Қамокдан кейин Тошкентда биров яшагач, НКВД талаби билан 1946 йили пойтахтдан чиқариб юборилган ҳамда у Бўстонлик туманида кутубхоначи бўлиб ишлаган. 1949 йил 8 мартда қайта қамокка олиниб, НКВД томонидан 1949 йил 19 августда яна 10 йил муддатга ҳукм қилинган. Сталин ўлимидан сўнг озодликка чиққан.

Салоҳиддин Муфтийзода ўлимидан сўнг 1978 йил 6 январда оқланган.

<sup>118</sup> “Турон” жамияти // “Улуғ Туркистон” газетаси. 1917 йил 30 июл.



лашадн. Ўша йили 12–14 июлда Фарғона вилояти мусулмон ташкилотларининг Скобелевдаги қурултойида дастурий масалалар кўриб чиқилиб<sup>119</sup>, унда Турк Адами Марказият (Федералистлар) фиркасининг дастури (маромномаси) ва 22 моддадан иборат низомни қабул қилинадн<sup>120</sup>.

“Улуғ Туркистон” газетасида ёзилишича, 1917 йил 3 август кунн кечқурун Тошкент шаҳрида “Шўроин Ислония” жамияти биносида Турк Адами Марказият



*Полвоншириз Ҳожн Юсупов*

фиркаси йнгилиши ўтказилган. Муҳаммадамин Афандизода раислик, Шокиржон Раҳимий саркотиблик қилган ушбу тадбир бошида Муҳаммадамин Афандизода фирканинг мақсад ва режалари хусусида маъруза қилгач, фирканинг бошқарувига 20 кишини сайлашга қарор қилинадн<sup>121</sup>. Шунга кўра, Муҳаммад Амин Афандизода, Садриддинхон Шарифхўжа ўғли, Миён Бузрук, Мунавварқори Абдурашидхонов, Саъидалихўжа Турсунхўжа ўғли, Мажид Кодирий, Низомиддин Исомиддинхўжа ўғли, Каттахўжа Бобохўжа ўғли, Муҳаммадхон Пошшоҳўжаев, Исроилхон Иброҳимжон ўғли, Пири Мурсилзода, Аҳмад Маҳмудзода, Мулла Содик Охунд, Абдул-

<sup>119</sup> Газета “Туркестанский курьер”. 26 июля 1917 г.; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Том 1. Установление советской власти в Узбекистане. Ташкент. 1963. С. 193 – 194.

<sup>120</sup> Қаранг: Турк Адами Марказият (Федералист) фиркасининг маромномаси // “Фан ва турмуш” журнали. 1990 йил 7-сонн. 6–8-бетлар

<sup>121</sup> Турк Адами Марказияти фиркаси // “Турон” газетаси. 1917 йил 10 сентябр

фаттоҳ Маҳдум Абдулхўжа ўғли, Мулла Муборак Содик Муҳаммад ўғли, Салоҳиддин Маҳмуд ўғли, Юсуфжон Аҳмаджон ўғли, Мулла Мадихон Олимхожи ўғли, Салоҳиддин Муфтийзода, Абдулсамн Қори Знебоев очик овоз йўли билан Турк Адами Марказияти фиркаси бошқаруви аъзолигига, Мулла Абдулла ўғли, Хўжа Аҳмад Шераҳмад ўғли, Сайдуллахўжа Саъидахмадхожи ўғли, Тошхўжа Туёкбой ўғли, Илхомжон Алихон ўғли эса номзодликка сайланганлар. Сўнгра Муҳаммадамин Афандизода фирканинг аъзоси бўлиб ёзилиш шартлари тўғрисида маълумот бериб мажлисга якун ясади”<sup>122</sup>.

Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам Турк Адами Марказияти фиркасининг бўлимлари очилиб, улар 1917–1918 йиллари фаол иш олиб борганлар<sup>123</sup>.

Турк Адами Марказият (Федералистлар) фиркасининг маромнома ва низоми 1917 йил 23 августда Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонови<sup>124</sup>

<sup>122</sup> *Мингиров А.* Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг матбуотда ёритилиши (1917–1918 йиллар). 64-бет. Турк Адами Марказияти фиркаси // “Турон” газетаси. 1917 йил 10 сентябр.

<sup>123</sup> *Аъзамхўжаев С.* Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. 103-бет.

<sup>124</sup> *Ғулам Ҳасан Орифжонов* (1874–1947) – Туркистонда матбаачиликни йўлга қўйган ilk ноширлардан бири.

Тошкентда туғилган. Ёшлигида хаттот ва китобфуруш бўлган. Эски усул мактаби ва мадрасада ўқиган. XIX аср охириларидан бошлаб Туркистон тараққийпарварлари билан яқин алоқада бўлган. 1889 йили Тошкентнинг Каллаҳона маҳалласидаги ўз ховлисида муқовалаш устахонаси, 1907 йили эса Сақичмон маҳалласида савдогар тоғаси Қосимбой Ҳожн билан бирга “Ғуломия” босмахонасини ташкил қилган. Ушбу босмахона кейинчалик Орифжонов тошбосмахонаси деб ҳам аталган ва Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилгач, мусодара қилинган. Бироқ 1918 йил 17 майда у бошқарувчилардан тошбосмахона очишга рухсат олиб, ноширлик фаолиятини давом эттиради.

1947 йили Тошкентда вафот этади.

“Ғуломия” босмахонасида<sup>125</sup> ўзбек тилида<sup>126</sup> махсус рисола шаклида chop этилган. Ушбу хужжатлар “Программа Тюркской партии Федералистов в России”<sup>127</sup> номи билан Тошкентда 1917 йил август ойида социал-инкилобчилар (эсерлар) партияси босмахонасида ҳам алоҳида китобча ўларок босилган.

Турк Адами Марказият (Федералист) фиркаси нинг маромномаси “Давлат ва мухторият ташкилотли”; “Миллий масалалар”; “Диний масалалар”; “Мухториятли китъаларда ахлият (фуқоролнк) ҳақида”; “Иқтисод ва моллия масалалари”; “Ер масаласи”; “Ишчилар масаласи”; “Адлия масаласи”; “Маориф ишлари” каби тўққизта бўлимдан иборат. Низомнома эса 22 моддадан ташкил топган бўлиб, унда фирканинг ташкилий асослари ёритилган.

Хужжатлар остида эса Туркистон ва Қофқоз мухтарам зотларидан 14 киши: Мулла Камолиддин Қози Домулла

<sup>125</sup> “Ғуломия” босмахонаси – Тошкентда тошбосма усули билан ўзбек тилида китоб нашр этилган босмахона.

Ушбу 1907 йил 28 июлда Ғулом Ҳасан Орифжон ўгли асос солган. Босмахонада Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девони, Ғузуний, Бедил, Муқимий, Аҳмад Яссавий, Суфий Оллоер асарлари, Қуръони карим, ўзбек халқ достонлари, Хужа Насриддин ҳақидаги лағифалар ва бошқа китоблар chop қилинган. Китобнинг нархи нисбатан арзон бўлган. Бу нашрлар ўша давр учун катта бўлган адаб – 2000–3000 нусхада босилган. “Ғуломия” босмахонаси Туркистонда тошбосма ҳусниҳатини ривожланишида муҳим ўрни тутган. Босмахона учун ускуналар Москва ва Лейпцигдан олиб келинган.

Тошкентда совет ҳокимияти ўриятилгач, босмахона 1918 йил март ойида давлат ихтиёрига ўтказилган. Бирок 1918–1920 йиллари chop этилган китобларда ҳам “Ғулом Ҳасан Орифжонови босмахонаси” ёзуви қайд этилган. Чорсу бозори ёнбошидаги бу босмахона XX аср 90-йилларигача бор эди (қаринг: *Азиз Бобохонов*. Ўзбек матбааси тарихидан. Тошкент. 1979. 164–175-бетлар. *Ўша муаллиф*. Асрдан олган зиё масканлари (Тарихий очерклар). Тошкент. 2011. 124 – 143-бетлар).

<sup>126</sup> Турк Адами Марказият (Федералистлар) фиркасининг маромномаси. 6–8-бетлар.

<sup>127</sup> Программа Тюркской партии Федералистовъ в России. Ташкент, 1917.

Раҳмонберди ўғли (Хўканд); Мулла Муҳиддин, Махдум Аълам Мулла Муҳаммад (Андижон); Мулла Боқи Охунд Домулла Одилбой ўғли, мударрис (Андижон); Мулла Обиджон Маҳмудёр, тужжор (Хўканд); Мир Одил Мирзо Аҳмад ўғли, тужжор, (Скобилуф); Мунавварқори Абдурашидхон ўғли (Тошканд); Мулла Маҳмудхўжа Бехбудий, муфтий (Самарқанд); Абдулқосим Муҳаммад Амнзода; Муҳаммадамин Афандизода (Қофқоз уламо-ларидан); Садриддинхон Махдум Муҳаммад Шарифхўжақози ўғли (Тошканд); Мулла Мир Абдулла Мулла Шоҳмирзо Охунд ўғли, талаба (Тошканд)<sup>128</sup> каби тараккийпарварлар, уламолар ва ёшлар қўл қўйганлар. Хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Садриддинхон Шарифхўжа, Обиджон Маҳмудов каби тараккийпарварлар билан биргаликда Мулла Камолиддин Қози, Мулла Боқи каби йирик уламолар ҳамда Озарбойжондан келган Муҳаммадамин Афандизода каби мусовотчилар борлиги мазкур хужжат пухта ва мукамал ишланганлигини англатади. Улар “Шўройи Исломия” ва қисман “Уламо жамияти”нинг фаоллари ва раҳбарлари бўлганлар.

Туркистон мусулмонларининг илк сиёсий партияси бўлган Турк Адами Марказият фирқасининг мавқеи минтақада кун сайин ортиб боради. 1917 йил 20 августда Марғилон шаҳридаги Тошмозор даҳасининг Жомеъ масжидида чамаси 2000 кишилик аҳоли тўпланиб, намойиш ва йиғилиш ўтказди. Унда фирқанинг Марғилондаги бўлими ташкил қилиниб, раисликка Усмонхўжа Эшон, саркотибликка Холмуҳаммад Охунд сайланади<sup>129</sup>.

<sup>128</sup> Турк Адами Марказият (Федералистлар) фирқасининг маромномаси. 6–8-бетлар.

<sup>129</sup> Туркистон хабарлари. Митинг // “Турон” газетаси. 1917 йил 6 сентябр.

Бу пайтда Туркистонда снѳсий жараѳнлар тобора тезлашиб борарди. 1917 йил 23 августда Андижон шаҳрида “Ҳаваскорони маориф” жамиятининг идорасида бир гуруҳ тараққийпарварлар таклифи билан “Турон”, “Ҳаваскорони маориф”, “Талабалар жамияти”-нинг қўшма йнгилишида ҳар учала жамият томонидан Турк Адами Марказият фирқаси дастури қабул қилинади<sup>130</sup>. Хуллас, юкоридаги учала жамият ҳам мазкур фирма сафига қўшилади.

1917 йил 4 октябрда Тошкентда чиқаётган “Кенгаш”<sup>131</sup> ва “Турон”<sup>132</sup> газеталари тўхтатилиб, улар ўрнига “Турк эли”<sup>133</sup> аталмиш янги газета чоп этилган.

---

<sup>130</sup> Андижонда жамиятлар бирилашуви // “Турон” газетаси. 1917 йил 6 сентябр.

<sup>131</sup> “Кенгаш” газетаси – Туркистон тараққийпарварларининг газетаси. Тошкент шаҳрида 1917 йил 25 июндан то октябр ойигача ўзбек тилида нашр қилинган. Туркистон Мусулмонлари ўлка Марказий шўроси нашри ҳисобланган. Газетига дастлаб Аҳмад Заки Валидий, сўنгра Мунавварқори Абдурашидхонов муҳаррир бўлган. Газета Туркистонда мухториятчилик ғоясини кенг тартиб қилган. Унинг жами 16 та сови чиққан. “Кенгаш” газетаси 1917 йил 4 октябрда “Турон” газетаси билан бирилашиб, “Турк эли” номи билан нашр этилган.

<sup>132</sup> “Турон” газетаси – Туркистон тараққийпарварларининг газетаси, Турк Адами Марказияти фирқасининг нашри.

Тошкент шаҳрида 1917 йил 16 майдан 4 октябргача нашр қилинган. Биринчи муҳаррири Абдулла Авлоний бўлган. Мирмуҳсин Шермухамедов газетанинг 2-совида уламоларни танқид қилиб ѳзган мақоласидан сўнг 1917 йил икки ойида тўхтатилган. 1917 йил 14 сентябрда Низомиддин Хўжаев ва Муҳаммадамин Афандизода муҳаррирлигида яна ўз фаолиятини қайта тиклаган. 1917 йил 4 октябрда “Кенгаш” газетаси билан бирилашиб, “Турк эли” номи билан чоп этила бошлаган.

Мазкур “Турон” газетасини Бухорода 1912–1913 йиллари чоп этилган “Турон” газетаси билан чалқаштириб юбормаслик лозим.

<sup>133</sup> “Турк эли” газетаси – Туркистон тараққийпарварларининг газетаси, Туркистон мусулмонлари ўлка Марказий шўроси ва Турк Адами Марказияти фирқаси ҳайъатининг нашри.

Тошкент шаҳрида 1917 йил 4 октябрдан “Кенгаш” ва “Турон” газеталарини бирилаштириш орқали чоп этила бошлаган. Туркистон Мухторияти ғояларини олға сурган. 1918 йил февралда Туркистон Мухторияти ҳукумати Бoльшевиклар томонидан тугатилгач, газета фаолияти ҳам таққиланган.

Бу газета Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси ҳамда Турк Адами Марказият фиркаси ҳайъати томонидан чиқарилган.

1917 йил кузига келганда, Туркистонда миллий кучлар бирлашиш сари мураккаб йўлнинг охирида турган эдилар. Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг 1917 йил 17–20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган курултойида “Шўройи Исломия”, “Уламо жамияти”, “Турон” ва бошқа сиёсий ташкилотларни бирлаштириш орқали “Иттифоқи Муслимин” (“Мусулмонлар Иттифоқи”) сиёсий партиясини тузишга келишилади<sup>134</sup>. Бироқ бу келишув омонат ва вақтинчалик эди. Аслини олганда эса, “Иттифоқи Муслимин” партияси Россиядаги бир гуруҳ мусулмонлар томонидан 1905 йили Нижний Новгородда тузилган бўлиб, у мусулмон конституцион партияси (кадетлар) ҳисобланади<sup>135</sup>. Бироқ орадан кўп ўтмай, Тошкент “Уламо жамияти” бу келишувни барбод қилиб, минтақада ягона сиёсий куч бўлишга даъво қилади.

## 1.6. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси

Муваққат ҳукуматнинг миллий масалага муносабати бошқарувнинг янги аппаратини шакллантириш ва унинг амалий фаолиятини ташкил этиш жараёнида янада аниқ намоён бўлди. Тарихдан маълумки, Туркистондаги янги маъмуриятнинг асосий муассасалари Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси, унинг область ва уезд комиссарлари, ижроия қўмиталари, жамоат хавфсизлиги қўмиталари эди.

<sup>134</sup> Тошкент Уламо курултойи ва қарорлари // “Улуг Туркистон” газетаси. 1917 йил 30 сентябр.

<sup>135</sup> Багирова И.С. Политические партии и организации Азербайджана в начале XX века (1900–1917). Баку. 1997. С. 333.

Асосий бошқарув 1917 йил 7 апрелда Петрограддаги Муваққат ҳукумат қарори билан тасдиқланган Туркистон қўмитаси (Турккомитет) қўлида жамланган эди. Туркистон қўмитаси таркибига Давлат Думаси аъзоси Н.И.Шчепкин, 1-чакирик Давлат Думаси аъзоси А.Букейхонов, 2-чакирик Давлат Думаси аъзоси М.Тинишбоев, 3-чакирик Давлат Думаси аъзоси С.Н.Максудов, В.С.Елпатьевский, А.Л.Липовский, П.И.Преображенский, О.А.Шкапский ва генерал-майор А.А.Давлетшин киритилди. Комитет раиси қилиб Давлат Думаси аъзоси Н.И.Шчепкин тайинланди<sup>136</sup>. Туркистон қўмитаси Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Каспийorti ва Еттисув вилоятлари, шунингдек, Хива ва Бухоро доирасида ваколатга эга бўлиб, унга “мустақкам тартиб ўрнатиш ва Туркистон ўлкасини бошқариш” вазифаси юкланди. Россия Муваққат ҳукумати Туркистон қўмитасининг ташкил этилишини унинг янги тайинланган раиси Н.И.Шчепкин 1917 йил 14 апрелда Тошкентда бўлган Туркистон ўлка ижроия қўмиталарининг съездида сўзлаган нутқида шундай асослаган эди:

“Мамлакатни бошқариш муайян йўналиш бўйича амалга оширилади. Ички губернияларга ички ишлар министри томонидан маҳаллий аҳоли билан келишилмаган ҳолда тайинланган комиссарлар юборилди ва жойларда мабодо нохушлик ҳоллари юз берса, комиссарлар алмаштирилади ҳам, бироқ бу жуда кам учрайди, чунки комиссарлар ҳам худди биз ижроия қўмиталарини сайлаганимиз сингари ўзларини сайлашган маҳаллий Советларга суянишади. Кейинги пайтларда Муваққат ҳукумат Марказдан узоқда бўлганлиги ва алоҳида

<sup>136</sup> Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.1. Сборник документов. – Ташкент: Изд. АН Узбекской ССР, 1968. – С. 57-58.

шаронтларга эга вилоятларда худди Кавказ ва Туркистон ўлкасига юборилган бутун бошли комитетлар каби комиссарларнинг эмас, балки бутун бошли комитетни тайинлайди”<sup>137</sup>.

Туркистон кўмитасининг дастлабки таркибида 9 нафар аъзодан 4 нафари туркий миллат вакиллари бўлган: Давлат Думасининг 1-чақирик аъзоси Алихон Букейхонов (қозок), Давлат Думасининг 2-чақирик аъзоси Муҳаммаджон Тинишбоев (қозок), Давлат Думасининг 3-чақирик аъзоси Садри Низомович Максудов (татар) ва генерал-майор Абдулазиз Азизович Давлетшин (татар)<sup>138</sup>. Эҳтимол, Муваққат ҳукумат бу вакилларни Туркистон кўмитаси таркибига киритиш билан маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳисобга олишга интилаётганини таъкидламоқчи бўлгандир. Бироқ улар Туркистондаги ҳақиқий вазиятни билмаган ва тушунмаган занф ҳамда ожиз сиёсатдонлар эди.

Туркистон кўмитаси аъзолари ўртасида эса ишлар 1917 йил апрелда қабул қилинган буйруққа кўра қуйидагича тақсимлаб олинган эди:

“1. Халқ маорифи ва маданияти масалалари Александр Лаврентьевич Липовский ва Садри Низомович Максудов ихтиёрига берилсин.

2. Бухоро, Хива ва ўлка билан чегара жойларга оид ишлар Павел Иванович Преображенский ва Абдулазиз Азизович Давлетшинга топширилсин. Еттисувни бошқариш масалалари ва ўлкада қирғизлар (аслида қозоқлар – *Қ.Р.*) турмуш тарзи масалалари Орест Авенирович Шкапский, Муҳаммаджон Тинишбоев ва Алихон Букейхонов ихтиёрига берилсин.

<sup>137</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 35-варақ.

<sup>138</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 36-варақ.



3. Савдо, саноат ва турли тадбирларга тегишли ишлар Владимир Елпатьевский, Павел Преображенский ва Николай Щепкинга топширилсин.

4. Маҳаллий вилоятларда ер тузиш ишлари А.Давлетшин ва Н.Щепкинга топширилсин.

5. Вилоят ҳарбий идоралари масалалари А.Давлетшинга берилсин.

6. Суд ва назорат масалалари бўлинмасдан бутун кўмита ихтиёрида қолади”<sup>139</sup>.

Туркистон кўмитаси ва маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолиятида барибир собиқ генерал-губернатор А.Куропаткиннинг “Маҳаллий кишиларга тўла ҳуқуқ бериб бўлмайди”<sup>140</sup>, деган сўёсатиға амал қилишган. Муваққат ҳуқуматнинг Туркистон ўлкасидаги кадрлар сўёсати ҳам шунга асосланган эди. Жумладан, Сирдарё вилоятида собиқ ҳарбий губернатор ўрнидаги вилоят комиссари лавозимига собиқ уезд бошлиғи подполковник Тризна, Фарғонада эса собиқ амалдор Шереметьевский тайинланди. Уезд комиссарлари лавозимига асосан Россия империясининг Туркистондаги собиқ амалдорлари ва аввалги полиция приставлари кўйилди.

Туркистон ўлкасидаги жойларда бошқарув тизими 1917 йил ёзида қандай аҳволда бўлганлиги “Шўрои Исломия”нинг мусулмон депутатлари Андижон Шўроси хайъати аъзоси *Мирзо Абдулқодирбек Мирзо Аҳмад Қулибеғиев*нинг<sup>141</sup> 1917 йил 30 июнда Туркистон кўмитасига топширган маърузасида қуйидагича ёрқин

<sup>139</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1044-фонд. 1-рўйхат. 10-иш, 1-варақ.

<sup>140</sup> Из дневника А.Н.Куропаткина // “Красный архив”. Том 1. – Москва, 1927. – С.65.

<sup>141</sup> *Мирзо Абдулқодирбек Мирзо Аҳмад Қулибеғиев* (1882-1937) – Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан бири. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

кўринади: “Жамоат хавфсизлиги Андижон комитети ўз фаолиятининг дастлабки қадамлариданоқ мусулмон аҳолиси ва мусулмон депутатлари Шўросига подўстона муносабатда бўлиб, мусулмонларни, уларнинг ташкилотларини назар-тисанд қилмай ва мусулмонларга очикдан-очик қарши бориб, уларни сиёсий кўрлик ва ҳатто эски тузумга тарафдорликка айблади. Қўмитанинг бундай тўхматона чиқишлари, шунингдек, мусулмон депутатлари Шўросининг фаол арбобларини қамоққа олиши мусулмон аҳолиси томонидан улар устидан, тўлақонли фуқаро сифатида уларнинг ҳуқуқлари устидан қўпол зўравонлик хатти-ҳаракати сифатида тушунилди. Бундан кейин фақат уларга яқин кишиларга кучли тарғибот ўтказиши ва мусулмон аъзоларни пропорционал равишда ҳокимиятга қўймаслик душманчилик муносабатини яратди... Агар энди ҳам халққа нисбатан бефарқлик сиёсати, аввалги жаллодлар сиёсати қўлланилса, унда албатта, маҳаллий аҳоли ҳозирги ўзининг аҳволини аввалгиси билан қиёслаши учун орқага қараб қўйиши мумкин.

Рус пролетариати қандай олий гоялар, қандай чиройли сўзларни айтди, лекин ҳақиқий ҳаёт ҳар ҳолда бу олий гоялар ва чиройли сўзлардан узоқ. Тинтувлар, терговсиз суд ва муайян бир айбномалар қўймасдан қамоққа олишлар, турар-жой эркинлигининг бузилиши – буларнинг ҳаммаси Инқилоб, эришилган эркинликларни сақлаб қолиш номидан қилинмоқда! Буткул қарама-қарши тушунчаларни қандай баён қилиши мумкин, ишорлар билан далиллар ўртасидаги зиддиятларни қандай тушунтирса бўлади? Келажакдаги ҳуқуқлар номидан очикдан-очик қонунсизлик юз бермоқда”<sup>142</sup>.

<sup>142</sup> Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик курилиши тажрибаси. – Тошкент: “Маънавият”, 2000. 45-46-бетлар.

Демак, Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсати Муваккат ҳукумат даврида ҳам бирон ўзгаришсиз қолаверган. 1917 йил ноябрдан бошлаб эса, энди совет Россияси кейинги 74 йил ичида Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини янги босқичга кўтарган ҳолда узлуксиз давом эттирганини ҳам олдиндан урғулаб кўйган бўлардик.

### 1.7. Бутунтуркистон ўлка муслмонлари қурултойлари ва уларнинг аҳамияти

Туркистонда ижтимоий ва сиёсий кескинлик кучайиб бораётган бир вазиятда 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда Бутунтуркистон муслмонларининг I қурултойи бўлиб ўтди. “Шўроий Исломия” ташкилотининг ташаббуси билан чақирилган бу қурултойда Туркистон ўлкасидаги барча туб халқларнинг вакилларидан иборат 150 нафар делегат қатнашди.

Қурултой ишида Мунавварқори Абдурашидхонов – раис, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ва Шерали Лапин – раис муовинлари, Аҳмад Заки Валидий билан Содик Абдусатторов<sup>143</sup> – муслмон саркотиблари, Мустафо Чўқай билан Тошпўлатбек Норбўтабеков – русча матн саркотиблари қилиб сайландилар<sup>144</sup>. Қурултой ишида Туркистон жадидларининг етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳамда Бухоро тараққийпарварларидан Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний ва бошқалар қатнаша олмади. Улар бу пайтда Бухорода 1917 йил апрелда бўлган воқеаларнинг ташкилотчилари сифа-

<sup>143</sup> Содик Абдусатторов – Туркистон тараққийпарварларидан бири, Бутунтуркистон муслмонларининг 1917 йил апрелда ўтказилган I қурултойи қатнашчиси, унинг хайфати аъзоси ҳамда муслмон саркотиби.

<sup>144</sup> Умумтуркистон муслмонларининг қурултойи // “Нажот”, 1917 йил 21 апрель.

тида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кизгин сиёсий жабхада бўлишган эди. Анжуманда Муҳаммадjon Тинишбоев Туркистонда қилинадиган ишлар, Кабир Бакиров эса Бухородаги воқеалар тўғрисида ахборот бердилар.

Бутунтуркистон мусулмонларининг I курултойида 17 апрелда бўлган мажлисда “Россиянинг идора усули қандай бўлади?” деган масала юзасидан Мунавваркори, Аҳмад Заки Валидий, Маҳмудхўжа Бехбудий (Бухоро ва Самарқанддан Тошкентга етиб келган), Бекпўлат (Пўлат Солиев)<sup>145</sup>, Шерали Лапин ва

<sup>145</sup> *Бекпўлат, Пўлат Мажидович Солиев* (1882 – 1937) – тарихчи олим ва жамоат арбоби.

1882 йил 22 мартда Россия империясининг Ашгархон (ҳозирги Астрахан шаҳри) агрофидаги Башмакўва қишлоғида тугилган. Онаси ашгархон татарни, отаси бухоролик савдогар бўлган. Қозон ва Уфа шаҳарларидаги мадрасаларда ўқиган, Бухорода таълим олган. 1909 йилдан Туркистон қишлоқларида мактаблар очиб, ўқитувчилик қилган.

Туркистонда 1917 йилдаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашган, мусулмонлар курултойлари қатнашчиси. 1917 – 1918 йиллари Кўконда нашр этилган ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукуматиининг расмий нашрига айланган ўзбекча “Эл байроғи” газетасига Пўлат Солиев ва Ашурали Зоҳирий муҳаррирлик қилгашлар. Мухториятчилик гоясининг тарафдори бўлган. Туркистон Мухторияти ҳукуматиининг маъмур газетасида 1917 йил ноябрда чоп этилган Мурожаатномасида келажакка катга ишонч билан шундай дейилади: *“Инсон қони билан сугорилган ер осмонга нидо қилиб тинчлик сўрамоқда, ҳолдан толган инсоният ҳолсизлик билан қиличнинг тушурмоқда, инсоний бемаънилик шлоҳий оқилликка йўл бермоқда”*.

Туркистон Мухторияти ҳукумати болшевиклар томонидан тугатилгач, совет ҳокимияти билан муроса йўлини танлаган. 1919–1922 йиллари Тошкентда, 1923–1924 йиллари Бухорода маориф соҳасида фаолият кўрсатган. “Ишқилоб” журнали муҳаррир ўринбосари ва “Тонг” журнали муҳаррири (1920). Бухоро илмий жамияти раиси (1924). Москвадаги кизил профессорлар институтида ўқиган, айни пайтда СССР халқлари марказий нашриетида илмий ходим (1925–1927). Самарқандда Олий педагогика институти профессори (1930 йилдан) ва Ўзбекистон давлат университетида Ўрта Осиё тарихи кафедраси асосчиси (1935 йилдан). “Кизил қалам” адабий жамияти аъзоси. 1936 йили Тошкентга қайтиб, Ўзбекистон ССР Фан қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон тарихи бўлимини бошқарган. Бек Пўлат тахаллуси билан ижод қилган.

Қабир Бакиров<sup>146</sup> сўзга чиқиб, алоҳида идоралар ва уларнинг тутган йўллари, Туркистонга бу йўللardan қайси бири манфаатли эканлигини мажлис аҳлига тушунтирдилар. Бу масала юзасидан мунозара етти соатгача чўзилди<sup>147</sup>. Қурултойда “Россиянинг идора усули (федератив ва демократик республика) принциплари асосида чекка ўлкаларга кенг мухторият берилиши лозим”<sup>148</sup> деган фикрлар илгарини сурилди.

Туркистон мусулмонларининг I қурултойи тўғрисидаги материаллар “Улуғ Туркистон” ва “Нажот” газеталарининг 1917 йил апрель сонларида батафсил ёритилган.

Қурултойнинг сўнгги мажлисида марказий раҳбарлик органи—*Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Ўлкамуслишо; Краймуссовет)* тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий

Бухоро ва Ўрта Осиё тарихида онд куйидаги асарлар муаллифи: “Бухоро тарихи” (Тошкент: 1923), “Машиқлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси” (1925), “Ўрта Осиё тарихи (XI–XV асрлар)” (Тошкент–Самарқанд, 1926. I китоб), “Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалиши” (1928), “Англия зулми остида Ҳиндистон ўлкаси” (1926), “Ўзбекистон ҳам Тожикистон” (1926). Унинг “Ўзбекистон тарихи” асари қўлёзмаси йўқолган.

Ўзлат Солиев 1937 йил 13 февралда Тошкентда совет режими томонидан қамокқа олиниб, 55 ёшида 1938 йил 28 февралда отиб ташланган.

<sup>146</sup> *Қабир Бакиров, Қабир Бакир* (1885–1944) – татар маърифатпарварларидан, ношир, журналист ва драматург. Россия империяси Оренбург губерниясида тутилган. “Нур” (Санкт-Петербург, 1905) ва “Ал-Ислох” (Қозон, 1906) татарча газеталарида фаоллиқ кўрсатган. Россия III Давлат думаси мусулмонлар фракцияси котиби (1910). У 1912 йили Туркияга бориб, жангларда ярадор бўлганларини парвариши қилган. 1913 йили Оренбургга қайтиб, “Вақт” газетасида ишлаган. 1912–1914 йиллари қўлаб пиесалар ёзган. Тошкентда 1917–1918 йиллари нашр этилган “Улуғ Туркистон” газетасининг ташкилотчиси ва муҳаррири. Туркистон татарлари Марказий Шўроси раиси (1917–1918).

1944 йили Қўйибшев (ҳозирги Самара) шаҳрида вафот этган.

<sup>147</sup> *Мингноров А.* Туркистондаги иқтимоий-сиёсий жараёнларнинг шартшуботда ёритилиши (1917–1918 йиллар). – Тошкент: Истиклол нури, 2013. 75-бет.

<sup>148</sup> Умуми Туркистон мусулмонларининг қурултойи // “Нажот”, 1917 йил 23 апрель.

Шўросини тузиш миллий ҳаракатга уюшган ва марказлашган тус бағишлаш учун барча тарқоқ, бир-бири билан ўзаро боғланмаган мусулмон жамиятлари, кўмиталари ва иттифокларни бирлаштиришни кўзда тутар эди.

Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси – Миллий марказга раис қилиб Мустафо Чўқай, унга ўринбосарлар қилиб Шоислом Шоаҳмедов, Аҳмад Заки Валидий ва Убайдулла Хўжаев сайландилар. Бу эса ташкилотларни бирлаштириш билан бирга миллий озодлик ҳаракатини изга солиб, уларни ташкилий жиҳатдан марказлаштирар эди<sup>149</sup>.



Аҳмад Заки Валидий

Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Миллий Марказ) тузишдек мураккаб бир жараённинг тепасида турган ҳамда Миллий Марказ раислигига лойиқ кўрилган таниқли демократ Мустафо Чўқай кейинчалик ёзган хотираларида 1917 йил баҳори ва ёзида Туркистон ўлкасида, хусусан, унинг сиёсий маркази Тошкент шаҳрида кечган воқеаларни қуйидагича эслайди:

“Туркистоннинг ҳар томонидан сайланиб келган вакилларнинг ҳозир бўлганлиги бундай марказий бир ташкилотни сайлаб қолдириш имконини бермоқда эди. Шундай қилиб “Туркистон Ўлка Марказий Мусулмон Шўроси” исми билан марказий ташкилот қурилди. Бу марказий миллат ташкилотига ҳар вилоятдан вакиллар кирди. Вилоят миллий шўролари раислари бу Марказий Шўронинг аъзоси саналар эдилар. Тезда доимий суръатда Тошкентда ўтирмақ учун ижроия комитети ҳам

<sup>149</sup> Аҳмедов С., Ражабов Қ. Жадидчилик. 521-бет.

сайланди. Ўлка Марказий Шўросининг раиси бўлиб мен сайланган эдим...”<sup>150</sup>.

Айрим ички ва ташқи омплларнинг салбоний таъсири оқибатида Миллий Марказ ўз фаолияти давомида катта муваффақиятларга эриша олмади. Туркистоннинг асосан козоклар ва қирғизлар яшайдиган дашт қисмида аста-секин ишчи ва солдат депутатлари Советларининг таъсири кучли бўлса, Туркистон шахарлари ва йирик қишлоқларида мусулмонлар Марказий Шўроси фаолроқ бўлган. Бироқ бу жойларда ҳам мусулмон ташкилотлари ичида “жадидчилик ва қадимчилик” низолари кучли эди.

1917 йил 1–11 майда Москвада бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонларининг I қурултойида Россиянинг турли мусулмон минтақаларидан 900 вакил, жумладан, Убайдулла Хўжаев бошчилигидаги Туркистон хайъати ҳам қатнашди<sup>151</sup>. Қурултойда деярли барча сиёсий оқимлар: ўнг консерваторлардан бошлаб то сўл радикал бўлган барча вакиллар иштирок этди.

1917 йил июль ойининг иккинчи ярмида Қозон шаҳрида Бутунроссия мусулмонларининг II съезди, Уламо съезди ва Мусулмонлар ҳарбий съезди бўлиб ўтди<sup>152</sup>. Бу съездларда қабул қилинган қарорлар туркистонликлар ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Бутунроссия мусулмонлари II съездида Туркистондан 260 нафар делегат қатнашди.

Мазкур съездларнинг делегатлари кўриб чиқиладиган кўпгина масалалар бўйича Бутунроссия мусулмонлари I съезди қарорларига содиқ эканликларини билди-

<sup>150</sup> *Мустафо Чўқай ўғли*. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). – Тошкент: Фахур Ғулом номдаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. 24-25-бетлар.

<sup>151</sup> “Улут Туркистон”, 1917 йил 7 июль.

<sup>152</sup> *Исхиков С.* Российские мусульмане и революция (весна 1917 г. – лето 1918 г.). – Москва: Социально-политическая МЫСЛЬ, 2004. – С. 233-235.

ришди. Бирок миллий давлат куриш ҳақидаги масала муҳокамасига ҳар учала съезд делегатлари 22 июлда бирлашган мажлис ўтказишни зарур деб топдилар. Бу мажлисда куйидагича қарор қабул қилинди: “Туркистон, Қирғизистон [Қозоғистон], Кавказ ва Қиримни бошқариш шакли ҳақидаги масалани ҳал этиш ушбу чекка ўлкалар аҳолисининг ўзига ҳавола этилсин. Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари учун эса кенг миллий-маданий мухторият қабул қилинсин”<sup>153</sup>.

1917 йил 17–27 июлда Қозон шаҳрида бўлиб ўтган мусулмонлар ҳарбий съездида шу нарса таъкидландики, Бутунроссия мусулмонлари ҳарбий шўроси айрим мусулмон ҳарбий қисмларини ташкил этиш ишида Россиянинг барча миллатлари марказий ташкилотлари билан алоқага кириш, агар зарур деб топилса, улар билан блок тузиш ҳуқуқига эга.

Делегатлар мусулмон кўшинларини ташкил этиш ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, шундай хулосага келишди: агар доимий кўшин сакланиб қолинса ва халқ милицияси билан алмаштирилса, у миллий белгиси бўйича қайта ташкил этилади<sup>154</sup>.

Бутунтуркистон ўлка мусулмонларининг II курултойи 1917 йил 8–10 сентябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 100 дан ортиқ вакил қатнашди<sup>155</sup>. Бу курултой Марказий мусулмон шўросини ҳуқуқли маҳкама деб ҳисоблаб, куйидагича қарорга келди:

*“1. Бу маҳкамани барча жойда ўлка мусулмонлари номидан иш олиб боришларини таъминлаш лозим;  
2. Ўлканинг ёлғиз хўжайини мусулмонлар эканлигини ёдда тутиб, аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқлари*

<sup>153</sup> “Хуррият”, 1917 йил 15 август.

<sup>154</sup> “Улуг Туркистон”, 1917 йил 30 июль.

<sup>155</sup> Туркистон мусулмонларининг иккинчи курултойи // “Улуг Туркистон”, 1917 йил 10 сентябрь.



керак: 3. Юқори ҳукумат маҳкамаларида мусулмонларнинг иштироки тўғрисида миллий маданий муҳторият Туркистон аҳолиси олдидаги энг асосий масала эканлигини эътиборга олиб сиёсат олиб боришни таъминлаши керак”<sup>156</sup>.

“Шўройи Ислония” ташаббуси билан чакирилган ушбу курултой ҳокимиятнинг ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларига беришга қарши чиқди. Ушбу курултойда қабул қилинган резолюцияларда миллий демократия ўзи тутадиган йўлнинг муҳим асосларини биринчи марта катъий қилиб айтди: ҳукумат демократик сиёсат юргизадиган бўлса, ана шундагина мусулмонлар бу ҳукуматда иштирок этадилар. Иккинчи курултойда фақат Миллий Марказ–Туркистон мусулмонлари Марказий Шўроси минтақадаги туб ерли аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин, деган фикр катъий қилиб қўйилди.

Курултойда бу масала бўйича қабул қилинган қарорда аниқ қилиб куйидагича ёзиб қўйилган: “Туркистон ўлка умуммусулмонлар иккинчи курултойи солдат, ишчи ва крестьян депутатлари Советларига ҳокимиятнинг беришга қарши чиқадилар. Ҳокимият коалициявий бўлмоғи ва мамлакатнинг барча кучларига таянмоғи, яъни умумхалқ ҳокимияти бўлмоғи лозим”<sup>157</sup>.

1917 йил 17–20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг курултойида “Шўройи Ислония” ва “Шўрон Уламо”, “Турон” ва бошқа сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан “Иттифоқи муслимин” номли сиёсий партияни тузишга киришилди. Бу анжуман Бутунтуркистон мусулмонларининг III курултойи сифатида тарихга кирди.

<sup>156</sup> Умумтуркистон мусулмонларининг курултойи // “Турон”, 1917 йил 14 сентябрь.

<sup>157</sup> “Кенгаш”, 1917 йил 12 сентябрь.

Шундай қилиб айтганда, Туркистон ўлкасида 1917 йил сентябрь–октябрь ойларида сиёсий ҳокимият учун кураш кучайди ва у ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Туркистонда шахар Думаларига бўлган сайловда жуда озчилик ўрин олган ёки мутлақо жой ололмаган социалистик партиялар, хусусан, большевиклар<sup>158</sup> партияси ҳокимият муслмонлар қўлига тинч парламент йўли билан ўтишидан чўчиб, уни “қуролли кўзғолон” йўли билан босиб олишга ҳаракат қилдилар. Большевиклар ўз мақсадларини ишчи ва солдат Советлари орқали амалга оширишга киришдилар.

Большевикларнинг ҳокимиятни радикаллашган Советлар қўлига беришга қатъий уриниши нафақат Туркистондаги маҳаллий аҳоли, балки европалик аҳолининг демократик кучлари орасида ҳам салбий муносабат уйғотди. Бу ҳол Тошкентда 1917 йил 30 сентябрь – 10 октябрда бўлиб ўтган Туркистон ишчи ва солдат депутатлари Советларининг фавқулодда II съезди ишлаган кунларда, айниқса, аниқ кўзга ташланди. Тошкентда 1917 йил сентябрь воқеалари даврида ҳарбий ҳола:

<sup>158</sup> *Большевиклар* (русча: большевики – кўнчилик) – Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП)да Владимир Ульянов [Ленин] (1870–1924) бошчилик қилган сиёсий оқим вакиллари. Бу тушунча РСДРП II съездида (1903 йил июль) партия раҳбар органига сайловларда улар кўнчилик овоз олганидан сўнг юзага келган. Бу съездда уларнинг рақиби Юлий Мартов (1873–1923) тарафдорлари камчилик овоз олишган эди. Шу сабабли улар *большевиклар*, кам овоз олган рақиблари *меньшевиклар* деб юритилган. Большевиклар 1917 йилдан мустақил сиёсий партия сифатида фаолият кўрсатган. Улар 1917 йил 25 октябрда Петроградда ҳокимиятни зўравонлик йўли билан босиб олиб, Россияда тоталитар сиёсат юритишлар ҳамда мустақил совет режимига асос солганлар. Большевиклар кейинчалик *коммунистлар* деб аталган. Улар тузган партия 1917–1991 йилларда РСДРП(б), РКП(б), ВКП(б), КПСС деб юритилган. 1991 йил 23 августда СССР Олий Совети бутун мамлакат ҳудудида КПСС фаолиятини тўқтатди. КПССнинг республикадаги филиали ҳисобланган Ўзбекистон Коммунистик партияси эса бир юмалаб 1991 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясига айланди.

эълон қилиниб, намоёншлар, митинглар, йиғилишлар ва иш ташлашлар тақикланган эди.

1917 йил октябрь ойига келганда, Туркистондаги большевиклар ҳокимиятни зўравонлик йўли билан эгаллаш учун ўз ҳаракатларини фаоллаштиришди. Туркистон халқларининг миллий мухторият учун олиб борган кураши жиддий синовлар арафасида турарди.

Тарих миллари эса 1917 йил ноябрда келиб тўхтади.

### **1.8. Октябрь тўнтарыни ҳамда Туркистонда совет ҳокимиятининг мажбурий тарзда**

#### **ўрнатилиши ва большевиклар диктатураси**

1917 йил кузи ҳолатида ўлкадаги сиёсий кучларнинг жойлашувини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, большевикларни Туркистондаги маҳаллий аҳоли умуман кўллаб-қувватламас, улар ҳатто европалик аҳолининг демократик қатламлари ичида бирон-бир даражада кенгрок ижтимоий базага ҳам эга эмас эди. Маҳаллий аҳоли ўша пайтларда ўзларининг миллий сиёсий ташкилотлари, энг аввало, “Шўройи Ислония” ва “Уламо жамияти” ташкилотларига эргашган. Бирок большевиклар ҳокимиятни зўравонлик билан босиб олишга жиддий тайёргарлик кўришди.

1917 йил октябрь ойида большевиклашган Тошкент Совети (Тошсовет) солдатларни ўз томонига огдира бошлади. Россиядан Туркистонга келтирилган европалик ишчилар ҳам уларга эргашди. Ўлкада иктисодий кийинчиликлар зўрая бошлади. Генерал Павел Коровиченко<sup>159</sup> қўмондонлигидаги жазо отряди билан Тошкент Совети ўртасида курулди тўқнашувлар бўлди. Туркистон

<sup>159</sup> Павел Александрович Коровиченко (1874–1917) – Муваққат ҳукумат Бош вазирни А. Керенский томонидан “Туркистон ўлкасининг Бош комисари ҳамда Туркистон ҳарбий округи кўшиқларининг қўмондони” қилиб тайинланган рус генерали.

Ўлка мусулмонлар Марказий Шўроси ҳокимиятнинг ишчи ва солдат депутатлари Советига берилишига қарши бўлган. Мусулмонлар ҳокимиятнинг демократик йўл билан ўз қўлларига олмоқчи бўлишган. Бу ҳолат бўйича Ўзбекистон ФА Тарих институтида 1994 йил декабрда нуфузли тарихчилар томонидан ўтказилган давра суҳбатига куйидагича таъкидланади: *“Бу мақсад Октябрь тўнтариши кушларида, аҳолининг озгина қисми – европалик ишчилар Тошкент гарнизони аскарларини ўз томонларига оғдириб олиб ба шу қуролли кучларга таяниб, ҳокимиятнинг ўз қўлларига олганларида айниқса кучайди”*<sup>160</sup>.

Тошкентдаги Октябрь тўнтариши қатнашчилари 1917 йил 1 ноябрда П.Коровиченко ва Муваққат ҳукуматининг Туркистон кўмитасини қамокқа олдилар. Худди шу куни Тошкент Совети Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон қилди. Аслида 1 ноябрда совет ҳокимияти мажбурий равишда Тошкент шаҳрида ўрнатилди. 1917 йил 2 ноябрда Янги Термиз ва Каттакўрғонда, 25 ноябрда Янги Бухоро (Когон)да, 28 ноябрда Самарқандда, 7 декабрда Наманган шаҳарларида ҳокимият Советлар қўлига ўтди<sup>161</sup>.

Хуллас, Тошкентда 1917 йил 1 ноябрда совет ҳокимиятининг ғалаба қозониши шаҳар аҳолисига жуда қимматга тушган. Қонли кўча жанглирида совет ҳокимияти тарафдорларидан 79 киши ҳалок бўлди. Шунингдек, большевикларга қарши бўлган сиёсий кучларнинг юзлаб одамлари ҳам ўзаро тўқнашувда ўлдирилди. Бунда аввало большевиклар таъсирида бўлган Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети айбдор эди. Чунки Совет аъзолари бўлган большевиклар ва сўл эсерлар

<sup>160</sup> Истиклолимизнинг тарихий илдиэлари (Давра суҳбати) // “Шарк юлдузи”, 1995. №11-12. 5-бет

<sup>161</sup> Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 й.). Тошкент: Университет, 2002. – Б. 34.

Тошкентдаги сентябрь воқеалари жараёнидаёқ ўзларининг ҳокимият учун курашда ҳеч нарсадан тоймасликларини ошкор этдилар. Ҳокимият учун кураш ва қонли тўқнашувлар натижасида Тошкентда ҳаммаси бўлиб мингга яқин одамлар ҳалок бўлди. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон кўмитаси ағдарилгач, то ўлкада янги ҳокимият органлари ташкил этилгунча Тошкент Совети амалда ҳокимиятни бошқарди. Тошкент Совети томонидан ўлкадаги барча Советларга 1917 йил 1 ноябрда қуйидаги телеграмма жўнатилди: “Бутун ҳокимиятни Советлар эгаллади. Ҳокимиятни ўз қўлингизга олинг!”<sup>162</sup>.

Туркистон ўлкасида ҳокимият 1917 йил ноябрда большевиклар қўлига ўтиши билан ағдариб ташланган Муваққат ҳукуматнинг барча бўғинлари тугатилди, улар ўрнига аввало жазо органлари ва совет режимининг бошқарув тизими ўрнатилди. Бу тасодифий эмас эди. Большевиклар ва совет режимининг ҳукмронлиги нафақат ағдарилган синфлар ва эски тузум, балки большевиклар билан келишмайдиган маҳаллий аҳолининг каттагина қисми ва европалик аҳолининг демократик кайфиятдаги қисми устидан ҳам зўравонлик ўрнатилгандагина сакланиб қолиши мумкин эди.

Шундай қилиб, 1917 йил ноябрь ойининг бошида большевиклар фақат қурол кучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳокимиятни қўлга киритишди. Бу ҳолни архивларда сакланиб қолган ўша даврга оид кўплаб расмий ҳужжатлар ҳам исботлайди. Туркистон АССР раҳбарларидан бирининг мана бу тан олиши мазкур сиёсий ўзгаришнинг табиатини тасаввур қилиш учун ҳужжатли асос бўла олишига ишонамиз: *“Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм мустамлакаси бўлиб*

<sup>162</sup> Житов К.Е. Победа Великой Октябрьской революции в Узбекистане. Ташкент. Госиздат, 1957. – С.133.

келди ва бу ҳол барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирди. Самодержавие томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдор ва хизматчи унсурулардан ташқари, ҳатто рус темир йўлчиларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришининг бошиданоқ совет ҳокимиятини бу ерда фақат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолидан эса мустамлакачи маҳаллий ҳокимиятга алоқадор кишиларгина унда қатнашини мумкин бўлиб, туб аҳолининг қолган қисми учун бу зоялар беғона ва тўшунарсиз эди”<sup>163</sup>.

Россия империяси маъмурияти Туркистон ўлкасидаги рус ишчилари ва крестьянларга ўз пайтида жуда қулай шароитлар яратиб берган эди. Ҳатто бу ҳолатни ўз даврида совет иқтисодчи олими В.Лаврентьев ҳам куйидагича эътироф этишга мажбур бўлган эди: “Ишчилар синфининг яхши ҳақ тўланадиган энг юқори қатламини, яъни Туркистондаги ишчилар аристократиясини рус ишчилари ташкил қиларди. Улар ишчилар синфининг 22,3 фоизини ташкил қилгани ҳолда ишчиларнинг юқори қатламини деярли эгаллаб олган эди. Маҳаллий ишчи келиб чиқини боис бир хил вазифада ишловчи рус ишчисидан кам ҳақ олини одатий ҳол эди”<sup>164</sup>.

Туркистондаги коммунистик ташкилотлар тарихининг тадқиқотчиси И.Сольцнинг ушбу фикрлари ҳам бу ходисани тасдиқлайди: “Туркистонда Февраль ва Октябрь инқилоблари Питер ва Москвадаги революцияларнинг акс-садоси сифатида пайдо бўлди. Ўлкада совет ҳокимияти подшо ва Керенский ҳукумати мағлубиятидан сўнг ўз-ўзидан вужудга келди. Бу ҳокимият

<sup>163</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р-17-фонд, 1-руйхат, 39-иш, 17-18-варақлар.

<sup>164</sup> Лаврентьев Вл. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). – Ленинград, 1930. – С.139-140.

аввалги мустамлакачилик тузуми таянчи бўлган европали аҳоли қўлида ўйинчоқ бўлиб қолди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат эди. Туркистонда партия ташкилотлари 1918 йил давомида ташкил топди ва улар ўзини совет давлатининг асосчилари қилиб кўрсата бошлашди. Бу ташкилотлар сафида маҳаллий миллат вакиллари – ўзбек, қирғиз (қозоқ), туркманлар бўлмаган. Бундай коммунистик партия Туркистондаги инқилобнинг тартибсиз тўлқинида сузишга мослашган эди, лекин уни бошқаришга эмас... Бу партияда бошқаруving мустамлакачилик руҳи ҳокимлик қиларди”<sup>165</sup>.

Москвадан кейинчалик Тошкентга келиб ишлаган машҳур эмиссар *Георгий Сафаров*<sup>166</sup> 1917 йил Октябрь воқеаларини, большевиклар партиясининг ўша пайтдаги мавқени куйидагича тасвирлаган эди: “Большевиклар партияси бу ерда воқеаларни бошқармади. Фақат айрим большевиклар инқилоб тўлқинининг устига чиқиб олдилар. Партия бўлса, Октябрь инқилобидан сўнг ташкил қилина бошланди. Мантқиқа зид бўлишига қарамасдан, Туркистонда большевиклар партияси совет ҳокимиятини эмас, балки совет ҳокимияти ҳамда уни ташкил қилиши зарурияти бу ерда большевиклар ва сўл эсерлар партиясини яратди. Бунинг оқибати шў бўлдики, большевиклар ва сўл эсерлар партияси дастлабки кунлардан бошлабоқ авантюристлар, амалтарастрлар ва жиноятчи унсуруларнинг бошпанасига айланди. Харақтерли томони шундаки, “большевиклар” ўзларини “большевиклар ҳукумат партияси” деган расмий ном билан атамадилар... Шунинг учун ҳам

<sup>165</sup> Салъи И. К истории К.П.Т. // Три года советской власти Ташкент: Туркгоенздат, 1920. – С. 45–46.

<sup>166</sup> *Георгий Сафаров* РКП(б) МК Туркистон бюроси таркибида 1920 йили Москвадан Тошкент ва Бухорога келиб, турли лавозимларда фаолият кўрсатган

*пролетариат диктатураси биринчи қадамдан бошлаб титик мустамлакачилик кўришишида бўлди: рус ишчилари “Туркистон халқларининг бошқарини”ни ўз қўлларига олдилар”<sup>167</sup>.*

Тошкентда ҳокимиятни Советлар орқали большевиклар ва сўл эсерларнинг зўравонлик билан босиб олишини Туркистондаги миллий сиёсий ташкилотлар, энг аввало, Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси кескин қоралаб чиқди. 1917 йил 9 ноябрда Убайдулла Хўжаев раислигида Туркистон ўлка Мусулмонлар Шўроси, Тошкентдаги “Шўройи Исломия” жамияти, мусулмон ташкилотлари вакиллари Фарғона вилояти Шўроси ҳамда Ўлка қирғиз Совети вакиллари-нинг кўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ҳокимият масаласига оид яқдиллик билан қарор қабул қилинди. Улар большевикларни қатъий қоралашди.

Шунингдек, Туркистон ўлкасидаги демократик кучлар ҳам ҳокимиятни босиб олган большевикларга қарши қатъий норозилик билдирдилар. Масалан, 1917 йил 13 – 17 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган шаҳар ўз ўзини бошқариш ташкилотларининг Туркистон ўлка съезди катнашчилари ҳокимиятни тўлалигича большевиклар қўлига ўтишига кескин қаршилик кўрсатганлар<sup>168</sup>. Мазкур съездда ҳокимият масаласига оид куйидаги резолюция қабул қилинди:

“Туркистонда ҳокимиятнинг Ишчи, крестьян ва солдат депутатлари Советлари қўлига ўтиши билан ҳокимият тўғрисидаги мунозарага куйидаги хулосага келинди:

1. Россия инқилоби кўтарган халқларнинг озодлиги, тенглиги, дўстлиги шиорлари асосида Туркистон

<sup>167</sup> Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – Москва: Госиздат, 1921. – С. 71.

<sup>168</sup> Қаранг: Ўзбекистон Миллий архиви, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 12-нш, 27-28-варақлар.



аҳолисининг 98 фоизини ташкил этувчи, 10 млн сонли мусулмон аҳолиси миллий-маданий ўз-ўзини бошқаришининг барча ҳуқуқларига эга.

2. Мусулмонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашлари ва умуминсоний тараққиётга бўлган кизиқиши Куръон ва шарият қонунларидан ўзгача бўлиши мумкин эмас.

Мусулмонлар инқилоб натижасида қўлга киритган ҳуқуқларини амалга оширар экан Россиядаги сиёсий партияларнинг бирортаси таркибида фаолият кўрсатиш ва уларнинг партиявий курашишларида қатнашиши мумкин эмас. Лекин Россия фуқаролари билан умумий жамият манфаатларини ҳисобга олиб мамлакатни Таъсис Мажлисига олиб борувчи ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

3. Бутунроссия доирасида ҳокимият қандай тузилишидан қатъи назар мусулмонлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини маҳаллий шароитни яхши билган, мусулмонларнинг урф-одатлари ва яшаш шароитлари билан яхши таниш бўлган, халқнинг хоҳиш-иродасига кўра янгича ҳаёт тартибларини жорий қила оладиган кишилардан иборат маҳаллий ҳокимият орқали амалга оширишлари мумкин. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият биринчи навбатда мусулмон вакиллари билан ва маълум миқдорда бошқа сиёсий ташкилотларда фаолият кўрсатувчи, лекин мусулмонларга хайрихоҳ бўлган вакиллардан ташкил тоиниши керак.

4. Ҳокимиятни маҳаллий аҳоли манфаатлари учун тасодифий ва бегона бўлган ҳарбийлар, ишчилар ва деҳқонлар (крестьянлар)нинг майда гуруҳлари қўлидагина тўпланиб қолиши демократия тамойилларига мос эмас ва маҳаллий аҳолининг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги эркин ҳаракатларига кафолат бера олмайди.

5. Туркистон ижроия кўмитасининг ҳамма харажатлари давлат хазинаси ҳисобидан, Ўлка Шўросинники эса ўзи ташкил қилган ташкилотлар ҳисобидан қопланади”<sup>169</sup>.

Туркистон тараққийпарварлари ўлкадаги рус жамоатчилигининг демократик қисми билан ўтказган суҳбат ва учрашувларида агар “большевиклар ҳокимияти бутун мамлакат бўйлаб тан олинган тақдирда ҳам мусулмонлар Туркистон учун ўлкага ўзига мос равишда турли тузатишлар киритишни талаб қилишларини”<sup>170</sup> доимо таъкидлаб туришди.

Бироқ мазкур тўғри фикрлар большевикларнинг ҳокимият томон шафқатсиз курашини тўхтатиб қололмади. 1917 йил 15–22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон Ишчи, солдат ва крестьян депутатлари Советларининг III ўлка съездида ҳокимият масаласида кизгин мунозаралар бўлиб ўтди. Большевиклар гуруҳи съездда коалицион ҳукумат тузиш ҳақидаги таклифни рад этиб, ҳокимиятни Марказий Россияда бўлганидек тузишни талаб қилдилар. Большевиклар номидан съездда нутқ сўзлаган Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети аъзоси Ф.И.Колесов ўз фикрини очик қилиб қуйидагича баён этди: “Ишчи, солдат ва крестьянлар ғалаба қозонишди, шунинг учун ҳокимиятни фақат улар ўз қўлларига олишлари керак”<sup>171</sup>.

Шундай қилиб, мазкур ўлка съездида большевиклар билан сўл эсерлар ўртасидаги келишувга мувофиқ Туркистон ўлкасидаги дастлабки совет ҳукумати таркибига (унга 15 киши киритилган) сўл эсерлар учун

<sup>169</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, И-1044-фонд, 1-руйхат, 12-иш, 28-варак.

<sup>170</sup> “Туркестанские ведомости”, 21 ноябрь 1917 г.

<sup>171</sup> Победа советской власти в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 384-385.

8 ўрин ҳамда большевиклар ва максималистлар учун 7 ўрин ажратилди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси қилиб большевик Фёдор Колесов<sup>172</sup> сайланди<sup>173</sup>. Ҳукумат таркибига маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади.

Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг таркиби “Туркестанские ведомости”<sup>174</sup> газетасида куйидагича келтирилган: “Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети 15 кишидан иборат. Совет раиси ҳамда Туркистон Темир йўллар, почта ва телеграф халқ комиссари – Колесов, иккинчи раис ҳамда Ташқи ишлар ва юстиция халқ комиссари – Залесский<sup>175</sup>, котиб – Чегодаев<sup>176</sup>, иккита Ҳарбий халқ комиссарлари Перфильев<sup>177</sup>

<sup>172</sup> *Фёдор Павлович Колесов* (1891-1940) – большевиклар томонидан 1917 йил ноябрда Тошкентда амалга оширилган ҳокимият тўғрисидаги асосий ташкилотчиларидан бири. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети раиси (1917 йил ноябрь – 1918 йил ноябрь). У 1916 йили Тошкентга келиб, темир йўлда ишлаган эди. 1919 йили Туркистондан Москвага чакириб олинган. Узоқ Шарқ, Белоруссия ва Москвада ишлаган. Туркистондаги инқилобний жараёнлар ҳақида хотиралар ёзган.

<sup>173</sup> Собрание декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (с 23 ноября 1917 г по 1 июля 1918 г.). – Ташкент, 1918. – С 1; Узбекистон Миллий архиви, Р-25-фонд, 1-руйхат, 108-ши. 113-варак.

<sup>174</sup> “Туркестанские ведомости”, № 184, 1 декабря 1917 г.

<sup>175</sup> *В. Залесский* — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўғрисидаги катнашчиси, сўл эсерлар партияси аъзоси. Халқ Комиссарлари Советида ташқи ишлар ва адлия комиссари (1917 йил ноябрь – 1918 йил апрел).

<sup>176</sup> *П. Чегодаев* — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўғрисидаги катнашчиси, сўл эсерлар партияси аъзоси. Халқ Комиссарлари Советида котиб (1917 – 1918), ер ишлари халқ комиссари (1918).

<sup>177</sup> *Е. Перфильев* (1890–1938) — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўғрисидаги катнашчиси, сўл эсерлар партияси аъзоси. Халқ Комиссарлари Советида ҳарбий комиссар (1917–1918). У 1918 йил августдан большевиклар партияси аъзоси. Ижтимоий келиб чиқиши аравакаши бўлган. Унинг бошчилигидаги кизил гвардиячилар тўдаси 1918 йил февралда Туркистон Мухторияти ҳукуматидаги тугатиш мақсадида

ва Стасиков<sup>178</sup>, Меҳнат халқ комиссари – Полторацкий<sup>179</sup>, Маориф халқ комиссари – Пермезский<sup>180</sup>, Соғлиқни сақлаш халқ комиссари – Баранкин<sup>181</sup>, Ер ишлари халқ комиссари – Домогатский<sup>182</sup>, Молня ҳамда иккинчи

Кўконда қонин кўрини уюштирган. Унинг буйруғи билан Кўкон шаҳри ва атрофларида қизил гвардиячилар ва арман дашноқ тўдалари томонидан 30 000 киши (тўғри аҳоли вакиллари) ўлдирилган.

<sup>178</sup> С.Стасиков — Туркистондаги 1-Сибир ўқчи захира полки прапор-шчили, большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўғғаришнинг қатнашчиси, Туркистон ҳарбий округи кўшиқлари вақтинча қўмондон, Халқ Комиссарлари Советида Е.Перфилов билан биргаликда ҳарбий комиссар (1917 йил ноябр – 1918 йил апрел).

<sup>179</sup> Павел Полторацкий (1888–1918) — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўғғаришнинг қатнашчиси, большевиклар партияси аъзоси.

1916 йил охирида Япни Бухорога (ҳозирги Қогол) келган Япни Бухоро шўроси раиси (1917) сифатида Россиянинг Бухоро амирлигига қарши уюштирган иттиҳодчилик ҳаракатлари ташкилотчиси Туркистонда дастлабки қизил гвардиячи тўдалар тузиш ташаббускорларидан бири (1917 йил октябр). Бундай тўдалар қаламчи-қасанчи, жиноятчи унсурлар ва қамқоқ-хоналарда ўтган маҳбуслар, шунингдек, асосан, европалик ишчилардан тузилган. Халқ Комиссарлари Советида меҳнат комиссари (1917–1918).

Туркистон Мухторияти ҳукумати ва тараққиётпарварлар фаолиятига кескин қарши чиққан. Туркистон АССР Халқ хўжалиги кенгаши раиси (1918 йил апрелдан), Тошкентдаги дастлабки совет газетаси – “Советский Туркестан” асосчиси ва муҳаррирларидан бири (1918). Каспийорти муваққат ҳукумати (бу ҳукумат 1918 йил 11 июлда эсерлар, мешшевиклар ва туркман ойдчилари томонидан Ашхоболда тузилган эди) бостириш учун қизил гвардиячилар отряди билан 1918 йил июлда Каспийорти вилоятига жўнаб кетади. 1918 йил 22 июлда Мари шаҳрида большевикларга қарши кучлар томонидан қўлга олиниб, отиб ташланади.

<sup>180</sup> П.И.Пермезский – большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўғғаришнинг қатнашчиси, сўл эсерлар партияси аъзоси. Туркистон ўлкаси маориф халқ комиссари.

<sup>181</sup> Н.Баранкин — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўғғаришнинг қатнашчиси, сўл эсерлар партияси аъзоси, Халқ Комиссарлари Советида соғлиқни сақлаш комиссари (1917–1918).

<sup>182</sup> П.Домогатский (1886–1945) — аскар, большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўғғаришнинг қатнашчиси, сўл эсерлар партияси аъзоси, Тошкент шўроси ижрония қўмитаси раиси ва ҳамраиси, Халқ Комиссарлари Советида ташқи ишлар, ер ишлари комиссари (1917–1918), Туркистон АССР ташқи ишлар халқ комиссари (1918). Ф. Колесовнинг Бухорога босқини даврида Туркистон ўлкаси совет кўшиқлари қўмондон (1918 йил феврал – март).

озик-овқат халқ комиссари – Котельников<sup>183</sup>, Сувдан фойдаланиш халқ комиссари – Шевцов<sup>184</sup>, Озик-овқат халқ комиссари – Казаков<sup>185</sup>, Фуқаро муҳофазаси халқ комиссари – Агапов<sup>186</sup>, Савдо ва саноат халқ комиссари – Ляпин<sup>187</sup>, Махсус топшириқлар бўйича

---

<sup>183</sup> *Ф.Котельников* — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўнгарлишнинг қатнашчиси, сўл эсерлар партияси аъзоси. Тошкент шўроси ижроия қўмитаси аъзоси, Тошкент шаҳар думаси аъзоси (1917), Халқ Комиссарлари Советида молия ҳамда иккинчи озик-овқат комиссари (1917–1918).

<sup>184</sup> *А.Шевцов* — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўнгарлишнинг қатнашчиси, сўл эсерлар партияси аъзоси. Халқ Комиссарлари Советида сувдан фойдаланиш халқ комиссари (1917–1918).

<sup>185</sup> *А.Казаков* (1879–1963) — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўнгарлишнинг қатнашчиси, большевиклар партияси аъзоси.

Тошкент шўроси ижроия қўмитаси ва ўлка шўроси аъзоси (1917). Туркистон ўлкаси инкилобий қўмитаси раиси ўринбосари (1917 йил ноябр) ва Халқ Комиссарлари Советида озик-овқат комиссари (1917–1918). Совет ҳокимиятига қарши Тошкентда 1919 йил январда кўтарилган Осипов исенлини боспириш ташкилотчиларидан бири. Туркистон АССР Марказий ижроия қўмитаси раиси (1919 йил март–август). Туркистон АССР Инкилобий ҳарбий шўроси раиси (1919 йил апрел–июн). Ёттисув fronti Инкилобий ҳарбий шўроси аъзоси (1919 йил ноябрдан). Донбасс темир йўли шесий бўлими бошлғи (1920 йилдан).

<sup>186</sup> *В.Агапов* — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўнгарлишнинг қатнашчиси, РСДРП аъзоси, Туркистон ўлка аскар ва шғчи депутатлари шўроси аъзоси (1917), Халқ Комиссарлари Советида фуқаро муҳофазаси комиссари (1917 – 1918).

Осипов бошчилигида большевикларга қарши кўтарилган исенда фаол қатнашган (1919 йил январ), қўзғолон бостирилгач, ВЧК томонидан Тошкентда отиб ташланган.

<sup>187</sup> *В.Ляпин* (1882 – 1945) — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўнгарлишнинг қатнашчиси, большевиклар партияси аъзоси. Тошкент Совети газначиси ва ижроия қўмитаси аъзоси, Сирдарё вилояти шўроси аъзоси (1917). Халқ Комиссарлари Советида савдо ва саноат комиссари (1917–1918), Туркистон АССР озик-овқат халқ комиссари (1918–1920).

Туркистонда очарчилик даврида барча аҳолини эмас, фақат қизил аскарлар, партия ва совет ходимлари ҳамда европалик аҳолини нон билан таъминлаган.

халқ комиссари – Успенский<sup>188</sup>”.

Съезднинг 22 ноябрда бўлиб ўтган охириги мажлисида кўриб чиқилган масала – жойларда ҳокимиятни ташкил этиш юзасидан қабул қилинган ҳужжатда жойлардаги бутун ҳокимият ишчи, солдат ва крестьян депутатлари Советларига берилади, деб кўрсатиб ўтилган эди. Шу тариқа, мазкур съезд Туркистон ўлкасида ҳокимиятнинг Советлар кўлига топширди, бироқ ҳокимиятни аслида большевиклар ихтиёрига ўтишини тезлаштириб берганди.

Туркистонда туб аҳолини сиёсий жараёнга аралаштирилмаганлиги ўлка халқларининг совет ҳокимиятига бўлган ишончсизлигини янада кучайтирди. Большевикларнинг бундай айёрона сиёсатиға ҳатто Туркистондаги европалик аҳолининг демократчи қатламлари ҳам қарши чиққанлар. Большевиклар томонидан ўлкада совет ҳукуматининг биринчи таркиби тузилганда мустамлакачилик сиёсати ва улуғдавлатчилик шовинизми ақидаларига амал қилинганлиги мазкур янги ҳокимиятнинг сиёсий фаолиятини олдиндан белгилаб берди. Ҳатто большевикларнинг дохийси ва

<sup>188</sup> *Константин Успенский* (1874–1938) — большевиклар 1917 йил ноябрда Тошкентда уюштирган ҳокимият тўнгаришнинг катнашчиси. Тошкентдаги сўл эсерлар партияси раҳбарларидан бири.

Тамбов шаҳрида туғилган. Касби ҳарбий шифокор бўлган. 1917 йил февралдан кейин Тошкентга келиб, солдат депутатлари Советиши бошқарган “Наша газета”нинг масъул муҳаррири (1917–1918). Кейинчалик большевиклар партияси сафига ўтган. Туркистон ўлка Халқ Комиссарлари Советида махсус топшириқлар бўйича халқ комиссари (1917 – 1918). Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари ва маориф комиссари (1918 – 1919). Туркистон АССР Марказий Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари (1919 йил мартдан). Ўзининг туб аҳолиға нисбатан мустамлакачилик қарашлари ва улуғдавлатчилик шовинизми сиёсати билан машғум ном чиқарган.

Совет ҳокимиятиға садоқат балан хизмат қилса ҳам 1938 йил 22 апрелда қамоққа олинган ва ўша йили 20 июнда отиб ташланган. К. Успенский ўлиmidан сўнг 1971 йили оқланган.

Россиядаги дастлабки совет ҳукуматининг раҳбари В.И. Ленин ўзининг “Великороссларнинг миллий ифтихори” мақоласида<sup>189</sup> улуғ давлатчилик шовинизми рус халқига хос эканлигини тан олиб турганида, бунга ҳеч бир ажабланмаса ҳам бўлади, деб ўйлаймиз.

---

<sup>189</sup> Қараш: В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – Б. 196-200.

## II БОБ. ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ҲУКУМАТИ ФАОЛИЯТИ (1917 йил 27 ноябрь–1918 йил 22 февраль)

### 2.1. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташқил топиши

*Ўзбек халқи миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухторияти ҳукумати алоҳида ажралиб туради. Мухторият ҳукумати қисқа фурсат (1917 йил 27 ноябрь – 1918 йил 22 февраль) фаолият кўрсатган бўлса ҳам, у тарихимизда чуқур из қолдирди. 2022 йил ноябрда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташқил қилинганлигига 105 йил тўлди<sup>190</sup>.*

Тарихдан маълумки, Қўқон шаҳрида 1917 йил 26–28 ноябрда (янги ҳисоб билан 9–11 декабрда) бўлиб ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулодда IV курултойида 27 ноябрь (янги ҳисобда 10 декабрь)<sup>191</sup> куни ярим тунда бўлган мажлисда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташқил қилинди<sup>192</sup>. Курултой Туркистон

<sup>190</sup> Бу ҳақда қаранг: Қ.Ражабов. Туркистон Мухторияти тарихи // “O‘zbekiston tarixi” jurnali. 2022 №4. – Б. 60-153.

<sup>191</sup> Мазкур тадқиқотда тарихий саналар 1918 йил 31 январигача эски ҳисоб билан, 1918 йил 14 февралдан бошлаб янги ҳисоб билан берилади. Чунки РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раисининг 1918 йил 26 январдаги махсус декрети билан Россия ҳудудида григориан календари жорий қилиниб, амалда мавжуд бўлган 13 кунлик фарқ тузатилди. Хуллас, 1918 йил 31 январдан кейин 1 февралга эмас, балки 14 февралга ўтилди. Бу календар Туркистон ўлкасига ҳам татбиқ этилди.

<sup>192</sup> Туркистон Мухторияти ҳукумати ҳақида қаранг: *Аъзамхўжаев С.* Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: “Маънавият”, 2000. – 168 бет, *Аъзамхўжаев С.* История Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти). – Тошкент: Издательско-полиграфическое объединение «Тошкент ислом университети», 2006. – 268 стр.; *Ражабов Қ.* Туркистон Мухторияти



Ўлкасини Россия Федератив Республикаси таркибида худудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди. Шунингдек, курултойда Таъсис Мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимиятни Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Миллий Мажлиси [Миллат Мажлиси] қўлида бўлиши керак деб ҳисобланди.

Кўконда Бутунтуркистон мусулмонларининг фавкуллода IV курултойи очилиши арафасида 25 ноябрь кун кеч соат еттида “Шўройи Исломия”нинг Кўкондаги қароргоҳида мажлис бўлиб ўтди. Унда мандат комиссияси ва ҳайъатининг тахминий таркиби кўриб чиқилди. Мажлисида қуйидаги асосий муаммоларни муҳокама қилишга қарор қилинди: Ўлкада бошқарув тизими ва совет ҳукумати билан муносабатлар масаласи; генерал Дутовнинг совет ҳокимияти билан барча муносабатларни узиш ва режалаштирилаётган аксибольшевистик Жануби-Шарқий Иттифоқ таркибига кириш таклифига нисбатан ўз муносабатини белгилаш; Туркистон ижроия қўмиталарига сайловлар; Туркистон Марказий Мусулмонлар шўросини қайта сайлаш; Туркистонда қонунчилик ҳокимиятини яратиш, Туркистон Таъсис Мажлисини чақириш ва бошқалар<sup>193</sup>.

1917 йил 26 ноябрь соат 12 да ташкилий бюро аъзоси Мустафо Чўкай курултойни очик деб эълон

---

ҳукумати вазирларининг фаолияти ва кейинги тақдирини // Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017. Б. 42-63; *Ўша муаллиф*. Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларининг фаолияти ва кейинги тақдирини // “*Sohibqiron yulduzi*” (Қарши). 2020. №3. 24-31-бетлар; №4. 66-68-бетлар; *Ўша муаллиф*. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдирини. – Тошкент: Bodomzor invest. 2021. 92 бет. *Ўша муаллиф*. Туркистон Мухторияти тарихи // “*O'zbekiston tarixi*” jurnali. 2022. №4. – Б. 60-153; *Азамат Зиё*. Миллий маъбуд Туркистон мухторияти ҳақида // “*O'zbekiston tarixi*” jurnali. 2022. №4. – Б. 154-245.

<sup>193</sup> “Удуг Туркистон”. 1917 йил 8 декабрь.

килди. Мандат комиссияси аъзоси Тошпўлатбек Норбўтабеков иштирокчиларни делегатлар таркиби хақидаги маълумотлар билан таништирди. Бу пайтга келиб курултойда Фарғонадан 150 киши, Сирдарёдан 22, Самарқанддан 21, Каспийортдан 1, Бухородан 4 нафар вакил қатнашаётган эди. Кейинчалик курултой иштирокчилари сони 250 кишига яқинлашди<sup>194</sup>.

Вакиллар орасида шаҳар Думаси аъзолари ҳам, татарларнинг Туркистон бюросидан ҳам, ўлка яхудий ташкилоти – Паолей Сиондан ҳам, шунингдек, маҳаллий яхудийлардан ҳам вакиллар иштирок этди. “Мазкур курултойни, – деб ёзади “Улуғ Туркистон” газетаси, – фақат “мусулмон” курултойи эмас, балки Туркистон халқлари курултойи деб аташ лозим»<sup>195</sup>. Ўлка мусулмон ишчилари, крестьянлари, солдатлари депутатлари Шўросининг нашри бўлган “Ишчилар дунёси” журнали шундай қайд этади: “Съездда Туркистон ўлкасининг ҳар бир жамияти, иттифоқи ва миллий шўролари вакиллари йигилгани учун, у ўлканинг 10 миллионли мусулмон аҳолиси манфаатларига жавоб берувчи қарорларни қабул қилишга ваколат ҳуқуқига эга бўлди”<sup>196</sup>.

Советларнинг III ўлка съезди шовинистик қарорларига қарама-қарши ўлароқ мусулмон курултойи ўз ишининг барча босқичларида чинакам байнал-милалчилик тамойили, ўлканинг кўп миллатли, шу жумладан европалик қисми аҳолиси манфаатларини ҳисобга олишдан келиб чиққанди. Бундай инсон-парварлик ёндашуви Бутунтуркистон мусулмонларининг IV курултойи очилган пайтданок намоён бўлди. Жумладан, Махмудхўжа Бехбудий курултой-

<sup>194</sup> “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 8 декабрь.

<sup>195</sup> Қаранг: *Аъзамхўжаев С.* Туркистон Мухторияти. 126-бет.

<sup>196</sup> “Ишчилар дунёси” (Самарқанд), № 1. 1918 йил 4 январь.

нинг ҳуқуқий асосга эгаллиги ҳақидаги нутқида шуни алоҳида таъкидладикки, “Қурултойда Туркистоннинг европалик аҳолиси вакиллари иштирок этаётгани учун ҳам қурултой қарорлари янада обрўлидир”<sup>197</sup>. М.Бехбудий қурултой ҳайъатига турли мусулмон, рус, яҳудий ва ҳоказо гуруҳлардан вакиллар киритилишини таклиф этди. Ундан кейин сўзга чиққан Кўкон вакили Обиджон Маҳмудов ҳам “ҳайъатга сайловларда вилоят ва айрим диний ҳамда миллий гуруҳлар бўйича эмас, балки билимдон ва ишчан кишиларни танлаш асосида киритиш зарурияти” ҳақида гапирди<sup>198</sup>.

Музокаралардан сўнг 13 кишидан иборат ҳайъат сайлашга қарор қилинди. Сўнг унинг таркибига номзодларни белгилаш учун 15 дақиқалик танаффус эълон қилинди. Танаффусдан сўнг қурултой ҳайъати очик овоз бериш йўли билан қуйидаги таркибда сайланди: Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқай, Ҳидоятбек Юрали Агаев<sup>199</sup>, Серикбай Ақаев<sup>200</sup>, Соломон Герцфельд<sup>201</sup>, Обиджон Маҳмудов, Ислоҳ Шоаҳмедов, Кишичнбоев,

<sup>197</sup> “Туркестанский вестник”, 9 декабря 1917 г.

<sup>198</sup> “Улут Туркистон”, 1917 йил 8 декабрь.

<sup>199</sup> *Ҳидоятбек Юрали Агаев* (Ҳидоятбек Юргули Агаев; 1880–1918) — Туркистон Мухторияти ҳукуматида ер ва сув бойиқлари вазири, Туркистон Миллий Мажлиси аъзоси.

<sup>200</sup> *Серикбай Жўмагулович Ақаев* (1880–1937) — Туркистон тараққий-парварларидан бири.

Сирдаре вилоятининг Окмачит уездида туғилган. Туркистон мухториятчилиги ҳаракатида фаол қатнашган. Мухторият большевиклар томонидан тугатилгач, Семипалатинскка жўнаб кетган. “Алаш Орда” партиясининг ҳарбий бўлимида ишлаган. Қарқарали округи адлия комиссарлиги ҳайъати аъзоси (1920). Қозғонистон АССРда турли лавозимларда ишлаган. 1928, 1930–1931, 1937 йиллари камокқа олинган. Совет режими томонидан 1937 йил 21 ноябрда Олмаотада отиб ўлдирилган.

<sup>201</sup> *Сатамон Герцфельд* (1881–1918) — Туркистондаги йирик сармоядорлардан бири, адвокат ва журнали. Сношчилар кўмитасининг Туркистон бўлими раиси, Бухоро яҳудийларидан.



Туркистон Мухторияти Миллат Мажлиси аъзолари (Кўҳон, 1917 йил ноябрь)



70705

## يا شائسون تركستان مختاريتي!

ترکستان مسلمانلاری ناکت دور توپچی فوق العاده قورولما  
 ترکستان اولکه سید بولغان خلق لار ناکت خواهش  
 لری بونچہ سوک روسیہ انقلابی طرفین برلیگان اسلک  
 بنا، فیدیرتسیه ساسیگه قورولغان روسیہ یمورتی ایله  
 برلیکده قالغانی حالده ترکستانی بیرلیک مختاریتلی یعنی

« تیریتوریالیни آفانومیه لک » اعلان قیلا دور .

بو مختاریت ناکت صورتده وجود قویلماغینی یا قن اراده  
 سینیللا دورغان عموم ترکستان خانگی ناکت اوچریدیلینی صابرلیک  
 ( ترکستان مجلس مسانی ) گه تابشورا دور .

شونکایدیله برابر ترکستان اولکه سید اولیت تشکیل قیلغان  
 ملت لرنک حقوقلری ناکت هر جهتدن باقلانلماغینی هم طمظلی

صورتده بیان ایتیه دور . « شهر خوقند »

هجری ۱۳۲۶ سنه ۲۵ صفر نحر میلادی ۱۹۱۷ ۲۷ نوپار

Туркистон Мухторияти ҳукумати ташиқил  
 топганлиги ҳақидаги баённома

Камол қозин<sup>202</sup>, Абдул Бадин, Абдурахмонбек Ўразаев<sup>203</sup>, Тилнев, Каримбоев.

Қурултой иштирокчилари уч кун мобайнида Туркистон ўлкасининг бўлгуси снёнй тузиллиши ҳақидаги ўз қарашларини белгилаб олишди, булар қурултойда қабул қилинган ҳужжатларда ўз аксини топди. Хусусан, 27 ноябрда қурултойда қуйидаги мазмунда декларация қабул қилинди:

*“Йиасун Туркистон Мухторияти!*

*Туркистон мусулмонларининг тўртинчи фавқулодда қурултойи Туркистон ўлкасида бўлгон халқларининг хоҳишлари бўйича буюк рус инқилоби (Февраль инқилоби) тарафидан берилган асосларга биноан федератсия асосига қурилгон Русия Жумҳурияти ила бирликда қолгани ҳолда Туркистонни ерлик мухториятли, яъни “территориальный автономиялик” эълон қиладур.*

*Бу мухториятининг не суратда вужудга қўйилмоғини яқин орада ишгиладургон Бутунтуркистон халқининг Учредительный Собраниеси (Туркистон Мажлиси Муассасоти)га топирадур.*

<sup>202</sup> Камолқозин, Камол Раҳмонбердиев (1885–1937) — Туркистондаги тапқили уламо, Тошкентда тузилган Туркистон мусулмонларининг “Маҳмайн шаръия” идораси раиси.

1917 йил ноябрда Туркистон Миллий Мажлиси аъзолигига сайланади. Мухторият ҳукумати тугатилгач, Қўқондан Тошкентга келади ҳамда тоат-ибодат ва масжидда имомлик билан шугулланади. Тошкент ва Фарғона водийсидаги кўплаб масжидларда хизмат қилган.

1936 йил 22 февралда Ўзбекистон ССР НКВД томонидан қамоққа олиниб, “аксининқилобий паписломчи мусулмон руҳонийлари гуруҳини тузганлик, аҳолини газовотга чорлаб, фаол аксиншўро фаолият кўрсатганлик ва антисовет-террорчи ҳужжатларни тарқатганлик”да айбланиб, Ўзбекистон ССР Олий суди махсус ҳайъатининг 1936 йил 31 май – 3 июндаги мажлисида уч йил муддатга меҳнат тузатиш жамлоғига ҳукм қилинган. У ердан қайтмаган.

<sup>203</sup> Абдурахмонбек Ўразаев (1888–1937) — Туркистон Мухторияти ички ишлар вазири ўринбосари, Миллий Мажлис аъзоси.

*Шуниг ила баробар Туркистон ўлкасида ақаллият ташкил қилгон миллатлар ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан сақланнлмоғини ҳам таъминли суратда баён этадур”<sup>204</sup>.*

Бу билан қурултой Туркистонда яшовчи миллатларнинг Россия инкилоби эълон қилган ўз тақдирини ўзи белгилаш юзасидан хоҳиш-иродасини ифодалаб, Туркистонни худудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шаклларини Таъсис Мажлисига ҳавола этади.

## 2.2. Туркистон Миллат Мажлиси ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукумати таркиби

1917 йил 27 ноябрь (янги ҳисоб билан 10 декабрь) оқшомида ташкил қилинган янги ҳукуматнинг номи Туркистон Мухторияти деб аталди. Таъсис Мажлисининг съезди чақирилгунга қадар ҳокимият тўла равишда Туркистон Муваққат Кенгаши (ҳукумат) ва Туркистон Миллат Халқ Мажлиси (парламент) кўлида жамланади. Муваққат Кенгаш аъзоларидан 12 кишилик ҳукумат тузиладиган бўлди. Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларининг сони илгари Бутунроссия Таъсис Мажлисига Туркистон ўлкасидан сайланган номзодлар сонига қараб (32 киши) белгиланди<sup>205</sup>. Халқ Мажлиси (унга 54 ўрин ажратилди) таркибидан шаҳарлар маҳаллий бошқармалари учун 4 вакил, ўлкадаги турли европалик ташкилотлар вакилларига 18 ўрин ажратилди. Бироқ ўша давр матбуотида фақат 32 нафар кишининг исми ва шарифи эълон қилинган. Шундай қилиб,

<sup>204</sup> “Удуг Туркистон”, 1917 йил 8 декабрь; С.Аъзамқўжаев. Туркистон Мухторияти. 127-бет.

<sup>205</sup> “Эл байроғи” (Кўкон). 1917 йил 22 декабрь.

учдан бир ўрин ўлкадаги барча аҳолининг 5 фолзини ташкил этган европалик аҳоли вакилларига берилди<sup>206</sup>. Курултойда сайланган мусулмонлардан 32 нафар киши Миллий Мажлис таркибига киритилди.

Курултой жараёнида Миллий Мажлис таркибига куйидаги 32 нафар киши сайланди: Убайдулла Хўжаев [Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев], Мустафо Чўқаев [Мустафо Чўқай], Тошпўлатбек Норбўтабеков, Садриддинхон Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Ҳожинов<sup>207</sup>, Исмадулла Убайдуллин<sup>208</sup>, Саидносир Миржаллилов<sup>209</sup>, Шерали Лапин [Серали Лапин], Саид Жаъфарбой Саидов<sup>210</sup>, Ислом Султон Шоахмедов, Абдурахмонбек Ўразаев, Ҳидоятбек Юрали Агаев, Носирхон Тўра [Носирхонтўра Камолхонтўра ўгли], Миродил Мирзаахмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев<sup>211</sup>, Абдулқодир Қушбегиёв<sup>212</sup>, Обиджон Махмудов, Жамшидбой Қорабеков<sup>213</sup>, Соломон Абрамович Герцфельд, Абдусамд

<sup>206</sup> Ўзбекистон тарихи (1917–1991 й). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: РАбдуллаев, М. Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. 58–61–бетлар.

<sup>207</sup> Қўнғирхўжа Ҳожинов; Қўнғирхўжа Қожиков (1886–1938) — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр – 1918 йил феврал).

<sup>208</sup> Исмадулла Убайдуллин — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр–1918 йил феврал).

<sup>209</sup> Саидносир Миржаллилов (1884–1937) — Туркистон Мухторияти ҳукумати газначиси ҳамда Миллий Мажлис аъзоси (1917 йил ноябр – 1918 йил феврал).

<sup>210</sup> Саид Жаъфарбой Саидов — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр–1918 йил феврал).

<sup>211</sup> Тошхўжа Ашурхўжаев — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр – 1918 йил феврал).

<sup>212</sup> Мирзо Абдулқодирбек Мирзо Аҳмад Қушбегиёв (Абдулқодирбек Қушбеков) (1882–1937) – Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан бири. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси

<sup>213</sup> Жамшидбой Қорабеков — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр–1918 йил феврал).



Абдусалимов<sup>214</sup>, Убайдулла Дербисалин<sup>215</sup>, Муса Акчурин<sup>216</sup>, Мустафо Мансуров<sup>217</sup>, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Иброҳим Далшин<sup>218</sup>, Муҳаммаджон Тинишбоев, Халил Ширинский<sup>219</sup>, Толибжон Мусабоев<sup>220</sup>, Камол Раҳмонбердиев [Камол кози], Олимхонтўра Шокирхонтўраев<sup>221</sup>, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров<sup>222</sup> ва бошқалар<sup>223</sup>. Бироқ Миллий Мажлис ранги лавозимига номзоди кўрсатилган *Шерати Латин* бу таклифни рад этгач, бу масъул лавозимга қурултойда бошқа киши сайланмади.

Қурултойда Туркистон Миллий Мажлиси аъзоларидан Туркистон Мухторияти ҳукумати (8 нафар кишидан иборат) тuzилди. Европалик аҳоли вакиллари номзодлар кўрсатилгани учун уларга ҳам яна ажратилди. Ҳукуматнинг дастлабки таркибига шунлар киритилди:

*Абдусалим Абдусалимов* — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси (1917 йил ноябр — 1918 йил феврал).

*Убайдулла Дербисалин, Абдулла Дербисалин* — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр — 1918 йил феврал).

<sup>214</sup> *Муса Акчурин* — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр — 1918 йил феврал).

<sup>217</sup> *Мустафо Мансуров* — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр — 1918 йил феврал).

<sup>218</sup> *Иброҳим Далшин* (Давлатшиш) — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр — 1918 йил феврал).

<sup>219</sup> *Халил Ширинский* — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр — 1918 йил феврал).

<sup>220</sup> *Толибжон Мусабоев* (1885–1931) — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр — 1918 йил феврал), Туркистон тараққиётпарварларидан бири.

<sup>221</sup> *Олимхонтўра Шокирхонтўраев* — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр — 1918 йил феврал), Олимхонтўра Соғунийнинг акаси.

<sup>222</sup> *Одилжон Умаров* — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябр — 1918 йил феврал).

<sup>223</sup> Қўқон Муваққат хатқ шўроси хайъати // "Улуғ Туркистон", 1917 йил 8 декабрь; "Эл байроғи" (Қўқон), 1917 йил 9 декабрь.

1. *Муҳаммадҷон Тинишбоев* [Мухамеджан Тинишпаев] – Бош вазир ҳамда ички ишлар вазири, II чақирик Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукуматнинг Туркистон кўмитаси аъзоси, йўл муҳандиси.

2. *Ислом Султон Шоаҳмедов* [Шоҳислом Шағисултонович Шағнаҳмедов] – Бош вазир ўринбосари, Бутунроссия мусулмонлари Шўроси Ижроня Комитети аъзоси, ҳуқуқшунос.

3. *Мустафо Чўқай* [Мустафо Чўқай ўғли; Мустафо Чўқаев] – ташқи ишлар вазири, Туркистон мусулмонлари Марказий Шўроси раиси, ҳуқуқшунос.

4. *Убайдулла Хўжаев* [Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев] – ҳарбий вазир, Бутунроссия мусулмонлар Шўроси Ижроня Комитети аъзоси, ҳуқуқшунос.

5. *Ҳидоятбек Юрали Агаев* [Ҳидоятбек Юрғули Акаев] – ер ва сув бойликлари вазири, агроном.

6. *Обидҷон Маҳмудов* – озиқ-овқат вазири, Қўқон шаҳар Думасининг раис ўринбосари, тоғ-кон саноати мутахассиси.

7. *Абдураҳмонбек Ўразаев* – ички ишлар вазиринини ўринбосари, ҳуқуқшунос.

8. *Соломон Абрамович Герцфельд* – молия вазири, ҳуқуқшунос<sup>224</sup>.

Мухторият ҳукумати вазирларидан 3 нафар киши олий маълумотли ҳуқуқшунос, 2 киши ўртача малакали ҳуқуқшунос эканлиги ҳукумат аъзолари билим даражасининг нақадар юқори эканлигидан далолат беради. Ҳолбуки, 1917 йил 15 ноябрда Тошкентда ташкил топган дастлабки совет ҳукумати – Туркистон ўлка Халқ Комиссарлари Советининг биринчи таркибига кирган 15 нафар “халқ комиссарлари”нинг бири отбоқар, бири қучер, бири извошчи, бири пропоршчик, бири чизмачи,

<sup>224</sup> “Улуг Туркистон” (Тошкент), 1917 йил 8 декабрь.

бири табелчи, яна бери поручик эди ва х.к. Ҳукумат раиси Ф.Колесов ўтмишда чизмачи, харбий комиссар Е.Перфильев кучер, ўзининг “Туркистон Ленини” деб атаган Тошсовет раиси ҳамда Туркистон МИК Муваққат раиси И.Тоболлин ўртача савиядаги юрист бўлган<sup>225</sup>. Бироқ дастлабки совет ҳукумати таркибига Туркистонда яшовчи туб халкларнинг бирорта ҳам вакили киритилмаган эди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига 1917 йил декабрда *Носирхон Тўра* [Носирхонтўра Камолхонтўра ўғли] маориф вазири сифатида киритилди, *Саидносир Миржалилов* ҳукумат хазиначиси (ғазначиси) бўлди<sup>226</sup>. Шунингдек, *Миродил Мирзаахмедов* ҳам ҳукумат таркибига киритилди<sup>227</sup>. Бундан ташқари ҳукумат таркибига бошқа ўзгаришлар ҳам бўлди. М. Тинишбоев Алаш Ҷўрда ҳукумати фаолиятида қатнашиш учун декабрь ойи бошларида Оренбургга жўнаб кетгач, 1917 йил 12 декабрда *Мустафо Чўқай* унинг ўрнига Бош вазир лавозимини эгаллади. Абдурахмонбек Ҷўраев ички ишлар вазири лавозимига тайинланди. *Ислом Шоахмедов* С. А. Герцфельд ўрнига молия вазири, йирик сармоядор *Рафазль Потеляхов* О. Маҳмудов ўрнига озиқ-овқат вазири қилиб тайинланди. Совет ва партия тарихчиси П. Алексеенковнинг ёзишича, Обиджон Маҳмудов юстиция<sup>228</sup> вазири бўлди.

<sup>225</sup> Қ.Ражабов, М.Ҳайдаров. Туркистон тарихи (1917–1924 й). – Тошкент: Ушвсеритет, 2002. 58-бет.

<sup>226</sup> “Удуг Туркистон”, 1918 йил 7 январь.

<sup>227</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. Жўраев. – Тошкент: “Шарк”, 2000. 53-54-бетлар; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я. Раджапова. – Ташкент: «Шарк», 2000. – С. 98 – 99.

<sup>228</sup> “Удуг Туркистон”, 1918 йил 31 январь.

Полковник *Магдий Чанишев*<sup>229</sup> ҳукуматнинг ҳарбий кенгаш раиси вазифасини эгаллади. Магдий [Махди] Мухамед-Раҳимович Чанишев аслида уфалик агроном бўлган. Ҳарбий ишлар вазири бўлган Убайдулла Хўжаевнинг лавозими ўзгартрилиб, у халқ миллияси раҳбари ва жамоат хавфсизлиги вазири лавозимини эгаллади. Бундан ташқари ҳукумат таркибига этник жиҳатдан бухоро яҳудийларига мансуб бўлган йирик сармоядорлар ака-ука *Якуб Вадьяев*<sup>230</sup> ва *Сион Вадьяев*<sup>231</sup> ҳамда “Юсуф Давидов” ва “Кнапп-Зигель” савдо фирмаларининг вакили *Абрам Давидов*<sup>232</sup> ҳам киритилганлар<sup>233</sup>.

### 2.3. Мухторият ҳукуматиغا Туркистон жамоатчилигининг муносабати

Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа муддат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Янги ҳукумат фаолияти фақат Қўқонда ёхуд Фарғона водийсида эмг балки бутун Туркистон минтақасида яшаётган т

<sup>229</sup> *Магдий (Махди) Мухаммад-Раҳимович Чанишев* — уфалик агроном, этник татар. Рус армиясининг полковниги.

<sup>230</sup> *Якуб Хаимович Вадяев* (1868–1936) — бухоро яҳудийларидан. йирик ишбилармон ва сармоядор, 1-гилдия савдогари, “Ака-ука Вадяевлар” савдо уйи бошлиги.

<sup>231</sup> *Сион Хаимович Вадяев* (1878–1943) — бухоро яҳудийларидан. йирик ишбилармон ва сармоядор, 1-гилдия савдогари.

<sup>232</sup> *Абрам Псахорович Давидов* — бухоро яҳудийларидан, йирик ишбилармон ва сармоядор. Давидовлар хонадони аслида XIX асрда Шаҳрисабз ва Самарқандда яшаган бухоро яҳудийлари қавмига бориб тақалади.

<sup>233</sup> *Алексеевков П.* Кокандская автономия. — Ташкент: Узгиз, 1931. — С. 26; Шу тариха, иқтисодий таъминот ва моллиявий назорат миллий арбоблардан яҳудийлар қўлига ўтади. Бир томондан, “янги вазирлар” мухторият ҳукуматишиг айрим харажатларини маблағ билан таъминлашга ёрдам берган бўлсалар, иккинчи томондан, айнан уларнинг қўлчилиги энг оғир пайтда ҳукуматни тарк этиб, болшевиклар томонига ўтиб кетдишар. “Яҳудий вазирлар”нинг қўлчилиги кейинчалик Париж, Берлин, Лондонда шоҳона яшаб, яна 20 – 25 йил умргузаронлик қилганлар.

ерли халқлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Фитрат<sup>234</sup>, Чўлпон<sup>235</sup>, Айний<sup>236</sup>, Ҳамза<sup>237</sup>, Бехбудий<sup>238</sup> каби жадид шоирлари ҳамда адиблари Туркистон Мухторияти ҳукуматини алқаб, ўтли шеърлар ва оташин мақолалар битишди. Фитрат мухторият эълон қилинган 27 ноябрь тунини “Миллий лайлатулқадримиз”<sup>239</sup> деб атагани бежиз бўлмай, унинг бу сўзларида олам-олам маъно мужассамлашган эди.

XX аср Туркистон халқларининг энг буюк ойдини, миллат тараккийпарварлари сардори *Абдуррауф Фитрат* ўзининг Самарқандда чиқадиган “*Хуррият*” газетасида 1917 йил 5 декабрда эълон қилинган “*Мухторият*”<sup>240</sup> номли мақоласида халқимиз учун мухториятчилик

<sup>234</sup> *Фитрат* томонидан ёзилган “Юрт кайғуси” шеъри 1917 йил 29 декабрда Самарқандда чиқадиган “Хуррият” газетасида эълон қилинган.

<sup>235</sup> *Чўлпон* 1917 йил охирида “Ўзбеклар ҳам Туркистон” ва “Озод турк байрами” шеърларини битди.

<sup>236</sup> *Садриддин Айний*нинг 1917 – 1918 йилларда ёзган “Ғалаба марши”, “Хуррият марши”, “Байналмилал марши” номли шарқийларида мухторият ва ошдилик гоёлари кўйланади.

<sup>237</sup> *Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий* 1917 йилда ёзган “Яша, Турон!” шеъри кейинчалик “Яша, Шўро!” номи билан мафкуравий мақсадда ўзгартирилган. Аслида шоирнинг 1920 йили ёзган деб тахмин қилинадиган “Яша Шўро, Яша Ирфон!” шеъри ҳам дастлаб “Яша Турон, Яша Ирфон!” шаклида бўлган.

<sup>238</sup> *Махмудхўжа Бехбудий*нинг “Туркистон Мухторияти” мақоласи “Хуррият” газетасида 1917 йил 19 ва 22 декабрда чоп этилган.

<sup>239</sup> *Лайлатулқадр* (арабча: *Қадр кечаси*) – муқаддас Рамазон ойининг йилтирма олтинчидан йилтирма еттинчига ўтар кечаси. Бу кечанинг улугладини Қуръони каримнинг шу кечада нозил этила бошлагани, бу кечада қилинган ибодатнинг ойиш ибодатдан афзал экани тўғрисида Қуръонда башорат берилгани билан изоҳланади. (Бу ҳақда қаранг: Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2017. 272-бет.)

Ўзбек халқи ўртасида Ислом дини кириб келгач, юз йиллар давомида Лайлатулқадр (Қадр кечаси) ўта эъзозланган ва илоҳийлаштирилган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида яратилган турли эртақлар ва дostonлар ҳамда Алишер Навоий ва бошқа шоирлар ижодида мавжуд бундай кўтаришви руҳ 1917 йил ноябрда Фитратни ҳам бефарқ қолдирмаганини бежиз эмас.

<sup>240</sup> *Фитрат*. Мухторият // “Хуррият” (Самарқанд). 1917 йил 5 декабрь.

харакати ва Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тарихий ўрнини, мухторият учун кураш ва уни сақлаб қолиш кераклигини куйидагича кўрсатади:



*Фитрат шогирдлари даврасида*

“Туркистон Мухторияти... Темура Ҳоқоннинг чин болалари ёшида, Туркистонни тубчак турклари орасида, мундан ўзурли [хайбатли, буюк], мундан муқаддас, мундан суюнчли бир сўзини борлигига ишонмайман.

Туркистон туркининг қонини қайнатгучи, имонини юксалтгучи бир қувват бор эса, ёлғиз шу сўзда бордир: Туркистон Мухторияти.

Элик индан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, малимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз гасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди, тўзимли тўрдик, сабр этдик.

Қўча тавхаш ҳар бўйруғга бўйинсундик, бутун борлигимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яширутурдик, эммажларимизга ўрғиб сақладик: Туркистон Мухторияти!

...Туркистоннинг тарихий хонбалиқлариндан иккинчиси бўлган Хўқанд шаҳрида тўнланган Туркистон қурултойи 27 нўябрнинг “Миллий лойлашул-қадримиз бўлган” ярим кечасида Туркистон Мухториятини эълон қилди”<sup>241</sup>.

Фитрат мухторият ҳукуматини туркистонликлар миллати ҳимоя қилиши ва сақлаши кераклигини таъкидлаб, ўзининг эҳтирос ва ўта пафосга тўла мақоласини куйидагича тугатади: “*Лектин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлғуз бир съездининг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмоқ ва сақламоқ керакдир. Съезд ўз ишини қилди. Қолганлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни сақламоқ учун куч лозим. Мухториятни бажармоқ учун ақча керакдир. Бўларни миллат ҳозир қилсун*”<sup>242</sup>.

<sup>241</sup> Фитрат. Мухторият // Абдураҳф Фитрат. Танланган асарлар. III жид (Драматар, публицистик мақолалар). Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Маънавият, 2003. 198-199-бетлар.

<sup>242</sup> Фитрат. Мухторият. 199-бет.

Чултоннинг машхур “Озод турк байрами” шеъри ўша суронли 1917 йил ноябрь ойида ёзилган бўлиб, у илк марта Туркистон Мухторияти ҳукуматининг “Эл байроғи” номли расмий газетасининг 13-сонида эълон қилинган. Шунингдек, шеър варака тарзида нашр этилиб, Қўқон шаҳри аҳолиси ўртасида тарқатилган ҳамда Туркистон Мухториятининг мадҳияси сифатида қуйланган. Мана ўша шеър:



Чултон

### Озод турк байрами (Мухторият мадҳияси)<sup>243</sup>

<i>Кўз очинг, боқинг ҳар ён!</i>	<i>Туркистонлик – шонимиз,</i>
<i>Қардошлар, қандай замон!</i>	<i>Туролик – унвоимиз,</i>
<i>Шодликка тўлди жаҳон!</i>	<i>Ватан – бизнинг жонимиз,</i>
<i>Фидо бу қуиларга жон!</i>	<i>Фидо ўлсун қонимиз!</i>

<i>Туркистонлик – шонимиз,</i>	<i>Бўлди кенглик, зўрлик йўқ.</i>
<i>Туролик – унвоимиз,</i>	<i>Берилди бизга ҳуқуқ!</i>
<i>Ватан – бизнинг жонимиз,</i>	<i>Тараққийга йўл очиқ!</i>
<i>Фидо ўлсун қонимиз!</i>	<i>Жаҳолатга йўл ётиқ!</i>

<i>Бизлар темир жонимиз!</i>	<i>Туркистонлик – шонимиз,</i>
<i>Шавкатлимиз, шонлимиз!</i>	<i>Туролик – унвоимиз,</i>
<i>Номусли, виждонлимиз!</i>	<i>Ватан – бизнинг жонимиз,</i>
<i>Қайнаган турк қонимиз!</i>	<i>Фидо ўлсун қонимиз!</i>

<sup>243</sup> Қаранг: Чултон. Асарлар. Тўрт жилдик. I жилд (Шеърлар). Қайта нашр. Тўплаб нашрга тайёрловчи: Н.Каримов. – Тошкент: Akademnashr, 2016. 22-23-бетлар.



<i>Мухторият олинди, Ишлар йўлга солинди, Миллий маршлар чолинди, Душман ўртанди энди!</i>	<i>Хуррият – байроғимиз, Адолат – ўртоғимиз, Хурсанд бўлган чоғимиз Мевалясун боғимиз.</i>
<i>Туркистонлик – шонимиз, Туролик – унвонимиз, Ватан – бизнинг жонимиз, Фидо ўлсун қонимиз!</i>	<i>Туркистонлик – шонимиз, Туролик – унвонимиз, Ватан – бизнинг жонимиз, Фидо ўлсун қонимиз!</i>
<i>Шодлик, хурсандлик чоғлар. Кетсун юракдан доғлар, Ватан боғиндан зоғлар! Селкуласун байроғлар!</i>	<i>Турк бешиги – Туркистон! Ери олтун, тоғлари қон! Болалари қахрамон! Ватан учун берур жон.</i>
<i>Туркистонлик – шонимиз, Туролик – унвонимиз, Ватан – бизнинг жонимиз, Фидо ўлсун қонимиз!</i>	<i>Туркистонлик – шонимиз, Туролик – унвонимиз, Ватан – бизнинг жонимиз, Фидо ўлсун қонимиз!</i>

Туркистон ўлкасининг турли шаҳар ва қишлоқларида мухториятни олқишлаб, кўп минг кишилик намоёишлар бўлиб ўтди. 1917 йил 1 декабрда Наманган уездида 100 000 га яқин киши қатнашган катта намоёиш бўлди. Ўша даврда чиққан газеталарнинг ёзишича, намоёиш қатнашчиларининг байроқларида “Яшасин Мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!” деб ёзилган сўзлар хилпираб турарди<sup>24</sup>.

Самарқандда бўлиб ўтган вилоят Советларининг съездида йиғилганлар Туркистон Мухториятига қўшнилишга қарор қилдилар ва Миллат Мажлиси таркибига 5 нафар вакил сайладилар.

<sup>24</sup> “Ў:тўг Туркистон”, 1917 йил 17 декабрь.

“Улуғ Туркистон” газетасининг ёзишича, 1917 йил 6 декабрда Тошкентдаги Жомеъ масжидида 60 000 киши иштирок қилган митинг ўтказилди. Газета хабарларига кўра, “Масжиднинг ички сахни одамлар билан лик тўлган эди”<sup>245</sup>. Намойиш Саидгани Махдум раислигида ўтди. Мунавварқори ва Шерали Лапин унинг муовинлари бўлди. Мунавварқори ташаббуси ва раҳбарлигида уюштирилган бу митинг қатнашчилар Мухториятли Туркистон ҳукуматини бир овоздан маъқулладилар ва Туркистонда энди ушбу Муваққат ҳукуматдан бошқа ҳеч қандай ҳокимиятни тан олмасликка қарор қилганликларини эълон қилдилар. Сўнгра намоён қатнашчилари “Аллоҳу акбар” дея ҳайқириб, Миллат Мажлисига содиқ қолишга қасамёд қилдилар.

Намоёнда сўзга чиққан Мунавварқори, Миён Бузрук<sup>246</sup>, Мулла Одил<sup>247</sup>, Шерали Лапин ва бошқалар большевиклар ва совет ҳокимиятига бўлган муносабатларини очиқ билдиришди. Газетанинг

<sup>245</sup> “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 8 декабрь.

<sup>246</sup> *Миён Бузрук, Миён Бузрук Солиҳов* (1891 – 1938) – Туркистон тараққиётчиларидан, адабиётшунос олим, “Уламо жамияти” фаолиданидан бири.

Тошкентдаги Қашқар маҳалласида Миён Солиҳ Соҳибзода оиласида тутилган. Тошкентдаги Шукурхон мадрасаси ва Истанбул университетида (1914 йилдан) таҳсил олган. 1917 йили Тошкентга қайтган, мухториятчилик ҳаракатида фаол қатнашган. 1918 – 1920 йиллари Афғонистон, 1920 – 1927 йиллари Туркияда яшаган. Совет режимининг расмий руҳсати билан 1927 йили Тошкентга қайтган. Ўрта Осиё давлат университетида Шарқ факултетида (1927 – 1931), Тоғжик маориф институтида форс тилидан дарс берган. Ўзбекистон маданият қурилиш институти, сўнгра Ўзбекистон ССР Фан қўмитасининг Тил ва адабиёт институти (1932 – 1935) илмий ходими. Бухоро педагогика институти ўқитувчиси (1936 – 1937). “Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш” (1930), “Ўзбек адабиётида миллатчилик кўришлари” (1933), “Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида” (1934), “Ўзбек театри тарихи учун материаллар” (1935) каби китоблар муаллифи. Садриддин Айнийнинг “Доҳунда” романини тоғжикчадан ўзбекчага ўлтирган. 1937 йил 7 августда Тошкентда қамокка олиниб, 1938 йил 17 декабрда “халқ душмани” сифатида отиб ташланган.

<sup>247</sup> *Мулла Одил* – тошкентлик уламолардан бири

ёзишча, Туркистон ўлка Халқ Комиссарлари Совети, яъни янги ўрнатилган совет ҳокимиятининг Тошкент шаҳар Думасини тарқатиб юбориш ҳақидаги буйруғини бугунги кунда мутлақо мумкин бўлмаган ҳодиса деб баҳолади. Бу ҳолат манбада куйидагича киноя билан кайд этилади: “300 000 киши номидан демократик йўл билан тўрт босқичли сайлов ҳақидаги қонунга мувофиқ сайланган Тошкент шаҳар Думаси аъзолари ўрнига 700-800 солдат ва ишчилар томонидан Александров боғида сайланган 4-5 комиссар билан алмаштирилган, холос”<sup>248</sup>.

Намоёнш якунида бир овоздан куйидаги қарор қабул қилинади: *“Биз – мусулмонлар синф ва даража айирмаларига қарамай, Туркистон Мухториятини олқишлаган ҳолда, Қўқондаги фавқулодда қурултой тарафидан эълон этилган Туркистонда халқ ҳукумати бунга келтирилиши ҳақидаги қарорга бутун вужудимиз билан қўшилди, шонимизки, буюк Россия инқилоби тарафидан эълон этилган ҳокимият ҳақидаги тамойиллар асосида Россия бирлашган демократияси Туркистон халқи тарафидан бир оғиздан баён этилган тиланига қўшилур ҳамда барча истиқлол йўлида қадам босишида ва ўз қўлимизни ўзимиз кўра бошлашида ёрдам этар.*

*Шунга имон этган ҳолда биз ўлкадаги ҳамма мусулмонларни Мухториятли Туркистон ҳукумати атрофида жинтлашиб, ҳозирги ўлка идораси бошида бўлиб турган муваққат ташкилотлар билан қандай бўлмасин душманларча муамала қилувдан сақланишига даъват этамиз.*

*Туркистон Мухторияти амалий суратда тезроқ вужудга келиши учун тинчлик ва тотувликни сақлашимиз керак. Тоинки, шунинг орқасида ўзаро сўғиши бўлмасин ва бугундан эътиборан ҳур бўлган Туркистоннинг бир тўғон каби халқларимиз орасида гуноҳсиз қон тўкилмасин.*

*Янасин Мухториятли Туркистон!”*<sup>249</sup>

<sup>248</sup> “Улуғ Туркистон”. 1917 йил 8 декабрь.

<sup>249</sup> “Улуғ Туркистон”. 1917 йил 10 декабрь; С.Аъзамқўжаев. Туркистон Мухторияти. 133-бет.

Туркистон халқларининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган фожияли воқеалар муҳим ўрин тутди. Ўша кун пайгамбаримиз Расулulloх Муҳаммад (с.а.в.)нинг мавлуди шариф<sup>250</sup> кунига тўғри келган. Мухториятли Туркистон ҳукумати муқаддас мавлуд кунини – 13 декабрни “Туркистон Мухториятининг миллий жамғармасига пул йиғиш кунини” деб эълон қилди ҳамда бу маблағ мустақиллик ва озодликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини билдирди.

Байрам арафасида Тошкент Эски шаҳар аҳолисида Тошкент Совети (Тошсовет)га митинг ва намойишлар ўтказиш учун ариза тушади. Тошсовет қарорига кўра, митинг ва намойишни Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ўтказилиши маъқулланиб, уни Янги шаҳар (город)да ўтказиш таъқиқланди. Бу намойишга большевикларга муҳолифатда бўлган бошқа сиёсий куч – Тошкент шаҳар Думаси ҳам катта тайёргарлик кўраётган эди. Шаҳар Думаси 9 декабрда намойиш муносабати билан эски шаҳарликларга мурожаат билан чиққан. Унда бўлғуси намойиш тинч ва осойишталик билан ўтиши кераклиги, қора гуруҳлар шаҳар аҳолиси, айниқса, солдатлар орасида бу намойиш гўёки русларга қарши деган маънода тухмат гаплар тарқатиб улгургани айтилиб, халққа шундай мурожаат қилинади: “Фуқаролар! Хушёр бўлинг! Халқ душманлари тарафидан уюштирилган иғволарга ишонмангиз. Қора кучлар руслар билан

<sup>250</sup> *Мавлуд, мавлуд ан-набий* (арабча: туғилиш, пайгамбарнинг туғилган кунини) – Муҳаммад (с.а.в.)нинг туғилган кунлари, мусулмонларнинг катта байрами. Ҳижрий йил ҳисобида раби ул-аввал ойининг 12-кунини нишонланади. Мусулмон мамлакатларида мавлуд кунини дуолар, Муҳаммад (с.а.в.) шаънига мадҳиялардан иборат шеърлар ўқилади, садақалар берилади, масжид ва хонадонларда махсус маросимлар ўтказилади. Милодий 2023 йилда мавлуд кунини 7 октябрда тўғри келади.

мусулмонларни талашдирурга тилайдилар. Намойиш фақат тотувлик узрина ясалажак. Шунга кўра, Сиз, фукаролар, рабочий, солдат, рус ва мусулмонлар бу намойишни табрик ила қарши олингиз. Чунки ҳақиқий демократлар ҳаммаси бир киши туфайли мухторият ва халкларнинг ўз турмушларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга қарши чиқмаслиги керак”<sup>251</sup>.

13 декабрь кун эрта тонгда Эски шаҳар байрам киефасида бўлган. Ҳар тарафдан кўча ва тор кўчалардан Шайхонтохур масжиди томон гуруҳ-гуруҳ одамлар оқиб кела бошладилар. Соат 12ларда кўп минг кишилик йиғин тўпланди. Ҳукмрон партияларнинг раҳбарлари ва совет комиссарлари митингга кўшилди.

Бу пайтда Тошкентнинг руслар яшайдиган “город” қисми ҳам гавжум бўлган. Эрта тонг билан бу ердан ҳам жуда катта гуруҳ “Туркистон ўлкасига мухторият!” шiori ёзилган байроқ билан кела бошладилар. Бу Тошкентнинг янги шаҳар қисмидаги рус демократик жамоатчилигининг вакиллари эди. Улар Шайхонтохур масжиди томон юриб, мусулмонларни табрикламоқчи бўлишган. Ҳарбийлар уларни ва яна икки-уч минг кишилик оломонни Эски шаҳарга ўтказиб юборишди<sup>252</sup>.

Бу ҳолат ва кейинги воқеалар тўғрисида “Улуғ Туркистон” газетасида шундай ёзилади: “Намойишга мусулмонлардан ташқари руслар, яҳудийлар, арманилар, шунингдек, большевиклардан бошқа турли ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг вакиллари ҳам чиқилди. Тўпланганларнинг боши узра юзга яқин қизил-мовий ва яшил байроқлар хилпирарди. Намойишни Мунавварқори очди. У йиғилганларни муборак кун билан табриклади. Руслар орасида намойиш вакилликига доктор Шортц

<sup>251</sup> “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 13 декабрь.

<sup>252</sup> С.Аъзамқўжаев. Туркистон Мухторияти. 135-бет.

сайланди. Тошпўлатбек Норбўтабеков ва Садриддин Махдум [Садриддинхон Шарифхўжа] котибликка сайланди. Бу ерга йнгилган муллалар Куръони каримдан суралар ўқишди. Намойишда турлиташкилот ва уюшмалар вакиллари нутқ сўзлади. Улар маърузаларида ўзларини халқ комиссарлари деб атаган большевикларнинг хатти-ҳаракатларидан норозилиklarини билдиришди”<sup>253</sup>.

Айнан шу пайтда тўпланганлар орасида большевиклар томонидан махсус ёлланган ғаламис ва иғвогарлар чиқиб, “Ўзларининг оташли нутқларида йнгилганларни камоқхонага бориб, собиқ муваққат ҳукуматнинг Тошкентдаги ҳарбий комиссари Григорий Доррер<sup>254</sup> ва ҳибсдаги бошқа кишиларни озод қилиш, сўнгра ҳокимиятни қўлга олишга чақира бошлашди”<sup>255</sup>.

Бу чақириқдан кейин юзлаб намоийшчилар Ўрда (ҳозирги Анҳор) кўпригидан ўтиб, Москва кўчаси бўйлаб янги шаҳар томон йўл олишган. Улар шаҳарга киришгач, намоийшчилар ўртасида тартибсизлик бошланган. Бир гуруҳ кишилар шаҳар соқчилари бошлиғи Гудовични гаров учун қўлга олишган ҳамда камоқхона томон юришган. Улар Тошкент камоқхонаси (Тоштурма)дан граф Доррер ва Бех-Ивановни<sup>256</sup> озод этишган. Сўнгра бу намоийшчилар Кауфман боғига<sup>257</sup> йўл олишади. Худди шу ерда большевикларнинг буйруғи билан солдатлар

<sup>253</sup> “Улуг Туркистон”, 1917 йил 16 декабрь.

<sup>254</sup> Г. Доррер – Муваққат ҳукумат даврида Туркистон кўмитасининг Каспийорти вилояти комиссари, Туркистон ўлкаси Бош комиссариининг фукаролик қисми бўйича ёрдамчиси. 1917 йил 13 декабрда Тошкент шаҳрида Бех-Иванов билан биргаликда большевиклар томонидан отиб ташланган.

<sup>255</sup> “Наша газета” (Ташкент). 15 декабрь 1917 г.

<sup>256</sup> Бех-Иванов – Муваққат ҳукумат даврида Туркистон ҳарбий округи комиссари. Тошкентга 1917 йил 23 сентябрда Коровиченконинг жазо тўдаси билан биргаликда келган. 1917 йил 13 декабрда Тошкент шаҳрида Г. Доррер билан биргаликда отиб ташланган.

<sup>257</sup> Бу боғ Тошкент шаҳридаги ҳозирги Амир Темур хиббони ўрнида бўлган.

намойишчиларни ўққа тутишган. Эски шаҳарлик 16 киши ушбу тўқнашув қурбони бўлган. Доррер ва Бех-Иванов эса большевиклар томонидан қўлга олиниб, зудлик билан отиб ташланган<sup>258</sup>.

Тошкентдаги 13 декабрь фожияси минтақада кучли акс-садо берди. Бу ҳодиса большевиклар ва совет ҳокимиятининг ҳақиқий башарасини очиб ташлади. Келгинди ва шовинист рус комиссарлари томонидан ўрнатилган янги режим орадан 40 кун ўтар-ўтмас тинч намойиш ўтказаетган туркистонликларни милтиқ ва пулемётлардан ўққа тутиб, аёвсиз қириб ташлади. Бироқ ҳозиргача бу машъум ҳодисага, холбуки ўша кун совет режими ва большевик комиссарлари илк марта Туркистондаги туб аҳолини қиргин қилган эди, на ҳуқуқий ва на сиёсий баҳо берилди. Хуррият учун кўчага чиққан ва қурбон бўлган эски шаҳарлик ўзбеклар номи ва хотираси ҳам абадийлаштирилмади...

Большевиклар ва совет ҳокимияти амалга оширган бу қонли хунрезликни кескин қоралаб чиққан Туркистон Мухторияти ҳукумати 15 декабрда бу воқеалар юзасидан ўлканинг барча аҳолисига махсус мурожаатнома билан чиқади: *“Биз Халқ Мажлиси ва Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукуматининг аъзолари чин юракдан таассуф билдирамиз ва туркистонлик мусулмонларнинг эзгу ҳис-туйғуларини ҳақоратловчи бу воқеаларга қарши чиқамиз. Ана шу муносабат билан бизлар мамлакатда тартиб ва оқилолликни ўрнатилиши учун зарур чоралар кўриши йўлида барча қучларимизни ишга соламиз. Ҳозирча*

<sup>258</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. –С. 89 – 90.

эса Туркистон халқидан собитлик ва хотиржамлик кўрсатишларини сўраймиз. Бу энг оғир кулларда мусулмонларнинг тинчликни сақлаб қолишлари шўхоятда зарурдир”<sup>259</sup>.

Совет ҳокимияти ва большевиклар эса бу конли воқеалардан бошқача хулоса чиқаришди. Улар Қўқонда фаолият кўрсатаётган Туркистон Мухторияти ҳукуматини кенг жамоатчилик кўз ўнгида обрўсизлантириш ва қоралаш учун барча воситаларни ишга солди. Большевиклар пропагандаси томонидан ўша пайтлардаёқ бу ҳукумат тажирли равишда “Кокандская автономия” деб номланди. Гўёки у помешчиклар ва буржуазия ҳукумати бўлган эмиш, гўёки мухториятчилар 50 йил муддатга Туркистон устидан Англия давлати хукмронлигини тан оладиган махфий шартнома имзолаган эмиш ва х.к.<sup>260</sup>.

Тошкентдаги совет ҳокимияти раҳбарлари мухторият ҳукуматини курулли куч билан ағдариб ташлаш учун барча воситаларни зудлик билан тайёрлашга киришди. Улар Марказдан ҳарбий ва моддий ёрдам сўраб, Петрограддаги совет ҳукуматига телеграф оркали мурожаат қилишди.

Бирок Туркистон Мухторияти ҳукуматини минтақада қўллаб-қувватлаш большевиклар ва совет режимининг бундай тазйикларига қарамасдан давом этаверди.

<sup>259</sup> “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 20 декабрь.

<sup>260</sup> Бу бўхтоилар ҳақида қараг: Т. [Назир Турақулов]. Кокандская автономия // Красная летопись Туркестана №1-2. – Ташкент: Туркго-сиздат, 1923. – С. 83-87; Сазонов. Кокандская автономия (Воспоминания) // Красная летопись Туркестана. №1-2 С. 88-93; Н.Захаров. Из истории одного революционера (Воспоминания) // Красная летопись Туркестана. №1-2. С. 94-98; П.Алексеевков. Кокандская автономия // Революция в Средней Азии. – Ташкент: Изд. “Правда Востока”, 1929 Сборник 1. – С. 21-40; Сборник 2. – С. 43-81; П.Алексеевков. Кокандская автономия. – Ташкент: Узгиз, 1931. 72 стр.



Туркистон Мухториятига муносабат масаласи 1917 йил 26-30 декабрда (янги ҳисоб билан 1918 йил 8-12 январда) Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган мусулмонларнинг ерли ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари I фавкулудда қурултойининг диққат марказида бўлди.

Қурултой очилишини Туркистон ўлка Ҳарбий Шўроси раҳбари этник татар Ориф Шокирович Кливлеев<sup>261</sup> кутлади. Матбуотда ёзилишича, Муваққат Миллат Мажлиси номидан Ислом Шоаҳмедов, Қўқон шаҳар Думаси раиси ўринбосари Обиджон Махмудов ва бошқалар ҳам қурултойни табрикладилар. Фақат большевиклар партиясининг вакили, ўлка Меҳнат

<sup>261</sup> *Ориф Шокирович Кливлеев* (1874 – 1918) – Туркистонда совет давлати сиёсатини амалга оширган мусулмон татар коммунистларидан.

Россия империяси Тамбов губерниясидаги Елатомск уездида туғилган. 1915 йилдан Туркистон мишгақасида (Хива ва Хўжанд) ҳарбий хизматда бўлган. Туркистон ўлка Инқилобий ҳарбий шўроси раиси (1917 – 1918).

Туркистон ўлкаси ерли ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг 1917 йил 26 – 30 декабрда Қўқонда ўтказилган фавкулудда I қурултойининг ташкилотчиси ва раиси. Бу қурултойда мусулмон ишчилари, деҳқонлари ва аскарлари ҳам Туркистон Мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлаганлар.

Бутунроссия мусулмонлари II ҳарбий қурултойи қапнашчиси (Қозон, 1918 йил январ – март). РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳузурдаги татар-бошқирд қўлигаси аъзоси ҳамда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси (1918 йил апрел – сентябр). У 1918 йил апрелда Москва томонидан большевикларнинг советча автономия гоёсини амалга ошириш ҳамда мусулмонларни совет режими бошқаруви идораларига жалб қилиш учун Юсуф Ибрагимов (тагар) ва фавкулудда комисар Петр Кобозев билан Туркистонга юборилди. “Ислом социализми” гоёсини ишлаб чиқиб, ислом дини ва большевиклар партияси мафқураси ўзаро узвий боғлиқ, деган ногўтри хулосага келади. Большевиклар Туркистонда унинг бу хато ва зарарли қарашларидан 1918 – 1924 йиллари миллий республикаларни тутапш ҳамда коммунистик сиёсатни юритишда унумли фойдаланганлар.

Туркистон Компартияси Марказий Қўмитаси аъзоси (1918 йил июн – сентябр). Тошкентда ўзбек тилида чиққан, большевикларнинг дастлабки расмий газетаси – “Ишгирикюн”нинг биринчи муҳаррири (1918 йил 21 июндан).

Хизмат сафарида бўлган пайтида Хўжанд шаҳрида 1918 йил 17 сентябрда тўсатдан вафот этади. Баъзи фикрларга қараганда, у Фарғона водийсида бўлган жангларнинг бирида ўлдирилган.

халқ комиссари П. Полторацкий курултойда дагдагани оҳангда сўзлаб, халқимиз тарихидаги илк демократик ҳукуматни “бойлар мухторияти” деб тухмат қилди<sup>262</sup>. “Биз камбагаллар мухториятига қарши эмасмиз”, деб яна Полторацкий мунофиқлик қилади. Курултой вакилларининг кўпчилиги эса Полторацкийнинг бундай иғво ва алдовларига учмадилар. Мустафо Чўқай буни куйидагича қайд этади: “Бирок Полторацкийнинг сўзларига ҳеч ким кулоқ солмади, чунки Туркистонда совет ҳокимияти мустаҳкам асосга эга эмас эди”<sup>263</sup>.

30 декабрда Туркистон Мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советига ишончсизлик билдириш тўғрисида қабул қилинган махсус қарор курултой қатнашчилари сиёсий онгининг етуклик даражасидан нишона эди. Мазкур ҳужжатда куйидаги фикр алоҳида таъкидланади:

*“1) Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети барча аҳоли, айниқса, мусулмонлар хоҳиш-истакларининг ифодачиси эмаслиги;*

*2) Туркистон ўлкаси халқлари иродаси иккита курултойда мухторият эълон қилинганда ифодаланганлиги;*

*3) Туркистонда ягона ҳукумат органи бутун мусулмонларнинг курултойида ташкил топган ва мусулмон ишчи, аскар ва деҳқонларининг курултойида тўлдирилган Туркистон Мухторияти ҳукумати эканлигини эътиборга олиб;*

*Мусулмон ишчи, деҳқон ва аскарлар курултойи Туркистон Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятини дарҳол Туркистон Мухторияти ҳукумати ва Миллат*

<sup>262</sup> “Улуг Туркистон”, 1917 йил 29 декабрь; “Илгчилар дунёси” (Самарқанд). 1918. №2. 22 – 23 –бетлар.

<sup>263</sup> Мустафо Чўқай ўзели. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Нашриёт-маتبъа бирлашмаси, 1992. 77-бет.

*Мажлисига топирсин деб истак билдиради, чунки ушбу қурултой Мухтор Туркистондаги барча демократик қатламлардан ташиқил топиб, бутун йўқсиллар ўй-фикрларининг ифодачисидир...”<sup>264</sup>.*

#### 2.4. Туркистон Мухторияти хукуматининг фаолляти

1917 йил 1 декабрда Туркистон Мухторияти хукумати аъзолари (Мухаммаджон Тинишбоев, Соломон Герцфельд, Мустафо Чўкай, Убайдулла Хўжаев, Ислон Шоаҳмедов, Абдураҳмонбек Ўразаев ва б.) – саккиз киши ўзбек тилида имзолаган махсус Мурожаатнома халққа эълон қилинди. Ушбу Мурожаатномада Туркистондаги барча аҳоли: ирқи, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, якдиллик ва ҳамжиҳатликка даъват этилган эди. Туркистон халқига нисбатан чақирик сифатида қабул қилинган бу Мурожаатнома кейинчалик Туркистон Мухторияти хукуматининг расмий нашрлари бўлган “Улуғ Туркистон”<sup>265</sup> ҳамда “Известия Временного Правительства Автономного Туркестана”<sup>266</sup> газеталарида ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Мурожаатномада таъкидланган қуйидаги фикрлар орадан 100 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамай бугунги кунда ҳам долзарб жаранглайди: “*Туркистоннинг барча фуқаролари – мусулмонлар, руслар, яҳудийлар, солдатлар ва деҳқонлар, ўлкада яшаб турган барча элалар ва халқлар, шаҳар ва земство бошқармалари, сиёсий, ижтимоий ва касаба уюшмалари, барча давлат, жамоат ва хусусий муассасалар Туркистон*

<sup>264</sup> Фарғона вилояти давлат архиви. 121-фонд. 1-рўйхат, 99-“а” иш, 7-варақ.

<sup>265</sup> Қаранг: “Улуғ Туркистон”. 1917 йил 13 декабрь.

<sup>266</sup> “Известия Временного Правительства Автономного Туркестана”. 18 декабрь 1917 г.

халқ ҳокимияти атрофида бирлашиб, унинг зиммасига юкланган вазифаларни ҳаётга жорий этишда кўмак беришга чақиради. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ваҳимали урушлар гулдураси остида бутун жаҳонга ўт кетай деб турган бир маҳалда дунё халқлари ўз озодликларига замин яратадилар... Мана энди, заنجирлардан халос бўлган Туркистон ўз ерига ўзи хўжайини бўлиб, тарихини ўзи яратажак вақт келди. Бизларнинг оқдимизга қўйилган масалаларнинг ниҳоятда масъулиятли ва улуғворлигини англаган ҳолда, ўз шижиранинг ҳақиқатига жуда чуқур ишонган ҳолда биз Аллоҳу таолодан ўз меҳнатларимизга ривож сўраймиз ва шига киришамиз”<sup>267</sup>.

Мурожаатнома эълон қилингандан кейин орадан кўп ўтмай Миллат Мажлиси томонидан тасдиқланган қонунлар эълон қилинди. Янги ҳукумат мамлакат конституциясини тайёрлаш учун таникли ҳукукшуносларни жалб қилди. Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазири ўринбосари, молия вазири бўлган Ислоҳ Султон Шоаҳмедов томонидан Туркистон Мухторияти Конституцияси лойиҳаси тайёрланди ва матбуотда эълон қилинди. Лойиҳага кўра, Туркистоннинг тўлиқ мустақиллигига босқичма-босқич ўтиш белгиланиб, Таъсис Мажлисида бу қонун қабул қилиниши керак эди. И.Шоаҳмедов сал аввал – 1917 йил 18 ноябрда эълон қилинган “Туркистон Мухторияти ва иқтисодий автономия”<sup>268</sup> номли мақоласида иқтисодий масалалар тўғрисида фикр юритган. Аслини олганда И.Шоаҳмедов федератив давлат тузилишини ёқлаб чиққан бўлиб, у мухториятдан ҳам кўра кўпроқ федерацияга умид

<sup>267</sup> “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 13 декабрь.

<sup>268</sup> И.Шоаҳмедов. Туркистон Мухторияти ва иқтисодий автономия // “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 18 ноябрь.

қилган. Бу ҳолат у томонидан 1917 йил 7 сентябрда “Улуғ Туркистон” газетасида эълон қилинган “Туркистон Федерацияси”<sup>269</sup> лойиҳасида яққол кўрилган эди. Бирок ўша пайтда Мухторият Конституцияси (Асосий Қонуни) қабул қилинмаган эди. Очигини айтганда, бунга вақт ҳам, имкон ҳам бўлмаган.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг байроғи қабул қилинган эмас. Бугунги кунда айрим тарихий адабиётларда ҳамда халқаро интернет саҳифаларида Туркистон Мухторияти байроғи деб кўрсатилаётган байроқ аслида Аҳмад Заки Валидий томонидан 1921 йил августда Бухорода ташкил қилинган Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг байроғи ҳисобланади. Фаргона кўрбошлари (Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермухаммадбек ва б.) байроғи ҳам кўпчилик томонидан мухторият байроғи сифатида нотўғри кўрсатилмоқда.

Мухторият ҳукумати халқ ўртасида тарғибот ва ташвиқот олиб бориш ҳамда озодлик ва хуррият гояларини тарқатиш учун миллий матбуотдан ҳам кенг фойдаланган. Янги ташкил қилинган “Эл байроғи”<sup>270</sup>, “Бирлик туғи”, “Свободний Туркестан”, “Известия Временного Правительства Автономного Туркестана” каби ҳукумат газеталари ўзбек, козоқ ва рус тилларида нашр қилина бошланди. Аввал Тошкентда чиқаётган “Улуғ Туркистон” газетаси ҳам ўз саҳифаларида мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида урғу бера бошлади. Ўша пайтда нашр ишларини яхшилаш учун Обиджон Маҳмудовнинг Қўқондаги босмахонаси ҳукумат ихтиёрига ўтди. Афсуски, бугунга келиб бу газеталарнинг аксарият қисми Ўзбекистондаги кутубхона ва архив фондларида сақланиб қолмаган.

<sup>269</sup> Туркистон Федерацияси // “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 7 сентябрь.

<sup>270</sup> “Эл байроғи” газетаси Қўқонда 1917 йил сентябрдан то 1918 йил февралгача чоп этилган. Унинг муҳаррирлари Пўлат Солиев ва Ашурали Зоҳирӣ бўлишган.

Туркистон Мухторияти ҳукумати миллий кўшин ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратган. 1918 йил бошларида бу кўшин сафларида 1000 кишидан ортиқ аскар бўлган. Ҳарбий ишлар вазирлиги (кейинчалик бу вазирлик халқ милицияси ва жамоат хавфсизлиги вазирлиги деб қайта номланган) раҳбари Убайдулла Хўжаев [Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев] иштирокида ўтказилган кўрик-парад вақтида аскарлар сони 2000 кишига етган. Лекин уларнинг ярми қуролсиз бўлган. Бундан ташқари, Қўқонда тахминан 2000 нафар миришаблар ҳам фаолият кўрсатган. Улар жамоатчилик асосида халқнинг тинчлиги ва муҳофазасини таъминлаганлар.

1917 йил декабрь ойи ўрталарида (қурултойда мухторият эълон қилингандан кейин 15 кун ўтар-ўтмас!) Туркистон Мухторияти ҳукуматида жиддий ўзгаришлар юз берди. Аввал қайд этиб ўтилганидек, ҳукуматнинг ташқи ишлар вазири бўлган Мустафо Чўқай олдинги Бош вазир Муҳаммаджон Тинишбоев ўрнига Бош вазир лавозимини эгаллади. Ҳукумат таркибига этник жиҳатдан бухоро яҳудийларига мансуб бўлган йирик сармоядорлар ака-ука Якуб Вадьяев ва Сион Вадьяев, Рафаэль Потеляхов, Абрам Давидов киритилиши натижасида иқтисодий таъминот ва молиявий назорат миллий арбоблардан яҳудийлар қўлига ўтади. Бир томондан, “янги вазирлар” мухторият ҳукуматининг айрим харажатларини маблағ билан таъминлашга ёрдам беришган бўлса, иккинчи томондан, айнан уларнинг кўпчилиги энг оғир пайтда ҳукуматни тарк этиб, большевиклар томонига ўтиб кетишади. Айнан бу “яҳудий вазирлар”нинг кўпчилиги кейинчалик Париж, Берлин, Лондонда шоҳона яшаб, яна 20-25 йил умргузаронлик қилишган...

Мухторият ҳукумати учун энг асосий кийинчиликлардан бири иқтисодий аҳвол ва молния масаласи бўлган. Айрим вазирлар (Обиджон Маҳмудов, Саидносир Миржалолов, Носирхон Тўра ва б.) ўзларининг хусусий мулкларини ва катта маблағларини ҳукумат фаолияти йўлида сарфлашган. Хусусан, Обиджон Маҳмудов бу соҳада ҳам ўз пайтида барчага, ҳатто бугунги кунда ҳам кўпчилик раҳбарлар ва янги ўзбекларга ўрнак бўлган. Мухторият ҳукумати қисқа муддат давомида фаолият кўрсатганлиги учун улар иқтисодида етарлича маблағ бўлмаган. Ҳукумат халқдан солиқ олмаган. Туркистоннинг йирик бойлари ва сармоядорлари мухториятни қўллаб-қувватлаганлиги ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар деярли учрамайди. Ҳатто андижонлик йирик бой ва тадбиркор Миркомилбой Мирмўминбой ўгли<sup>271</sup> бу пайтда “Шўройи Исломия” ташкилотининг Андижон шубчасига раҳбарлик қилган, бироқ у мухторият ҳукуматини моддий жиҳатдан таъминлаганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Совет ҳокимияти ва большевиклар томонидан 1918 йил февралда Миркомилбой қўлга олинди ва отиб ташланган ҳамда бутун мол-мулкни мусодара қилинган.

<sup>271</sup> *Миркомилбой, Миркомилбой Мирмўминбоев* (1860 – 1918) – Туркистоннинг йирик сармоядор бойларидан, ўзбек саноатчиси. Андижонда савдогар Мирмўминбой оиласида туғилган. XX аср бошларида унинг Андижонда бешта пахта корхонаси, қўллаб-назоратларида савдо расталари, боғлари, катта ерлари ҳамда олтин ҳисобида 15 млн рубль сармояси бўлган. Туркистон билан Европа мамлакатлари ўртасида савдо алоқаларини йўлга қўйган. Москва ва Санкт-Петербургда ташқари Берлин, Лондон, Париж ва Истанбулга бориб, бу мамлакатларнинг саноат ва савдо фирмалари ҳамда сармоядорлари билан ҳамкорлик қилган. “Рус-Оснэ банки” муассисларидан бири. Туркистон тараққиётларини билан алоқада бўлган. Россия империяси томонидан қамоққа олиниб, уч ой турмада ётган (1915 – 1916). Муваққат ҳукумат даврида ҳам у таъкибга учрайди. “Шўройи Исломия” ташкилотининг Андижон бўлими бошлиғи (1917 – 1918). Туркистон Мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан бостирилгач, 1918 йил 22 февралда отиб ташланган. Ўлимидан сўнг унинг бутун мол-мулк ва бойлигини совет режими тортиб олади (қараг: А. Маҳкамов. Миркомилбой. Худоёрхон. Еқуббек. Тошкент. 2021. 44 – 69-бетлар).

Молнивий қийинчиликларга қарамасдан Туркистон Мухторияти ҳукумати иқтисодий соҳада 30 млн сўм миқдорда ички заём чиқаришни йўлга қўйган. Чунки газеталарни нашр қилиш, мухторият қўшинининг таъминоти ва ҳукуматнинг ички харажатлари учун маблағ зарур эди.

Шунингдек, мухторият ҳукумати очарчилик чанга-лида қолган Туркистон аҳолисига Кавказдан Оренбург орқали ғалла келтириш муаммосини ҳал қилиш учун ҳам амалий қадамлар ташлайди. Ҳарбий ишлар вазир Убайдулла Хўжаев шу масалани ҳал қилиш учун 1918 йил бошларида Кавказга борган ҳамда Туркистонга ғалла жўнатишни бошлаган. Бироқ у юртга қайтаётганда большевиклар томонидан қамоққа олинган.

## **2.5. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг совет ҳокимияти томонидан тор-мор этилиши ҳамда Қўқон қирғини**

Ўлкада ўрнашиб олган большевиклар Туркистон Мухторияти ҳукуматини ўзларига қатта хавф деб билганлар. Шунинг учун ҳам, Туркистон ўлкаси ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советларининг 1918 йил 19 – 26 январда Тошкентда бўлган фавқулодда IV съездида мухторият ҳукуматига муносабат масаласи асосий саналган эди. Қурултой Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолда деб ҳисоблаб, ҳатто вазирларни қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилган.

1918 йил 30 январдан Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети Туркистон Мухториятини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди.



Дастлаб Скобелевдан кизил гвардиячилар<sup>272</sup> отряди 30 январда кечкурун Қўконга етиб келадди. Отряд тўп ва пулемётлар билан қуролланган эди. 31 январдан шаҳарда ҳаёт-мамонт жанглари бошланди. Ўша кунни соат 15:00 да Қўкон Эски шаҳари илк марта тўплардан ўққа тутилган. Қизил гвардиячилар ва “Дашнакцүтюн”<sup>273</sup> армани партиясининг дружиналари<sup>274</sup> янги шаҳар кўрғониди

<sup>272</sup> Қизил гвардиячилар – большевиклар томонидан Россияда ташкил қилинган қуроли ҳарбий отрядлар. Муваққат ҳукумат даврида большевиклар ҳокимиятини эгаллаш учун 1917 йил баҳори ва ёзида мамлакатнинг барча йирик шаҳарларида, жумладан, Туркистонда ҳам дастлабки қизил гвардиячилар отрядларини тузишди. Бу отрядлар ишчилардан ташқари қамқончаларда сақланаётган турли жиноятчилар, ўғри ва қароқчилардан ташкил қилинган. Большевиклар 1917 йил 25 октябрда Петроградда Муваққат ҳукуматини ағдаринида асосан қизил гвардиячилардан фойдаланишди. Бу пайтда пойтахтда уларнинг сонини 20 000 – 30 000 киши бўлган. мамлакатда уларнинг миқдори 250 000 – 300 000 киши эди. Айнан Туркистоннинг Тошкент, Скобелев, Андижон, Перовск, Самарқанд ва бошқа шаҳарларидан юборилган 11 эшелон қизил гвардиячилар отрядлари арман дашноқлари дружиналари билан биргаликда 1918 йили феврал ойида Қўкон қирғинини амалга ошириб, Туркистон Мухторияти ҳукуматини тугатишди.

1918 йил 23 февралда қизил гвардиячи отрядлар асосида совет ҳокимияти томонидан дастлаб Петроградда қизил армия (расмий ҳужжатларда: Ишчи-Дехқон қизил армияси) тузишди. 1918 йил март ойида қизил гвардиячилар отрядлари тугатилиб, улар қизил армия сафига ўтказилди.

<sup>273</sup> “Дашнакцүтюн” (арманча: “Иттифок”) – армани миллатчилари партияси. 1890 йили Тифлисида тузилган Партия аъзолари ўзларини *дашноқлар* деб атаган. Туркистон халқларига нисбатан 1918-1919 йилларда, ҳусусан, 1918 йил февралда Қўкон ва унинг атрофларида қирғинлар уюштирган. Большевиклар Туркистонда ҳокимиятни босиб олгач, “Дашнакцүтюн” партиясининг қуролини дружиналаридан минтақадаги миллий кучларга қарини курашда фойдаланди. Бу даврда дашноқлар Фарғона vodiysida тинч аҳолидан 35 000 – 50 000 кишини қириб ташлаб, мол-мулкнинг татон-торож этган. Турор Рисқулов, Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев, Низомиддин Хўжаев каби миллий коммунистларнинг қатъий талаблари натижасида Туркистон АССР МНКнинг 1919 йил 16 июлдаги буйруғи билан партия тарқатиб юборилди ва дашноқ дружиналари қуролсизлангизилди. “Дашнакцүтюн” партияси 1921 йили Арманистоннинг ўзида ҳам таққиланди (дашноқлар 1918-1920 йилларда Арманистонни бошқарган), бироқ 1990 йилдан бошлаб ўз фаолиятини қайта тиклаган.

<sup>274</sup> Арман дашноқлари дружиналари – “Дашнакцүтюн” арман инкзилобчи партиясининг аъзоларидан ташқил топган қуролини тўдалар. Айнан арман

бўлган совет кучлари билан биргаликда хужумга ўтган. Уларга қарши мухторият ҳукуматининг 400 кишилик аскарини (баъзи манбаларда 1000 киши) жангга кирган<sup>275</sup>.

Большевиклар Скобелевдан ташқари Андижон, Самарқанд, Тошкент, Перовск (ҳозирги Қизилўрда) шаҳарларидан келтирилган қизил гвардиячилар отрядларини ва арман дашноқларини дружиналарини Қўқонга ташлаганлар. Скобелев ҳарбий гуруҳига К. Осипов<sup>276</sup> бошчилик қилган.

Совет ҳокимиятининг мухторият ҳукуматига қарши дастлабки қуролли тажовузига Қўқон янги шаҳар Совети раиси большевик Ефим Бабушкин<sup>277</sup> раҳбарлик қилган.

дашноқлари 1918 – 1919 йилларда Фарғона водийсида қизил армия билан биргаликда пич аҳолини қирғин қилган ҳамда уларнинг мол-мулкини ташлаган.

<sup>275</sup> Хўқанд фожияси // “Улуғ Туркистон” газетаси. 1918 йил 12 март.

<sup>276</sup> *Константин Осипов* – Тошкентда совет ҳокимиятига қарши кўтарилган ҳарбий исён раҳбари (1919 йил январ). Скобелев уезди ҳарбий комиссари (1917 – 1918). Қўқон қирғинини амалга оширишда фаол қатнашган. Туркистон АССР ҳарбий комиссари (1918 йил майдан). Большевиклар партияси аъзоси (1918 йилдан). Ҳарбий комиссар бўлган, Туркистонда ҳокимиятни эгаллашга уришган. 1919 йил 19 январга ўтар кечаси Осипов буйруғи билан Туркистон АССР МИК раиси В.Вотинцев, ХКС раиси В.Фигельский ва бошқалар (жами 14 комиссар) Тошкентга отиб ўлдирилган. Ўлдирилган “халқ комиссарлари” орасида битта ҳам тўб халқ вакиллари йўқ эди. Осипов исёнига қарши курашга сўл эсер И.Колузаев раҳбарлик қилган. Бу ҳарбий жоҳроларга Эски шаҳардаги маҳаллий аҳоли 1917 йил ноябрда бўлгани сингари бефарқ қараган, чунки улар Осипов аслида ҳокимиятни эгаллаш учун ингилаётганлигини, Туркистон халқларига у ҳам ҳеч қандай озодлик бермаслигини яхши тушунганлар. 21 январда исён тор-мор қилинган, К.Осипов кичикроқ отряд билан Фарғона водийсига қочиб, Мадаминбек ва Парпи кўрбонини қароргоҳида бўлган. Сўнгра Бухоро амирлигига қочиб ўтган. 1920 йилда хорижга ўтиб кетган. Айрим маълумотларга қараганда, у Ҳиндистонда яшаб қолган.

Совет режими Осипов исёнини бостириш баҳонасида партия ва совет идораларида катта тозалаш ўтказиб, большевиклардан норози бўлган кўшлаб кишиларни террор ва қатагон қилган. Большевикларга қарши мухолифатда бўлган русларнинг “Туркистон ҳарбий тапқиюти” ҳам Осипов исёнида қатнашганликда айбланиб, чекистлар томонидан тугатилган.

<sup>277</sup> *Ефим Бабушкин* (1880 – 1927) – Фарғона водийсида совет ҳокимиятини мажбуран ўрнатилшини фаол қатнашчиси. Большевиклар партияси аъзоси. 1917 йил августда Петрограддан Қўқонга юборилган. Қўқон Совети раиси (1917 – 1918). Туркистон Мухторияти ҳукумати ағдариб ташлани-

Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети янги ҳисоб билан 1918 йил 14 февралда (эски ҳисоб билан 1 февралда) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилади<sup>278</sup>.

Илк жангда мухториятнинг тахминан 1000 кишидан иборат миллий қўшинидан ташқари кўконлик тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашганлар. Асосан болта, чўкич, кетмон, ўрок, таёк кўтарган халойиқнинг сони 10 000 кишига етган. Шунга карамай, қуролсиз бу кишилар қизил гвардиячилар Кўкон шаҳрига қилган ҳужумини мардонавор қайтардилар.

19 февралга ўтар кечаси бу ерга Тошкентдан Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е.Л.Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлик ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон қўшин етиб кела бошлади. Умумий қўмондонлик К. Осипов зиммасига юкланади.

Совет қўшинлари Кўконни уч тарафдан қуршовга олди. Артиллерия тўплари тўлиқ жанговар ҳолатга келтириб қўйилди. Минтақада тинч йўл билан ҳокимиятни тўлиқ қўлга олишга ишонган Туркистон Мухторияти ўзини ҳимоя қилишга етарли даражада тайёр бўлмади. Шунга карамай, мухториятчилар совет қўшинлари ҳужумини қарийб ўн кун давомида қайтарди. Улар қўлга тушган нарсалар – таёк, болта, кетмон, ошпичок, тошлар билан қуролланган эди.

“Туркистон – туркистонликлар учун!” шiori билан чиққан мухториятчилар муқаддас уруш – ғазовот эълон

---

нида “ташаббус” кўрсатган. Туркистон АССРининг Эрондаги консули (1918 йил сентябрдан). Жосуслиги учун Англия ҳарбий миссияси томонидан қамоққа олиниб, аввал Ҳиндистонга жўнатиingan, сўнгра Лондонда қамоқда ўтирган. 1921 йилни озод қилиниб, Россияга қайтган. Кейинчалик Саратовдаги Давлат башкида бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаган.

<sup>278</sup> Аъзамхўжаев С., Ражабов К. Туркистон Мухторияти // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Тошкент. 2004. 650 – 651-бетлар.

килдилар ва вилоятлардан ёрдам кутдилар. Бирок, афсуски, мухториятчилар бошқа жойлардан етарли даражада ҳарбий ёрдам олган эмаслар<sup>279</sup>.

19 февраль кунни 10дан 15 дақиқа ўтганда Кичик Эргашга<sup>280</sup> юборилган талабнома (ультиматум) да қуролни ташлаб, таслим бўлиш айтилиб, 13:00 гача муддат кўйилган. Кичик Эргашнинг шартларни бажармаслик ҳақидаги жавоби 12:45да юборилган.

Е. Перфильев барча 12 та замбаракдан Қўқон аҳолиси устига ўт очишни, шу жумладан ёндирадиган кимёвий снарядлардан фойдаланишни буюрди. Тинч аҳолини тўпга тутиш кундуз соат 13:00 да бошланиб, шомгача шаҳарни вайрон этиб ташлади. Аммо шунга қарамай, мухториятчилар таслим бўлмай, ҳар бир бинони, ҳар бир дўконни, ҳар бир карвонсаройни мардларча ҳимоя килдилар.

Ўша давр архив ҳужжатларида Қўқон шаҳри кимёвий снарядлардан ўққа тутилгани ҳақидаги хабарлар ҳам бор<sup>281</sup>. Қисқаси, ўт-олов ичида қолган шаҳар бутунлай вайрон бўлган, 10 000 дан ортиқ қўқонлик аждодларимиз ўлдирилганлар<sup>282</sup>.

<sup>279</sup> С. Абзалхўжаев. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси – Б. 146.

<sup>280</sup> Кичик Эргаш [Кичкина Эргаш] (1885 – 1918) – таникли қўрбоши, Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарларидан бири.

Кичик Эргаш қўрбошини бу пайтда Қўқонда фаолият кўрсатган Катта Эргаш ёки Мулла Эргаш қўрбоши (1882-1921) билан чалқашгирмаслик лозим.

<sup>281</sup> Фаргона вилояти давлат архиви, 121-жамгарма, 1-рўйхат, 89-йигма-жилд, 60-бет.

<sup>282</sup> К.К.Раджабов. Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918 – 1924 гг.). Автореферат диссертации кандидата исторических наук.Ташкент. 1995. С. 21 –22; Он же. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918 – 1924 гг.). Автореферат диссертации доктора исторических наук. Ташкент. 2005. С. 39.

Эртаси кунн – 20 февраль тонгида вайрон этилган шаҳарга пиёда кўшинлар ва “Дашнакцутюн” (“Иттифок”) арман миллий инкилобий партияси аъзоси бўлган дашноқларнинг жанговар дружиналари кирди. Улар эски шаҳарга бостириб кириб, ўғирлик ва мусулмон аҳолига зўравонлик қилиш билан шуғулланди. Биринчи навбатда, маълумки, шаҳарлик тинч аҳоли, шунингдек, Кўкондаги беҳисоб хунарманд ва майда савдогарларга шикаст етказилди. Эски шаҳардан қишлоқлар сари талпинган қочоқлар оломони Фарғона вилоятининг кўшни уездларидаги гулгулани кучайтириб юборди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати 19 февралда ағдарилди, бироқ шаҳарни талаш давом этди. Ўша кунларда Кўконда тинч аҳолини камокка олиш ва отиб ташлаш кучайди. Кўкон аҳолиси ваҳимага тушган ҳолда шаҳарни тарк эта бошлади. Кўкон уч кун машъала бўлиб ёнди. Уйлар, газлама омборлари, нон дўконлари куйиб кул бўлди. Эски шаҳарнинг учдан бири тўлиқ вайрон этилди. Кўконда даҳшатли манзара ҳосил бўлди. Ҳамма ёқда ўликлар ётарди. Уларнинг бир қисми куйиб кетган. Айрим маълумотларга кўра, шу фожиали воқеалар оқибатида 10 000дан зиёд киши ҳалок бўлган.

Совет тузуми бу ваҳшийликни кўрkitиш учун амалга оширди, у Петроград ва Москванинг розилигисиз “мухторият”ни Туркистонда ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзбошимчалик билан барпо этмасин деган мақсадни кўзда тутди<sup>283</sup>.

Кўкон фожиаларини 1918 йил феврал-март ойларида Тошкент ва бошқа шаҳарларда чиққан миллий газеталар чуқур алам ва қайғу билан ўз саҳифаларида ёритишди. Масалан, “*Утуғ Туркистон*” газетаси 1918 йил 25

---

<sup>283</sup> Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 й.). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. 75 – 76-бетлар.

февралда ўз саҳифаларида шундай ёзган эди: “11 кун бутун жон ва танлари ила қарши тургандан сўнг Хўқанддаги Туркистон мухториятининг аскарлари шаҳардан чекинишга мажбур бўлганлар. Рус шаҳрида, мусулмон шаҳрида тўп ва тўфангдан бик ёмон зарарланган. Большевик ҳукумати тарафидан отилган кучли ва зўр тўплар шаҳарни, билхосса, мусулмон тарафни жуда ёмон хароб қилганлар. Бу ҳолнинг натижаси ёмон бўлажаси англашилгач, большевик аскарининг бошиги Перфилов Хўқанддан аскарини чиқаринини лозим топқан.

Ҳар икки тарафдан талафот кўп. Лекин, табиий энг кўп талафот кўрмини қора қўл билан тўп ва тўфангга қарши ҳужум этган мусулмонлардир. Ҳақиқат ҳол ҳозирга очик маълум эмас”<sup>284</sup>.

Хусусан, “Улуғ Туркистон” газетасида 1918 йил 6, 9, 12, 14, 19 мартда эълон қилинган “Хўқанд фожияси” деб номланган таҳририят бош мақоласида Кўқонда большевикларнинг ҳарбий кучлари бўлган қизил гвардиячилар ва арман дашноқлари дружиналари томонидан амалга оширилган бутун фожиалар тарих учун муҳрланган. Газета хабарларига кўра, Кўқонда 1918 йил 30 январда большевиклар Туркистон халқларининг миллий ҳукуматига қарши уруш бошлаганлар.

Бу ҳолат миллий матбуотда куйидагича кўрсатилади: “Туркистон Мухториятининг Миллат Мажлиси ила Муваққат ҳукумати ўтурган Хўқандда 30 январ ила 10 феврал орасида гоят қаттиг ва қонли урушлар бўлди. Ниҳоятда қизил гвардия тўп, пулемет ва тўфанг ила мухторият тарафдори мусулмонларни тор-у мор келтируб, шаҳарни ўз қўлига олди...”

<sup>284</sup> Қаранг ва таккосланг: Азамат Зиё. Миллий матбуот Туркистон Мухторияти ҳақида // “O‘zbekiston tarixi jurnali”. 2022. №4. – Б. 154-245; Туркистон Мухториятининг фожияси // “Улуғ Туркистон” газетаси. 1918 йил 25 февраль.

Хўқанд воқеалари ўйлангандан қиёс қабул бўлмас даражада фожияли бўлган. Ҳозир Хўқанднинг мусулмон тарафида ёнмаган ва зарарланмаган ҳеч бир жой йўқ даражасида экан. Бошида жуда кўп бинолар, жомеъ ва мадрасалар, чорсу ва мағазинлар тўп ва пулеметдан зарарланганлар. Сўнгидан бир қисм талончилар, билхосса, арманлар тарафидан талануб ёндирилганлар. Бир қисм талончилар ҳар ҳовлига от-ароба билан кириб мусулмонларнинг ҳамма мол ва ашёларини тўглаб олиб чиққанлар. Ичида бўлган жон асарини ҳаммасин ўлдирганлар. Ондан сўнг керосин сенуб ва ёҳуд “дори” солиб ўт қўйганлар. Мана шундан шаҳар шул даражада хароб бўлганки, ҳатто байналмилал урушларда ҳам бундай хароблик бўлмас экан.

Маълумдирки, Фарғона Туркистоннинг ўзағидир. Оврўна матбуотида Туркистон пахтаси қиёси ўрнида “Фарғона пахтаси” деб юритилади. Хўқанд ила мана шу бутун Туркистоннинг тилмол мажмуаси бўлган Фарғонанинг марказ шаҳрида, Туркистоннинг энг буюк савдоси ушбу Хўқандда эди. Бунда ўнга яқин банк бор. Бутун Туркистоннинг пахта биржаси бор эди. Шунинг устига Хўқанд шаҳри Туркистоннинг энг тарихий бир шаҳри бўлиб, Туркистоннинг энг сўнги хонлари (Аҳдоёрхон) ҳам ушбу Хўқандда бўлмишдир. Мана шул сабаблардан Хўқанд “Туркистоннинг Маскови” аталар эди.

Энди мана шул шаҳарнинг мусулмон тарафидан ёлғиз бир хароба қолди. Рус шаҳри ҳам жуда ёмон зарарланди.

Молия арбобининг ҳисобина кўра, Хўқанднинг бутун зарари уч миллиардга борадир”<sup>285</sup>.

<sup>285</sup> Хўқанд фожияси // “Улут Туркистон” газетаси. 1918 йил 9 март. Араб алифбосидан кириллга ўтирувчи: Асадулла Ҳасанов.

“Улуғ Туркистон” газетаси Қўқон фожналарини хронологик кетма-кетликда ёритганлиги учун бугунги кунда нодир тарихий манба саналади. Газетада миллий таракнийпарварлардан ташқари бошқа сиёсий кучлар: социалистлар, демократлар, эсерлар, татар мусулмонлари, большевикларнинг бу соҳадаги фикрлари ҳам келтирилади<sup>286</sup>. Қўқонда 31 январда бошланган шиддатли жанглар эртаси кун – 1 февралда [янги ҳисоб билан 14 февралда] ҳам давом этган. Мухторият кучлари билан кизил гвардиячилар ўртасидаги жангларда мусулмонлар “зўр ғайрат билан сўғишиб, ташаббусни ўз қўлларида сақлаганлар”. *“2 февралда [янги ҳисоб билан 15 февралда] шаҳарда ёнгишлар бошланган... Ёнгишлар ила бир вақтда талавлар ҳам бошлаган. Куролли кишилар хусусий квартираларга босиб кируб... уйдаги ҳамма нарсани талаб олалар экан... Сўғишнинг учинчи кунда магазинларни талав бошланган. Таловчилар бир нарсада қолдирмасдан олалар экан... 3 февралда шу каби русларнинг ташаббус ила сулуҳ ҳақида музокаралар бошланган. Икки тарафнинг вакиллари Рус-Осиё банк биносида мажлис ясаганлар”*<sup>287</sup>.

30 январдан 4 февралгача бўлган жангларда большевиклар томонида асосан Тошкент ва Скобелевдан келган кизил гвардиячилар ва арман дашноқлари дружиналари бўлган. Бу пайтда Туркистон Мухторияти раҳбарлари ўртасида сиёсий бирдамлик ва ҳарбий куч етишмаган. Бош вазир Мустафо Чўқай ва бошқалар большевиклар билан музокараларга киришган. Большевиклар мухториятчилардан бутун ҳокимиятни Қўқон янги шаҳар Совети ва ҳарбий инкилоб кўмитаси (раиси Бабушкин)га топширишни талаб қилишган. *Мустафо*

<sup>286</sup> Газетадаги баъзи хабарларда большевиклар мафқураси сингдириб юборилганлиги учун бу маълумотларга танқидий ёндошмоқ ва улардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак.

<sup>287</sup> Хўқанд фожнаси // “Улуғ Туркистон” газетаси. 1918 йил 14 март.



Чўқайнинг кейинчалик хорпжда ёзган хотираларида таъкидлашicha, у большевикларга ўша пайтда шундай жавоб беради: *“Большевиклар шаҳарни ўққа тутишни дарҳол тўхтатсалар ва тинч халққа қарши шиддат кўрсатмасликка сўз бериб, бошлиқларини бизнинг Миллий марказимизга топширсалар, мен ўз-ўзимни Қўқон ҳарбий ишқилоб қўмитасига “омонат” бўлароқ таслим этишига тайёрман”*<sup>288</sup>.

1918 йил 18 февралда [эски ҳисоб билан 5 февралда] кечкурун Қўқонга Тошкент ва Самарқанддан юборилган қўшимча ҳарбий кучлар Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Перфильев бошчилигида тўп ва пулемётлар билан етиб келади. Аввал ҳам ёзилганидек, манбаларда уларнинг миқдори 11 эшелон деб кўрсатилган. 19 февралда Қўқон шаҳри учун шиддатли жангларнинг сўнгги иккинчи босқичи бошланган. Газета хабарларига қараганда, “6 февралда [янги ҳисоб билан 19 февралда] рус аскарлари эски шаҳарни тўхтамасдан тўпка тутта бошлаганлар. Тўп ўқидан бошқа пулемёт, милтиқ ҳам қўл гранаталари отқанлар. Бунга қарши мусулмонлар ёлғиз милтиқ илагина жавоб берганлар. Кун ўртасида яқин руслар тажовузга киришуб, эски шаҳарга ўтганлар. Шундай қилиб урушнинг 7-кунидagina большевик аскарини эски шаҳарга кира олган”<sup>289</sup>. Хуллас, Қўқон мудофааси ўн кунча давом этган бўлса, большевиклар факат еттинчи кунни эски шаҳарга ўта олган.

*“Улуг Туркистон”* газетасида ёзилишicha, *“6 февралда мусулмон аскарлари шаҳар ортига чекинганлар. Шундан сўнг большевик фирқалари монесиз эски Хўқанд кўчаларига кириб, ондаги қочурга улгурмаган тинч сартларни отуб ўлдируб, йўлда учраган бир нарсани ёндируб юрганлар.*

<sup>288</sup> *Мустафо Чўқай ўғли*. Иштилол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Тошкент, 1992. 48-бет.

<sup>289</sup> Хўқанд фожияси // “Улуг Туркистон” газетаси. 1918 йил 14 март.

6 февралдан еттисина ўтар тунда эски Хўқанд ўт деиғизига айлануб, зоят даҳшатли манзара ҳосил бўлган. Вакресенский, Камитетский, Хўжандский кўчалар, эски шаҳарнинг бозор қисми ёнғин ичида қолган. Паразиневский ном қишлоқда ҳам ёнғинлар бўлган. Бу вақт мусулмонлар ортқиқ қаршилиқ кўрсатмаганлар. Балки, мумкин қадар қочуб қутилурга тиришганлар. Эски ҳам янги шаҳарда таловлар бўлуб турган.

7 феврал Хўқанд тарихининг энг даҳшатли кунидан ҳисобланурга тейиш... Арманилар айрича “фаолият” кўрсатганлар.

Эски шаҳардаги ҳамма магазинлар, савдо фирмалари, савдо расталари, банклар ҳам озми, кўнми яхшироқ кўринган хусусий қвартираларнинг ҳаммаси таланган. Банк ҳам савдо фирмалариндаги ақча кассалари ва кулф ичидаги ақчалари олинган. Таловчилар талаб олган нарсаларини аробаларга тўтаб вокзалга ёки кренўстга юборилар экан... 8 февралда таловлар давом этган. Эски шаҳарнида, янги шаҳарнида бир текис талагонлар. Бу вақтларда “Ўлтир, буржуёларни! Ҳамма нида оларгина айбл!” деган сўзларда яхши эшитилган... ”<sup>290</sup>.

“Улуғ Туркистон” газетаси чуқур кайғу билан хабар берганидек, “20 феврал (эски ҳисоб билан 7 феврал) куни Хўқанд тарихининг энг даҳшатли куни эди. Бунда арманилар айрича фаолият кўрсатганлар...”. Газетадаги ушбу мақола “Хўқанд – ҳозир ўликлар шаҳри” деган даҳшатли ибора билан тугайди<sup>291</sup>.

Туркистон Мухторияти ҳукуматини ҳарбий кучлари оз бўлганлиги ҳамда яхши курулланмаганлиги учун қизил гвардиячилар ҳужумига дош бера олмаган. Бу пайтда Қўкон шаҳар миршабларининг бошлиғи Кичик

<sup>290</sup> Хўқанд фожиаси // “Улуғ Туркистон” газетаси. 1918 йил 19 март.

<sup>291</sup> Хўқанд фожиаси // “Улуғ Туркистон” газетаси. 1918 йил 8 март.

Эргаш кўрбоши шаҳар мудофаасини ўз кўлига олган. Большевиклар 19 февралда Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарларига куйидагича ултиматум юборган: “1. Мухторият ҳукумати совет ҳокимиятининг таниши; 2. Туркистон халқининг совет ҳокимиятига бўйсуннишга чакириб баённома нашр этиши; 3. Аҳолининг курулсенлантлари, халқ кўлидаги бор курулларнинг большевикларга топшириши; 4. Миллий ҳукумат милиция ташкилотининг тарқатиши кераклигини” талаб қилинган. *Мустафо Чўқайнинг ёзишича, “Бу пайтда ҳукумат аъзоларидан Миродил (Миродил Мирзааҳмедов), Абдурахмон Ўрозий (Абдурахмонбек Ўразаев), Хидоятбек Юрғул (Хидоятбек Юрали Агаев) ҳамда мен (Мустафо Чўқайнинг ўзи кўзда тутилмоқда – Қ.Р.) Қўқонда эдик... Носирхон тўра Наманганда, Харсфелд (Соломон Герсфелд) Самарқандда, Убайдулло Хўжа (Убайдулла Хўжаев) Анхобод – Самарқанд йўлида, Обиджон (Обиджон Маҳмудов) Бухорода, Шоаҳмадбек (Ислам Сўттон Шоаҳмедов) эса Қўқон кўрғонини ичида экан, большевиклар кўлига тушиб қолган эдилар”<sup>292</sup>.*

Ҳукумат аъзолари большевикларга катъий раҳбарлик бергач, 19 февраль соат 11 дан 40 дақиқа ўтгач, большевиклар ҳукумат аъзолари ўтирган уйни тўплардан ўққа тутишни бошладилар. Мустафо Чўқайнинг яна эслашича, “Ўқ визиллаши ичида биз Қўқоннинг эски шаҳар кўчалари ичига кириб кетдик. Ўша пайт менинг ёнимда бир полшалик ҳарбий штаб офицери бор эди. Исмининг унутиб қўйганман, бу киши аскарнинг ташкилотчилигининг шубҳа мудири эди”<sup>293</sup>.

<sup>292</sup> Мустафо Чўқай ўзги. Истиклол жатлоқлари (1917 йил хотиралари). – Б. 49.

<sup>293</sup> Mustafa Sokay. 1917 yili Hatıra parcaları. Paris – Berlin, 1937: Mustafa Şokay. Şıngarmatarynyň tolyk jınaгы. 12 tomдык. Том IX. Алматы, 2014. С. 282 – 345.

Айнан 19 – 22 феврал кунлари Қўқон шаҳри даҳшатли тарзда тўплардан ўкка тутилди. Шаҳар бутунлай вайрон қилинади. Қўқоннинг ўзида уч кун ичида 10 000 кишидан ортиқ тинч аҳоли ўлдирилади. Қизил гвардиячиларнинг “инқилобий ҳамкори ва сафдоши” бўлган арман дашноқлари Қўқондан ташқари яқин атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда яна 15 000 – 20 000 мусулмонни ўлдиришади. Хуллас, Қўқонда ҳаёт-мамот кураши 11 кун (30 январь – 9 [22] феврал) давом этади.

Қўқонлик ўзбек совет ёзувчиси ва журналисти *Ҳусайн Шамс*<sup>294</sup> “*Ҳуқуқ*” романида ўзи 1918 йил февралда 14-15 ёшлигида бевосита гувоҳ бўлган қонли қирғин даҳшатлари ҳамда Кичик Эргаш кўрбоши ҳамда унинг 30 нафар йиғити ўлимини куйидагича тасвирлайди: *“Кичкина Эргаш ўлибди... Кичик Эргаш – Қўқон урушида, шўроин исломчиларнинг шонли қаҳрамонларидан, халқ тили билан айтганда, у шу урушнинг “ҳазрат Алиси” бўлиб, жонбозлик кўрсатди. Ундан таниқари, қандайдир бир афғон йиғити ҳам бир неча еридан ўқ ейтишига қарамай, бутун халқ диққатини ўзига жалб қилиб,*

<sup>294</sup> Ҳусайн Шамс, Ҳусайн Шамсиддинов (1903 – 1941) – ўзбек совет ёзувчиси ва журналисти. Қўқон шаҳрида тутилган. Эски усулдаги мактаб ва рус-тузем мактабида ўқиган. У 11 ёшида Қўқон босмахонасига харф терувчи бўлиб кирган. 1918 йил февралдаги Қўқон фожияларининг бевосита шохиди.

Туркистон ва Ўзбекистон давлат нашриётида ишлаган (1924 – 1929). Ўзбекистон матбаа трести ва “Ўзбекистон совет адабиёти ва санъати” журналида ходим (1930 – 1931). Ўзбекистон ССР ёзувчилар уюшмаси котиби (1936 – 1939), “Мулғум” журнали бош муҳаррири (1940 – 1941). У “Душман” (1934) романида ўзбек деҳқонларининг колхозга киришини тасвирлаган. “Ҳуқуқ” (1935) романида Туркистон Мухторияти ҳукуматига қарши большевиклар курашини кўрсатган, бироқ бу роман тугалланмай қолган. Аслини олганда, ёзувчи бу мавзуда роман-трилогия ёзишни мақсад қилган эди. Бу роман илк марта 1959 йили чоп этилган. У социалистик реализм усулида яратилган бўлса ҳам, унда муҳим маълумотлар бор.

Ҳусайн Шамс совет давлати томонидан 38 ёшида 1941 йили қатғон қилинган.

сўнг дақиқасигача ислом йўлида урушди. Мана шундай қаҳрамонлардан бир нечалари халқни қизиқтириб, баъзан чўчитиб, орқага қайтганларини яна илгарилашга ундаб келган эдилар...

Ўтув оломон ҳам бир эди, ўттиз йиғити билан Кичик Эргаш ҳам бир эди...

Шаҳар ҳам ёнади. Ҳали ёниб тамом бўлмаган раста, баъзи биноларнинг қуюқ дудлари жуда оҳисталик билан бурқсаб, кечаю кундуз кўк юзини тўсиб туради. Кечагина қизгин ҳаёт қайнаган шаҳар – бугун ўз вайронаси билан сонсиз ўликларни аллааб, ярадор аламзадалар фарёдини тинглаб ётади...

Ўзидан, отасидан, онасидан, ака-укасидан, уй-жойидан айрилиб, харобаларда қолган бечораларнинг қалбидан чиққан фиғони юракни эзарди.

Қуюқ қоронғи кеча бўлишига қарамай, бинокларига оқ латта ўраб, ҳукуматдан нажот истаб келган одамлар, ўликлар хирмонидан мухториятчиларнинг алдови билан большевикка қарши кетмон, бел кўтариб келган “шаҳид” авлодларини излайдилар...

Борлиқ сўнган. Фақат сарин шабада – ёнғин ва ўликларнинг сассиқ ҳидларини ўзи билан эргаштириб, вайроналар устида ўйнайди...

Ўликлар танасидан сизилиб оққан қонлар, йўлнинг ўнқир-чўнқирларига тўлиб, кичкина “қон кўлчалари” ҳосил қилганлар. Бу “кўлчалар” эса, баъзан йилтиллаб, баъзан ўнка сингари қотиб, билқиллаб турардилар. Ўликларнинг башаралари сап-сарик шилинган, кесилган аъзолар ҳар одимда учрайди. Баъзиларнинг кўзлари очиқ, нурсиз бақрайганлар, улар худди сополдан ясалган каби хира, нурсиз, қўрқинчли эди. Кечагина дуиман томондан ўтга туттилган кичкина бозорчада, ёнғиндан қочиб қутула олмаган кишиларнинг қоп-қора кўмирга айланиб

кетган гавдалари бурдаланиб, баъзан тарашадай қотиб ётади”<sup>295</sup>.

Совет режимининг катағони авжига чикқан ХХ аср 30-йиллари ўрталарида бу мавзуда тарихий роман ёзиб, унга “Хуқук” деб ном берилиши жуда катта мазмун ва моҳият касб этади. Қўқонлик адиб ўз асарида миллат тараққийпарварлари ва мухториятчиларнинг ўзбек халқининг мустақил давлат тузиш йўлидаги хуқуқини ҳамда бу курашда курбон бўлган “қора халқ” вакиллари шундай тасвирлайди. У совет ёзувчиси сифатида ўз романида бу “шаҳидлар”ни “мухториятчиларнинг алдови билан большевикка қарши” курашган деб ёзишга мажбур бўлган эди. Ҳолбуки, қўқонликлар юрак амри билан большевикларга қарши жангга киришган. Энг муҳими, “Улуғ Туркистон” саҳифаларида 1918 йил март ойида Қўқон фожиасининг ҳақиқати тарихий манба сифатида муҳрланган бўлса, Ҳусайн Шамснинг “Хуқук” романида бу фожа тарихий ҳақиқатдан бадиий ҳақиқа даражасига кўтарилган.

Нихоят, 1918 йил 22 февралда Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган “тинчлик шартномаси” имзоланиб, унинг иккинчи моддасида “Аҳоли ўлка Халқ Комиссарлари Совети ҳокимияти ва барча маҳаллий совет ташкилотларини тан олади”, деб ёзилган эди. Ҳа, ўққа тутилган, ўлдирилган, таланган ва таҳқир этилган қўқонликларнинг тирик қолган қисми совет ҳокимиятини расмий равишда тан олишга мажбур бўлганди<sup>296</sup>.

<sup>295</sup> Ҳусайн Шамс. Хуқук // Танлаган асарлар Тошкент: Ўзадабийнашр, 1959. 468 – 469, 475 – 477-бетлар

<sup>296</sup> Туркистон Мухторияти ҳукуматининг совет давлати томонидан зўравонлик билан тугатилиши ҳамда Қўқон кирғини ҳақида батафсил қаранг: *Ражабов Қ.* Ўзбекистон ССРда совет режими пнинг катагон сиесати ва унинг оқибатлари (1917 – 1991). Тошкент: Фан, 2022. 17 – 40-бетлар.



*Туркистон Мухторияти ҳукумати қизил гвардиячилар ва арман дашиноқлари томонидан тор-мор қилингандан сўнг. Қўқон қирғини (1918 йил февраль)*

Кўкон киргини ва Туркистон Мухторияти ҳукуматининг фожияли тугатилиши “Улуғ Туркистон” газетасидан ташқари 1918 йил февраль-май ойларида чиққан барча миллий газеталарда чуқур таассуб билан ёритилган эди. Ушбу мақолаларда большевиклар ва арман дашноқларининг мусулмонларга қарши ваҳшиёна сиёсати очиқ кўрсатилади. Масалан, кўконлик Юсуф Халил ўзининг “Хўжанднинг ҳалокати” мақоласида шундай ёзди: “Хўжанд кўчасининг икки тарафида тамоm ёниб битган. Пиён бозоридаги маданий муассасалар: аптека, типография, банклар, отеллар, нотариус контурри, амбулатория кабилар ерлар орасида қулга айланган. Эски шаҳардаги банклар, магазинлар, савдо тижорат контурлари, Муваққат ҳукумат идораси, Шўроин Исломия биноси, Муваққат гоститаллар, умумий қироатхона, таълим маориф идораси, Fairат ширкати матбааси, дорулмуаллимин биноси, рушдий ва ибтидоий мактаблар ва буюк мануфактура оиборлари, бозордаги бутун дўконлар, 11 ҳовли, 37 масжид, 19 мадраса ёнуб йўқга чиққан ва таланган. Руслар ила аралаш ўтирган мусулмон оилалари арманлар қиличи билан сўйилган. Хўжанд ҳудудидаги “Қароқчиқум” деган бекатдан “Олтиариқ” (Вашиновская) бекатига қадар 118 чақирим ерда бўлган қишлоқлардаги мусулмонларнинг кўтиси арманлар тарафидан ўлдирилуб, талануб, ўйларига ўт қўйилиб хароб этилган. Жодидан<sup>297</sup> кесилиб икки-учга бўлиниб ўлдирилган мусулмон хотун ва болаларининг вафотидан ташқари, боқираларининг асир этиб ички Русияга томон узатилиши, маъсумаларининг ҳисоби ёлғиз Аллоҳнинг ўзигагина маълум. Самара, Оренбург ва бошқа қишлоқлардан келуб таловчи рус эр-хотинларида ҳисобсиз бўлди. 8 кунга қадар вагонлаб

<sup>297</sup> Жоди – ҳашакни майдалаб кесми учун ишлатиладиган тўгли асбоб номи.



нарсалар узатилди. Ҳозирда ҳам шунга яқин ҳоллар давом этмоқда. Милтиқли салдатлар уйма-уй юруб ўлум билан кўрқитиб ақча олиб чиқадилар. Шаҳар ва қишлоқларда бутун давлатлари таланиб, ўзи отуб ўлдирилган бойларнинг ҳам сони кўнгина. Бутун заводлар, керак мусулмонларники ва керак бошиқа миллатларники бўлсин большевиклар тарафидан қўлга олинди. Шаҳар ичида қайси уйнинг хўжаси йўқ бўлса, рабучий руслар тарафидан ишғол этилдилар. Таланган бечораларнинг ҳолига эътибор этувчи киши йўқ. Отлиқ большевиклар ўрамларда учраган мусулмонларни милтиқ ва қалчилар билан калтаклаб ўтмоқда. Вагонларда юривчи мусулмонларнинг чеккан азобиши Аллоҳ таоло ҳеч бир бандасига кўрсатмасун”<sup>298</sup>.

“Ишчилар дунёси”<sup>299</sup> журналида 1918 йил январда эълон қилинган “Туркистон учун хурлик” мақоласида кўрсатилишича, уламолар мухториятни қўллаб-қувватламаган, яъни “уламоларимиз мухториятнинг фойдасига ҳеч ишламадилар”<sup>300</sup>.

Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун умр кўрган бўлса ҳам, у эрксевар бобо-момоларимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этганди. Мухтор ҳукуматнинг зўрлик билан шафқатсизларча ағдарилиш туркистонликлар томонидан совет Россиясининг Туркистонга нисбатан тажовузкор режалари борлигининг яна бир далили сифатида қабул қилинган. Туркистонликлар тинч йўл (парламент) билан

<sup>298</sup> Юсуф Лашт. Хўжақоннинг ҳалокати // “Улуғ Туркистон” газтаси. 1918 йил 2 апрел.

<sup>299</sup> “Ишчилар дунёси” – Тошкентда 1918 йил январдан май ойигача чиққан журнал. Маҳаллий ишчилар томонидан 6 та сони чоп этилган. Таҳрир ҳайъати орқали Ҳасан Халилий мұҳаррирлик қилган.

<sup>300</sup> Туркистон учун хурлик // “Ишчилар дунёси” журнали. 1918 йил 18 январ. 2-сон. 2 – 4-бетлар. Араб имлосидан кирилга ўтирувчи: Гулмира Очилова.

миллий давлатчиликни тиклаш мумкин эмаслигини англаб, 1918 йил феврал ойининг охирида қўлларига қурол олган ҳолатда Туркистонда совет режими ва большевикларга қарши қуролли ҳаракатни бошлаб юборадилар. Совет даврида “босмачилик” ҳаракати деб қораланган туркистонликларнинг мазкур миллий озодлик кураши тарихга истиқлолчилик ҳаракати сифатида кирган.

Туркистон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг 1918 йил 30 апрелда Тошкентда ўтган V съездида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (баъзи манбаларда Россия Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси) тузилгани эълон қилинади<sup>301</sup>. Совет ҳокимияти шу тариқа гўёки туркистонликларга совет автономияси бошқарувидаги “миллий давлатчилик” ва “мухторият”ни бергандек.

XX аср 30-йилларида совет режими Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирлари, Миллат Мажлиси аъзолари ва мухториятчилик ҳаракатининг барча қатнашчиларидан тирик қолганларини қатағон қилди ҳамда ўлдириб юборди.

## 2.6. Мухториятнинг тарихий сабоқлари

Туркистондаги мухториятчилик ҳаракати 1917 йил март-ноябрь ойларида машаққатли йўлни босиб ўтди<sup>302</sup>. Жаҳондаги янги сиёсий вазият ҳамда Россияда 1917 йил февралда юз берган демократча инқилоб ғалабасидан рухланган Туркистон тараққийпарварлари ва жаидлари,

<sup>301</sup> *Ражабов Қ., Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1917 – 1924 й.). 47 – 48-бетлар.

<sup>302</sup> Бу ҳақда қараг: *Ражабов Қ.* Туркистон Мухторияти тарихи. 146 – 152-бетлар.

уламолари ва савдогарлари минтақанинг бўлгуси давлат бошқаруви масаласида кескин мунозарага киришганлар. 1917 йил баҳори ва ёзида ташкил топган “Шўройи Ислония”, “Уламо жамияти”, “Турон” жамиятлари ҳамда “Иттифоқи муслимин” ва Турк Адами Марказият фирқаси аъзолари Туркистонга миллий мухторият бериш ғоясини ўртага ташлаганлар. Бу пайтда Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлигида фаолият кўрсатган Ёш бухороликлар ҳамда Ёш хиваликлар снэсий партиялари бу ҳар икки подшоҳлик ўзбек давлатида конституциявий подшоҳлик жорий қилиш ва демократча ислохотларни амалга ошириш учун жиддий киришганлар.

Туркистон мусулмонларининг снэсий курашига Бутунтуркистон мусулмонларининг I курултойида (1917 йил апрел) ташкил қилинган Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Миллий Марказ) раҳбарлик қилган. Миллий Марказга Мустафо Чўкай раис, Ислон Султон Шоаҳмедов раис ўринбосари, Аҳмад Заки Валидий ва Убайдулла Хўжаев котиблар этиб сайландилар.

Туркистон ўлкасига мухторият мақомини бериш тарафдорларининг қарашлари ҳам турлича эди. Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов мухториятни кенг маънода тушунганлар ҳамда уни миллий давлатчиликни қайта тиклаш йўлида бир босқич ўларок қараганлар. Туркистон жадидлари бўлган ойдинлар Туркистонга миллий ҳудудий мухторият мақомини бериш хусусида бир фикрда бўлганлар. Улар сафида минтақанинг Абдулвоҳидқори Абдурауфқори ўғли, Носирхон тўра, Садриддинхон Шарифхўжа каби нуфузли уламолари елкама-елка туриб, ушбу ғояни амалга ошириш учун мардонавор ҳаракат қилганлар.

Асосан Россия марказида таълим олган, келиб чиқиши козок, бошқирд ва татар бўлган социалчилар ёки демократлар (Мустафо Чўқай, Аҳмад Заки Валидний, Ислон Султон Шоаҳмедов, Муҳаммаджон Тинишбоев ва бошқалар) Туркистонга мухторият бериш ғоясига бошқача ёндашганлар. Улар сафида биринчи ўзбек адвокати тошкентлик Убайдулла Хўжаев ҳам бўлган. Улар демократча Россия Федерацияси таркибида Туркистон Мухториятини федератив асосда тузмоқчи бўлганлар.

Бу ўринда уламолар фаолияти ҳақида ҳам махсус тўхталиб ўтиш жоиз. Туркистон ўлкаси мусулмонлари (Бухоро ва Хоразм уламолари фаолияти, бу ердаги жадид-қадим низолари алоҳида мавзу ҳисобланади) сафларида 1917 йили Тошкент ва Қўқон уламолари алоҳида ажралиб туради. Уламолар шариат аҳкомлари асосида Туркистонни келажакда ҳам бошқармоқчи бўлганлар. Асосан эскича қарашлар билан танилган уламоларнинг кўпчилиги ўта мутаассиб бўлиб, улар жамиятдаги ҳар қандай янгилик ва ўзгаришлар, хусусан, жадид тараккийпарварлари фаолияти ва жадид мактабларига қарши бўлганлар. Бироқ Тошкентдаги кўпчилик уламолар (айнан Тошкент “Уламо жамияти”нинг ўзагини ташкил қилган кишилар) Россия тарафдори бўлганлар. Ўзини рус монархчилари партиясига аъзолигини инкор қилмайдиган, рус монархчилигига хизмат қилишни олийжаноб бурч деб ҳисоблайдиган, Россия маданиятига мансублигини кўз-кўз қилишдан тортинмайдиган Шерали Лапиннинг “йирик уламо” сифатида Тошкент “Уламо жамияти”га раҳбарлик қилиши ҳозиргача сирли ва ғалати бир жумбоқ бўлиб келмоқда. Айнан у ва унинг Тошкентдаги “уламочи сафдошлари” аввал рус монархчилари фикрларини

қўллаб-қувватлаган бўлсалар, 1917 йил ноябрдан бошлаб ўлкадаги большевик комиссарлари билан ҳамкорлик қилганлар.

Ўзининг шубҳали “мухториятчилик ва уламочилик” гоялари билан танилган Шерали Лапин 1918 йил январда Тошкентдаги социал-демократлар ва большевиклар партияси томонига очикдан-очик равишда бутунлай ўтиб, Туркистондаги миллий озодлик кураши ҳамда мухториятчилик ҳаракатига катта сотқинлик қилади. У ва ҳамтовоқларининг бундай хоинлиги ва зиддиятли карашлари келажакда тадқиқотчилар томонидан махсус тарзда жиддий ўрганилади деган умиддамиз<sup>303</sup>.

Туркистон Мухторияти ҳукумати ҳамда Туркистон Миллий Мажлис аъзолари бўлган тараққийпарварлар ҳамда миллат ойдинлари аксариятининг ҳаёт йўли фожиали яқунланган. Совет давлати ва коммунистик мафкура мухториятчиларни кечирмади. Ҳатто большевиклар ва совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилганлар ҳам кейинчалик қатагон қилинганлар. Хорижга жўнаб кетган ватандошларимиз турли жосус ва сотқинлар ёрдамида йўқотилдилар. Коммунистик мафкура ушбу инсонлар тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни сохталаштириш ҳамда уларни халқ хотирасидан ўчириш учун барча воситаларни ишга солди.

---

<sup>303</sup> Қаранг: *Ражабов Қ.* Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021. – Б. 73-79.

## III БОБ. МУХТОРИЯТ ҲУКУМАТИ ВАЗИРЛАРИ ҲАМДА МИЛЛИЙ МАЖЛИС АЪЗОЛАРИ ҲАЁТИ ВА ТАҚДИРИ

### 3.1. Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирлари ҳаёти

Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти ҳамда кейинги тақдири тўғрисида энди батафсил тўхталиб ўтамиз. Мухторият ҳукуматининг биринчи таркибига сайланган 8 нафар киши ҳақида қисқача маълумотлар келтирилади<sup>304</sup>.

#### Муҳаммадҷон Тинишбоев



*Муҳаммадҷон Тинишбоев*  
[*Мухамеджан Тинишаев*] (1879-  
1939) – давлат ва жамоат арбоби,  
тарихчи олим.

Етгисув вилояти Лепсинс уезди Садир волостининг Эчкиолмас тоғи этагида 1879 йил 12 майда туғилган. Миллати – қозоқ. У 1889 – 1900 йилларда Верний эркақлар гимназияси, 1900 – 1906 йилларда Санкт-Петербург Императорлик институти – Александр I номидаги темир йўл транспорти инженерлар институтида ўқиди.

М.Тинишбоев 1907 йили II чақириқ Россия Давлат думаси депутати қилиб сайланди. 1917 йил апрелда тўзилган Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети

<sup>304</sup> Бу ҳақда қаранг: Қ.Ражабов. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021. – 92 бет.

аъзоси. Айни пайтда Муваққат ҳукуматнинг Еттисув вилояти комиссари<sup>305</sup>. Қўқонда Туркистон Мухторияти ҳукумати 1917 йил 27 ноябрда ташкил топгач, ҳукуматнинг Бош вазирини ва ички ишлар вазирини (1917 йил ноябрь – декабрь). 1917 йил 5 – 13 декабрда Оренбургда ўтказилган II Бутунқозок съездида катнашди. Бу съездда Алихон Букейхонов (1866 – 1937) бошчилигида Алаш автономияси [Алаш Ўрда ҳукумати] ташкил топди. У Алаш Ўрда ҳукуматида ички ишлар вазирини (1917 йил декабрь – 1920 йил март) ва кейинчалик Бош вазир ўринбосарини лавозимларида ишлади.

М.Тинишбоев кейинчалик Туркистон АССР ва Қозоғистон АССРда турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Туркий халқлар тарихи ва этнографиясига оид турли асарлар ёзган ҳамда уларнинг айримларини ўша пайтда рус тилида Тошкентда нашр қилинган<sup>306</sup>.

Совет ҳокимиятининг томонидан М. Тинишбоев биринчи марта 1930 йил 3 августда қамоққа олинди ва беш йилга РСФСРнинг Марказий қоратупроқ ҳудуди (ҳозирги Воронеж области)га сургун қилинди (1930 – 1935). Кейинчалик Тошкентда НКВД томонидан 1937 йил 21 ноябрда қайта қамоққа олинди ҳамда Тошкент турмасидаги касалхонада у 1939 йил 3 июлда 60 ёшида вафот этди<sup>307</sup>.

1970 йил 27 февралда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳузурлидаги КГБ тергов бўлими томонидан М.Тинишбоевга нисбатан жиноий иш қайта кўриб чиқилиб, у реабилитация қилинди.

---

<sup>305</sup> *Марат Ескендирули (Эбденев)*. Министры «Алаш Орды» (қозок ва рус т.). –Алмагы, 2008 –С. 75 – 77.

<sup>306</sup> [Ражабов К.]. Тинишбоев Мухаммаджон //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. –Тошкент “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрияти, 2004. –Б. 439.

<sup>307</sup> *Мухамеджан Тынышпаев*. Воспоминания, документы, фотографии. –Алмагы. “Томiris-21”, 2017. –С.98.

М.Тинишбоевнинг танланган асарлари ва бошқа китоблари Алматида 1991 йилдан кейин нашр этилди. СССР тарқалгач, Қозоғистонда унинг хотираси шарафига кўплаб ҳайкаллари ўрнатилди. Қозоғистонда Муҳаммаджон Тинишбоев номли махсус эсдалик медали чиқарилган.

### Ислом Султон Шоахмедов



*Ислом Султон  
Шоахмедов*

*Ислом Султон Шоахмедов [Шоҳислом Шагисултонович Шағнахметов] (1882-1922) – таниқли мусулмон жамоат ва сиёсат арбоби.*

Оренбургда татар-бошқирд оиласида 1882 йил 21 ноябрда туғилган. Отаси – Шагисултон (Султон) Шағнахметович Шағнахметов (1855-1896) Уфа губернияси Мензалинск уездидаги бошқирдлар уруғидан бўлиб, у 1876 йилда Қозон университетининг юридик факультетини тугатган. У 1876-1890 йилларда Оренбург татар муаллимлари мактабида ўқитувчилик қилган, сўнгра Оренбург ўлкасидаги суд идораларида терговчи бўлиб ишлаган. Онаси – Гайнизиган Муҳаммад-Содиқовна Нигматуллина татар аёли бўлиб, у келиб чиқиши жиҳатидан оксуяклар табақасига мансуб бўлган.

И.Шоахмедовнинг дунёқараши асосан Оренбург татарлари ўртасида шаклланган. Унинг маънавий ҳаёти ва ижтимоий қарашлари шаклланишида татар аёли бўлган онаси муҳим роль ўйнаган.

И.Шоахмедов Оренбург эркаклар гимназиясини тугатгач (1905), Санкт-Петербург университетининг аввал шарқшунослик, сўнгра юридик факультетида



ўқийди (1905 – 1910). Туркий ва рус тилларидан ташқари инглиз, француз, немис тилларини яхши билган. Талабалик пайтида у Россиядаги социал-демократик ҳаракатга қизиқиб, 1907 йилда Тошкент гарнизони солдатлари ўртасида ташвиқот ишларини олиб борган. Петроградда 1917 йил ёзда ташкил қилинган Бутунроссия мусулмонлари Шўроси Ижроия Комитети аъзоси ва секретари.

Университетнинг тўлиқ курсини 1910 йил охирида тугатиб, 1911 йил январда у дипломни олган. Ислом Султон Шоахмедов 1912 йил августдан Санкт-Петербург суд палатасида иш бошлайди. У Петербургда 1912 йил октябрда чиққан “Мусульманской газеты”нинг муҳаррири бўлди. Бир қатор суд ишларида меньшевиклар партияси вакилларини ҳимоя қилади. И.Шоахмедов Россия империясидаги мусулмон аҳолиси ҳуқуқлари учун курашган. 1915 йил бошларида Қўқонга келган. И.Шоахмедов Скобелев округ судида терговчи ва адвокат ўринбосари сифатида ўз фаолиятини бошлайди<sup>308</sup>. Бу ерда у “Садон Фарғона” газетасини чиқаришда муҳим роль ўйнайди. 1916 йилда у “Ғайрат” жамиятини тузиб, “Туркестанский край” газетаси нашрини йўлга қўяди ва унга муҳаррирлик қилади. 1916 йил Фарғона водийсида кўтарилган мардикорчилик кўзғолонини қўллаб-қувватлайди.

Февраль инкилоби кунларида у Петроградда бўлган. Бу пайтда Халқ социалистлари партиясига яқинлашган. 1917 йил март ойи охирида у Туркистонга қайтади. И. Шоахмедов 1917 йил Тошкентга келиб, Туркистондаги мухториятчилик ҳаракатида фаол қатнашди. 1917 йил июндан бошлаб Миллий Шўро Ижроия комитети раиси вазифасини бажарувчи бўлиб фаолият кўрсатган. Қозонда

---

<sup>308</sup> *Исхаков С.* Революционер, политик, государственный деятель. III.-И. Шагнахметов // «Россия XXI» (Москва). 2018. №4. –С.6-29.

1917 йилда ўтказилган Бутунроссия мусулмонлари II съезди қатнашчиси. Қайта чиқа бошлаган “Туркестанский край” (Тошкент, 1917) газетаси муҳаррири ва ношири. Туркистон мусулмонлари Марказий Шўроси аъзоси. Бутунтуркистон мусулмонлари I-IV курултойларининг фаол қатнашчиси.

Туркистон Мухторияти ҳукуматида Бош вазир ўринбосари, кейинчалик молия вазири бўлди. Туркистон Мухторияти Конституцияси лойиҳасининг муаллифи. Мухторият ҳукумати тугатилган пайтда Қўқон кўрғони ичида большевиклар томонидан қўлга олинган (1918 йил февраль).

“Улуғ Туркистон” газетасида 1918 йил баҳорида ёзилишича, у Тошкентдаги қамокхонада қийноқлар натижасида ақлдан озган ва турма лазаретига кўчирилган. 1918 йил май ойида большевиклар томонидан Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тирик қолган аъзоларининг “гуноҳидан ўтгач”, у қамокдан чиққан.

1919-1920 йилларда И.Шоахмедов большевиклар билан ҳамкорлик қилган. У Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши ҳамда Қўқон уезд-шаҳар ревкомида 1920 йили фаолият кўрсатган. 1920 йил охирида у яширин равишда Манжурияга жўнаб кетган. 1921 йил бошларида у Британия Ҳиндистонига қарашли Пешовардаги рус кочоқлари жойлашган лагерга тушиб қолган.

1921 йил май ойида қаттиқ касал бўлиб ётган И.Шоахмедовнинг хати Париждаги рус мухожирлари қўлига келиб тушади. Бу ҳақда кейинчалик Мустафо Чўқай ҳам ўз мақоласида ёзиб ўтади. И.Шоахмедов қариндоши бадавлат савдогар Агафуров оиласининг моддий кўмагида 1921 йил августда Владивостокка келади. У бу ердан Парижга жўнаб кетишни режалаштирган эди. Айрим маълумотларга қараганда, И.Шоахмедов орадан кўп ўтмай

каттиқ касалланган ва Владивостокдаги қариндошлари хузурида қоллиб кетган<sup>309</sup>.

Ислом Султон Шоахмедов 1922 йил охири ёки ундан кейин 40 ёшларида вафот этган.

*Мустафо Чўқай* томонидан 1931 йилда Берлинда чиқарилган “*Яни Туркестан*” журналида чиққан “*Шах-Ислам Шах-Ахмад-Бей*” номли мақолада ёзилган шунча, у 1922 йили Парижда Шоахмедовнинг туғилган синглиси билан кўрилган пайтда унинг сафдоши оғир касал бўлган. Шоахмедовнинг кейинги тақдирини ва қисматидан улар хабар топа олмаган<sup>310</sup>.

И.Шоахмедовнинг Шахгали (1882-?) исмли акаси (у ҳам юрист) ҳамда Биби Марям, Биби Галия, Биби Солия, Биби Зухра номли 4 нафар синглиси бўлган. И.Шоахмедовнинг рафиқаси: Ольга Викторовна Бенедская (1909 йилдан).

### Мустафо Чўқай

*Мустафо Чўқай* (1890-1941) – таниқли давлат ва жамоат арбоби ҳамда Туркистон халқларини мустақиллиги учун изчил курашчи.

Сирдарё вилояти Перовск уезди Жопек волостидаги Авлиётарангил овулида, баъзи манбаларда ёзилган шунча, Наршоки кишловида 1890 йил 25 декабрда [янги ҳисоб билан 1891 йил 7



*Мустафо Чўқай*

<sup>309</sup> Шағнаҳметов Шаҳислам (Ислом) Шағисултонович //Ислам в Санкт-Петербурге. Энциклопедический словарь. – Москва-Новгород: «Медина», 2009. –С. 301 – 302.

<sup>310</sup> *Мустафи Чўқай*. Шығармаларының толық жинағы. Он екі томдық. Том V. Құрастырған алғы сөз бен тусіндірмелерді жазған К Есмағамбетов. –Алмағы: “Дайк-Пресс”, 2013. –С.79-80.

январда] туғилган<sup>311</sup>. Отаси Чўкайбей Тўрғай додхоҳ ўгли бўлис (волость) бошлиғи, козокларнинг қипчоқ уруғи аслзодаларидан бўлган, онасининг аждодлари Хива хонларига бориб тақалган. Мустафо Чўкай таржиман ҳолида ўзини қипчоқ деб ҳисоблаган.

Мустафо Чўкай бошланғич маълумотни Окмачитда олгач, Тошкентдаги эркаклар гимназиясида ўқиди (1902 – 1910). Санкт-Петербург университетининг юридик факультетини тугатган (1914). Айнан ушбу ўқув юртларини кейинчалик Россиядаги Муваққат ҳукуматнинг Бош вазирини бўлган *Александр Керенский* (1881 – 1970) ҳам тахминан ўн йил олдин: 1899 ва 1904 йилларда тугатган эди.

Мустафо Чўкай 1916 – 1917 йилларда Россия IV Давлат думасининг мусулмонлар фракциясида котиб ва таржимон бўлиб ишлайди. Туркистонда 1916 йили кўтарилган кўзғолон шафқатсиз бостирилгандан кейин Давлат думасининг А. Керенский бошчилиги қилган махсус комиссияси таркибида ўша йили август ойида Туркистон ўлкасида, жумладан, Жиззахда бўлиб вайронага айланган шаҳар харобаларини кўрган.

1917 йил апрелда Мустафо Чўкай Петрограддан Тошкентга қайтди ва Туркистондаги сиёсий жараёнлар марказида турди. У Тошкентда 1917 йил баҳоридан бошлаб “Бирлик туғи” ва «Свободный Туркестан» газеталарини чоп эта бошлади. 1917 йил 16 – 23 апрелда Тошкентда ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг I курултойида Мустафо Чўкай раислигида Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси [Краймуссовет], яъни Миллий Марказ ташкил қилинди. Оренбургда 21 – 28 июлда ўтган Бутунқирғиз [Бутунқозок] I съездида фаол қатнашди. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси аъзоси (1917 йил августдан). Тошкентда большевиклар

<sup>311</sup> Садыкова Б. Мустафа Чокай. – Алматы: «Алаш», 2004. – С. 231.

томонидан зўравонлик билан ҳокимият босиб олинган, Мустафо Чўкай бошчилигидаги Миллий Марказ ноябрь ойи бошларида Қўқонга кўчиб борди.

1917 йил 26-28 ноябрда (янги ҳисоб билан 9-11 декабрда) Қўқон шаҳрида Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулодда IV курултойи бўлиб ўтди. Бу курултойни ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Краймуссовет) раиси Мустафо Чўкай кириш сўзи билан очиб берди. У курултой ҳайъати аъзоллигига ҳам сайланди. Курултой қатнашчилари уч кун давомида Туркистон ўлкасининг бўлғуси сиёсий тузилиши ҳақидаги ўз қарашларини белгилаб олишди. Курултой қарорларини ишлаб чиқишда Мустафо Чўкай билан биргалликда Муҳаммадjon Тинишбоев, Исом Султон Шоахмедов, Убайдулла Хўжаев, Обиджон Маҳмудов, Маҳмудхўжа Бехбудий ва бошқалар муҳим роль ўйнашди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати дастлаб 8 нафар кишидан иборат таркибда тузилди. Муҳаммадjon Тинишбоев Бош вазир ва ички ишлар вазири лавозимини эгаллади. Мустафо Чўкай ташки ишлар вазири лавозимига сайланди. Ҳукумат таркибига Убайдулла Хўжаев ҳарбий вазир ва Обиджон Маҳмудов озиқ-овқат вазири сифатида киритилди. Курултойда сайланган Туркистон Миллий Мажлиси таркибига кўпчилик катори Мустафо Чўкай ҳам киритилди.

1917 йил 12 декабрдан бошлаб Мустафо Чўкай Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Бош вазири бўлди. (М.Тинишбоев Алаш Ўрда автоном ҳукумати фаолиятида бевосита қатнашиш учун Қўқондан Оренбургга жўнаб кетган эди.) Айни пайтда Мустафо Чўкай Оренбургда 1917 йил 5-13 декабрда (янги ҳисоб билан 18-26 декабрда) бўлиб ўтган Бутунқирғиз

[Бутунқозок] вакилларининг I съездида ташкил қилинган Алаш Ўрда ҳукуматининг ҳам ташқи ишлар вазирлиги бўлган.

Шу ўринда Мустафо Чўқайнинг Алаш Ўрда автоном ҳукумати ва раҳбариятига бўлган муносабатини айтиб ўтиш лозим. Ёшлигидан туркчилик ғоялари билан тарбияланган Мустафо Чўқай ягона ва бўлинмас Туркистон тузиш тарафдори эди. У қозок элатдошлари бўлган “Алаш” партияси аъзоларига алоҳида автоном ҳукумат тузиш зарур эмаслигини, улар янги ташкил қилинган Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига махсус вилоят сифатида киришлари мумкинлигини билдиради. Келажакда бу мухториятга Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларини ҳам қўшиб олган ҳолда мустақил Туркистон давлатини (Ўзбекистон ёки Қозогистон эмас!) тузиш имконияти вужудга келар эди. Бироқ Мустафо Чўқай, Бехбудий, Мунаввар Қори, Убайдулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев каби миллат етакчиларининг бундай геосиёсий қарашлари қозок бовурларимизга ёқмайди. Шунинг учун Мустафо Чўқай ўзи Алаш Ўрда ҳукумати аъзоси ва қозок бўла туриб, кейинчалик Қўқондаги фожиялардан сўнг ҳам ҳақиқат равишда Алаш Ўрда ҳукуматида фаолият кўрсатмайди ва Оренбургда ўрнашган алашўрдачилар билан алоқага чиқмайди.

Мухторият ҳукумати большевикларнинг ҳарбий кучлари томонидан тугатилгач, 1918 йил февраль охирида Қўқондан чиқиб кетди ҳамда яширин равишда март ойида Тошкентга келди ва бу ерда 2 ой яшади.

Мустафо Чўқай 1918 йил 16 апрелда эски таниши актриса *Мария Яковлевна Горина* (1888 – 1969) билан Тошкентдаги масжидда никоҳдан ўтиб, турмуш қуради. Ёш оила 1918 йил 1 майда Тошкентдан поездда Москвага жўнайди. Бироқ поезд Волгадаги жанговар

ҳаракатлар сабабли Актюбинсккача боради, холос. 1918 йил 8 июнда Самарада большевикларга қарши Таъсис мажлиси аъзолари комитетини (Комуч) ҳукумати тuzилди. Июль ойида Алаш Ҷрда раҳбарлари Алихон Букейханов ва Мустафо Чўқай Самарага келиб, Комуч ҳукумати билан большевикларга қарши ҳарбий-сиёсий иттифок тuzди. Бу пайтда Мустафо Чўқай Самара, Уфа, Омскда миллий курашчилар сафини бўлди.

1918 йил 18 ноябрда ўз сафдошлари билан камокка олинган Мустафо Чўқай туркистонлик эсер Вадим Чайкин ва татар Илос Алкин билан Челябинскда камокдан қочади. 1918 йил 1 декабрда Оренбургдаги Карвонсаройда (Бошқирдистон ҳукумати қароргоҳида) у билан Бошқирдистон ҳукумати раиси Аҳмад Заки Валидий ўртасида учрашув бўлди. Мустафо Чўқай қисқа муддат Комуч ҳукуматида фаолият кўрсатди.

Мустафо Чўқай 1919 йил февралда Европа давлатларига махсус меморандум билан мурожаат қилиб, Туркистондаги истиқлолчиларнинг большевикларга қарши курашини қўллаб-қувватлашга, совет режимини ағдариб ташлашга чақирди<sup>312</sup>.

Мустафо Чўқай қозок даштлари ва Каспий денгизи орқали 1919 йил баҳорини аввал Боку сўнгра Тифлис [Тбилиси] шаҳрига боради. У Тифлисида 2 йил яшайди. Бу ерда у мусулмонлар учун “Yeni Dünya” ва “Şafak” газеталарини ташкил қилиб, “На рубеже” журнаliga муҳаррирлик қилди. Қизил армия Тифлисни босиб олгач, 1921 йил февраль ойида Мустафо Чўқай муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлди ҳамда Истанбулга етиб келди.

---

<sup>312</sup> Ражабов Қ. Мустафо Чўқай //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2003. –Б. 157.

Мустафо Чўқай хотини билан 1921 йил ёзида Парижга келди. Мустафо Чўқай муҳожирликда 20 йил яшаб, турли халқаро анжуманларда иштирок этди ҳамда матбуотда инглиз, француз, поляк, рус, турк тилларида ўтқир публицистик мақолалар билан мунтазам қатнашиб турди. Парижда унинг рус тилида “Марказий Осиёдаги Советлар” (1928) ҳамда “Туркистон совет ҳокимияти остида” (1935) ҳамда турк тилида Париж – Берлинда “1917 йил хотиралари парчалари”<sup>313</sup> (1937) китоблари нашр этилди.

Мустафо Чўқай 1929 йилдан бошлаб Туркистон Миллий Бирлиги Марказий Кўмитасининг раиси бўлди. 1929 – 1939 йилларда чиққан “Yaş Türkistan” журнаliga муҳаррирлик қилди. Журнал Парижда тайёрланиб, Берлинда нашр қилинган (унинг 117 та номери чоп этилган).

*Мустафо Чўқай хорижда муҳожирликда яшаётганда Ўрта Осиё республикаларида совет режимига қарши давом этаётган қуролли истиқлолчилик ҳаракати (совет ҳокимияти йилларида у “босмачилик” ҳаракати деб аталган) тўғрисида 1930 йил 19 февралда “О басмачестве” мақоласида шундай деб ёзган эди: “Туркистон – Совет Иттифоқининг кўзголончилар ҳозиргача ўз ҳаракатини тўхтатмаган ягона қисми. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, Москва зулмидан қутулиши учун мамлакатни қурашга олиб келган миллий туйғунинг кучлилиги. Бу умумий ҳолатнинг сабаби ҳисобланади. Иккинчидан, маҳаллий хусусиятга молик сабаб ҳам бор. Бу совет миллий сиёсатининг фақат Туркистонга хос алоҳида хусусиятидир...*

<sup>313</sup> Қаранг: *Мустафо Чўқай ўғли*. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Сўзбоши муаллифи Б. Қосимов. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – 80 бет. *Мустафо Чоқоев*. Отрпкки из воспоминаний в 1917 г. Составление, предисловие, примечания С.М. Исхакова. – Токио-Москва, 2001. – 54 стр.



*Туркистон аҳолиси совет ҳокимиятига қарши узлуксиз (перманент) қураш ҳолатидадир. Совет ҳокимиятига қарши “перманент қураш” кайфияти замишида қайтадан босмачиликнинг пайдо бўлиши бизни ҳайрон қолдирмайди. Босмачилик – Туркистонда совет хўжайинчилигининг кўланкаси.*

*Босмачилик айнан Фарғонада юз берганлиги шуни яққол кўрсатадики, бу ҳолат Москва ҳукуматиининг пахта сийёсатига қарши тез орада кўзгелончилилик ҳаракати бошланишига ҳам сабаб бўлади”<sup>314</sup>.*

Германия СССРга хужум қилган 1941 йил 22 июнь кунини нацистлар Париж атрофидаги Ножан шаҳарчасида яшаётган Мустафо Чўқайни қамокка олишди ҳамда у 13 июлгача Компьен харбий лагериди тутқунликда сакланди<sup>315</sup>. Сўнгра Мустафо Чўқай Берлинда бўлди (15 июлдан 26 августгача). У 1941 йил сентябрь – декабрь ойлариди совет харбий асирларни сакланаётган Сувалки, Вустрау ва Ченстохова концлагерлариди бўлиб, немислар кўлига тушиб қолган туркистонликларни омон саклаш йўлларини излади. Мустафо Чўқай ва тошкентлик ўзбек Вали Қажумхон (1904 – 1993) асир олинган туркистонликлардан *Туркистон легиони* тузишни режалаштирдилар. Бирок Мустафо Чўқай концлагерларда юкумли касалликка чалинди ҳамди Берлиндаги “Виктория” касалхонасида тепкили терлама (тиф)дан 1941 йил 27 декабрда 51 ёшида вафот этди. У Берлиндаги турк мусулмонларининг Темпельхоф қабристониди 1942 йил 2 январда дафн этилди<sup>316</sup>.

<sup>314</sup> *Мустафи Шокай. О басмачесве // Шығырмаларынын толык жинагы. Он еки томдык Том IV. – Алматы: “Дайк-Пресс”, 2012. – С. 223-226.*

<sup>315</sup> *Мария Чокай. Я пишу Вам из Ножана... (Воспоминания, письма, документы). – Алматы: «Кайнар», 2001. –С. 165.*

<sup>316</sup> *Садыкова Б. История Туркестанского легиона в документах. – Алматы: «Кайнар», 2002. – 248 стр.; Он же. Мустафа Чокай в эмиграции. – Алматы: «Мектеп», 2009. – 248 стр.*

Мустафо Чўкай рус, ўзбек, қозок, турк, француз, инглиз, немис, поляк тилларида Туркистоннинг XX аср тарихига оид кўплаб мақолалар ва китоблар ёзди. “1917 йил хотира парчалари” (Берлин, 1937; ўзбек тилида) китоби катта шухрат қозонди. Бу асар турк (Анкара, 1988), рус (Германия, 1989; Токио-Москва, 2001), ўзбек (Тошкент, 1992) тилларида алоҳида китоб бўлиб нашр қилинди. Унинг 2 жилдли “Танланган асарлар” китоби (Алмати, 1998-1999) қозок ва қисман рус тилларида босилиб чиқди.

СССР тарқалгач, Қозоғистон ва Ўзбекистонда Мустафо Чўкайнинг асарлари чоп этилди. Таниқли тарихчи олим профессор Кушим Есмағамбетов (1938 – 2016) бошчилигида 2012 – 2014 йилларда Алматида Мустафо Чўкайнинг 12 жилдлиқ асарлар тўплами нашрдан чиқди<sup>317</sup>. Чўкай асарларига ёзилган тақризлар чоп этилди<sup>318</sup>. Қозоғистонда Мустафо Чўкай ҳақида бадний асарлар яратилди, кинофильмлар суратга олинди унинг хотирасига атаб кўплаб ҳайкаллари ўрнатилди. Ёерда мунтазам равишда Мустафо Чўкайга бағишланган халқаро конференциялар ўтказиб турилади.

Шундай қилиб, туркий халқларнинг атоқли фарзанди, машхур давлат ва сиёсат арбоби Мустафо Чўкайнинг ҳаёти ва фаолияти XXI асрда яшаётган барча туркий халқлар, хусусан, қозоклар ва ўзбеклар учун порлок намуна ҳисобланади. Ўз ҳаётини Туркистон бирлиги ва мустақиллиги учун курашга бағишлаган, ҳам Россия империяси, ҳам совет давлати, ҳам Европада муҳожир-

<sup>317</sup> *Мустафо Шоқай*. Шығармаларының толық жинағы. Он екі томдық. Том I – XII. Қурастырған алғы сөз бен тусіндірмелерді жазған К.Есмағамбетов. – Алматы: “Дайік-Пресс”, 2012 – 2014.

<sup>318</sup> *Раджабов К.К.* Мустафо Чокай рассказывает в XXI веке (Пролитская 12-томный сборник полных произведений великого политического и государственного деятеля...) // “Туркестанский сборник”. №5. – Тараз, 2017. – С. 47-79.

ликда, ҳам Германияда нацистлар ҳукмронлиги шароитида мураккаб ва зиддиятли бир вазиятда фаолият юритган бўлишига қарамасдан у туркий халқлар тарихида ёркин сиймо бўлиб қолаверадди.

### Убайдулла Хўжаев

Убайдулла Хўжаев

[Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев; Убайдулла Асадуллаевич Хўжаев] (1886-1942) – таниқли давлат ва жамоат арбоби, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси, ўзбек матбуотининг ташкилотчиларидан бири.



Убайдулла Хўжаев

Тошкент шаҳрида хунараманд оиласида 1886 йили туғилган. Баъзи адабиётларда у 1878 йил 12 майда туғилган деб ҳам кўрсатилади. Саратовдаги ҳуқуқшунослик институтида ўқиган (1908 – 1912). Талабалик йилларидаёқ давр муаммоларини ечишни ўйлаб, машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой билан ёзишмалар олиб борди (1909). Тошкент округ судида 1913 йилдан хусусий адвокат бўлиб ишлади. Жадидчилик ҳаракатига қўшилиб, тез орада унинг раҳбарларидан бирига айланди. “Турон” жамиятининг асосчиларидан бири (1913). У Тошкентда 1914 йил апрелда “Садон Туркистон” газетасини чиқариб, унга муҳаррирлик қилди. Ўз атрофига ёшларни тўплаб, “Умид” яширин жамиятини тузди. Кейинчалик бу ташкилот “Тараккийпарвар” деб номланиб Туркистон жадидларининг асосий ташкилотларидан бирига айланди. “Садон Туркистон” газетаси 1915 йил апрелда Россия империясининг маҳаллий маъмурлари томонидан

ёпилгач, у Андижонга келди ва рус тилида “Туркестанский голос” газетасини нашр қилдирди<sup>319</sup>.

Тошкентда тузилган “Туркистон мардикорликка олиш кўмитаси”нинг раиси (1916). Мардикорчилик ҳақидаги император Николай II фармонини бекор қилдириш учун маҳаллий сармоядор Миркомилбой Мирмўминбоев билан бирга Петроградга борди.

Бутунтуркистон мусулмонлари I курултойида ташкил қилинган Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Миллий Марказ) котиби ва аъзоси (1917 йил апрель). Бутунроссия мусулмонлар Шўроси Ижроня Комитети аъзоси (1917 йил май). Тошкентда 1917 йил март ойида тузилган “Шўрои Исломия” ташкилоти раиси. Мухториятчилик ҳаракати ташаббускорларидан бири. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ҳарбий ишлар вазири (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль).

Убайдулла Хўжаев 1918 йил февралда ҳукумат топшириғи билан Кавказга борди ва Туркистонга галла келтириш масаласини ҳал қилди<sup>320</sup>. Мустафо Чўқайнинг ёзишича, мухторият ҳукумати тугатилгач, у Ашхобод – Самарқанд темир йўлида большевиклар кўлига тушиб қолди<sup>321</sup>.

Совет ҳокимияти томонидан 1918 йил майда авф этилгач, у Оренбургга боради ва 1918 йил ноябрда Бошқирдистон Мухторияти ҳукуматини тузишда фаол иштирок этади.

Убайдулла Хўжаев совет режими томонидан бир неча марта (1918, 1929, 1931, 1938) қамокқа олинган. Озод-

<sup>319</sup> [Ражабов Қ.]. Асадуллахўжаев Убайдуллахўжа /Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. –Б. 443.

<sup>320</sup> Унутилмас сиймолар. Жадидчилик ҳаракатининг намоёндалари. Матнлар муаллифи. С. Аъзамхўжаев, Д. Алимова, Ш. Ризаев. –Тошкент: “Академия”, 1999. –Б. 22.

<sup>321</sup> Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари. –Б. 49.

ликка чиққач, Тошкентда синглисининг уйида муҳтожликда яшаган. Инглиз ёзувчиси Ж.Р.Киплингнинг машхур “Маугли” асарини ўзбекчага таржима қилган. У охириги марта 1938 йил 20 февралда Тошкентда хибсга олиниб, СССР НКВД махсус кенгашининг қарори билан 1939 йил 14 майда 8 йил муддатга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган. У ўша кунни Горьковск темир йўли Котлас станциясига жазони ўташ учун жўнатилган<sup>322</sup>. У Котласдаги камоқхонада 1942 йил 31 октябрда ҳалок бўлди.

Убайдулла Хўжаев ўлиминдан кейин окланган.

Убайдулла Хўжаев синглисининг ўғли, яъни жияни бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси *Шукрулло* (1921-2020) “Тирик руҳлар” (1999) романида ўз тоғаси Убайдулла Хўжаев фаолиятини ҳамда “Кафансиз кўмилганлар” (1990) хотира-қиссасида катағон қилинган юртдошларимиз қисматини ёритган.

### Ҳидоятбек Юрали Агаев

*Ҳидоятбек Юрали Агаев* [*Ҳидоятбек Юрғули Агаев*] (1880-1918) – давлат ва жамоат арбоби.

Фарғона водийсида туғилган. Унинг миллати ўзбек бўлган<sup>323</sup>. Таниқли агроном олим сифатида машхур эди.

Туркистон Мухторияти ҳукуматида ер ва сув бойликларини вазирини лавозимида фаолият кўрсатган. Туркистон Миллий Мажлиси аъзоси сифатида ҳам самарали иш олиб борган.

Қўқон шаҳри 1918 йил февралда большевиклар томонидан ўққа тутилган пайтда Бош вазир Мустафо Чўқай ёнида Ҳидоятбек Юрали Агаев ҳам бўлган<sup>324</sup>. Бирок Қўқонда большевикларнинг ҳарбий кучларига қарши бўлган жанглارнинг бирида у ҳалок бўлади.

<sup>322</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати архиви, П – 35554, 2, 62 – варақлар. II – 19990, 2, 31 – варақлар.

<sup>323</sup> Туркестанская автономия // <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

<sup>324</sup> *Мустафо Чўқай ўғли*. Истиқлол жаллодлари. –Б. 49.

Машхур уламо ва ҳарбий саркарда Алихонтўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси” хотиралар китобида келтирилишича, ҳукумат аъзоси юрист Огаев поляк мусулмонларидан бўлган. Большевиклар қўлига тушиб қолган бу вазирнинг тақдирини Соғуний қўйидагича тасвирлайди: “Бу қаҳрамон қўлга олингандан сўнгра шундайин хорлик, зулим остида туришдан ўлимни ортиқ кўриб, очлик билдирмишки, бу каби энг сўнгги даҳшатлик чорадан инсоният оламида фойда бериши кутилур эди. Булар олдида эътиборсиз бўлганликдан ўн беш кунлаб оч қолдирилмушдур. Ақли озиб, ўлар ҳолга келганда бошқа ёққа олиб кетганлар. Ундан кейинги тақдир бизга номаълумдир”<sup>325</sup>.

Алихонтўра Соғунийнинг бу мулоҳазалари қанчалик асосли эканлигига келгуси тадқиқотларда ойдинлик киритилади деган умиддамиз.

Ҳидоятбек Юрали Агаевнинг рафиқаси: *Жозефина Станиславовна Юргули-Ага* (қизлик фамилияси Трушковская) Петербург патриот институтини тугатган.

### Обиджон Маҳмудов



Обиджон Маҳмудов

*Обиджон Абдухолиқович Маҳмудов* [Обид чатоқ] (1871-1936) – Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг вакили, давлат ва жамоат арбоби, йирик сармоядор ва ношир.

Марғилонда 1871 йил 12 майда туғилган. Унинг отаси Абдухолик тўпчи асли бухоролик бўлган. Бухоро амирлиги даврида у амирлик ҳокимияти билан келишмай Фарғона водийсига келиб қолган. Обиджон

<sup>325</sup> *Алихонтўра Соғуний*. Туркистон қайғуси. Биринчи китоб. Кириш сўзи муаллифи ва муҳаррир: Увайсхонтўра Шокиров. –Тошкент: “Шарқ”, 2013. –Б.55.

Маҳмудов Қўқонга кўчиб келиб, мадраса таълимини олди. У Каспий денгизидаги Челекен ярим оролига бориб, нефть қазиб олиш билан шуғулланди ва бойиб кетди.

Санкт-Петербург университетининг тоғ-кон муҳандислиги факультетини тугатган. Қўқонга қайтгач, тоғ-кон саноати билан шуғулланиб, Фарғона водийсида кўплаб нефть конларини очишда иштирок этди. Шўрсудаги олтингугурт конини сотиб олган. У Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган ва уларни моддий жиҳатдан таъминлаб турган. Қўқонда 1914 йили босмахона ташкил қилган. “Садои Фарғона” (1914), “Тирик сўз” (1917) ва рус тилида чиққан “Ферганское эхо” (1914) газеталарининг муҳаррири ва ношири. У матбуотда долзарб масалалар билан чиқиб, Туркистон халқини маърифатли бўлишга чақирган, уни озодлик учун курашга даъват этган.

О. Маҳмудов 1917 йилда Қўқон шаҳар Думаси раиси ўринбосари қилиб сайланди. Мустафо Чўқай бошчилигидаги Миллий Марказ 1917 йил ноябрь ойи бошларида Тошкентдан Қўқонга кўчиб келгач, унинг ҳовлисида жойлашганлар. О. Маҳмудов Бутунтуркистон мусулмонлари фавкулудда IV қурултойи чақирилиши ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинишида катта роль ўйнади. У мухторият ҳукуматида озиқ-овқат вазири лавозимида фаоллиқ кўрсатди. Ўз босмахонасини мухторият ҳукумати ихтиёрига топширди. Босмахонада Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ўзбекча ва русча газеталари чоп этилган. П. Алексеенковнинг ёзишича, кейинчалик у мухторият ҳукуматида юстиция вазири лавозимини эгаллади<sup>326</sup>.

Совет ҳокимияти томонидан 1918 йил февралда мухторият ҳукумати тугатилгач, Мустафо Чўқайнинг

<sup>326</sup> *Алексеенков П.* Кокандская автономия. – С. 26.

ёзишча, О. Махмудов Бухорода большевиклар кўлига тушиб қолади<sup>327</sup>. 1918 йил майда Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзолари совет ҳокимияти томонидан авф қиллингач, у Москвага бориб, РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги қошидаги Туркистон ваколатхонасида матбуот бўлими мудирини ва бошқа лавозимларда фаолият кўрсатган (1919 – 1921). Тошкентга қайтгандан сўнг, дастлаб Туркистон АССР Марказий Ижроия Кўмитасида ишлаган (1921). Сўнгра Фарғона водийсига бориб, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг бўлиминини тузган ҳамда советларга қарши фаолият олиб борган.

Обиджон Махмудов совет режими томонидан бир неча марта қамокка олинган. Озодликка чиққач, орадан кўп ўтмай оғир хасталикдан сўнг Қўқонда 1936 йил 21 ноябрда 65 ёшида вафот этган<sup>328</sup>.

### Абдурахмонбек Ўразаев



Абдурахмонбек Ўразаев

Абдурахмонбек Ўразаев (1888–1937) – таниқли давлат ва жамоа арбоби.

Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) шаҳрида амалдор оиласида туғилган. Абдурахмонбек ота томондан худди Мустафо Чўқай аждодлари сингари козокларнинг кипчоқ уруғига бориб такалади. Отаси – Мухаммад Ўразаев (1898 йил 10 майда вафот этган) Ўрта жумҳуридаги аслзодалардан бири бўлиб,

<sup>327</sup> Мустафо Чўқай угли. Истиқлол жаллодлари. –Б. 49.

<sup>328</sup> Ражабов Қ. Махмудов Обиджон Абдухалиқович //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. –Б. 559 – 560.



2-Оренбург кадет корпусини тугатган ҳамда Маргилон уездн бошқармасида таржимон ва котиб бўлиб ишлаган. Онаси – Ниёзжон Бибиҳоним Фаргона вилояти Янги Маргилон уездн Аввал қишлоғида туғилган ўзбек аёли бўлиб, у эрининг вафотидан сўнг ўқитувчилик қилган. Ёш Абдурахмонбек тарбиясида онасининг хизмати катта эди.

А.Ўразаев Скобелев гимназияси (1910) ва Москва университетининг юридик факультетини (1915) тугатган. Адвокат ёрдамчиси лавозимида ишлаган.

Фаргона сайлов округидан Бутунроссия Таъсис Мажлиси аъзоси (1917) қилиб сайланди. Туркистон Мухторияти ҳукумати 1917 йил ноябрда ташкил қилинган, у ички ишлар вазирининг ўринбосари ҳамда Миллий Мажлис аъзоси бўлди. Сўнгра ички ишлар вазирн лавозимида фаолият кўрсатди. Эсерлар партиясига хайрихоҳ бўлган.

Мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилган, 1918 йил февраль ойи охирида А. Ўразаев большевиклар қўлига тушиб қолган. У 1918 йил май ойида дастлаб амнистия қилинди ҳамда совет ҳокимияти идораларида турли лавозимларда ишлади.

А.Ўразаев кейинчалик яна қамоққа олинди ва Сибирга сургун қилинди. У ерда сил касали билан каттик оғриб қолган, Тошкентдаги қариндошлари (синглиси) оиласига қайтишга рухсат берилди. У бўлғуси академик бўлган куёви Қорн-Ниёзий хонадонида яшади. Тошкентда бир муддат истикомат қилган, тахминан 1937 йилда оғир касаллик натижасида вафот этди.

Абдурахмонбек Ўразаевнинг икки нафардан акаси ва синглиси бўлган. Унинг шахсий ҳаёти ҳақида етарлича маълумотлар сақланиб қолмаган.

А.Ўразаевнинг синглиси: *Ойшахоним Ўразаева* (1897 йил 2 сентябрь – 1988 йил 31 январь) онаси сингари

совет мактабларида ишлаган. Туркистонда дастлабки аёл ўқитувчилардан бпри бўлган. У Скобелев (ҳозирги Фаргона) шаҳридаги аёллар гимназиясини тугатиб, Намангандаги рус-тузем мактабида рус тилидан дарс берган. Сўнгра Скобелевдаги совет мактабида фаолият кўрсатди. У кейинчалик машҳур математик олим бўлиб етишган Ўзбекистон фан арбоби (1939), Ўзбекистон Фанлар академияси академиги ва биринчи президенти (1943-1947), физика-математика фанлари доктори (1939), профессор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1967) бўлган *Тошмухаммад Ниёзович Қори-Ниёзий* (1897, Хўжанд – 1970, Тошкент)га турмушга чиққан.

Т.Н. Қори-Ниёзий Ўрта Осиё давлат университетини тугатган (1929), шу университет ректори (1931-1933), Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссари ва айна пайтда Ўзбекистон ХКС хузуридаги Фан кўмитаси Президиуми раиси (1937-1938), Ўзбекистон ССР ХКС раиси ўринбосари (1939-1943), СССР ФА Ўзбекистон филиали Президиуми раиси (1940-1943) ҳамда бошқа масъул лавозимларда фаолият кўрсатди.

Шу нарса характерли ҳолки, совет даврида ўз таржимаи ҳолини анча ўзгартирган эр-хотин Тошмухаммад ва Ойшахоним иккаласи гўёки ҳам бир кунда, ҳам бир йилда – 1897 йил 2 сентябрда бири Хўжандда, иккинчиси Скобелев шаҳрида туғилганлиги тўғрисида расмий ҳужжатларда ёзишган. Қори-Ниёзий совет режими даврида, бир томондан, Ўзбекистонда совет маданияти ва илм-фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган бўлса, иккинчи томондан, ўзбек халқи маънавияти ва миллий маданиятга қақшатқич ҳамда аёвсиз зарба берган.

## Соломон Герцифельд

*Соломон Абрамович Герцифельд* (1881-1918) – Туркистондаги йирик сармоядорлардан бири, адвокат ва журналист. Синопстлар комитетининг Ўрта Осиё райони раиси.



*Соломон Герцифельд*

Одессада 1881 йил 27 ноябрда туғилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. Берн университети (Швейцария) юридик факультетининг эркин тингловчиси (1902 йилдан). Россияга қайтгач, Одесса юнкерлик

билим юртига имтиҳон топшириб, Самарқанддаги 6-Туркистон батальонида ҳарбий хизматни бошлаган. 1904 – 1906 йилларда рус тилида “Самарқанд” газетасини чиқарган. Одессадаги Новороссийск университети юридик факультети 2-курс талабалигига қабул қилинган (1907). Одесса синопстлар комитетига 1908 йил сентябрда сайланган, “Одесское слово” газетасини чиқарган. 1913 йил майда университетни тугатиб, Самарқандга қайтган. Самарқанд шаҳар Думасида яҳудийлар комитети раиси. Самарқанд шаҳар Думаси аъзоси (1917).

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг биринчи таркибида туб халқлардан бўлмаган ягона номзод сифатида кириб, молния вазирини бўлган. Миллий Мажлис аъзоси (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль). Кейинчалик молния вазирини лавозимини Ислом Шоахмедовга топширган. Мухторият ҳукуматининг сўнгги кунларида қизил гвардиячилар томонидан Кўконда қўлга олиниб, 1918 йил 18 февралда отиб ташланган. У Ўрта Осиё темир йўлининг Мельниково станцияси (ҳозирги Конибодом)да дафн этилган. Мустафо Чўқайнинг ёзишича,

“Харцфельд Самарқандда большевиклар кўлига тушиб қолган эди”<sup>329</sup>.

Бухоро яҳудийлари талаби билан С.Герцфельднинг жасади 1918 йил 16 апрелда эксгумация қилиниб, яҳудийлар жамоаси томонидан Самарқанддаги яҳудийлар қабристонига қайта дафн этилган<sup>330</sup>. Ҳалок бўлган пайтда С.А. Герцфельд ҳали 37 ёшга ҳам тўлмаган эди.

\* \* \*

Кейинчалик қуйидаги кишилар Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига киритилдилар:

### Носирхон Тўра



*Носирхон Тўра*

*Носирхон Тўра Саид Камолхоитўра ўғли* (1873-1931) – Фарғона водийсидаги йирик уламолардан бири, Туркистон Мухторияти маориф вазири, Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоларидан бири.

Қўқон хонлигининг йирик маданий марказларидан бири бўлган Наманган яқинидаги Косон қишлоғида мударрис оиласида туғилган. У дастлаб Наманган ва Бухорода, сўнгра Кобул, Дехли, Бағдод ва Ҳижоз шаҳарларида кўп муддат давомида таҳсил олган. Муқаддас ҳаж амалларини адо этиб Туркистонга қайтгач, 1912 йили Наманган шаҳрига қозиб бўлган. Намангандаги Мавлавий

<sup>329</sup> *Мустафо Чўқай ўғли*. Истиқлол жаллодлари. –Б. 49.

<sup>330</sup> Герцфельд, Соломон Абрамович //Материал из Википедии – свободной энциклопедии...

ва Мулла Қирғиз мадрасаларида мударрислик қилган. 1913 йилдан бошлаб Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. “Шўрон Исломия” ташкилотининг Наманган шуъбаси раҳбари, Наманган шаҳар Думаси аъзоси (1917).

Бутунтуркистон мусулмонлари фавкулудда IV курултойини 1917 йил 26 – 28 ноябрда Қўқон шаҳрида ўтказишда жонбозлик кўрсатди. У 1917 йил декабрда Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига маориф вазирлиги сифатида киритилди. 1918 йил февралда мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, Мустафо Чўқайининг ёзишича, Носирхон Тўра Наманганда большевиклар қўлига тушади. Амнистия туфайли озод бўлгач, у бир йил мобайнида яширин ҳаёт кечирган. У 1919 йили Косонсойда “Миллий Иттиҳод” ташкилоти ячейкасини ташкил қилган. Катта Эргаш ва Мадаминбек ҳузурда ғоявий раҳнамо сифатида фаолият кўрсатган. 1922 йилда “Маҳкамани шаръна” ташкилотини иш олиб борган. Совет режими томонидан бир неча марта қамоққа олинадди. 1924-1925 йилларда Самарқандда қамоқда ўтирани, сўнгра Оренбургда сургунда бўлган (1925 – 1928). Сургундан қайтгач, мавжуд тузумга қарши фаол курашни давом эттирган. Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бўлиб, аҳолини совет режимига қарши курашга даъват этган.

Носирхон Тўранинг “Тарихи Туркистон” (15 бўлимдан иборат), “Оренбург мактублари” эсдалиги ва бошқа асарлари мавжуд. Алихонтўра Соғунийнинг ёзишича, Носирхон Тўра асли Косон(сой) зодагонларидан бўлиб, у кейинчалик Арабистонда яшаган авлиёталик ўзбеклар Олтинхон Тўра ва Мубашширхонларнинг қариндоши ва устози эди. Носирхон Тўра коммунистларга қарши кўзғолон кўтаргач, бу кўзғолон бостирилгандан

сўнг у ҳамда икки нафар ўспирин ўғли чекистлар томонидан қўлга олиниб, Тошкентга олиб келинган ва отиб ташланган.

1929 йил баҳорида Носирхон Тўра Авлиёота ва Пишпек шаҳарларида бўлиб, муридлари ва шогирдлари билан учрашган. У 1929 йил 29 октябрда Ранжитда қизил аскарлар билан бўлган жангда ярадор бўлиб, Мозор қишлоғида даволанади. У Дадабой, Мадумар, Истамбек, Мирвали каби кўрбошилар билан курултой ўтказиб, Фарғона водийсида совет режимига қарши кураш тактика ва стратегиясини ишлаб чиқади. Бу пайтда улар Кушон қишлоғида қўним топганлар. Носирхон Тўра ГПУ айбқоччилари қўлига тушмаслик учун яширинади. 1930 йил июнь ойига келиб фақат Наманганнинг ўзида унинг юзлаб шогирдлари ва муридлари совет ҳокимияти томонидан қамоққа олинади. 26 июнда Тўрақўрғондаги Қоратов этагида Носирхон Тўра ва одамлари билан қизил аскарлар ўртасида жанг бўлиб, унда содиқ дўсти ва шогирди Истамбек кўрбоши икки жойидан ўқ тегиб ҳалс бўлади. Носирхон Тўра ўғиллари Ҳасанхон ва Эшон Дадахон билан Кошғарга кетаётганда, 1930 йил 15 июлда уларни Ўш округи ГПУ ходимлари “Талдик” совхози яйловида қўлга олишади.

ОГПУ махсус учлигининг 1930 йил 27 октябрдаги йиғилишида 5054-иш, яъни Носирхон Тўра иши кўриб чиқилган ҳамда у отишга ҳукм қилинган. У билан бирга яна кўплаб кишиларга ўлим жазоси берилган.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати архивида Носирхон Тўранинг ҳаёти ва тақдири ақс эттирилган 18 жилддан иборат П-25412 иш сақланади. Хужжатларда кўрсатилишича, Носирхон Тўра 1930 йил бошларида Андижон округидаги Косонсой, Янгикўрғон, Наманган томонларда кўрбошилар гуруҳини тузганлик (Истамбек

кўрбоши ва Атантой Сотилганов билан биргаликда) ва улар билан алоқада бўлганликда айбланиб, 1930 йил 15 июлда Ўш округидаги “Толдик” совхозни яйловларида чекистлар томонидан қўлга олинган ҳамда Тошкентга конвой билан олиб келинган.

Носирхон Тўра 1930 йил 20 августда терговда ўз қўли билан ёзган маълумотномада кўрсатилишича, “Мен Носир Камолов тубанда тасдиқ қилурманки, 1929 йилнинг ярмида шўролар ҳукумати бирлан курашмак учун совет ҳукуматини бостирish мақсади бирлан унга қарши куруллик чиқишни ташкил қилишда иштирок қилдим. Яъни Шокаптарда бўлиб ўтган кўрбошилар мажлисида иштирок қилишим менинг тарафимдан шуки, тақдим қилганлар Косонда йигитлар тайрлатиб гуруҳларда мен иштирок этдим”.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги Шарк бўлими бошлиғи томонидан 1930 йил 30 июнда Тошкентда тайёрланган “Носирхон, Истамбек ҳамда уларнинг босмачилик ташкилотининг аксилинкилобий фаолияти тўғрисида”ги маълумотномада Носирхон Тўра ва бошқа маҳкумлар тўғрисида маълумотнома (26 бетдан иборат) мавжуд. Бундан ташқари Носирхон Тўра ва сафдошлари ишида 92 нафар шахсга нисбатан айблов ҳулоаси келтирилади.

Архив ҳужжатларидаги айрим маълумотларга қараганда, Носирхон Тўра Камолхонтўра ўғли 1931 йил 13 апрелда 58 ёшида Тошкент шаҳрида чекистлар томонидан отиб ташланади. Унинг сафдошлари ҳам қатл қилинган. Қамокдан факат айрим кишилар кейинчалик озодликка чиққан.

2021 йил 25 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Суди мажлисида Носирхон Тўра ва бошқаларга оид 92 нафар шахсга нисбатан жиноят иши юзасидан 1930 йил

27 октябрдаги суддан ташқари ОГПУнинг учлик мажлиси баённомаси кўчирмаси бекор қилинди. Бундан ташқари суд мажлисида келтирилган протестлар қаноатлантирилди ва ЖПКнинг 87-моддасига асосан жами 6 та жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди.

### Саидносир Миржалилов



Саидносир Миржалилов

*Саидносир Миржалилов* (1884-1937) – Туркистондаги маърифатпарвар ва давлат арбоби.

Туркистон шахрида бадавлат ўзбек хонадонидан тугилган. Дехқончилик ва савдо ишлари билан шуғулланиб, Туркистоннинг йирик сармоядорларидан бирига айланган. Туркистон шахрида пахта тозалаш заводи куриб, жаид мактабини очган (1914). Давлат Думаси мусулмон шуъбасининг Петербургда бўлиб ўтган йиғилишида қатнашган (1914). 1917 йили Тошкентга кўчиб келган ва шаҳар Думасига аъзо бўлган. “Шўрои Исломи” ташкилотининг аъзоси сифатида Туркистон Мухторияти ҳукуматининг 1917 йил ноябрда ташкил этилишида фаол қатнашган ва ҳукуматнинг газначиси бўлган.

Мухтория ҳукумати большевиклар томонидан ағдариб ташлангач, С. Миржалилов аввал Самара ва Тифлисга боради, сўнгра бир муддат Туркияда яшайди. У 1921 йилда Тошкентга қайтиб, “Туркистон” савдо-саноат ширкатини ташкил қилиб, ундан тушган даромад ҳисобига “Миллий иттиҳод” ташкилотини қўллаб-қўватлаган ҳамда Германияга ўқишга юборилган айрим



талабаларни нафақа билан таъминлаган ва уларга моддий ёрдам кўрсатган. У “Нашри маориф” маърифий ташкилоти ва “Кўмак” жамиятининг асосчиларидан бири (1923 – 1925). С. Миржалилов Туркистон шоирлари Ҳамза ва Чўлпон, ёзувчи Абдулла Қодирийни моддий жиҳатдан қувватлаб турган.

Совет режими томонидан у бир неча марта (1925, 1932, 1937) камокка олинган. Соловки оролларидаги камокхонага ташланган (1925 – 1928). С. Миржалилов 1937 йил 21 июлда Тошкентда учинчи марта камокка олиниб, 53 ёшида 1937 йил 9 октябрда отиб ташланган<sup>331</sup>.

Сандносир Миржалилов ўлиmidан сўнг оқланган.

С. Миржалиловнинг қизи *Зарифа Сандносирова* (1908 – 1986) кимёгар олима, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968) ҳамда биринчи ўзбек аёл рассоми бўлиб, у таниқли ёзувчи *Ойбек* (1905-1968)нинг рафиқасидир. З. Сандносированинг “Ойбегим менинг” хотиралар китоби нашр қилинган.

### Миродил Мирзааҳмедов

*Миродил Мирзааҳмедов* (1880–1937) – Туркистонда мухторият учун курашган тараққийпарварлардан.

Марғилонда туғилган. Фарғона водийсидаги сиёсий жараёнларда 1917 йилдан бошлаб фаол қатнашган. “Улуғ Туркистон” газетасининг ёзишича, Миродил 1917 йили “Шўрон Ислония” жамиятининг Марғилондаги раиси бўлган. Тошкентда 1917 йил 15 ноябрда “Уламо” жамияти томонидан ўтказилган қурултойда фаол қатнашган. У “Уламо” жамиятини большевиклар билан қўшилишига қарши чиққан<sup>332</sup>.

<sup>331</sup> [Ражабов К.] Миржалилов Сандносир //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2003. –Б. 692.

<sup>332</sup> *Мингаров А.* Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий маъбудта ёригиши (1917-1918 й.). – Тошкент: “Истиқлол нури”, 2013. – Б.91.

М.Мирзааҳмедов 1917 йил ноябрда Туркистон Миллий Мажлиси аъзолигига сайланди. Мустафо Чўкайнинг ёзишча, у Туркистон Мухторияти ҳукуматининг иккинчи таркибида вазир сифатида ҳам фаолият кўрсатган. У 1918 йил февраль ойининг охирида Қўқонда большевиклар қўлига тушиб қолган.

М.Мирзааҳмедовнинг 1918 йил мартдан кейинги фаолияти тўғрисида маълумотлар сақланиб қолмаган. Бирок ўзбек совет шоирларининг ёзишча, Одилқўр (Миродил) Қўқондан чиқиб Афғонистонга жўнаб кетган. Баъзи манбаларда ёзилишича

### Кичик Эргаш

*Кичик Эргаш [Кичкина Эргаш] (1885 – 1918) –* таникли кўрбоши, Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарларидан бири.

Қўқон яқинидаги Бачқир қишлоғида тугилган. Унинг бўйи паст бўлганлиги учун шундай дейилган. У 1910 – 1917 йилларда Россия империяси ҳукмронлигига қарши бир гуруҳ йиғитлари билан кураш олиб борган. Бу орада 1913 – 1915 йилларда қамокхона ва сургунда ҳам бўлган.

Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинган, Кичик Эргаш Қўқон шаҳри миршаблари бошлиғи лавозимини олади ҳамда унга *қўрбоши* унвони берилади. Мухторият ҳукуматининг сўнгги кунларида, яъни 1918 йил 18 – 22 февралда у амалда Туркистон Мухторияти ҳукуматини бошқарди ва унинг ҳарбий кучларига қўмондонлик қилади<sup>333</sup>. Қўқондан жанг билан Бачқир қишлоғига чекинган Кичик Эргаш кўрбоши 1918 йил 27 февралда қизил гвардиячилар

<sup>333</sup> *Baymirza Hayit. «Basmacılar». Türkistan Milli Mücadele Tarihi. (1917 – 1934). – Ankara: Türkiye Diyanet vakfı yayımları, 1997. – 367 s; Baymirza Hayit. Türkistan devletlerinin milli mücadeleleri tarihi. 3.Baskı. – Ankara: Türk tarih kurumu basımevi, 2004. – 447 s.*

ва арман дашноқлари билан бўлган тўқнашувларнинг бирида ўлдирилди<sup>334</sup>.

Бирок совет ҳокимияти йнларида эълон қилинган турли китобларда Кичкина Эргаш нотўғри равишда “ўғри ва қароқчи” сифатида кўрсатилади. Масалан, кўконлик совет журналисти ва ёзувчиси Ҳусайн Шамс (1908-1943) ўзининг Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолияти ёритилган “Ҳуқук” тарихий романида келтиришича, “Кичкина Эргаш – Февраль инқилоби чоғида, Кўконнинг Ўлтарма кишлоғидан бош кўтариб, ўзига йпгирма-ўттиз йнги килиб, Кўкон атрофини талаб юрган зўр ўғри эди. Эргаш кўрбоши<sup>335</sup> Кўконга келиб, “Шўрон Исломи” химояси остида йнги тўплаб ном чиқаргач, уни ҳам таклиф қилган бўлса-да, у аралашмаган эди. Кўконда “Шўрон Исломи” фитна қўзғагач, мухториятчилар унга ялиниб, ҳурматлаб, катта ваъдалар билан урушга чақирган эдилар. Урушнинг учинчи кунни бўлса керак, у Кўконга дабдаба билан кириб келди”<sup>336</sup>.

*Кичик Эргаш* кўрбошини бу пайтда Кўконда фаолият кўрсатган *Катта Эргаш* ёки *Мулла Эргаш* (1882-1921) кўрбоши билан чалкаштирмаслик лозим. Кичик Эргаш ҳалок бўлгач, унинг ўрнига Катта Эргаш совет режимига қарши Фарғона водийсида бошланган истиқлолчилик ҳаракатига раҳбарлик қилди. Маркази



*Катта Эргаш  
кўрбоши*

<sup>334</sup> Ражабов К. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). – Б. 47 – 49.

<sup>335</sup> Бу ўринда Катта Эргаш кўрбоши кўзда тутилмоқда.

<sup>336</sup> Ҳусайн Шамс. Ҳуқук // Танланган асарлар. – Тошкент: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриети, 1959. – Б. 438.

Бачқир бўлган Қўқон уезди бу ҳаракатнинг дастлабки таянч нуктаси бўлиб қолди<sup>337</sup>.

\* \* \*

Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазири Мустафо Чўқайининг ташаббуси билан 1918 йил январда ҳукуматдаги қолган 4 ўринга ҳам вазирлар тайинланди. Бироқ уларнинг уч нафари бухоро яҳудийларидан эди. Хуллас, мухторият ҳукуматида 4 нафар вазир этник жиҳатдан бухоро яҳудийларига мансуб бўлган.

### Магди Чанишев

*Магдий (Маҳди) Муҳаммад-Раҳимович Чанишев* (?-1918) — уфалик агроном, этник татар. Рус армиясининг полковниги.

Маҳаллий ҳукумат ер ишлари вазирлигининг Сирдарё вилояти ер қўмитасидаги вакили (1917 йил август – сентябр). 1917 йил охири ва 1918 йил бошларида Қўқонда фаолият кўрсатган. Туркистон Мухторияти ҳукуматидаги айрим татар вазирларининг таклифи билан 1918 йил январ ойи охиридан бошлаб ҳукуматнинг ҳарбий кенгаши раиси вазифасини бажарган. 1918 йил 31 январдан Қўқоннинг мусулмонлар яшайдиган қисмида қуролли милиция бошлиғи бўлган. Бу пайтда ҳарбий ишлар вазири Убайдулла Хўжаев Қўқонда бўлмагани учун Магдий Чанишев бир неча кун давомида ҳукумат қўшинига қўмондонлик қилган. Аввал Қўқон шаҳар миршабларининг бошлиғи Кичик Эргаш кўрбоши билан ҳамкорлик бўлгани ҳолда, сўнгра муносабатлар таранглашиб кетган. Кичик Эргаш қўли остида 10 000, Муваккат Мухторият ҳукумати ихтиёрида эса 40 кишилик аскар бор эди. Магдий Чанишев бошчи-

<sup>337</sup> Қараш: Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинга китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O zbekiston”, 2019. –Б.191.

лигидаги “ҳарбий кенгаш” Скобелевга келиб, бу ерда қайтадан Туркистон Мухторияти ёки Скобелев Мухториятини эълон қилган. Бироқ большевиклар бу мухториятни ҳам тан олмай, уни тезда тугатганлар.

Большевиклар ҳузурига музокаралар ўтказиш учун юборилган Магдий Чанишев Скобелев шаҳрида қўлга олиниб, камокқа ташланади. Скобелев ҳарбий гарнизонидан қочишга уринганида, қизил гвардиячилар томонидан 1918 йил феврал ойи охирида, яъни Қўкон фожиялари пайтида отиб ўлдирилади (қаранг: *Қ.Ражабов*. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдир. 48-бет).

### Рафаэль Потеляхов

*Рафаэль бен Шломо Потеляхов* (1889 – 1936) – Туркистондаги йирик сармоядорлардан бири, 1-гильдия савдогари.

Бухорода туғилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. У 1889 йилдан Қўкон шаҳрида яшаган ҳамда тадбиркорлик билан шугулланган. Қўкондаги Савдо уйи бошлиғи (1908). Ака-ука Рафаэль ва Натаниэль Потеляховларга



*Рафаэль Потеляхов*

пахтани қайта ишловчи 36та корхона ҳамда 2та пахта ёғи заводи қараган. Улар Бухоро амирлиги ва Туркистон ўлкасидаги энг бой одамлардан бўлган. Р. Потеляхов Туркистонда пахтачилик қироли номини олган ҳамда “Потеляхов савдо-саноат ўртоқлик ширкати” фирмасини бошқарган. Асакадан Ванновский станциясигача темир йўл қурдирган (1913). Қўконда бухоро яҳудийлари мактабинини очган ва уни таъминлаб турган (1905).

Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил топгач, у 1918 йил бошларида Обиджон Маҳмудов ўрнига мухторият ҳукуматининг озиқ-овқат вазирлиги бўлди. 1918 йил февраль ойининг охирида ака-ука Потеляховлар ВЧК томонидан қамоққа олинди. Потеляховларнинг хориждаги қариндошлари томонидан бир неча млн пуд пахта совет ҳокимияти ихтиёрига юборилгач, ВЧК раиси Ф. Держинскийнинг 1918 йил 26 ноябрдаги қарори билан уларга хорижга жўнаб кетишга рухсат берилди. Улар Боку орқали аввал Иерусалим [Қуддуси шариф], сўнгра Лондонга етиб боришди. Р. Потеляхов 1936 йили Лондонда вафот этган<sup>338</sup>.

### Якуб Вадьяев



Якуб Вадьяев

*Якуб Хаимович Вадьяев* (1868 – 1936) – йирик тadbиркор ва сармоядор, I-гильдия савдогари, “Ака-ука Вадьяевлар” Савдо уйи бошлиғи.

Бухорода бадавлат Вадьяевлар хонадонидан туғилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. У 1881 йили Қўқонга кўчиб келган. Қўқон биржа комитети бошлиқларидан бири (1908). Қўқонда 1910 йилда очилган пахта ёғи заводи ўз даврида Туркистон ўлкасидаги энг технологияси юқори замонавий завод ҳисобланган.

Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинган, 1918 йил январда Якуб Вадьяев ва укаси Сион Вадьяев ҳукуматда вазир лавозимларини эгаллашди. Улар мухто-

<sup>338</sup> Рафаэль Потеляхов // <http://cyclowiki.org/wiki>.

рнят ҳукуматиға иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва унга 25 фонз миқдориди займ (қарз) беришға рози бўлишган. Қўқон шаҳри 1918 йил февралда большевиклар томонидан босиб олинғач, бу ерда яшовчи кўплаб бадавлат бухоро яҳудийлари каторида ака-ука Вадьяевлар ҳам муҳожирликка жўнаб кетишға мажбур бўлишди. Улар Лондонда яшашган. Я.Вадьяев 1928 – 1933 йилларда Лондонда мануфактура сотувчи “Британо-Румино” компаниясиға раҳбарлик қилди. Лондонда 1936 йили вафот этган<sup>339</sup>.

### Снон Вадьяев

*Снон Хаимович Вадьяев*  
(1878 – 1943) – йирик тадбиркор ва сармоядор, I-гильдия савдогарни.

Қўқонда Вадьяевлар хонадониди тугилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинғач, 1918 йил январда акаси Якуб Вадьяев билан биргаликда ҳукуматда вазир лавозимини эгаллади. Мухторият ҳукумати больше-



*Снон Вадьяев*

виклар томонидан тугатилғач, ака-ука Вадьяевлар ҳам муҳожирликка жўнаб кетишди. Улар дастлаб Берлинда яшашди. С. Вадьяев 1921 йил охирида Парижға бориб, бу ерда валюта савдоси билан шуғулланди ва йирик баққоллик магазини очди. Парижда 1943 йили вафот этган ҳамда Қуддусда дафн этилган<sup>340</sup>.

<sup>339</sup> Якуб Хаимович Вадьяев // <http://cyclowiki.org/wiki>.

<sup>340</sup> Снон Хаимович Вадьяев // <http://cyclowiki.org/wiki>.

\*\*\*

Бундан ташқари Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига “Юсуф Давидов” ва “Кнатт-Зигель” савдо уйларининг вакиллари ҳам кирган. *Юсуфовлар хонадони* аслида Шаҳрисабз ва Самарқандда яшаган бухоро яҳудийларига бориб тақалади. 1845 йилдан бошлаб улар Тошкентда истиқомат қилган. *Юсуф Давидович Давидов* (1855 – 1914) Тошкентда Юуда-Давуд ва Угул Давидовлар хонадониди 1855 йилда туғилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. Унинг ота-онаси 1893 йили ўз сармоясини ўғли Юсуфга қолдириб, 1893 йилда яшаш учун Қуддусга жўнаб кетишади. У 1906 йил 22 мартда Тошкентда “Юсуф Давидов” Савдо уйини очади. Бу савдо уйининг эгалари 11 нафар киши (1-гильдияли савдогарлар: Юсуф Давидович Давидов, Беньямин Абрамович Абрамов, 2-гильдияли савдогарлар: Исахор Давидович Давидов ҳамда уларнинг болалари) бўлган. Ака-ука Давидовларга 4та пахта тозалаш заводи (Тошкент, Пскент, Наманган ва Конибодом) ҳамда пиво заводи (Тошкентдаги машхур 6-пиво заводи) ва бошқа мулклар қараган. XX аср бошларида Юсуф Давидов Тошкентдаги энг йирик миллионерга айланади. У 1908 йили Тошкент шаҳридаги бухоро яҳудийлари жамоасининг бошлиғи қилиб сайланди. Ака-ука Юсуф ва Исахор Довудлар ўз хотинлари билан 1914 йили Қуддусда яшаш учун жўнаб кетишди ҳамда ўша ерда вафот этишди.

Ака-укалар Қуддусга жўнаб кетгач, Савдо уйининг бошлиғи Исахор Давидовнинг ўғли Абрам Давидов бўлди. У 1929 йили Қуддусга жўнаб кетаётганда йўлда ўлдирилган. Беньямин Абрамов Савдо уйининг Москвадаги вакили бўлган (у 1911 йилда вафот этган).

Туркистон Мухторияти ҳукумати ағдаришда ташаббус кўрсатганлардан бири большевик Сазоновнинг



кейинчалик хотирлашнча, 1918 йил февралда Кўконда большевиклар билан музокараларни гўёки Мустафо Чўкай эмас, балки мухторият вакилларидан бири Юсуф Давидов олиб борган<sup>341</sup>. Бироқ Юсуф Давидов бу пайтда тирик бўлмаган, у 1914 йилда Қуддусда вафот этган эди. Эхтимол, музокаралар жараёнида Мустафо Чўкай билан биргаликда “Юсуф Давидов” ва “Кноп-Зигер” савдо уйларининг вакиллари ҳам катнашган бўлса керак. Бу пайтда Абрам Давидов Туркистонда бўлган. Сазонов эса уларни чалкаштириб юборган<sup>342</sup>.

Бундан ташқари Туркистон Мухторияти ҳукумати фаоллятида кўконлик йирик уламолар: *Камол Қозӣ* [*Камолдин Раҳмонбердиев*], *Миён Қудрат* ва бошқаларнинг ҳам фаол катнашганлиги ҳақида айрим маълумотлар бор.

### Туркистон Мухторияти ҳукумати ва шоир Завқий

Совет ҳокимияти йилларида Туркистон Мухторияти ҳукуматида ўзинга хос роль ўйнаган Кичик Эргаш, Катта Эргаш, Камол Қозӣ, вазир Миродил Мирзаахмедов ҳамда бошқа кўрбоши ва уламолар, жадид тараққийпарварлари аёвсиз танқид қилинди. Кўконлик ўзбек шоири *Завқий* (1853-1921) Мулла Эргаш кўрбоши ва мухториятчиларни улуғлаб, 1918 йил бошларида бир таърих шеъри<sup>343</sup> ёзган эди.

<sup>341</sup> Қаранг: *Сазонов*. Кокандская автономия (воспоминания) //Красная летопись Туркестана. № 1-2. –Ташкент: Туркестанское государственное издательство, 1923. –С. 88 – 93.

<sup>342</sup> Қаранг ва такдослаб: *Зайцев П., Гудович А., Колесов Ф.* Борьба за Фергану //Война в песках. Материалы по истории гражданской войны к XII тому. Под редакцией М. Горького, В. Иванова, И. Минца, Ф. Колесова. –Москва: ОГИЗ, 1935. –С. 191 – 201; *Шкарета М.* Конец «Кокандской автономии» //За советский Туркестан (Сборник воспоминаний). Под редакцией А.И. Зевелева. –Ташкент: Государственное издательство Узбекской ССР, 1963. –С. 91 – 96.

<sup>343</sup> Афсуски, тарихчи олим *Мавлон Ваҳобов* (1909-1990) “*Ўзбек социалистик миллати*” китобида 1960 йили бу шеърни бузиб, қуйидагича келтириб ўтади:

*Мулла Эргаш деган первой рас (раз),  
Бўлди "мухторият" да мири асас.*

*Аҳн Хўқанд жумла сайловда,  
Кўргану кўрмаган қилди ҳавас.*

*Мен ани раҳзан деб ўйлагандим,  
Бўлса қўрбонини ўзга йўқмуди кас.*

*Деди хотифи хаёли Завқийга,  
Санани тарихи "Бу ўғри эмас"<sup>344</sup>.*

*Ҳижрий 1336 (милодий 1918) йил.*

Адабиётшунос олимларнинг фикрича, бу шеър Завқий "Танланган асарлар" китобининг 1958 ва 1960 йиллардаги нашрларида "Роҳзан Эргаш" сарлавҳаси билан эълон қилинган бўлиб, 18 мисрадан иборатдир. Ҳ.Раззоқов ўзининг "Завқий" номли китобида мазкур шеър ҳақида тўхталиб, жумладан қуйидагиларни ёзган: "1917 йил ноябрь ойининг охирида Завқий 18 йўллик ҳажвий шеър ёзиб, Эргаш ва унинг атрофидаги

---

*Мулла Эргаш деган первий раз,  
Бўлди мухториятга мири асас (бош қўмондон),  
Барча аҳли Кўқон таажжубда,  
Ким сайлади уни дер, ким қилди ҳавас?..*

*"Уламо" фитнасига Қози Камол  
Қўшилиб, нес-мохову, вабою-мараз,  
Бад-хаёлу, неча бадандешалар,  
Яна ҳукмронлик жулусида бас.*

*Деди ночор Завқий бечора,  
Санани тарихи "Бу тўғри эмас".*

Бу ҳақда қаранг: Ваҳобов М. Ўзбек социалистик мивлати. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960. – Б. 305.

<sup>344</sup> Бу ҳақда қаранг: Завқий. Ажаб замона (Шеърлар). Тўлиловчилар: А.Мадаминов, А.Турдиалиев. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б.151.

барча кучларнинг ифлос башарасини очиб ташлашга уринади”<sup>345</sup>.

Аслини олганда кўконлик шоир Завкий томонидан ёзилган бу шеър Мулла Эргаш кўрбошнинг Туркистон Мухторияти ҳукуматида Мирн асос – Бош кўмондон қилиб тайинланишига бағишланган таърихдир. Афсуски, совет даврида чоп этилган Завкийнинг “Танланган асарлар” китобида мазкур таърихнинг асосий маъносини ифодаловчи ҳамда шоир таҳаллуси зикр этилган охириги байти атайлаб тушириб қолдирилган эди. Ўзбекистонда нафакат адабиётшунос олимлар, балки тарихчи олимлар, жумладан, профессор М.Ғ.Ваҳобов ҳам бу шеърга атайлаб снесьий тус берган ҳолатда совет даврида шеърни бузиб талқин этиб, ундан большевикларни улуғлаш ва мухторият ҳукуматини қоралаш, Мулла Эргаш кўрбошнинг бадном қилиш мақсадида фойдаландилар. Хорижда нашр этилган Шаҳобиддин Яссавийнинг “Туркистон аччиқ ҳақиқатлари”<sup>346</sup> китобида эса шеърнинг асл матни тўлиқ ҳолатда ўзгартirilмаган шаклда берилган.

Мазкур шеърнинг охириги минсрасидаги “Бу ўғри эмас” жумласи моддан таърих бўлиб, ундан абжад ҳисобида 1336 санаси келиб чиқади. Бу милодий ҳисобда 1918 йилга тўғри келади.

Шоир Завкий ижодидаги асосий ғоя бўлган ҳажв ва сатира тиғи 1918 йилдан бошлаб большевистик мафкура таъсирида мустақиллик учун курашаётган мухториятчилар ва кўрбошиларга қарши қаратилганлиги ҳам бор гап. Бу ҳолат, хусусан, шоирнинг “Қиссан

<sup>345</sup> Раizzoков А. Завкий. – Тошкент. 1955. – Б. 79.

<sup>346</sup> Шаҳобиддин Яссавий *Исмоилшаих ўғли*. Turkiston achchiq haqiqatlari. 2-Baski (ўзбек тилида араб имлоси билан). – Istanbul. 1984. – Б. 118.

Фаргона” мухаммаснда якқол кўринади. Мухаммас асл матни бизнинг ихтиёримизда мавжуд эмас. Бу мухаммас совет ва мустақиллик йилларида Завқийнинг кўплаб тўпламларида турлича шаклда бир неча марта эълон қилинди<sup>347</sup>.

\*\*\*

Шундай қилиб, Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирларининг тақдирини ана шундай фожиага тараққий қилди. Мухторият ҳукуматининг биринчи таркибида 8 нафар вазир бўлган, кейинчалик яна улар сафига 7-8 нафар киши вазир сифатида келиб қўшилди. Ҳукуматнинг иккинчи таркиби 12 нафар кишидан иборат эди. Мухторият ҳукумати таркибида туб аҳоли (ўзбеклар ва қозоқлар)дан ташқари 4 нафар бухоро яҳудийлари ва 2 нафар татарлар ҳам бўлган. Шу жиҳатдан олганда Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарларининг диний ва миллатлараро муносабатларда нақадар бағри кенглиги, сабр-тоқати, толерантлиги ва тотувлиги якқол кўринади. Бироқ туркистонликлар, хусусан, кўзонликлар ва фарғоналиклар 1918 йил февраль ойи охирида ўлка тарихидаги дастлабки демократик ҳукуматни большевиклар зўравонлигидан асраб қола олмади.

Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил топиб, фаолият кўрсатгандан сўнг роппа-роса 100 йилдан ортиқ вақт ўтса ҳам ҳозиргача биз ҳукумат аъзолари фаолияти ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эдик. Мазкур тадқиқот тарихимиздаги бу кемтиклик ва бўшлиқни тўлдирди деган умиддамиз.


<sup>347</sup> Завқий ижодидаги тадрижий ўзгаришлар таҳлилини келгусида адабиётшунос олим дўстимиз Эргаш Очилов ихтиёрига ҳавола қилган ҳолатда шоирнинг «Қиссаи Фаргона» мухаммасини мазкур китоб шивасида келтириб ўтишни лозим топдик. Мухаммас матнини бизга тақдим этган Э.Очиловга ўз миннатдорчилигимизни билидирамиз.

### 3.2. Туркистон Миллий Мажлиси аъзолари фаолияти

Аввал ҳам кайд эгиб ўтилганидек, Туркистон Миллий Мажлиси ёки Халқ Мажлиси аъзолари 54 кишидан иборат бўлиши Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулодда IV курултойида тасдиқланган эди. Бирок курултойда Туркистон тараққийпарварларидан 32 нафар киши Миллий Мажлис аъзолигига сайланди. Бу ҳақда Тошкентда чиқаётган “Улуғ Туркистон” (1917 йил 8 декабрь) ва Қўқонда нашр қилинаётган “Эл байроғи” (1917 йил 9 декабрь) газеталарида ўз пайтида маълумот берилиб, ўша 32 нафар мажлис (парламент) аъзосининг исм-шарифлари келтириб ўтилади<sup>348</sup>.

Нафақат ўзбек халқи ўтмишида ўтган, балки бутун Туркистон минтақасининг илк парламенти – Миллий Мажлис таркиби ва унга аъзо бўлган инсонлар шахсияти, уларнинг мақсад ва интилишлари, мафкура ва ғояси, кураш аъмоли ва орзу-армонлари, ғалаба ва мағлубиятлари, қисқаси, Туркистон тараққийпарварлари ва жадидларининг яхлит сиймоси ҳақида биз тарихчилар сўнгги 30 йилда ҳам сукут сақлашдан нарига ўтмадик. Мухторият ҳукумати ҳақидаги бир хил қисқа маълумотлар эса китоблардан китобларга, тарихий адабиётлардан дарслик ва ўқув қўлланмаларга ўзгартиришсиз ҳолатда кўчиб турди. Ҳолбуки, нафақат Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзолари, балки Миллий Мажлис таркибига киритилган ҳар бир шахсият ҳақида биз алоҳида китоблар яратишимиз, тарихий тадқиқотлар олиб боришимиз, диссертациялар ҳинмоя қилишимиз, улар ҳақида бадний фильмлар суратга олишимиз, роман ва қиссалар ёзишимиз керак эди.

<sup>348</sup> Мазкур монографиянинг 100-101-бетларида муборак номлари тилга олинган Миллий Мажлис аъзолари рўйхати ҳам ўша иккала газетадаги материаллар асосида келтирилган.



Туркистон Мухтория хамати аъзолари оммавий митингда

Рўйхатдан кўриниб турибдики, 32 нафар Миллий Мажлис аъзоларидан дастлаб 8 нафар киши Туркистон Мухторияти ҳукуматининг биринчи таркибига 1917 йил ноябрь ойининг охирида киритилди. Улар Муҳаммаджон Тинишбоев (Бош вазир ва ички ишлар вазир), Убайдулла Хўжаев (харбий ишлар вазир), Мустафо Чўкай (ташки ишлар вазир), Ислом Султон Шоахмедов (Бош вазир ўринбосари), Абдурахмонбек Ўразаев (ички ишлар вазирининг ўринбосари), Ҳидоятбек Юрали Агаев (ер ва сув бойликлари вазир), Обиджон Маҳмудов (озиқ-овқат вазир), Соломон Абрамович Герцфельд (молия вазир) каби инсонлар бўлган.

1917 йил декабрь ойи ўрталарида Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибидеда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Аввал ҳам қайд этилганидек, М.Тинишбоев ўрнига Мустафо Чўкай Бош вазир бўлди. Миллий Мажлис аъзоларидан Саидносир Миржалилов ҳукумат ўзбекини лавозимини эгаллади. Бош вазир ўринбосари бўлган И.С. Шоахмедов ҳукуматининг иккинчи таркибидеда молия вазир, Убайдулла Хўжаев халқ милицияси раҳбари ва жамоат хавфсизлиги вазир бўлди. Носирхон Тўра маориф вазир лавозимини эгаллади. Вазир ўринбосари бўлган Абдурахмонбек Ўразаев ички ишлар вазир лавозимига М.Тинишбоев ўрнига тайинланди. Ҳукуматининг иккинчи таркиби 12 нафар вазирлардан иборат бўлган. Обиджон Маҳмудов юстиция вазир лавозимига тайинланди. Бундан ташқари Миллий Мажлис аъзоларидан Миродил Мирзаахмедов ҳам вазир бўлган. Хуллас, Миллий Мажлис аъзоларидан жами 11 нафар киши ҳукуматда вазир лавозимларини эгаллашди.

Шу нарса характерли ҳолики, Туркистон Миллий Мажлисининг 32 нафар аъзоси асосан маҳаллий халқлар, яъни ўзбеклар ва козокларга мансуб бўлган мусулмон-

лардан иборат эди. Улардан бир нафарин – Соломон Герцфельд молния вазирлигини ваколатини топширган бўлишига карамасдан биз юқорида кўрсатиб ўтган Рафаэль Потеляхов, ака-ука Якуб Вадьяев ва Сион Вадьяевлар, Абрам Давидов каби 4 нафар бухоро яҳудийлари, 1 нафар татар (Магди Чанишев) вазир сифатида ҳукумат аъзолари бўлишган. Асосан 1918 йил февраль ойи ўрталаригача фаолият кўрсатган ҳукуматнинг иккинчи таркибиди этник омил ва вазирларнинг моддий аҳволи муҳим роль ўйнаб, бадавлат ва қўли узун бўлган бухоро яҳудийлари салмоғи юқори эди. Энг кизиги ҳукуматнинг янги вазирлари Туркистон Миллий Мажлисининг аъзоси бўлганликлари ҳақидаги маълумотлар ҳозиргача тадқиқотчилар ихтиёрида мавжуд эмас.

Туркистон Миллий Мажлиси (дастлабки парламент) раиси IV қурултойда тайинланмай қолган. Бу лавозимга уламолар томонидан тавсия этилган Шерали Лапин (этник козок) раис бўлишга розилик бермади. Кейинчалик Ш. Лапин большевиклар томонига ўтиб кетди. Айрим тадқиқотларда кўрсатиллишича, 1917 йил декабрда Миллий Мажлис раиси лавозимини тошкентлик йприк уламо – Садриддинхон муфтий Шарифхўжа Қози ўғли (Садриддинхон Шарифхўжаев) бажаришга киришган. С.Шарифхўжаевнинг исм-шарифи Миллий Мажлис аъзолари рўйхатида Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўкай, Тошпўлатбек Норбўтабековдан кейин тўртинчи ўринда турибди. Бу рўйхатда Шерали Лапин саккизинчи ўринда жойлашган. Рўйхатда Маҳмудхўжа Бехбудий 24-ўринда, Бош вазир лавозимига сайланган Муҳаммаджон Тинишбоев 26-ўринда турибди...

Тарих синоатлари кўп...

1918 йил январь-февраль ойларида Мустафо Чўкайдан ташқари Туркистон Мухторияти ҳукуматининг асосий



ўзаги бўлган кўплаб вазирлар Кўкон шаҳрида бўлмаган. Бунинг сабаблари тўғрисида биз фақат Мустафо Чўқайнинг хотираларидагина жавоб топа оламиз. Бундан ташқари мухторият ҳукуматининг сўнгги кунларида Мустафо Чўқайнинг ўзи ҳам Кўкон шаҳрини шошилинч тарк этди. Бу пайтда Кўкон шаҳар мишраблари бошлиғи, яъни қўрбошиси бўлган Кичик Эргаш бир неча кун мобайнида мухторият ҳукумати ҳамда унинг ҳарбий кучларига раҳбарлик қилди.

Большевиклар томонидан қўлга олинган айрим вазирларнинг ўлдирлиши, жангларда ҳалок бўлиши, камокка олинган айрим вазирларнинг 1918 йил май ойида совет ҳокимияти томонидан авф этилиши, бироқ бухоро яҳудийларига мансуб кўплаб вазирларнинг ўша конли воқеалар гирдобидан ҳам омон қолиб, кейинчалик совет ҳокимияти ва большевикларнинг рухсати билан Европа давлатларига жўнаб кетиб, яна ўн йиллар давомида ҳашамат ва бойлик ичиде дабдабали умр кечирishi сирли синоатларга тўла жумбоқли тарихий воқеалардан ҳисобланади...

Бундан ташқари Туркистон Миллий Мажлиси аъзоси бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий (у Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиси эди!) IV курултойдан кейин мухториятчилик ҳаракатида умуман қатнашмайди. Тошкент жадидларининг отаси ҳисобланган Мунаввар Қори Абдурашидхонов 1917 йили мухториятчилик ҳаракатининг энг фаол намояндаси бўлишига қарамадан у на ҳукумат таркибига киритилди, на Миллий Мажлис аъзолигига сайланди. Бу пайтда тараққийпарварлик ҳаракатининг энг забардаст сиймоси бўлган Фитрат ҳам Миллий Мажлис таркибига киритилмайди. Бу ҳолатлар мухторият тарихининг энг зиддиятли жумбоқлари эмасми?!

Миллий Мажлис аъзоларининг аксарияти кейинчалик большевиклар томонидан отиб ташланган бўлишга қарамадан уларнинг айримлари жосуслик ва хонлик қилганлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир. Бухоро ва Хоразм давлатларининг бирорта ҳам вакили эса Миллий Мажлисга киритилмаган.

Туркистон Миллий Мажлиси аъзолари бўлган (ҳукумат таркибига кирмаган) тарихий шахслар ҳақида қуйида кинсқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

**1.Убайдулла Хўжаев** – Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ҳарбий вазир. Миллий Мажлис аъзоси.

**2.Мустафо Чўқай** – Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Бош вазир ва ташқи ишлар вазир. Миллий Мажлис аъзоси.

### **3.Тошпўлатбек Норбўтабеков**

*Тошпўлатбек Норбўтабеков* (1898–1935) – сиёсат ва жамоат арбоби. Туркистон Мухторияти ҳукумати Миллий Мажлиси аъзоси. Туркистондаги миллий коммунистларнинг таниқли намояндаси.

Тошкент шаҳрида уламо оиласида туғилган. Мадраса таълиминин олгач, аввал рус-тузем мактабларида, сўнгра Россия марказидаги олий ўқув юртида ўқиган. У Тошкентдаги тараккийпарварлар ҳаракатида фаол қатнашган. Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Бутун-туркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойида у Туркистон Миллий Мажлиси аъзолигига сайланган.

Туркистон Мухторияти ҳукумати тугатилгач, Т.Норбўтабеков совет ҳокимияти идораларида турли лавозимларда фаолият кўрсатган. 1920 йил 1-8 сентябрда Боку шаҳрида ўтказилган Шарқ халқлари қурултойида Турор Рисулов, Мунаввар Қори, Чўлпон, Салимхон Тиллахонов, Ражаб Мухамедов, Қудратилла Юнусий, Обиджон

Махмудов, Тўракул Жонузоқов, Зайниддин Қорн Насриддинов, Хожн Сафо Жўрабоев сингарн туркистонлик миллат фидойилари қаторида Тошпўлатбек Норбўтабеков ҳам фаол қатнашган.

*Тошпўлатбек Норбўтабеков* курултойда сермазмун нутқ сўзлайди. У совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатини ўз нутқида қуйндагича фoш қилди: *“Биз озодлик тинчлик ва биродарлик ширларни фақат қоғозда эмас, балки ҳаётда ҳам амалга ошишини талаб қиламиз... Муслмон дунёсининг бошқа қисмларида Туркистонда бўлган ҳодисалар қайтарилмаслиги учун мен ўзимизнинг ҳокимиятини огоҳлантириб қўймоқчиман. Биз уч йил ичида олиб борган сиёсатни, ундаги хатоликларни биламиз ва шундай деймиз: “Ўз ичларингиздаги аксиликчилобчиларни йўқ қилинг, миллий келишимовчилик уругини сочаётган келгинди унсурларни йўқ қилинг, коммунизм ниқоби остида ишлаётган замонавий мустамлакачиларни йўқ қилинг”<sup>349</sup>.*

Т. Норбўтабеков бутун умри давомида совет режими томонидан таъкиб ва тазйиқ остида яшашга мажбур бўлди. У оммавий катагонлар авж олган ХХ аср 30-йиллари ўрталарида Ўзбекистон ССР НКВД томонидан қамокқа олинди, 1935 йили отиб ташланди.

Тошпўлатбек Норбўтабеков ҳақидаги тергов маълумотлари ҳозиргача Ўзбекистонда тадқиқотчилар ихтиёрига берилмаган. Шунинг учун унинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар илмий жамоатчиликка маълум эмас.

---

<sup>349</sup> Первый съезд народов Востока. Баку. 1-8 сентября 1920 г. Стенографический отчет – Петроград: Изд. Коминтерна, 1920. – С. 87-89.

## 4. Садриддинхон Шарифхўжаев

*Садриддинхон муфтий,*  
*Садриддинхон Шарифхўжаев*  
 (1878, Тошкент – 1946, Қандаҳор) – Туркистон мустақиллиги учун курашган йирик давлат ва жамоат арбоби, машхур уламолардан. Туркистон Миллий мажлиси аъзоси.



*Садриддинхон  
 Шарифхўжаев*

Тошкент шаҳрида Шарифхўжа Қози хонадонида туғилган. Унинг отаси XIX аср иккинчи ярмида Тошкентнинг кўзга кўринган дин пешволаридан бўлган. Садриддинхон дастлаб Тошкентдаги рус-тузем мактабида ўқиган. У ёшлигида мукамал диний тарбия олган. Бухородаги машхур Мир Араб мадрасасини тугатган. Муфтий унвони билан Тошкент эски шаҳаридаги козихонада ишлаган ҳамда Кўкалдош мадрасасида мударрислик ҳам қилган.

Садриддинхон муфтий 1917 йили Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фоал қатнашган. “Шўрон Исломи” жамиятининг раҳбарларидан бири бўлган. Тошкентда “Турк Адами Марказият (Федералистлар) фиркаси” (1917 йил июль)нинг ташкил топишида, ушбу фирка дастури ва низомини тайёрлашда фоал иштирок этган. 1917 йил августда “Фуқаҳо” жамиятини тузиб, унга раислик қилган<sup>350</sup>.

<sup>350</sup> [Ражабов Қ.] Садриддинхон муфтий // Тошкент. Энциклопедия. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2009. – Б. 467.

Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинган, Туркистон Миллий Мажлиси аъзолигига сайланган. Айрим маълумотларга қараганда, Садрриддинхон Шарифхўжаев минтақа тарихидаги дастлабки демократик ҳукуматнинг парламенти – Миллий Мажлис фаолиятига 1917 йил декабрдан раҳбарлик қилган.

Мухторият ҳукумати ағдарилгач ҳамда минтақада совет тузуми қарор топгач, у яширин ишлашга ўтади. Мунаввар Қорн билан биргаликда Тошкентда “Иттиҳод ва тараққий” (1917 - 1919) ва “Миллий иттиҳод” (1919-1925) ташкилотларини тузади. 1918 йилда чекистлар томонидан қамокка олинган, дастлаб амнистия туфайли қамокдан чиқарилган. 1921 йили иккинчи март қамокка олинганда соқчининг кўзини шамгалат қилиб, қамокхонадан дўстлари ёрдамида қочади. Бухорода 1921 йил августда Аҳмад Заки Валидий раҳбарлигида ташкил қилинган “Туркистон Миллий Бирлиги” ташкилотининг Тошкент кўмитаси раиси (1921 йилдан). Айни пайтда 1921 йил март ойингача Туркистон АССРдаги турли совет суд идораларида ҳам ишлаган. Боқуда 1920 йил сентябрда бўлиб ўтган Шарқ халқлари қурултойида Туркистон делегацияси аъзолари қаторида қатнашган<sup>351</sup>.

“Туркистон Миллий Бирлиги” ташкилотининг қарорига кўра Фарғона водийсидаги кўрбошилар орасига юборилган Садрриддинхон Махсум Ашт туманидаги Раҳмонкул кўрбоши гуруҳининг сиёсий раҳнамоси сифатида кўзғолончилар ўртасида мустақилликка ишонч руҳини кўтарган, кўрбошиларни Туркистондаги мавжуд сиёсий аҳвол билан таништирган<sup>352</sup>. Хуллас, у Фарғона

<sup>351</sup> Ражабов Қ.Қ. Туркистон минтақасида совет режимида қарши қурулти ҳаракат (1918-1924 й.). Тарих фанлари доктори... диссертацияси кўлөзмаси. – Тошкент. 2005. – Б. 238.

<sup>352</sup> Фарғона вилояти давлат архиви. 435-фонд. 1-рўйхат, 209- иш, 2-варақиниң орақси.

водийси кўрбошларни ўртасида жуда катта ғоявий ва сиёсий ишларни олиб борган.

Садриддинхон 1923 йил июль ойида Туркиядан Бухоро ҳудудига келган Салим Пошо билан биргаликда Афғонистонга мухожир бўлиб жўнаб кетишга мажбур бўлади. Совет ҳокимияти томонидан Афғонистонга юборилган турли жосуслар С.Шарифхўжаев фаолияти ҳақида донимий равишда маълумотлар етказиб туришган. Садриддинхоннинг котиби асли жаззахлик совет чекисти Баҳром Иброҳимов (у ўзига Маҳмуд Ойқорли деб ном қўйиб олган эди) бўлиб, провардида у 1946 йилда Қандаҳор шаҳрида С.Шарифхўжаевни захарлаб ўлдирди.

Б.Иброҳимов кейинчалик Тошкентга қайтиб келиб, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида ишлайди. Чекист ва хотини Тошкентдаги Чигатой қабристонида дафн қилинган.

### 5. Қўнғирхўжа Ҳожинов (Қўнурхўжа Қожиков)

*Қўнурхўжа Қожиков* (1880-1938) – маърифатпарва ва жамоат арбоби. Туркистон Мухторияти Милли Мажлиси аъзоси.

Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилояти Перовск уездида уламо оиласида туғилган. Аждодлари хўжалардан бўлган.

Тошкентдаги Туркистон ўқитувчилар семинариясини тугатган. Баъзи фикрларга қараганда, у Перовск (ҳозирги Қизилўрда) ва Андижон шаҳарлари ҳамда Туркистон шаҳри яқинидаги Қарнок қишлоғида рус-тузем мактабларини очган. Қозоқ мактаблари учун биринчи дарслик – “Букварь” (русча) китобини Оренбургдаги Фотих Каримий типографиясида 1912 йили чоп эттирган.

Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсатиغا қарши курашган.



*Қўнғирхўжа Ҳожиев*

1917 йил 2-5 августда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон қозок-киргизлари съездида у президиумга сайланган ҳамда Сирдарё вилоятидан депутат бўлган. 1917 йил 26 ноябрда Қўкон шаҳрида очилган Бутунтуркистон муслмонлари факулудда IV курултойида у Қўнғирхўжа Ҳожиев номи остида Туркистон Миллий Мажлиси аъзолигига сайланган. 1918 йил 5-8 январда Туркистон шаҳрида бўлган Сирдарё вилояти қозоклари съездида ҳам фаол катнашган. 1918 йил ноябрда Тошкентда очилган биринчи киргиз (қозок) педагогика курсларида у Перовскдан келиб дарс ўтган. У кейинчалик Тошкентда очилган Қиргиз маориф институти (аслида Қозок халқ таълими институти) ташкил қилинишида муҳим роль ўйнаган<sup>353</sup>.

Туркистон АССР Ер-сув ишлари халқ комиссари ўринбосари сифатида 1921 йилдан бошлаб Еттисув вилоятида ўтказилган ер-сув ислохотига раҳбарлик қилган. Кейинчалик у Қозоғистон АССРда маориф соҳасида фаолият кўрсатган.

Қ.Ҳожиев 1938 йилда совет режими томонидан қатагон қилинган.

<sup>353</sup> Қарағ: *Лалин Ас. Қонурхўжа Ҳоджиев – яркий представитель Туркестанского жаддизма // Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли (Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 2017 йил 12 октябрь). – Тошкент: Тошкент ислом унверситети нашриёт-маъбаа бирлашмаси. 2017. – Б. 189-193.*

Алматида 2023 йили Қ.Қожиковнинг бир жиллик асарлар тўплами чоп этилди.

### 6. Исмадулла Убайдуллин

Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Исмадулла Убайдуллин ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган.

7. Сандносир Миржалолов – Туркистон Мухторияти ҳукумати газначиси. Миллий Мажлис аъзоси.

### 8. Шерали Лапин (Серали Лапин)

*Шерали Мунайтбасович Лапин, Серали Лапин* (1868-1919) – Туркистондаги жамоат ва сиёсат арбоби. “Шўрон Уламо” ташкилоти раҳбарларидан бири. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Шерали Лапин 1868 йил мартда Сирдарё вилояти Перовск уезида (аввалги Окмачит, ҳозирги кунда Қизилўрда яқинида) туғилган. Отасининг исми Мунайтбас Лапин, онасиники Бошай бўлган. Перовск шаҳар билим юрти, Тошкентдаги Туркистон ўқитувчилар семинарияси (1889), Санкт-Петербург университети юридик факультетини (1904) тугатган. Туркий тиллар ва рус тилини пухта билган.



*Шерали Лапин*

Самарканд вилоят судида 1892 йил 1 февралдан таржимон вазифасида иш бошлаган. 1893 йилдан у Самарканд вилояти ҳарбий губернаторлигида таржимон бўлиб ишлаган. Туркистон ўлкаси генерал-губерна-



тори ва Туркистон округи қўмондонни барон А.Б.Вревскийни Бухоро ва Каркига қилган сафарларида таржимонлик қилган. Самарқанд уезди Искандар волостиға ягноб тилини ўрганиш учун Самарқанд вилояти харбий губернатори томонидан 1897 йил июнь-июль ойларида командировка қилинган. Кейинчалик Фаргона, Сирдарё, Каспийорти вилоятларида ҳам хизмат сафарида бўлган.

1895 йил Самарқандда унинг иккита асари: “Русча-ўзбекча луғат” (4 000 сўз ва ўзбек тилининг қискача грамматикаси билан) ва “Самарқанд шаҳри тарихий ёдгорликларидаги ёзувларнинг таржимаси” (рус тилида) босилиб чиққан. Лапин Самарқанддаги Гўри Амр, Шоҳизинда мақбаралари, Бибиҳоним Жомеъ масжиди ва мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси, Шайбонийлар даҳмаси ва бошқа меъморий ёдгорликлардаги ёзувларни илк марта рус тилига таржима қилган. Марказий рус матбуотида туркий халқлар тарихи, дини ва маданияти тўғрисида илмий мақолалар чоп эттирган. Туркистонда жадид мактаблари очниш талаби билан чиққан<sup>354</sup>.

Ш.Лапин 1904 йили истеъфога чиққач, ҳуқуқшунослик қилган ва сиёсий фаолият билан шуғулланган. У 1908-1910 йилларда Санкт-Петербургда ўзининг хусусий адвокатура идорасини очган. Россиядаги 3-Давлат Думаси Мусулмонлар фракциясининг ташкилий бюросида ишлаган. 1910 йилда Туркистон ўлкасига қайтган.

Бутунроссия мусулмонлари IV съезди (Петербург, 1914 йил июль) фаол қатнашган. Февраль инқилобидан сўнг сиёсий фаолияти кучайган. 1917 йил мартда Оқмачиғ шаҳрида халқ вакиллари Шўроси ранси бўлган. 1917 йил июлда “Шўрон Исломия” жамияти иккига

---

<sup>354</sup> Ражабов К., Хайдаров М. Лапин Шерали // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриети. 2003. –Б.227.

ажралгач, у “Шўрон Уламо” ташкилотининг Тошкент шубасини бошқарган (1917-1918). Тошкентда ўтган Туркистон ишчи, солдат ва крестьян депутатлари III ўлка съезди (1917 йил 15-22 ноябрь) ҳамда Қўқонда бўлган Бутунтуркистон мусулмонлари фавкулудда IV курултойи (1917 йил 26-28 ноябрь) катнашчиси. Қурултойда у Туркистон Миллий Мажлиси таркибига киритилган ҳамда парламент раиси лавозимига мўлжалланган бўлса ҳам ўзи бунни рад этган.

Шерали Лапин 1917 йил ноябрда Тошкентда ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаган рус большевикларига яқинлаша бошлади. 1918 йил январдан у совет ҳокимияти ва большевиклар билан ҳамкорликни бошлади. Туркистон Мухторияти қонга ботирилгач, у бу ҳамкорликни тўхтатади. Ш.Лапин Германия бош консули ёрдамида турк фукаролигини қабул қилиб, Петроградга қайтади ҳамда Псков орқали 1918 йил 20 сентябрда Берлинга келади. Германияда оғир касал бўлиб қолиб, 1918 йил 17 декабрда Эдель институти шифохонасига ётқизилган.

Ш.Лапин 1919 йили Самарқандга қайтади ҳамда тез орада ноаниқ сабабларга кўра вафот этади. У Самарқанддаги Шохизинда қабристонига дафн қилинган.

Ш.Лапиннинг қизи: *Рабиға* (1893-1954) Тошкентда туғилган, у таниқли давлат арбоби *Санжарбек Асфандиёров* (1889-1938)нинг рафикаси ҳисобланади.

### 9. Саид Жаъфарбой Саидов

Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Саид Жаъфарбой Саидов ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган.

**10. Ислон Султон Шоахмедов** – Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазир ўринбосари; молия вазири. Миллий Мажлис аъзоси.

**11. Абдурахмонбек Ўразаев** – Туркистон Мухторияти ҳукумати ички ишлар вазирининг ўринбосари; ички ишлар вазирин. Миллий Мажлис аъзоси.

**12. Ҳидоятбек Юрали Агаев** – Туркистон Мухторияти ҳукумати ер ва сув бойликларини вазирин. Миллий Мажлис аъзоси.

**13. Носирхон Тўра [Носирхонтўра Камолхонтўраев]** – Туркистон Мухторияти ҳукумати маориф вазирин. Миллий Мажлис аъзоси.

**14. Миродил Мирзааҳмедов** – Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирин. Миллий Мажлис аъзоси.

**15. Тошхўжа Ашурхўжаев**

*Тошхўжа Ашурхўжаев* (?-1918) – Туркистон Мухторияти Миллий Мажлисини аъзоси, снѐсат ва жамоат арбоби, Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан бири.

Хўжандда ўзбек дехқони онласида туғилган. Мусулмон ишчиларининг 1917 йили ташкил қилинган “Иттифок” ташкилотини фаол қатнашган. Бутунтуркистон мусулмонларининг 1917 йил ноябрда Қўқонда ўтказилган фавқулодда IV қурултойини Туркистон Миллий Мажлисини аъзолигига сайланади. Мухторият ҳукумати ағдарилгач, 1918 йил баҳоридан бошлаб совет ҳокимияти идораларини турли лавозимларда иш бошлайди. Бу пайтда у большевиклар партиясининг аъзоси эди.

1918 йил 20 апрель – 1 майда Тошкентда бўлган Туркистон ишчи, солдат, крестьян, мусулмон ва дехқон депутатларининг V ўлка съездини Тошхўжа Ашурхўжаев Туркистон АССР Миллий ишлар халқ комиссари (Нарком Туркнац) ҳамда Саъдуллахўжа Турсунхўжаев Соғлиқни сақлаш халқ комиссари (Нарком Туркздрав) лавозимига сайланди. Улар туб халқлар вакилларидан дастлабки комиссарлар сифатида Туркистондаги

совет хукумати таркибига киритилган миллий раҳбар ходимлар – миллий коммунистлар эди<sup>355</sup>.

1918 йил кузида Фарғона водийсига хизмат сафарига юборилган Т. Ашурхўжаев билан алоқалар узилди қолади. У 1918 йил ноябрда ҳалок бўлган, деган фикр ўша давр манбаларида учрайди. Т.Ашурхўжаевнинг хотини Турғунбиби Бойчабоеванинг 1919 йил 10 январда ёзган аризасига кўра, боқувчисини йўқотганлик учун унга совет давлати томонидан нафақа тайинланган.

### 16. Абдулқодир Қушбегиев [Абдулқодирбек Қўшбеков]

*Абдулқодир Қушбегиев* (1882-1937) – Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан бири. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Тошкент шаҳрида бадавлат мулкдор оиласида туғилган. Унинг отаси Мирза Аҳмад асли Андижон шаҳридан бўлиб, у Қўқон хони Худоёрхон томонидан Тошкентга юборилган ва қушбеги лавозимига тайинланган эди. Мирза Аҳмад Қушбегининг Тошкентда катта уй-жойи ва ери, кўп мулклари бўлиб, у 1889 йили бу ерда вафот этган. Отаси вафотидан сўнг 7 яшар Абдулқодир онаси билан Андижонга – амакиси Шермуҳаммад Алиқулов хонадонига кўчиб келишган.

Андижонда у рус-тузем мактаби ва гимназияда таҳсил олган. У андижонлик йирик сармоядор Миркомилбой Мирмўминбоев хизматига кириб, 1917 йил кузигача унинг пахта савдоси билан боғлиқ ишларини бошқарган. 1917 йил охирида Андижондан Тошкентга келиб, Туркистон тараккийпарварларига яқинлашади. Архив ҳужжатларида келтирилишича, у бундан олдин Андижонда ташкил этилган “Ёш тараккийпарварлар”

<sup>355</sup> *Ражабов Қ., Хайдаров М.* Туркистон тарихи (1917-1924 й.). – Тошкент: “Университет”, 2002. –Б.48.

(“Ёш сартлар”) ташкплоти фаолиятида ҳам иштирок қилган. “Турк Адами Марказияти фирқаси”ни тузишда фаол қатнашадн. “Шўрон Ислония” жамиятининг Анднжон шуъбаси аъзоси.

Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинган, Миллий Мажлис аъзоси сифатида фаолият кўрсатади. Кўкон фожналаридан кейин совет ҳокимияти томонига ўтиб, большевиклар партияси аъзоси бўлган. 1920 йил октябрда БХСР ташкил топган, маълум муддат Бухорода яшаган ва совет идораларида хизмат қилган. Махфий идоранинг архив ҳужжатларида келтирилишича, 1920 йил кузида Бухорода Ҳошим Шонқининг хонадо-нида бўлган кенгашда Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев, Абдулқодир Қушбегиев, Порсо Хўжаев, Абдулқодир Мухитдинов, Файзулла Хўжаев, Муинжон Аминов, Мухтор Саиджонов, Раҳмат Рафиқ, Аҳмаджон Абусаидов (Ҳамдий) ва бошқалар қатнашиб, Бухоро Республи-касида РСФСР таъсиринга қарши курашиш масалаларини муҳокама қилишган<sup>356</sup>.

А.Қушбегиев янги иқтисодий сиёсат даврида қорамол савдоси билан шуғулланиб, бойиб кетади. 1925 йилда у ОГПУ чекистлари томонидан қамоққа олиниб, 10 йилга концлагерга ҳукм қилинади. Жазони машъум Соловки оролларида ўтаб, 1930 йил июнда озодликка чиқади. 1932 йили Тошкентга қайтиб, Янгийўлдаги болалар уйи ўқитувчиси, сўнгра мудири вазифасида ишлайди. 1937 йил 9 августда А.Қушбегиев яна қамоққа олинди. 1937 йил 14 августда у ўлим жазосига ҳукм қилиниб, Тошкентда ўша йили 18 августда отиб ташланган.

<sup>356</sup> Қаранг ва таққосланг: Тарихнинг номаълум саҳифалари. Ҳужжат ва материаллар. Биринчи китоб. Масъул муҳаррир: Н.Каримов. –Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –Б.125; Тарих-нинг номаълум саҳифалари. Тўққизинчи китоб. Масъул муҳаррир: Б.Ҳасанов. –Тошкент: “Akademnash”, 2020. –Б.171-178.

Абдулқодир Қушбеғиев 1989 йил 15 сентябрда вафотидан сўнг реабилитация қилинган.

Баъзи архив ҳужжатларида келтирилишича, Абдулқодир Қушбеғиев 1906 йилда ташкил қилинган Туркистон район муҳофаза бўлими (чор оҳранкаси) нинг Андижондаги махфий агенти бўлган. У Андижонда фаолият кўрсатган “Ёш тараққийпарварлар” жамияти аъзолари ва жадидлар тўғрисида оҳранкага мунтазам равишда маълумотлар етказиб турган. Тарихдан маълумки, совет ҳокимияти ўрнатилгач, чор оҳранкасининг кўплаб агентлари ВЧК ва ГПУ органларига ишга қабул қилинган. А.Қушбеғиев ҳам 1918 йилдан бошлаб совет ҳокимиятининг махфий хизмат идораларини Туркистон ва Бухородаги миллий раҳбарлар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиб турган.

**17. Обиджон Маҳмудов** – Туркистон Мухторияти ҳукумати озик-овқат вазири; юстиция вазири. Миллий Мажлис аъзоси.

**18. Жамшидбой Қорабеков**

Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Жамшидбой Қорабеков ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган.

**19. Соломон Абрамович Герцифельд** – Туркистон Мухторияти ҳукумати молия вазири. Миллий Мажлис аъзоси.

**20. Абдусамад Абдусалимов**

Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Абдусамад Абдусалимов ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган.

**21. Убайдулла Дербисалин [Абдулла Дербисалин]**

*Абдулла Дербисалин* (1888-1942) – Туркистон АССР-даги миллий коммунистлардан. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

1888 йилда Еттисув вилоятида (Қозоғистоннинг

ҳозирги Қўстанай вилояти Қорабулоқ районида) тугилган.

1917 йили Туркистондаги снѐсий жараѐнларда қатнашган. Қозоқ овулларида дастлаб мухторпятчилик гоёларини тарғиб этган. Бутунтуркистон мусулмонлари фавқулодда IV қурултойида қатнашиб, Туркистон Миллий Мажлиси аъзолигига сайланган.

Мухторият ҳукумати ағдарилгач, совет ҳокимияти томонига ўтган. Турор Рисқулов раҳбарлигида 1919 йил март ойида Тошкентда Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси (Мусбюро) ташкил қилинган, РКП(б) ўлка Мусулмонлар бюросининг Еттисув (Семиречье) вилояти раҳбари (1919 йил октябр яри – 1920 йил апрель)<sup>357</sup>.

Кейинчалик Жанубий Қозоғистон вилоятининг Ленин районидаги ёғ заводида бухгалтер бўлиб ишлаган. 1941 йил 4 июлда НКВД Ленин райони бўлими томонидан қамоққа олиниб, унга РСФСР Жиноят кодексининг 58-10 моддасидаги айблар қўйилган. 1941 йил 27 сентябрда меҳнат ахлоқ тузатиш лагерига 7 йил муддатга ҳукм қилинган. Қамоқдан қайтмаган.

Абдулла Дербисалин Қозоғистон ССР Олий суди Президиуми томонидан вафотидан сўнг 1989 йил 1 декабрда реабилитация қилинган.

## 22. Муса Акчурин

Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Муса Акчуриннинг миллати татар бўлиб, у Туркистонга келиб қолган. 1917 йили Самарқандда ташкил қилинган мусулмонларнинг “Иттифоқ” жамияти аъзоси. Самарқанд шаҳар бошқармаси аъзоси. 1917 йил декабрда Қўқонда бўлган Туркистон ҳарбий мусулмон-

---

<sup>357</sup> Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. Том II. – Алма-Ата: “Нұрқа”, 1964. Сентябрь 1919 г. – декабрь 1920 г. – С.349, 692.

лари съездида Тошкент марказий харбний шўроси аъзолигига сайланди.

М.Ақчурин ҳақида бошқа маълумотлар сақланиб қолмаган.

### 23. Мустафо Мансуров

Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Мустафо Мансуров ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган.

### 24. Маҳмудхўжа Бехбудий

*Маҳмудхўжа Бехбудий* (1874-1919) – Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиси. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси. Снёсат ва жамоат арбоби. Муфтний, драматург, публицист ва шоир.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1874 йил 30 январда Самарқанд шаҳрининг Ёмина маҳалласида таваллуд топган. Амир Шохмурод даврида унинг аждодлари Бухорога таклиф қилинган ва улар Самарқандда қолиб кетишган. Аҳмад Яссавий авлодидан. Отаси Султонхўжа Бехбудий маҳалла масжидида



*Маҳмудхўжа Бехбудий*

имом-хатиб бўлиб ишлаган, қори ҳам бўлган. Она томондан аждодлари Урганчдан бу ерга келиб қолган эди. Маҳмудхўжа Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олгач, Чашмаиоб волостида қозилик қилаётган тоғаси Мухаммад Сиддик қўл остида ўзининг меҳнат фаолиятини бошлайди. Мирза ва қозилик билан шуғулланади, сўнгра Жомбойда муфтилик қилган.



М.Бехбудий 1893 йилда уйланиб, 4 нафар ўғил ва 1 нафар қиз кўрган. Унинг Кабут волостида 10 десятина ери бўлган<sup>358</sup>. Бехбудий ўзига тўқ ва бадавлат киши эди.

Бехбудий Макка ва Мадинада муборак Ҳаж сафарига бўлган чоғида Ҳижоз, Миср, Усмонли турк султонлигини кезиб чиққан (1899-1900). У 1914 йили иккинчи марта Ҳаж сафарига бўлди. Одесса, Истанбул, Қуддус, Шом ва бошқа шаҳарларда туриб, ўз саёхати хотираларини Самарқандда ташкил қилган “Ойина” журнали тахририятига жўнатиб турган. Бу сафарлар Бехбудий дунёкарашига кучли таъсир қилган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон минтақасида вужудга келган жадидчилик ҳаракатига Маҳмудхўжа Бехбудий асос солди. У Самарқандда дастлабки янги усул (жадид) мактаблари очилишига раҳбарлик қилди, бу мактаблар учун турли дарсликлар ёзди. Дастлабки ўзбек драмаси – “Падаркуш”ни 1911 йилда ёзиб, уни Самарқандда илк марта 1914 йил 25 январда сахнага қўйдирди. Бехбудий 1913 йилдан Самарқандда ўзбек ва тожик тилларида “Самарқанд” газетасини чиқарди, ўзбекча “Ойина” журналига асос солди.

Бехбудий Россия империясида яшовчи мусулмонлар ва туркий халқлар манфаати учун изчил курашди. Нижний Новгородда 1906 йили ўтказилган Россия мусулмонлари съездида қатнашди. Февраль инқилобидан сўнг Туркистонда бошланган мухториятчилик ҳаракатининг пешқадам раҳбарларидан бирига айланди. 1917 йили ўтказилган Бутунтуркистон мусулмонларининг барча қурултойларида фаол қатнашди. Уламолар билан қаттиқ баҳсга киришиб, жадид тараққийпарварлари манфаатини ҳимоя қилди. 1917 йили Самарқандда Фитрат ва бошқалар билан биргаликда “Хуррият” газе-

<sup>358</sup> Ўзбекистон миллий архиви. П-461-фонд. 1-рўйхат. 1312-иш. 665-варақ.

тасига асос солди. “Ҳақ олинур, берилмас” (“Хуррият” газетаси, 1917 йил 13 июль) мақоласида мустақилликни фақат қурол олиб қўлга киритиш мумкинлигини таъкидлади.

Қўкон шаҳрида 1917 йил ноябрда бўлиб ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойида фаол қатнашди. Қурултойда у Туркистон Миллий Мажлиси аъзоси қилиб сайланди, бироқ ҳукумат таркибига киритилмади. Бехбудий “Туркистон Мухторияти” номли мақола ёзиб, уни “Хуррият” газетасида 1917 йил 19 ва 22 декабрда эълон қилди<sup>359</sup>.

Бехбудий “Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат” (“Хуррият” газетаси, 1918 йил 26 январь) номли мақоласида турли ихтилофлар қилаётган қозоқ биродарларимизни бирликка чақиради. Бироқ Бехбудийнинг бундай кескин, аммо адолатли эътирозлари 1917-1918 йиллардаги инқилобий тўс-тўполонлар жараёнида инobatга олинмади.

Бехбудийнинг ўзи ҳам 1918 йил баҳоридан бошлаб совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қила бошлади. У 1918-1919 йилларда Самарқанд шаҳар маориф халқ комиссари вазифасида ишлади, очарчиликка қарши кураш комитетида фаолият кўрсатди.

1919 йил 25 мартда учинчи марта Ҳаж сафарига бориш баҳонаси билан Тошкент ва Самарқанддан йўлга чиққан Бехбудий ҳамда шериклари Муҳаммадқул ва Мардонқул Бухоро амирлиги ҳудудида, яъни Шаҳрисабзда қўлга олиниб, кейинчалик Қарши шаҳрида махфий равишда ўлдирилди. Бехбудийнинг ҳақиқий котиллари ким бўлганлиги (Бухоро амири ёки Туркистондаги совет

<sup>359</sup> Қараг: *Маҳмудхўжа Бехбудий*. Танланган асарлар. Икки жилдлик. I жилд. Сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи: Сирожддин Аҳмад. –Тошкент: “Akademnashr”, 2018. –Б 493-497.

хокимияти раҳбарлари) ҳозиргача ойдинлаштирилмаган...

Тошкентда 1997 ва 1999 йилларда Бехбудийнинг бир жилдик, 2018 йилда икки жилдик “Танланган асарлар” китоби босилиб чиққан.

Миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга бекиёс хисса қўшгани учун Абдулла Авлоний, Маҳмуд-хўжа Бехбудий ва Мунаввар Қорн Абдурашидхонов вафотидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди (2020 йил 30 сентябрь).

#### **25. Иброҳим Далшин [Давлатшин]**

*Иброҳим Далшин* – Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан бири. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Еттисув вилоятида фаолият кўрсатган. 1917 йил 15 ноябрда Тошкентда ўтказилган “Уламо” жамияти курултойида гоаявий сабаблар туфайли Еттисувдан келган Иброҳим Давлатшин бу анжуманда қатнашмайдди.

Иброҳим Далшин ҳақида бошқа маълумотлар сақланиб қолмаган.

**26. Муҳаммаджон Тинишбоев** – Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазир ва ички ишлар вазир. Миллий Мажлис аъзоси.

#### **27. Халил Ширинский**

Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Халил Ширинский ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган.

#### **28. Толибжон Мусабоев**

*Толибжон Мусабоев* (1885 – 1931) — Туркистон Мухториятининг Миллий Мажлиси аъзоси (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль). Туркистон тараққийпарварларидан бири.

Тошкент шаҳрида тугилган. Эски усулдаги мактаб ва мадрасада ўқиган. 1914 йилдан бошлаб тараккий-парварлик ҳаракатида фаол қатнашади. “Садоий Туркистон” газетасини моддий жиҳатдан қувватлаган. “Турон” жамияти, Турк Адами Марказият фиркаси аъзоси. 1917 йил ноябрда Тошкентдан Қўқонга бориб, Туркистон Мухторияти ҳукуматини тузишда фаоллик кўрсатган.

Мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, маълум муддат ижтимоий фаолият билан шуғулланмайди. Сўнгра совет ҳокимияти маориф тизимида ишлайди. “Миллий Иттиҳод” ташкилотиди фаолият кўрсатади. Тошкент Эски шаҳар халқ маорифи бўлими ходими (1921 – 1922), нашриётда ходим (1923 – 1925), “Қизил Ўзбекистон” газетасида нашри тарқатувчи (1928 – 1929).

1929 йил 6 ноябрда Мунавварқори Абдурашидхонов ва Салимхон Тиллахонов ишлари бўйича, “Миллий Иттиҳод” ташкилотининг аъзоси сифатида совет режими томонидан қамокқа олинган ҳамда 1930 йили Тошкентдан Москвага олиб кетилган. 1931 йил 23 апрелда Москвада бўлиб ўтган ёпиқ суд мажлиси қарори билан Толибжон Мусабоев, Мунавварқори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар (жами 15 киши) отиб ўлдирилди (қаранг: Қ.Ражабов. Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917 – 1991 й.). 119-бет).

## 29. Камол Раҳмонбердиев [Камол Қози]

*Камол Қози* (1885-1937) – Туркистондаги таникли уламо. Тошкентда тузилган Туркистон мусулмонларининг “Маҳкамаи шаръи” идораси раиси. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Қамолиддин Раҳмонберди ўғли Тошкентда уламо оиласида туғилган. Бошқа бир архив ҳужжатларида у қўқонлик рухоний деб бир неча марта тилга олинади<sup>360</sup>. Тошкент ва Қўқонда унинг нуфузи баланд бўлган. У йирик уламо сифатида Қўқон ва Тошкентдан ташқари бутун Фарғона водийсида катта шуҳрат қозонган эди.

1917 йил ноябрда Қамол Раҳмонбердиев (Қамол Қози) Туркистон Миллий Мажлиси аъзолигига сайланади. Мухторият ҳукумати тугатилгач, у Қўқондан Тошкентга келади ҳамда тоат-иbodат ва масжидда имомлик билан шуғулланади. Тошкент ва Фарғона водийсидаги кўплаб масжидларда чекистлар томонидан қамокқа олингунга қадар хизмат қилган.

Ўзбекистон ССР НКВД томонидан 1936 йил 22 февралда Тошкентда таниқли ўзбек уламолари каторида Қамол Қози [Қамолиддин Раҳмонбердиев] ва ўлка мусулмонлари бошқармаси [“Маҳкамаи шаръия”]нинг собиқ раиси Заҳриддин Аълам [Заҳриддин Аълам Қосим Хўжаев] ва бошқалар қамокқа олиниб, уларга “аксил-инқилобий панисломистик мусулмон рухонийлари гуруҳини тузганлик, аҳолини газовотга чорлаб, фаол аксилсовет фаолият кўрсатганлик ва антисовет – террористик ҳужжатларни тарқатганлик” каби сохта айблар қўйилди. Мазкур “Мусулмон рухонийлари” (Мусдуховенство) иши билан совет режими Ўзбекистонда уламо-ларга нисбатан оммавий қатағон сиёсатини яна қайтадан бошлади.

Ўзбекистон ССР Олий суди махсус коллегиясининг 1936 йил 31 май – 3 июнда бўлган суд мажлисида Заҳриддин Аълам ва Тарпи 8 йил, Абдусайд Шаҳидов 6 йил, Шорасул Зуннунов 4 йил ва Қамол Қози 3

<sup>360</sup> Ўзбекистон виждий хавфсизлик хизмати архиви, П-24082, 6 жылдик. Том 6. 49-варак.

йил муддатга меҳнат тузатиш лагерига жазога ҳукм қилинган. Бироқ кейинчалик камокдан фақат Ш.Зунунов Тошкентга қайтиб келади<sup>361</sup>.

Камол Қозининг тўлиқ таржимаи ҳоли кейинги тадқиқотларда тикланади деган умиддамиз.

### 30. Олимхонтўра Шокирхонтўраев



Олимхонтўра  
Шокирхонтўраев

*Олимхонтўра Шокирхонтўра ўғли, Олимхонтўра Шокирхонтўраев (1882-1966)* – таниқли уламо, давлат ва жамоат арбоби. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси. Қирғизистон қозиси (1943-1966). Туркистондаги машхур уламо, харбий саркарда ва давлат арбоби *Алихонтўра Соғуний* (1885–1976)нинг акаси.

Қадимий Боласоғу (ҳозирги Тўқмоқ) шаҳри таниқли уламо Шокирхўж.

хожи (Шокирхон Тўра) хонадонидида туғилган. Отаси Шокирхон Тўра аслида Андижондан бўлган ва накш-бандийлик тариқатининг вакили эди. Оилавий шажара бўйича у 23-бўғинда Саййид Бурхониддин Қиличга, ундан бўлса 16-бўғинда пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)га бориб тақалади.

Олимхонтўра ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган бой маданияти анъаналари асосида тарбия-

<sup>361</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биригичи китоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. –Б.468.

ланган. Тўқмоқ ва Боласоғунда яшаган. У Маккада ва Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. Таҳсилдан Тўқмоқ шаҳрига қайтиб, отаси қурдирган масжидда имомлик қилган. Бу орада у Боласоғундан ташқари уйгурлар ва кўчманчи қирғизлар орасида ҳам катта ҳурматга сазовор бўлган.

1917 йил ноябрда эълон қилинган Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолиятида қатнашган. Туркистон Миллий Мажлиси аъзоси. Мухторият ҳукумати ағдарилгач, Қўқондан чиқиб кетди ва чорвадорлар орасида яшайди.

Алихонтўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси” хотиралар китобида ёзилишича, Қўқон фожияларидан 2-3 йил кейин у акаси Олимхонтўра тақдирин билан қизиқиб, Кошғар сафаридан сўнг ўз яшаш жойи – Боласоғун ва Тўқмоқдан Қўқон ва Андижонга келади. Андижондаги Хўтанариқ бўйидаги ота маҳалласида яшовчи поччаси Абдуллахожи уйида Алихонтўра ўз акаси Олимхонтўра билан дийдор кўришади<sup>362</sup>.

Олимхонтўра совет давлати томонидан динга қарши кураш даврида бир неча марта қамоққа олиниб, Андижон ва Фрунзе шаҳарларида турмада ётади. Қамоқдан чиққач, унга масжид имомин бўлишга рухсат берилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати бошқармаси (САДУМ) 1943 йил октябрда Тошкентда ташкил этилганда, диний назоратнинг 11 кишидан иборат ҳайъати аъзоси ҳамда Қирғизистон қозисини қилиб сайланган. Умрининг охиригача шу вазифада хизмат қилган. Машҳур уламо Эшон Бобоҳон ҳазратлари билан яқин муносабатда бўлган<sup>363</sup>.

<sup>362</sup> *Алихонтўра Соғуний*. Туркистон қайғуси. Биринчи китоб. Кириш сўзи муаллифи ва муҳаррири: Увайсхонтўра Шокиров. –Тошкент: “Шарк”, 2013. –Б 66-80.

<sup>363</sup> *Ўлдошқўжаев А., Қаюмова И.* Ўзбекистон уламолари. –Тошкент: “Movaqoimnahr”, 2015. –Б 96-98.

Олимхонтўра Шокирхонтўра ўғли 84 ёшда 1966 йил 23 сентябрда Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрида вафот этган.

“Мифтаҳун наҳв” (“Наҳв калити”) асари чоп этилган (1915).

### 31. Собиржон Юсунов

*Собиржон Муҳамедович Юсунов* (1881-1931) – Бухоро ва Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан бири, сиёсат ва давлат арбоби. Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Бухорода ўзбек ишчиси оиласида 1881 йилда туғилган. У 9 ёшидан бошлаб пахта тозалаш заводидида ишлаган. Болалиги татарлар орасида ўтган. Тошкентдаги хунармандчилик билим юртида 1907-1910 йилларда ўқиб, механик ихтисослигини эгаллаган.

С.Юсунов Тошкентда яшаган пайтда Россиядаги социал-демократик ҳаракатга келиб қўшилган. Россия империясининг Туркистондаги оҳранкаси таъкибидан қочиб, 1911 йилда Бухорога қайтган. Бухоро амирлигига қарши курашган.

Февраль инқилоби пайтида Тошкентда фаолият кўрсатган. 1917 йил 18-26 октябрда Тошкентда ўтказилган мусулмон ҳарбийлари съездида катнашиб, Марказий Ҳарбий Шўро аъзоси бўлди.

Қўконда ўтган Бутунтуркистон мусулмонлари фавкуллода IV курултойида Туркистон Миллий Мажлиси таркибига кирган. 1918 йил бошларида у большевиклар партияси аъзоси бўлган. Тошкентда 1918 йил 20 апрель – 1 майда бўлган Туркистон ишчи, солдат, крестьян, мусулмон ва дехқон депутатларининг V ўлка съездида 36 кишидан иборат совет ҳокимиятининг дастлабки қонун чиқарувчи органи – Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси таркибига С.Жўрабоев, Ш.Остон-



боев, С.Азимбоев қаторида С.Юсупов ҳам маҳаллий аҳолидан дастлабки вакиллар бўлиб киришди<sup>364</sup>.

1918 йил ёзида Москвага бориб, Бутунроссия Советлари V съезди ишида қатнашган, большевиклар партияси ва совет давлатининг раҳбарлари В.И.Ленин ва Я.М.Свердлов билан учрашган. Туркистон АССРнинг РСФСРдаги фавқулодда вакили (1918-1919). Бутунроссия МИК ва Туркистон АССР МИК аъзоси. Жануби-Шарқий fronti Спёсий бошқармаси бошлигининг ўринбосари (1919). Туркистон комиссиясида ишлаган. Самарқанд ва Еттисув вилоятларида Алоҳида Фавқулодда комиссия раиси ва ревком раиси лавозимларида ишлаб, совет ҳокимияти гоёларини амалга оширган<sup>365</sup>.

Қизил армия таркибида 1920 йил август-сентябрда Бухоро амирлигини тугатиш ва пойтахт Бухоро шаҳрини босиб олишда фаол қатнашган. Файзулла Хўжаевнинг ёзишича, у Бухоро Марказий Ревкоми аъзоси бўлган<sup>366</sup>. БХСР ташкил қилинган, С.Юсупов 1920-1924 йилларда Бутунбухоро Фавқулодда комиссияси раиси, БХСР ҳарбий ишлар нозир, Шаҳрисабз милициясида алоҳида отряд (ЧОН) командири, БХСР милицияси Бош бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди. 1924 йил охирида у Москвага чақириб олинди. Сўнгра Тошкентга қайтиб, 1925-1926 йилларда “Қизил Шарқ” тўқимачилик фабрикаси директори бўлди.

Собиржон Юсупов 1931 йил 12 майда Тошкент шаҳрида 50 ёшида вафот этган.

Тарихчи А.Акрамов “Собиржон Юсупов” (Тошкент, 1964) тарихий рисоласини ёзган.

<sup>364</sup> Ражабов К., Дайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 й.). –Б.48.

<sup>365</sup> Революцией призванные. Биографические очерки. –Ташкент: «Ўзбекистан», 1987. –С.142-146.

<sup>366</sup> Файзулла Хўжаев. Бухоро инквизициянинг тарихига материаллар. –Тошкент: “Фан”. 1997. –Б.173.

**32. Одилжон Умаров**

Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси.

Одилжон Умаров хақида маълумотлар сақланиб  
қолмаган.

## ХУЛОСА

Минтақадаги илк демократча ҳукумат бўлган Туркистон Мухторияти ўзининг қисқа, бироқ ёрқин фаолияти билан тарихимизда ўчмас из қолдирди, дея оламиз ва аслида ҳам шундайдир. Орадан 100 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан Туркистон мунавварларининг мухторият учун кураши бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этиб, ҳозирги авлод ундан муҳим тарихий сабоқлар чиқариши лозим. Ушбу сатрлар муаллифи ўзининг 35 йиллик илмий изланишлари натижасида қуйидаги айрим хулосаларга келди:

**Биринчидан,** 1917 – 1918 йиллардаги мураккаб сиёсий вазиятларни инобатга олган Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарлари минтақада мустақил давлат тузиш учун эмас, балки демократик Россия Федерацияси таркибиде Туркистон ўлкаси халқларининг мухторияти учун курашдилар. Асосан Россия марказида олий таълим олган (вазирларнинг кўпчилиги ҳуқуқшунос эди), ёшлигидан рус маданияти таъсирида дунёқараши шаклланган, аксарият ҳолларда ўз оилавий ҳаётини ҳам славянлар ёки бошқа европалик аёллар билан боғлаган, мусулмон бўлишига қарамасдан, шарият ва ислом дини арконларига унчалик амал қилмайдиган мухторият ҳукумати вазирлари Туркистон келажagini Россия давлатисиз тасаввур қила олмас эдилар. Мухториятчиларнинг кўпчилиги аслида жадидлар эмас, балки демократлар эди. Улар Россиядаги социал-демократча ҳаракат таъсири остида бўлганлар. Бу – тарихнинг аччиқ ҳақиқати. Бу ҳақда Бош вазир Мустафо Чўқай кейинчалик ёзган хотираларида тўхталиб ўзлари йўл қўйган хатоларни афсусланиб ёдга олади.

Шунинг учун ҳам, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг таникли намояндalarидан бўлган, ёшлигидан ислом дини ва Шарқ маданияти таъсирида тарбияланган ҳамда мадраса таълимини олган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат ва Мунавварқори Абдурашидхонов каби тараққийпарварлар мухторият ҳукумати таркибига киритилмаганлар. Хатто Мунавварқори Абдурашидхонов мухторият ҳукуматини фаол қўллаб-қувватласа-да, унинг ишида қатнашган эмас. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Туркистон Миллий Мажлиси таркибига киритилгани шунчаки бўлиб, аслида у ҳам ҳукумат фаолиятида мутлақо иштирок этмаган. Мазкур ҳаракатни қўллаб-қувватлаган Садриддин Айний, Ҳамза, Чўлпон сингари жадид шоирлари ҳам ҳукумат ёки парламент таркибига йўқ эдилар!

**Иккинчидан,** ҳукумат таркибидаги этник вазият ва айрим вазирларнинг жамиятдаги ижтимоий аҳволи Туркистондаги туб халқлар манфаатига мос келадиган тўғри қарорларни ўз вақтида қабул қилиш ва амалга оширишга халақит берган. Маълумки, мухторият вазирларининг бештаси ўзбеклар, учтаси қозок, тўрттаси бухоро яҳудийлари, бир-иккитаси татарлардан иборат бўлганлар. Қозок бовурларимизга бўлган чуқур ҳурматимизни сақлаган ҳолда шунга айтиш керакки, ўша пайтда ўзбекларга нисбатан қозоклар кўпроқ руслашган, уларга рус маданияти ва турмуш тарзи чуқурроқ таъсир қилган, қардош қозокларнинг кўпчилиги мусулмончилик қондаларидан кўра бошқа тутумларга амал қилган. Хатто уларнинг орасида даҳрийлар ҳам бор эди. Бухоро яҳудийлари тўғрисида тўхталиб ўтирмаса ҳам бўлади. Татарлар эса асрлар давомида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати натижасида дини, тили ва тарихий қадриятларидан мосуво қилинган, руслар томонидан эзилган

ва таҳқирланган бир халқ эди. Шунинг учун, бу пайтда татарларнинг кўпчилиги тирик қолиш учун рус маданияти ва православликни қабул қилган эдилар.

Тошкентлик ўзбек Убайдулла Хўжаев (у ҳам Саратовда ўқиб, ҳуқуқшунос бўлган) номзоди Бош вазирликка тавсия қилинганда, унга қурултойда қатнашаётган қозоқ вакиллари қарши чиққанлар. Шу пайтда ўзбеклар тангилик ва бағрикенглик қилиб, қозоқ Муҳаммаджон Тинишбоев номзодини Бош вазирлик, татар-бошқирд Ислон Султон Шоҳмедовни Бош вазир ўринбосари лавозимларига сайлашга розилик берганлар. Ҳолбуки, уларнинг иккови ҳам Туркистон ўлкасидаги ҳақиқий аҳволни яхши билмас, ўлка туб халқлари, хусусан, ўзбеклар манфаати учун империя даврида деярли ҳеч нарса қилмаган, бир сўз билан айтганда, Туркистон мустақиллиги учун курашдан кўра демократик Россияга кўпроқ хайрихоҳ заиф сиёсатчилар эдилар.

Учинчидан, Туркистон Мухторияти ҳукуматини асосан минтақанинг энг кўпчилик аҳолиси бўлган ўзбеклар кўллаб-қувватлаганлар. Ҳолбуки ҳукумат бошчилари қозоқлар эдилар. Туркистон жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган тараққийпарварларнинг аксарияти ҳам ўзбеклар бўлганлар (кейинчалик Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатида ҳам ўзбеклар асосий ҳарбий куч ўлароқ тарих майдонига чиққанлар ҳамда минтақа халқларининг мустақиллик учун кураши тарихига шонли саҳифаларни битганлар). Ўзбекларнинг кўпчилиги азалдан ўтроқ яшаб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланганлар. Қозоқлар ва кирғизлар, шунингдек, қорақалпоқлар эса кўпроқ чорвадор бўлиб, улар катта ҳудудларда кўчиб юрганлар. Туркманлар ярим ўтроқ, ярим чорвадор ҳолатда яшаганлар. Тожиклар ҳам шундай бўлган.

Минтақада ўзбеклардан кейин сон жиҳатдан иккинчи ўринда турган козоклар (XX аср биринчи чорагида ҳам улар ўзларини киргизлар деб атардилар; киргизлар эса бу пайтда қоракиргизлар деб номланганлар) туркий халқлар тақдирини ҳал қилинаётган мураккаб даврда ўзларини ўзбекларга нисбатан русларга яқинроқ олганлар. Ҳатто Мустафо Чўқай Оренбургда ўтаётган Алаш партиясининг киргиз-козок қурултойига мурожаат қилиб, ўз қавмдошларини Туркистон Мухторияти таркибига қўшилишга даъват этганда, улар бунга рад жавобини берганлар. Маҳмудхўжа Бехбудий бу пайтда эълон қилган “Қозоқ қариндошларимизга очик хат” мақоласида козок бовурларимизни бирлашишга чақиради. Бироқ улар на Мустафо Чўқай, на Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бундай даъватларига амал қилганлар. Шунинг учун ҳам, Мустафо Чўқай Қўқон фожиаларидан кейин алашўрдачилар ҳукуматининг ҳам ташқи ишлар вазирини бўлишига қарамасдан, улар билан алоқани узиб, Туркистондан чиқиб кетади. Алаш Ўрда ҳукумати эса кейин чалик большевиклар билан ҳамкорлик қила бошлайди.

Тўртинчидан, Туркистон Мухторияти ҳукумати икки ярим ой ҳам давом этмаган жуда қисқа фаолияти мобайнида мўлжалланган ишларни амалга ошира олмади. Мухторият ҳукумати давлат сифатида шаклланмади. Бироқ у ҳақиқатан ҳам миллий давлатчилик тарихимизда бир нодир тажриба бўлиб қолди. Мухторият ҳукуматидан мустақил миллий давлатга ўтиш жараёни учун большевиклар вақт ҳам, фурсат ҳам бермаганлар. Туркистон Мухторияти Конституцияси лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлса ҳам, уни қабул қилишга фурсат етмаган. Мухторият ҳукуматининг байроғи ҳам қабул қилинмаган, ақчаси ҳам зарб этилган эмас. Миллий давлатчиликнинг бошқа рамзларини қабул қилишга ҳам улгурилмаган. Таъсис Мажлиси ҳам чақирилмаган.

Большевиклар 1918 йил январ ойининг илк кунларида Петроград шаҳрида Таъсис Мажлиси курултойига катнашиш учун келган вакилларни таркатиб юборганлар, норозилик билдирганлар эса қамокқа олиниб, отиб ташланган эдилар. Айнан Таъсис Мажлисининг Туркистонда ўтадиган бўлгуси курултойида минтака халқларининг келгуси тақдирини ҳал қилиниши, ўлканинг мухторият мақоми сақлаб қолиниши ёки ўзгартирилиши, Туркистонда миллий давлатчилик тўлиқ шаклланиши лозим эди. Туркистондагина эмас, балки Россия империясининг бутун собиқ ҳудудида большевиклардан алоҳида мустақил тарзда ташкил қилинган илк ҳукумат айнан улар Қўқонга юборган ҳарбий кучлар – кизил аскарлар ва дашноқлар томонидан 1918 йил 19 – 22 февралда қонга ботирилади. Қўқон шаҳрида ва унинг атрофларида мухториятчилар ҳамда улар билан биргалликда ўн минглаб тинч аҳоли вакиллари ҳам ўлдириладилар.

